



# ИСҲОҚХОН ИБРАТ

ЯРАТГАН БОҒ



Наманган давлат университети

Ўзбекистон Миллий Тикланиш демократик партияси  
Наманган вилоят кенгаши

«Тамаддун-21» илмий-ижодий  
жамоат бирлашмаси



# ИСҲОҚХОН ИБРАТ ЯРАТГАН БОҒ

Рисола, мақолалар, хотиралар.  
Ибрат асарларидан намуналар

«НАМАНГАН» нашриёти – 2018

**УДК: 821-512-133-9**

**КБК: 84(5Ўзб)7**

**М- 15**

**Исҳоқхон Ибрат яратган бот. Рисолалар, мақолалар,  
хотиралар. Ибрат асарларидан намуналар.**

**ISBN: 978-9943-5248-1-1**

**Тузувчи ва бош мақола муаллифи:** **Лутфулло Махмуд  
Масъул мухаррирлар:** **Хомиджон Хомидий,**  
филология фанлари доктори, профессор  
**Зохидахон Кенжасева,**  
Ўзбекистон Журналистлари ижодий  
уюпмаси аъзоси

**Нашр учун масъуллар:**

**Алижон Турдалиев,**  
педагогика фанлари номзоди, доцент  
**Тохиржон Қозоков,**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
**Комилжон Абдуллаев,**  
педагогика фанлари номзоди, доцент  
**Мўминжон Сулаймонов,**  
физиология фанлари номзоди, доцент  
**Ғолибжон Нишонов**

**Тақризчилар:**

**Муқова муаллифи:**

**Фотосуратлар муаллифи:** Ҳ.Мамадалиев ва И.Турдалиев

*Китоб Наманган Давлат университети илмий-техник кенгашининг  
2018 йил 11 август кунги ўтиғлишида муҳокама қилинди ва нацира  
тавсия этилди. (Баённома № 8)*



*Китоб ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридағы  
ННТ ва фуқаролик жаһиятигининг бошқа институтларини қўллаб-  
кувватлани жамоат фонди томонидан Тўракўргон тумани «Давр»  
газетаси таҳририятигининг «Исҳоқхон Ибрат- авлодларга ибрат»  
номли грант лойиҳасига ажратилган маблаг ҳисобига нашир этилди.*

*«Наманган қадимдан кўп-кўп истеъдод эгаларининг парвозига қанот берган илоҳий бир макондир. Бу кўхна юртда тугилиб ижод қилган Махдуми Аъзам Косоний, Бобораҳим Машраб, Фазлий, Нодим Намангоний, Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммадшариф Сўғизода сингари шоир ва маърифатпарварларнинг номларини халқимиз ҳурмат билан тилга олади».*

**Ш.М.МИРЗИЁЕВ**



### ***Исҳоқхон Ибрат ҳазратларининг хотираси ёд этилган кунлар.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йилнинг 2-3 май кунлари Наманган вилоятига ташрифи доирасида Тўракўргон туманидаги Исҳоқхон Ибрат меъмориал мажмуасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

# Исҳоқхон ИБРАТ

(1862–1937)

*Исҳоқхон Жунайдулла тўра ўғли Ибрат тараққийпарвар, мунаввар фикрли зиёли, атоқли маърифатпарвар шоир, жонкуяр муаллим, етук тилишунос ва тарихшунос олим, ўзбек мактбаачилигининг асосчиларидан бири, пошир, публицист – кўп қиррали фаолият эгасидир. Ўзбек адабиёти ва маданияти тарихида Ибрат миллий уйгониши даврининг комил арбоби сифатида муҳим ўрин тутади.*

*Исҳоқхон Ибрат 1862 (ҳижрий 1279) йилда Тұракүргонда туғилган. Отаси Жунайдулла тўра Суннатулла тўра ўғли билимли киши ва соҳибкор бөгбон эди. Ходим тахаллуси билан шеърлар ёзарди. Онаси Ҳурибеби замонасининг ўқимишили аёлларидан эди. У қишлоқ қизларини ўқитарди. Шоира эди. Бобоси ҳам шоир бўлиб, Афсус тахаллуси билан элга танилганди.*

*Дастлабки маълумотни Исҳоқхон онаси Ҳурибебидан олади. 1978-1886 йилларда Қўқондаги Муҳаммад Сиддиқ Тунқатор мадрасасида таҳсил қўради. Бу ерда араб, форс тилларини ўрганади. Тарих, тилишунослик каби фанлар билан жиiddий шугуллана боради. Ўсмирлик чоғлариданоқ у ҳусниҳат ва ҳусни нақшини эгаллашга жуда қизиқади. «13-14 ёшимда,— деб ёзади «Жомеъ ул-хутум» асарида, — мактаби адабда мимориса иштиёқида эдим. Китобим саҳифасидаги ҳусниҳат ва ҳусни нақши фикрлари кунхиёт ва таълимлари иштиёқ қалбимда муштағил бўлиб, ҳар хутутлар кўрсан, ваъз ва таълимларини билмагунча кўнглим соқит ўлмади».*

*1887 йилда Ибрат узоқ чет эл саёҳатига отланади. Туркия, Эрон, Миср ва Арабистонга боради. Ҳажж ибодатини бажаради. Бирга олиб борган онаси Жидда шаҳрида вафот этади. Дағндан кейин Ибрат Оврупо мамлакатларига йўл олади. Булғория, Греция, Италияда бўлади. Сўнгра Ҳиндистонга ўтиб, Бомбай ва Калькутта шаҳарларида истикомат қиласиди. Мусоғирчиликда тирикчилик ўтказишда унга ёшлиқда ўрганган ҳусниҳат ва наққошлиқ санъатлари кор келади. Мазкур мамлакатларда юрган пайтларида у араб ва форс тилларидан олган билимини*

*мукаммаллаштиради. Инглиз, ҳинд ва урду тилларини ўрганади. У рус тилини ҳам пухта биларди. Санкт- Петербург, Москва каби шаҳарларга бир неча марта борган эди.*

*Афғонистонда бўлгач, Ибрат Қашгарга ўтади. 1895 йилда Тўракўргонга қайтиб келади.*

*Чет элларга саёҳати давомида Ибрат ўша мамлакатлар ҳаёти, маданий, илмий ва техникавий янгиликлари билан қизиқади. «Ҳар бир ажнабий ва аҳли фазл кишини кўрсам, кайфият ва таълимот маолларини андин сўрдим», – дейди у. Мана шу янгиликлар, маданият ва илм-фан ютуқларидан ўз халқи ҳам баҳраманд бўлишини истайди. Буларни юртига олиб киришига, жорий этишига ҳаракат қиласди.*

*Ибрат 1907 йилда Тўракўргонда янги шароит ва янги услугбда иш олиб борадиган мактаб ташкил қиласди. Мактаб учун у ўз уйидан ёруғ, деразали хонани ажратади. Синф хонасини янги ўқув қуроллари: парта, стол, стул, хаттахталар билан жиҳозлайди. Ўқиши-ўқитиши ишларини ўзи тузган янгича дастурга мувофиқ олиб боради. Ўқув дастурига дунёвий илмларни, бошқа тилларни ўрганишини киритади. Мактабга керакли дарсликларни ўзи яратади. Чунончи, у «Санъати Ибрат қалами Мирражаб Бандий»(1908) китобини савод чиқаршига ва ҳусниҳат намуналарини ўрганишига багишлаганди. Мактаб ҳаражатлари учун, болаларни ўқитиши учун у ота-оналардан ҳеч қандай ҳақ олмайди, ўз моддий имкониятларидан фойдаланади. Юрак амри, қалб кўри билан хизмат қиласди. Булар ҳаммаси миллатпарвар зиёлининг ўз миллати тақдирини ўйлаб, ватан келажагини кўзлаб кўрсатган жонкуярлиги, фидойилиги эди.*

*Жадидчилик – миллатпарварлик ҳаракати фаолларидан бўлган Ибрат миллат истиқболини, ривожини илмли, маърифатли кишиларнинг кўпайишида деб биларди. Шу боисдан у таълим усули яроқсиз бўлган эски мактабларни тугатиши, улар ўрнида давр талабларига жавоб бера оладиган, замонавий илмларни ўргатувчи «усули савтия» мактабларини очиши кераклигини таъкидлади. «Агар виждон, инсоф ила муҳокама қилсан, таваққуфсиз ва тарааддуудсиз эски мактабларимиз асосларидан йиқиб, жойларига тартиб ва интизом билан янги усул домлаларининг ҳимоясида бўлган мактаблар ваъз этмак лозимдур», – деб ёзади у «Туркистон вилоятининг газети»да. Бунга қарши бўлган кишилар билан газета орқали ошкора ва далил мунозарага киришиади. Ибрат*

уқтирадики, «Мактаб бўлмаса, бу оламда маданият жорий бўлмайди... Дунё иши учун илм керак, илм!»

У Тўракўргонга ажнабий ўлкаларда яратилган фан-техника янгиликларидан олиб келади. Граммофон, мусиқа жавони, киноаппарат, фотоаппарат келтиради. Ўз уйида кинофильмлар кўрсатишни ташкил қиласди, суратхона очади.

Туркистонда матбаачилик ишига асос солғанларнинг биринчам Ибратдир. У Оренбургдан тошибосма анжомлари сотиб олиб, уларни кўп машаққатлар билан Кўқонгача поездда, Кўқондан Тўракўргонга туяларда келтиради. Литография 1908 йилда «Матбааи Исҳоқия» номи билан ишига туширилади.

Босмахона маданий ўчок сифатида халқка билим тарқатишда муҳим рол ўйнади, шоир қалбидаги «Мақсад бу ишдин эрди оламга илм қасри» деган ниятини амалга ошира борди. Матбаага ишланган рамзий белги ҳам шумарифатпарварлик мақсадини ифода қиласди: унга нур таратаётган қуёши тасвири туширилиб, ўртасига «илм» сўзи ёзилганди. Демак, Ибрат халқни илм қуёши нуридан баҳраманд қилимоқчи бўлган. Бу рамзий белги мазкур матбаада нашр қилинган деярли ҳамма китобларда бор.

1926 йилда Ибрат Ўзбекистон маориф ва маданият ходимларининг Самарқандда бўлиб ўтган Биринчи қурултойида иштирок этади. Турли соҳалардаги фаолиятини Ибрат адабий ижод билан қўшиб олиб борди. Амалий ишлари билан, ижоди билан шўро ҳокимияти даврида ноҳақликларни авж олдирган тузум уни қадрламади. Кўпгина оқил ва фозил кишилар қатори у ҳам 1937 йилда 75 ёшида ҳибсга олинди ва икки ой ўтгач Андижон қамоқхонасида оламдан кўз юмди

Алихон Халилбеков

# **ИСХОҚХОН ТЎРА ИБРАТГА МУНОСИБ БЎЛАЙЛИК**

**Вилоят хокими, Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси Сенати аъзоси Хайрулло Ҳайитбоевич  
Бозоровнинг вилоятимиз ахлига  
МУРОЖААТИ**

## **Қадрли ҳамюртлар!**

Мамлакатимизда янгича юксалишлар даври бошланди. Бу янгиланишлар ҳар биримиздан фидойилик ва ғайрат шижаат намунасини кўрсатишликни талаб этаётганини барчамиз бирдек англаб, хис этиб турибмиз

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Наманганда бўлиб ўтган сайловолди учрашуvida сўзлаган нутқида ҳамюртимиз – миллий уйғониш даври тонгининг ёркин юлдузларидан бири Исҳоқхон Тўра Ибратнинг ҳаёти ва фаолиятига батафсил тўхталиб, ҳалқимиз дилидаги ноёб фикрларни билдиргандилар: «Бу улуғ маърифатпарвар инсон қўплаб илмий, педагогик ҳамда бадиий асарлар яратган Ўз қишлоғида янги мактаб ва кутубхона очган, аҳоли учун зарур замонавий боғ барпо қилган. Ҳозиргача ғоят ноёб ҳисобланадиган олти тилли лугат яратиб, ўз босмахонасида чоп эттирган».

Давлатимиз раҳбарининг улуғ юртдошимизга берган юксак баҳолари ҳар бир наманганликнинг юрагида фахру ифтихор туйғуларини уйғотди. Ва шунингдек: «Менингча, Тўракўргонда у кишига замонавий боғ яратиб, ёдгорлик мажмуасини ташкил қилсан, буюк бобомиз олдидаги қарзимизни узган бўламиз, десам Сизлар нима дейсизлар ?» деб ҳаммамизни хайрли ва ўта савобли ишга қилган даъватлари мангуликка дахлдордир.

Президентимизнинг шу йил 7-8 июль кунлари вилоятимизга ташриф буориб, ҳалқ хўжалигининг барча соҳаларини таркибий ривожлантириш, янги-янги корхоналарни ишга тушириш билан бир қаторда, вилоятимиздаги маънавий муҳит, ёш авлод таълим-тарбияси, оиласарда фарзанд тарбияси масалаларига алоҳида эътибор қаратганликларидан хабардорсизлар. Кутлуг ташриф давомида Давлатимиз раҳбари хусусан кўп қиррали фаолият соҳиби - Исҳоқхон тўра Ибрат меросини абадийлаштириш, унинг

ҳаёт ва ижод йўлини ёш авлодга янада яхшироқ танитиш максадида Тўракўрғон тумани марказида ташкил этилаётган мажмуя ва хорижий тилларга ихтисослашган марказ қурилишида ҳам бўлдилар.

Республикамиздаги чет тилларга ихтисослашгап шуфузли олий таълим муассасаларининг етук профессор-ўқитувчиларини кенг жалб этган холда, вилоят ёшларининг хорижий тилларни ўрганишга бўлган иштиёқини ошириш ҳамда бу эҳтиёжларни қондириш учун барпо этилаётган мажмуадаги ишлар жараёни ва кўзланган мақсадларимиз моҳияти ҳар биримизнинг зътиборимизда бўлиши зарур.

### **Азиз ёшлар!**

Исҳоқхон тўра Ибрат XX аср бошларида Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндадаридан бири сифатида подир адабий мероси, кенг қамровли илмий фаолияти билан миллӣ уйғониш даври ўзбек адабиёти ҳамда ижтимоий ҳаёт ривожида алоҳида аҳамият касб этади. Адибдан бизга катта адабий ва илмий мерос қолган. Унинг қаламига мансуб «Луғати сittа ал-сина» («Олти тилли луғат», 1901), «Санъати Ибрат қалами Мирражаб Бандий» (1908), «Илми Ибрат» биринчи шеърий тўплами (1909), «Жомеъул-хутут» («Ёзувлар мажмуаси», 1912), «Тарихи маданият» (1915), «Мезонул-замон» (1916), «Тарихи Фарғона» (1916) сингари катта адабий, маърифий, илмий, тарихий асарлари бебаҳо маънавий ҳазинамиз, десак тўғри бўлади.

Айнан биз наманганликларнинг фахр-ифтихоримизга айланган Ибрат домла ўтган асрнинг ўнинчи йилларида сизу бизга шундай чақириқ билан илм-фан сирларини пухта эгаллашга чорлагандилар:

**Ўқингиз илми ҳикмат сизга бу иш катта ибратдур,  
Агар илм ўрганурсиз, барча ишда сизга нусратдур.  
Агар илм ўлмаса, нодои умри барча кулфатдур,  
Бу ашёйи жадиди мубаддали асли ҳикматдур...**

Маърифатпарвар Ибрат ўз ҳовлисида қишлоқнинг камбағал болалари учун белуп янги «усули савтия» мактабини очган, ўз хисобидан ўқув қуроллари олиб келиб, ўқитиш ишларини ҳафталик дарс жадвали тартибида олиб борган. Шунингдек, Фарғона водийсида биринчилардан бўлиб босмахона ташкил қилган ва уни «Матбааи Исҳоқия» номи билан ишга туширган. Босмахонада турли

китоблар, савод чикаришга оид рисолалар, дарсликлар ва бошқа кўлланмалар мунтазам нашр этиб турилган. Ибратнинг хуснихатга, хат-савод чиқаришга багишланган «Санъати Ибрат» рисоласи, «Илми Ибрат» номли шеърлар тўплами, ёзувлар тарихига багишланган «Жомеъ ул-хутут» каби маърифатпарварлик руҳи билан суғорилган рисола ва китоблари ҳам ўзи ташкил қилган нашриётда чоп этилган.

Ибрат маънавий бойликни барча нарсадан устун қўювчи маърифатпарвар сифатида ўзи еттига тилни билгани ҳолда ёшларни доимо билим олиш билан бирга, тил ўрганишга чақирган.

Маънавий хаётини, борлигини, ақл-идроқини ўз халқи истиқболига багишлаган шоир номини абадийлаштириш мақсадида вилоят босмахонаси, Наманган ва Тонкент шаҳридаги қўчалардан бирига Ибрат номи берилган. Бугунги кунда Тўракўрғондаги Ибрат уй-музейи қайта таъмирланмоқда. Ватанпарвар, маърифатпарвар, фидойи ҳамюртимиз Исҳоқхон Ибратнинг ҳаёти Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, биз ёшларга ибрат ва намуна бўлади.

### **Азиз устозлар!**

Исҳоқхон тўра Ибратнинг келажакка комил ишонч, миллат руҳиятига кўтаринкилиқ баҳш этувчи ғоялари ҳозирги кунда ҳам ўз амалий аҳамиятини йўқотмаган. Ибрат бобомиз оламда юз бераеттган интеграция жараёнини тубдан англаб, миллат бу ўзгаришларга тайёр турмаса, илм, хорижий тил ва техникани ўрганмаса дунё сахнасида ўз ўрнини йўқотиб қўйиши мумкинлигини кўра билган.

Ибрат орзу қилган интилувчан, ҳар соҳада билимдон, фидойи ёшлар бугунги кунда ҳам юртимизнинг порлок келажагини барло қилиш йўлида сабот билан меҳнат ва ижод қilmokдалар. Ҳукуматимизнинг хорижий тиллар, ахборот технологияларини ўзлаштириш борасида килаётган сайд-харакатлари айнан Ибрат, Фитрат, Чўлпонлар орзу қилган кунларга келганимизни, Ватаннинг буюк истиқболи учун ҳозирдан тамал тоши қўйилаётгани, айниқса, бу ислохотлар кенг кўламда олиб борилаётганининг яққол мисолидир.

Агар бу борада Сизлар даъваткорликни кучайтирсангиз, билим ва маҳоратингизни ёшларимизга бажонудил улашсангиз натижа биз кутганимиздан ҳам зиёда бўлмоғи шубҳасиз.

## **Хурматли ота-оналар!**

Тарих сабоқлари инсоннинг иродасини мустаҳкамлайди, ҳушёрликка чақиради. Мустақиллигимизнинг ҳозиргача бўлган даврида тарихимиз турли кора бўёклардан тозаланди, авлодлар ўз тарихларини бировлар китобидан эмас, ўз ота-боболарининг меросларидан ўрганмоқдалар. Эндиғи мақсадимиз тарихий воқеалардан тўғри хулоса чиқариш, тарақийпарвар ғояларидан фойдаланиб, ўзимизга хос ва мос йўлимизни белгилаб олишдир.

Биз-ота оналар бор дикқат-эътиборимизни давлатимиз раҳбарининг ташаббусларини қўллаб-кувватлаган ҳолда, Исҳоқхон тўра Ибрат ғояларини амалга ошириш, бугунги тез ўзгарувчан замонда давр талабларига жавоб берувчи, ҳар томонлама баркамол, билимдон авлодлар бўлиб етишишингизга каратамиз. Жумладан, глобал шароитда юз бераётган ўзгаришларга теран кўз ва соғлом акл билан ёндошиш, бир неча хорижий тилларни мукаммал ўрганиш, техника ва турли технологияларни пухта ўзлаштириш, ўзбек илм-фанини жаҳон саҳналарида худли спорт соҳасидаги каби олдинги ўринларга олиб чикишингиз учун бор имкониятларимизни ишга солайлик. Бунинг учун оила аъзоларимиз билан жам бўлган лаҳзаларимизда Ибрат каби жонфидо алломалар хақида, уларнинг бой мерослари хусусида фикр юритиб, чукур ўрганишга, пухта ўзлаштиришга ташаббус қиласайлик.

## **Мухтарам хожи ота - ҳожи оналар, қадрли нуронийларимиз!**

Наманганимиз жуда кўп серкирра истеъод соҳибларига, буюк алломаларга Ватан бўлган замин. Бу кўхна юртда Маҳдуми Аъзам Косоний, Бобораҳим Машраб, Фазлий, Нодим Намангоний, Муҳаммадшариф Сўфизода сингари шоир ва маърифатпарварлар туғилиб, ижод килган. Ана шундай аллома, фозил ижодкорлардан бири Исҳоқхон Тўра Ибратdir. Тўрақўрғонда туғилиб ўсиб, араб, форс, рус, хинд, урду, инглиз, француз тилларини яхши билган, дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлиб, Шарқ ва Европа илм-фани, маданияти ва санъати билан яқиндан танишган, юртимизга илғор маданият ва техника янгиликларини олиб келган ва амалиётга жорий қилган Ибрат домладан ибрат олишимиз ҳам миллатга садоқатимиздир.

Президентимиз вилоятимизга ташрифлари чоғида хорижий тилларнинг аҳамияти нақадар муҳимлиги хақида гапириб, ҳар бир

ёш ўз она тилидан ташқари камида битта хорижий тилни ўрганишга харакат қиласа ҳаёти янада нурафшон бўлади, дедилар.

Кундалик оммавий ахборот воситаларидан маълумки, хорижий тилларни ўрганаётган йигит-қизлар, Ўзбекистон ёшлари жаҳон миёёсида ўтказилаётган халкаро танловлар, олимпиадалар, мусобакаларда фаол иштирок этиб, ғолиб бўлиб, мамлакатимиз байроғини баланд қўтариб, шода-шода медалларнинг совриндори бўлмоқдалар. Буларни кўриб ғурурланамиз, кувонамиз.

Юртимизнинг барча вилоятлари, шаҳарлари, туманлари ва қишлокларида хорижий мутахассислар билан биргаликда қўшма корхоналар курилмоқда. Халқ хўжалигининг бирор бир соҳасида ишлашга тараддуд кўраётган ўғил ёки қизимиз камида битта хорижий тилни ўрганиб олса фаолияти янада енгиллашади ва ишида унум бўлади. Дунёкарашлари янада тиниклашиб, мамлакатимиз тараккистига муносиб ҳисса қўшган бўлардилар. Шу боисдан, биз, ёш авлод вакилларини, буюк аллома, ҳамюртимиз Ибрат домлага муносиб ворис бўлишга, тенгдошлирига ўrnak бўлишга чақирайлик.

Ишончим комилки, барчамиз бир ёқадан бош чиқариб иш ташкил этсак, фарзандларимиз нафакат таълим-тарбияси, хулку одоби билан, балки хорижий тилларни пухта ўзлаштира олиш иқтидори билан ҳам республика ёшларига ўrnak бўлдилар, юртнинг равнакига муносиб ҳиссала қўшиб, юзимизни нурафшон килишарди.

Президентимиз бу борада намангандлик ёшларга ишонадилар. Сиз ёшларга юксак ишончни оқлашдек шарафли ишда куч-кувват, илмга, тил ўрганишга бўлган юксак иштиёқ, сабр-бардош тилайман. Яратган барчамизга оиласиб хотиржамлик ва тан сиҳатликни, фарзандлар камолини кўриб юриш саодатини насиб этсин!

# ХИЗР НАЗАР ҚИЛГАН ЙОРТ

*Гуломжон МУРОДХЎЖАЕВ,  
Тўракўргон тумани ҳокими*

Барчамизга маълумки, ҳар бир мустақил давлат ўзининг бетакрор тарихи ва маданиятига эгадир. Буларнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси эса ҳакли равишда шу мамлакат ҳалқи ҳисобланади. Ўзбекистонимизнинг кўп асрлик тарихи ва кейинги 26 йиллик ривожланиш даври бу ҳакиқатни яна бир бор исботлаб берди. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирмонович Мирзиёев раҳбарлигида давлатимизда янги замон, янги даврга асос солинди. Айни пайтда ҳаммамизнинг олдимизда ягона вазифа турибди, яъни Юртбошимиз бошлаб берган кенг кўламли сиёсий, маданий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар йўлидан оғишмай, катъий ва изчил бориши. Бу йўл - эркин, демократик, инсонпарвар давлат куриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ватанимиз иқтисодий курдатини юксалтириш, ҳар бир соҳада оламшумул натижаларга эришиб, унинг довругини дунёга таратиш ва янада равнақ топтиришдан иборат.

Биз, тўракўргонликлар Хизр назар қилган юртда яшаштаганимиздан ҳар қанча фаҳрлансак арзиди. Зоро, Тўракўргон азалдан тарихий обидалари, машхур кишилари билан довруғ қозонган. Ҳамюрларимиз Асириддин Ахсикатий, Захириддин Мухаммад Бобур, Мулла Шамс Шавқий, Ҳайрат Тўракўргоний, Исҳоқхон Ибрат сингари буюк аждодларимиз номи қалбларимизга ифтихор билан муҳрланган. Бугунги кунда дунё ахлиниң қизиқишлирига сабаб бўлаётган Ахсикент ёдгорлик мажмуаси юртимиз тарихида ҳали чуқур ўрганилмаган аждодларимиз яшаган, излари қолган ва ўша даврни ўзида ифодаловчи ашёларини сақлаган нодир ёдгорлик манбаи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорига кўра, бу очиқ осмон остидаги музей ҳалқаро туризм манзилгоҳига айлантирилишини туманимиз ахли мамнуният билан қарши олдилар. Демак, яқин йилларда Тўракўргоннинг барча ҳудуди туманга ташриф буюрувчилар учун муқаддас қадамжога айланади.

Бугун Тўракўргон дейилса, тарихчи, матбаачи, ношир, таржимон, илму фан фидоийси Исҳоқхон Ибрат номи ҳам тилга олинмоқда. Муҳтарам Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг алоҳида

эътиборлари туфайли туман марказида «Ибрат мажмуаси» бунёд этилди. Унда Исҳоқхон Ибрат номидаги боғ, атокли маърифатпарварниң ҳайкали ва музей хамда хорижий тилларга ихтинослаштирилган мактаб, босмахонадан иборат мажмуа ташкил этилди. Боғ ва мактаб алоҳида юридик шахслар сифатида, музей эса вилоят тарихи ва маданияти Давлат музейининг филиали тарикасида фаолият юритади.

Бу мақсад учун жами 15 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Асосий обьектлардан ташқари яна кўплаб ободонлаштириш ишларига кўл урилди. Биргина Косонсой сойини равонлаштириш учун 1,6 миллиард сўм ажратилган бўлса, эски Дехқон бозори ўрнида замонавий савдо мажмуасини бунёдга келтириш учун 4 миллиард сўм сарфланди, ушбу худудда яна 8 та кўп қаватли арzon уй-жойлар курилиши қад ростламоқда.

Булардан ташқари, яна кўплаб бунёдкорлик ишлари режалаштирилган. Бутун Фарғона водийсини электр энергияси билан таъминлаш мақсадидаги (ИЭС) иссиклик электр станцияси курилиши якунини халқимиз интиқлиқ билан кутмоқда. Бу ерда мингдан ортиқ иш ўринлари яратилиши, кўплаб инфратузилма шароитлари яратилиши замон талабига ҳамоҳангдир. Камхосилли, паст рентабелли пахта ва ғалла майдонлари ўрнида боғ ва токзорлар барпо этиш, бозоргир полиз маҳсулотлари, сабзавотлар экишга шароит яратиш бўйича тизимли ишлар амалга ошириляпти. Тадбиркорларимиз саъй-ҳаракати билан кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари яратилмоқда. Бир сўз билан айттандা, ҳаммамизнинг мақсадимиз битта, яъни Президентимиз айтганларидек, «**Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз!**»

Фурсатдан фойдаланиб, тўракўргоннинг асл фарзанди Исҳоқхон Ибратнинг сўнмас ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича олиб борилаётган эзгу ҳаракатларга бош кўшаётган тарихчи олимларга, изланувчиларга, барча фаолларга ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман. Бу савобли ва хайрли ишлар Ибрат бобомизнинг руҳларини шод этиб, дилларимизни нурафшон айласин.

# ИСХОҚХОН ИБРАТНИНГ ЭЗГУ ИШЛАРИ УМРБОҚИЙДИР

Абдусалом УМАРОВ,  
*техника фанлари доктори, профессор*  
Алишер ИСОҚБОЕВ,  
*тарих фанлари номзоди, доцент*

Шундай инсонлар бўладики, уларнинг эзгу ишлари тарихдан абадий ўрин топиш билан бирга асрлар давомида авлодларга зиё тарқатишида давом этаверади. Ана шундай маърифатпарвар инсонлардан бири Исҳоқхон Жунайдуллахўжа ўғли Ибрат эди. Исҳоқхон Ибрат XIX аср охири-XX аср бошларида Туркистон ўлкасида жадидчилик ҳаракатидаги фаол иштироки, жумладан, матбаачилик, янги усул мактаблари очиш, кутубхона ташкил килиш, таржимонлик, ислоҳот йўлида матбуотдаги чиқишлари билан ўлка тараққийпарварлари орасида муҳим ўринга эга бўлди. Шу билан бирга у Фарғона жадидларининг етакчиларидан бири эди.

Мана шундай улуғ маърифатпарвар инсон узоқ йиллар мобайнида гўёки, унтутилди. Унинг номини нафақат Наманганда, балки Тўракўрғонда ҳам кам доирадаги кишилар билишар эди. Кенг ахоли оммаси шундай улуғ маърифатпарвар бобомиз номини, у киши амалга оширган инқилобий ишларни билишмас эди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 2 ноябрь куни Наманган вилояти сайловчилари билан ўтказган видеоселектор тарзидаги учрашувида буюк маърифатпарвар Исҳоқхон Ибратнинг фаолиятига тўхталиб, унга илк бор юксак ва муносиб баҳо берилди. Ш.М.Мирзиёев Исҳоқхон Ибратга бўлган юксак хурмат намунаси сифатида «Тўракўрғонда у кишига атаб, замонавий боғ яратиб, ёдгорлик мажмуасини ташкил қилсақ, буюк бобомиз олдидаги қарзимизни узган бўламиз...» Бу ерда ёшларимиз учун тил ўргатиш бўйича «Ибрат мактаби»ни ташкил қилсақ айни муддао бўлур эди», деган таклиф билан чиқдилар . Бу ўз навбатида вилоят аҳли, зиёлилар, кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-куvvatланди. Ишлар жадаллик билан бошлаб юборилди.

2017 йил июль ойида Президент Ш.М.Мирзиёев Наманганга ташрифи чоғида ушбу мажмуада амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш билан бир қаторда уни мазмун жиҳатидан

такомиллаштириш, тил ўргатиш бўйича маҳсус мактабни Наманган давлат университети қошида ташкил этиш, бу ерда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти билан ҳамкорликда хорижий тилларни чукурлаштирилган тарзда ўргатиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эдилар.

Шу нуқтаи назардан, 2017 йил 5 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тўракўрғон туманида Исҳоқхон Ибрат номидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатни ташкил этиш тўғрисида»ги 698-сонли карори қабул қилинди. Мазкур қарор Исҳоқхон Ибрат номи билан аталувчи хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат фаолиятини ташкил этиш бўйича муҳим ҳужжат сифатида катта аҳамиятга эга бўлди.

2017-2018 ўкув йилидан бошлаб Исҳоқхон Ибрат номидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатга Давлат тест марказининг синовлари асосида илк ўкувчилар 7-8-9-10- синфларга жами 80 нафар ўкувчи ўқишига қабул қилинди. Ҳозирги кунда мактабга 7 та хорижий тил (корейс, япон, хитой, араб, инглиз, немис ва француз) бўйича 10 нафардан ошмайдиган кичик гурухларда тил ўргатиш ишлари бошланди.

Исҳоқхон Ибрат номидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат фаолиятини самарали ташкил этишда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Тошкент давлат шарқшунослик институти билан яқиндан ҳамкорлик ишлари йўлга кўйилди. Мактаб-интернат қошидаги тил марказида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети хузуридаги чет тилларини ўқитишининг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий марказининг романо-герман тилларини ўқитиш ва Тошкент давлат шарқшунослик институтининг шарқ тилларини ўқитиш бўйича услубий хоналари ташкил этилди. Мазкур услубий хоналар энг замонавий техник воситалар билан таъминланди ва икки олий таълим муассасасининг етакчи, малакали профессор-ўқитувчиларининг фаолият кўрсатиши йўлга кўйилди.

Мактаб-интернат ўкувчиларининг замонавий билимларни эгаллашлари учун 4 та лингофон хонаси, 7 та хорижий тилларга ўрганишга йўналтирилган услубий амалиёт хоналари энг сўнги русумдаги замонавий техник воситалар ва адабиётлар билан таъминланган ҳолда ишга туширилди. Шунингдек, ўкувчи-ёшлиарнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил максадида «Лирик лаҳзалар», «Ёш ўлкашунослар» (гид-таржимон), «Бадий таржима»,

«Нотиклик санъати ва сахна маҳорати» ва «Хаттотлик санъати» бўйича клублар ва тўгараклар фаолияти йўлга кўйилди.

Мактаб-интернатга узок ҳудудлардан келиб таҳсил олувчи ўқувчи-ёшлар учун 100 ўринли ўқувчилар турар жойи ва ошхона қуриб битказилиб, ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 2-3 май кунлари Наманган вилоятига ташрифлари чоғида Тўракўрғон туманида ташкил этилган Исҳоқхон Ибрат номидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ҳам ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилган ишлар, ўқув жараёнлари билан яқиндан танишдилар, ўқитувчи ва ўқувчилар билан сұхбатлашдилар.

Президент Ш.М.Мирзиёев Исҳоқхон Ибрат номидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатга нафакат Наманган вилояти, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан энг иктидорли ёшларни ўқишга қабул қилиш, хорижий тиллар бўйича илмий ишлар килиш тизимини йўлга кўйиш ва бу ерда тил ўргатиш методологиясини такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар ва Ибрат мактабини аъло баҳоларга тамомлаган ўтил-кизларни олий ўқув юртларига имтиҳонсиз қабул қилиш ва давлат гранти асосида ўқитиш бўйича топширик бердилар.

Мазкур ташриф чоғида Президент Ш.Мирзиёев Исҳоқхон Ибрат музейига ташриф буюриб, бу ерда ташкил этилган экспонатлар билан танишдилар.

Президент Ш.Мирзиёев Исҳоқхон Ибрат мажмуасига ташриф чоғида яна бир бор буюк маърифатпарвар бобомизни ёд этиб, «Ибрат домланинг эл-юртимиз тараққиёти йўлидаги фидокорона хизматлари нафакат ўз даврида, бугунги кунда ҳам барчамиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлиб қолмоқда», - дейа юксак баҳо бердилар.

Бундан роса 100-120 йиллар аввал Исҳоқхон Жунайдуллаҳўжа ўғли Ибратнинг юрт тараққиёти ва Ватан келажаги йўлидаги фидокорона меҳнатлари ўша даврдаги мустамлакачи хокимият (Россия империяси ва Совет давлати) маъмурлари томонидан барбод қилинди. Миллий мустақиллик шарофати ва шахсан Президент Ш.Мирзиёевнинг ташабbusлари билан Исҳоқхон Ибратнинг маърифатпарварлик йўлидаги фаолияти бугунги кунда ҳақиқий баҳосини топди. Унинг эзгу ишлари бардавом бўлиши учун барча саъй-ҳаракатлар қилинди. Зоро, ҳалқ манфаати йўлида қилинган эзгу ишлар ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмаслигини яна бир бор тарих ҳақиқати бизга исботлаб берди.

*Улуг аждодимиз Ибрат тахаллусини ўзига бежиз танламаган. Ватан ва юрт тараққиёти йўлидаги фидокорона ҳаёти нафақат ўз даврида, балки бугунги кунда ҳам барчамиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлиб қолмоқда.*

Ш.М.МИРЗИЁЕВ



Лутфулло Маҳмуд

## ИСҲОҚХОН ИБРАТ ЯРАТГАН БОҒ



Ибратли ҳаётдан кўра кучлироқ, самаралироқ ўгит йўқ, насиҳат йўқдир, дейдилар.

Улуғ юртдошимиз, маърифатпарвар олим, жонкуяр, фидойи, фаол жамоат арбоби, толмас ташкилотчи, дилбар шоир Исҳоқхон тўра Жунайдушахўжа Ибратнинг ҳаёти давомида амалга ошириб ултурган эзгу ишлари кўламига назар ташлаб, бир эмас, ўнлаб одамнинг ҳам бир умр мобайнида бунча ишни адо қила олиши кийин, деган фикрга борасан.

Холбуки, алломанинг умри ватанимиз ва ҳалкимиз тарихининг энг мураккаб, энг фожеавий, жуда оғир даврида кечди. У зот бошлаган ҳар бир режа қудрат қўлида бўлган келгиндиарнинг очик ёки пинҳона қаршилигини матонат ва событ қадамлик билан енгиз эвазига амалга ошди.

Мавлоно Исҳоқхон Ибратнинг ҳаёти барча қаршиликлардан қатъи назар, ўз ҳалкини илму маърифатга етказиш, барча соҳалар бўйича салоҳиятли, иқтидорли этиш ва шу йўсин билан миллий хуррията эриштириш йўлида қилинган фидоийларча саъй-ҳаракатнинг, жон аямай олиб борилган курашнинг юксак намунаси бўлгани билан ҳар биримиз учун ибратдир, намунадир.

Бу зот ёшлиқда ўзларига Ибрат тахаллусини олар эканлар, умрим ва амалларим ўзгалар учун ибрат бўлсин, деган ҳаёлга борган эмаслар, албатта. Исҳоқхон тўра бу тахаллусни қабул қиласр эканлар, аввал ўтган илм ва ижод акобирларининг ҳаёти ва илмий-ижодий-ижтимоий фаолиятини ўзларига ибрат, намуна билиб яшашни мурод этганилар, улуғ салафлари каби ҳар томонлама етук билимларга эга бўлишни ният қилганлар, сўнгра бу илм ва салоҳиятни ватан ва миллат тараққиётига сафарбар қилиб, умрнинг ҳар лаҳзасини бағоят зарур, бағоят мухим, бағоят савобли ва самарали амалларга сарфламоқни диллаганлар. У зот айнан ўзлари мурод этганилари каби яшай олдилар ва шу боисдан ҳам умри ва амалга оширган ишлари Сизу бизга ҳам, биздан кейин келгуси авлодларга ҳам ўrnak, мактаб бўлиб қолди.

Яна бир бор таъкидламоқ жоизки, Исҳоқхон Ибрат Парвардигор томонидан зиммага юклangan, ҳалкимиз тарихининг у кипи яшаган давр тақозо қилган бурчни зулм ва куфрнинг шиддати бениҳоя кучайган, ҳаддан зиёд беор ва бешафқат тус олган ғоят мушкул ва мураккаб, хавфли хатарли замонларда адо эта олдилар. Осон эмас эди, негаки, деганлар: илоннинг заҳри ёмон, золимнинг қаҳри ёмон. Қайд этилганидек бу сиймо ўз умрининг бир лаҳзасини

бехуда сафрлагани йўқ, ўзини, жонини аягани йўқ, акс ҳолда, бигта умр мобайнида бунча ишни амалга оширмок амри маҳол эди.

Янграб кечган умр бўлди бу! Ҳар дақиқаси, ҳар лаҳзаси ватанга, миллиатга фидойиларча хизмат билан ўтган умр. Арзигулик, қоларлик, элу юртнинг корига ярагулик ишлар билан кечган ёруғ, баланд умр. Энг муҳим, энг зарур, саховат ва жасорат, фидокорлик ва донолик, порсолик билан қилинган амаллардан иборат умр. Ибратли умр.

Шу боис ҳам, бу азиз инсоннинг номини улуғлаш, хурматини жойига қўйиш, хизматларини муносиб баҳолаб, хотирасини абадийлаштириш борасида давлатимиз раҳбарияти бошлиган ташабbusлар айни муддао бўлди, ҳалқимизнинг қўнглидаги иш бўлди.

Миллатларнинг буюклиги шу миллатга мансуб улуғ сиймоларнинг табиатида мавжуд ўлмиш буюк фазилатлардан ҳосил бўлади, дейдилар. Ўзбек ҳалкининг буюклиги унинг Исҳоқхон Ибратга ўхшаган асл фарзандлари шахсияти таркибидаги юқсан хислат-фазилатлардандир.

Шунинг учун ҳам, ҳаётини, фаолиятини ҳар қанча ўргансак, уларнинг хислат-фазилатларидан ҳар қанча ибрат-намуна олсан арзиди.

Одамлар борки, уларнинг қалбини мөшдеккина ёки тариқдек бўлса керак, деган андешага борасан. Қай тарафдан шамол тугул енгил шабада эсгудек бўлса, қўшилиб юмалаганча кетаверадиган... Кеча бутунлай бошқача нағмага ўйнаётган эдим-ку демайди, бугун янги эсган насим бу юрганини айнан шу дуруст деб ўйнаверади. Хавфлироқ ёвни – бургутни, қирғийни гапирмокка хожат ҳам йўқ, чумчук-да хавфли буларга, мусича-да хатарли.

Бундайин қалбларга, табиийки, ўзларнинг майда-чуйда ғаму камлари, ташвишлари базўр сиғади. Сигмаслиги ҳам мумкин.

Улар орасида Қодирил муктадир парвардигор ушмундоқ ноқис қилиб, бехису лоқайд қилиб ҳалқ этганлари ҳам бор, албатта. Жаноби Ҳақ буни кимнидир шундай ҳалқ этибдими, бунда ҳам бир ҳикмат бор, сир-саноат бор... Айни чоғда, шундай қалблар ҳам борки, булар энди соҳибларининг, бу дунё ҳаёти ортиқ даражада мушкул-мураккаб экан, заҳмат-машаккатларнинг охири йўқ экан, дея жабҳа ташлаб чиқавергани боис, ҳаёт тарафидан берилган зарбаларга қарашлик қилолмай чекинавергани сабаб кичрайиб-кичрайиб, охир-оқибат шу ҳолга тушиб қолганлар.

Шу хил қалбларнинг устида: «Менга нима», «Менинг кўлнимдан нима келарди», «Мен бир кичкина одам бўлсан» деганга ўхшаган шиорларни учратасиз. Бироқ шундай қалбларни ҳам биламизки, уларнинг бағрига замину фалак жо бўлмоғи мумкин. Улар ташки дунёнинг, ҳаётнинг, шайтонил алайҳиллаънанинг энг қақшатқич зарбаларига ҳам бардош бера оладиган мустаҳкам қояларга ўхшайдилар. Ҳар сўз, ҳар амалларида Маликул Куддус раббимизнинг буйруқларига итоатли, шариатимиз ва инсонийлик қоидаларига садоқат ва событилик.

Бундай қалбларнинг соҳиби бўлмиш инсонлар ўз юрти, миллати, яна қолаверса, бутун дунё ва бани башарнинг қайғусини қилиб, дарду ҳасратини туйиб яшайдилар. Шу қайғуни, дарду ҳасратни камитмоқ, аритмоқ учун адосиз сайъ ила қўшища ўтказадилар умрни. Ўз ижтимоий-иқтисодий, руҳий-маънавий ахволлари, қайфиятлари, соглиқ офииятлари қай алпоз бўлмоғидан қатъи назар, бир лаҳза бўлсин ана шу ҳаракатни тўхтатмайдилар.

Тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам мисоллар жуда кўп бунга.

Лоақал миллатимизнинг пиру устоди, улуғимиз, фахримиз Алишер Навоий ҳазратларининг олтмиш йиллик умр мобайнida адо этиб улгурган ишларини ёдга олайлик. На буюк қалб экан бу зотнинг қалби! Коинотнинг ўзидаи чексиз, қабат-қабат тўлқинлик, беҳисоб ҳазиналарга бой тубсиз уммонлардан теранроқ. Агар саховат аъмолларини гапирмай, фақат бадиий ижод ҳакида гапирганда ҳам Мир Алишер Навоий инсониятга тақдим этган асарларининг микдори, муҳимлиги, аҳамияти, бадиий мукаммалиги нуқтаи назаридан жаҳон қалам аҳли орасида мустасно, пешқадам бўлур эдилар. Шунинг ўзи бир эмас, бир неча умрга татигулик. Лекин Мир Алишер бадиий ижоддан ташқари, йирик давлат арбоби сифатида мамлакатдаги сиёсий-ижтимоий жараёнларни адолат йўсими бўйича олиб бориш, раият ҳаётини фаровон қилиш йўлидаги титанларга хос кўшишларни, яна илм, ижод ва хунар аҳлига ғамхўрлик қилиш, уларнинг ҳеч бир мухтожлик, мушкуллик кўрмай баракали фаолият кўрсатишлари учун барча зарур шарт-шароитларни мухайё этишни ҳам ўз зиммаларига олган эдилар.

«Фазл аҳли ва хунар аҳлига Алишербекчалик мураббийлик килган одам дунёда бошқа топилмаса керак, – дея қайд этадилар Мирзо Бобур. – Созда пешқадам бўлган устоз Қулмуҳаммад, Шайх Нойи ва Ҳусайн Нойи бекнинг тарбияси ва ҳомийлиги билан шунча камол топиб, шуҳрат қозондилар. Устоз Бехзод ва шоҳ Музaffer

тасвирда бекнинг саъй харакатлари билан маълум ва машхур бўлдилар».

Хусайн Бойқаронинг эса шундай бир қайди бор: «Шояд мингта яқин кишиким, аларнинг иши маъно дурларини назм силкига тортмоқ бўлғай.» Мана шу назм усталарининг аксарияти ҳам Навоийнинг тўкин-сочин ва ҳамиша очик дастурхонида бўлиб турганлар.

«Шунчалик кўп хайрат бинолар бунёд килдики, оз киши бундай ишга муваффак бўла олади», деган гап ҳам бор. Воҳид Зоҳидовнинг 1960 йилларда ёзилган «Ўлмас ҳалқ даҳоси» мақоласида ҳазратнинг ташаббуси ва кўп холларда маблағи билан қурилган билим ва ибодат даргоҳлари, шифохоналар, ҳаммомлар, кўприклар, кутубхона ва бошқа иморатларнинг микдори 370 та деб белгиланган.

Ҳазратим, буюгим! Сизни шеърият султони демак кам, Сиз саховат ва эзгулик салтанатининг ҳам султонидирсиз!

Мумтоз адабиётимизнинг бошқа барча муҳлислари катори, болалиқдан ана шу адабиёт заминида тарбия топган бир зиёли сифатида Исҳокхон тўра Ибратнинг ҳам Алишер Навоий жанобларига эҳтироми бағоят баланд бўлганини айтадилар. Болалиқда муҳтарама волидаси Хурибибидан таълим олганда ҳам, шеърлар кўпроқ Навоийдан ёд олинган, Қўконда мадрасада ўқир экан, яна ардокли салафининг ҳаёти, ижоди айрича ҳавас, муҳаббат ва ижтиход ила ўрганилган.

Устоз Улугбек Долимов ёзганлар: «Исҳокхон Ибрат ижодини ўрганиш шуни кўрсатадики, у айниқса Алишер Навоий ижодини анча ёшлик йилларидан мутолаа кила бошлаган. У буюк мутафаккирнинг поэтик асарлари билангина эмас, адабий, назарий, фалсафий, педагогик асарлари билан ҳам қизиқди, уларни чукур ўрганди. Ибрат Навоийнинг асарларига бир неча назира ва муҳаммаслар бағишлади. Ӯзининг бундай асарларида буюк шоир фикрини, шеъридаги бадиий воситаларни такрорлабгина қўймади, балки ўз даврининг илғор фикрларини баён этди, ўзига хос бадиий воситалар яратди».

Шундай. Пиру устозимиздан кейин қалам тебратган, бадиий ижод билан шуғулланган ахли таъб борки, у зот яратган нафосат гулшани гулларидан, албатта, завқ олгандир, ҳазрат тузган эзгулик боги меваларидан баҳраманд бўлиб, кўнглида сабоқ ва рағбатлар ҳосил этган, айтиш мумкинки, ҳазратнинг ҳам ижод борасида, ҳам саховат, меҳру муҳаббат соҳасида муриди, шогирди, издоши,

давомчисидир. Миллатимиз вакили бўлмиш таъб ахли ҳазрат асос соглан гулшанни ундан кейин ба қудрати ҳол янги гуллар ўстириш ила бойитдилар, ундан ибрат олиб, ўзлари янги боғлар, боғчалар бунёд этдилар, у ерда анвойи ниҳоллар, дараҳтлар кўкартиридилар.

Гулбоғ. Ўтган асрнинг эллигинчи-олтмишинчи йилларига қадар Наманган шахри билан Тўракўрғонни туташтирган йўл ҳозирги катта кўчадан беш юз метрча юкоридан ўтар эди. Уни «Наманган йўли» деб атаганлар.

Исҳокхон тўра томонидан ота мерос уч таноб ерда яратилган Маданият ва истироҳат боғи, ҳалқ тили билан айтганда «Гулбоғ» мазкур кўчанинг бўйида, Намангандан келинар экан, чап томонда жойлашган эди.

Улуғбек домла боғни ўз кўзи билан кўрганларнинг хотираларини ёзиб олганлар. Бунга кўра, ушбу боғда юз эллик туп арчадан иборат аллея бўлган, бокқа Европанинг манзарали дараҳтлари ўтқазилган. Лесопитомник, яъни кўчатзор ташкил этилган.

Маълум бўладики, аллома турли юртлардан олиб, ўз боғларига ўтказган дарҳатларни бу кўчатзорда кўпайтириб ўлкамизга тарқатмоқни мақсад қилганлар.

Боғ эшигидан кираверишда Европа услубидаги иморат қурилган. Мулла Олим охунд Тошкандий ушбу иморатни «Манзара бино» деб атайди. «Хурматлу Мулла Исҳокхон тўра янгидан бир катта ариғнинг лабига, худди катта йўл узасига бир таажжуб манзара бино қилган эканлар. Ул манзарага кўзум тушиб, албатта шундай иморат бирор хуштабиат зотнинг макони бўлса керак, деб кўнгулдан хаёл қилиб, ул бўстонга дарвозахона бино қилиб турган усталардан сўрадим: - Ул макон қаю зотнинг макони? – деб. Усталар: - Тўракўрғон қозисининг жойи. Ўзлари шу манзарада ўлтурубдурлар, - дедилар. Манзарачага бориб, ул жаноб билан мулоқот қилишдук».

Исҳокхон тўранинг иккинчи фарзанди Ваққосхондан зурёд Мақсадаҳон аядан эшон боболари хақида шундай хотиралар бор: «Опоқдадамиз вақтлари келиб бу йўллардан мошиналар ўтади, кўриб ўтирамиз, - деб эшигини кўча томонга қаратиб болохонали уй курдирган эдилар. Афсуски, у кишига болохонадан мошиналарни кўриб ўтириш насиб этмади».

Маълум бўладики, Мулла Олим Охунд Тошкандий кўрган иморат икки қаватли эди. Фишт хумдон ҳам бор эдию, бунинг устига қурилган иморат ҳам бўларди, дейдилар. Қишида хонадон

аҳли ана шу уйда яшаганлар, шинам хоналардан бирида меҳмонлар қабул килинган, арзгўйларнинг арзига шу ерда эшитилган. Фишт пишириш учун хумдонга ўт ёқилганда бундан кўтарилиган тафт ўша уйни хам иситган экан. Гулбоғдаги барча иморатлар, Тўракўргондаги кўп бинолар шу хумдонда тайёрланган ғишт билан кўтарилиган.

Нўймонхон ака Мехмонов Ибрат домланинг Аббосхон ўғилларига набира, демак, шоирнинг чевараси бўладилар. Бу кишининг хотиралари гулбоғнинг кўриниши ва у ерда мавжуд ўлмиш иморатлар ҳақидаги тасаввуримизни тўлдиради: «Фавворадан сал нарида икки қаватли бино бўлган, бунинг атрофига хам уч-тўртта чоғроқ уйлар солинган эди. Яна шунга яқин жойда Ротибхон ака (Исхокхон тўранинг кенжা ўғли) яшаган уч хонали уй бор эди. Ушбу курилишлар 50-60 йилларда хам омон-соғ эди. Кейинчалик барини бузиб юбориши».

Боғда бундан ташқари каттагина тошховуз бўлганини айтадилар. Дам олувчилар боғ ичига устига пишиқ ғишт қопланган шинам йўлакдан юриб боришган. Бу хил йўлаклар гулбоғнинг ҳамма тарафларида мавжуд эди, уларнинг икки четида манзарали дарахтлар кўр тўкиб, соя ташлаб турарди. У ер-бу ерга истироҳат ўтиргичлари жойлаштирилган. Кўча томондан ўтган катта ариққа чархпалак ўрнатилган бўлиб, у ичкаридаги тошховузни сув билан тўлдириб турганидан ташқари, фонтанга сув берадиган ускуналарни хам харакатга келтирган.

Уйнинг деразалари кўча томондаги дарвозага тўғри бўлган. Хонтахтанинг тортмаларидан бирида туршак, иккинчисида ювилган тоза дастурхон тахт турган. Кўчадан бир меҳмон кириб келиши билан хизматдагилар нон, бошқа нарсани дарров олиб киришади, дастурхонни ёзиб, ҳалиги емишларни кўйишиади.

Мехмонлар бизнинг келганимиздан булар қандок хабардор бўлди, бизни кўришгани йўқ, истиқболимизга нон-чой олиб чикишаяпти булар, -деб ҳайрон. Эшон жаноблари бу ердан қимирлагани йўқ-ку...

Бу киши деворни тешиб, қалин ғиоров орқали ип ўтказган, хизматчилар ўтирган томонга кўнғирок ўрнаттириб кўйган эканлар. Келган меҳмонларнинг миқдорига қараб ипни торгар ва кўнғирокни жириглатар эканлар.

Жамилахон – Ибрат домланинг набираси, Афифаҳон исмли қизларининг фарзанди. Бу аёл билан неча марта мулоқот қилган эсам, ҳар гал бир хусусга қайта-қайта амин бўлганман.

Маърифатпарвар, маданиятпарвар бобоси амалга ошира олган улуғ ишлардан ғуур бор синглинизнинг кўнглида. Кейинчалик Исҳоқхон тўра ва унинг авлодлари бошига қора тошдек ёғилган кўргиликлар, ҳақсизликлар туфайли пайдо бўлган теран ва сокин гусса бор.

Бу синглилизнинг айтишларига караганда, Ибрат эшон чет элдан кўзни қувонтирадиган зебо дарахтлардан бўлак анвойи-анвойи мевали дарахтлар ҳам олиб келган эканлар:

- Ҳар ўриклар бор эди: субҳони, эрони, ҳандак, яна бошка бошка навли, меваси шохидаган жойида қоки бўлиб қоладиган яна бир хил ўрик. Файнолининг туридан ҳам олти-етти хил... У маҳаллар аксарият бу мевани танимас-билмас, қанака мева бу, деб сўрашар эди. «Дилафуз» навли нок – бир томони қизил, иккинчи томони оқ. Узум, анжир, олма... Яна бир хил дарахт: майда-майда мева солади, мевасининг ичидан сут чиқиб, котиб қолади. Сал ўзини билмай, тантираб колган кишиларни опоқдадам ўшангага боғлаб кўйсалар тузалиб кетарди.

Яна, албатта, гуллар... Оlam-олам гул, хилма хил, ранго-ранг... Ҳар туридан, ҳар навидан бор – танлаб-сараплаб, сўраб-суриштириб, топиб келинган, парвариш қилинган, тарбия этилган. Ўзимизда ўсадиганлари, ҳавасманд шоирнинг хориж юртларидан олиб келгандаридан ташқари Иззатулла кори армугон эттаглари ҳам бор.

Иззатулла кори тақдирнинг тақозоси билан 1840 йилларда Наманганга келиб колган, шаҳарнинг Сардоба даҳасида 60 сотих жойда боғу гулзор барпо қилган Тўқмулла қорининг фарзанди эди. Бу қоримиз бузруквордан кейин у кишининг боғбонлик, гулкорлик бобидаги изланишлари, ҳаракатларини давом эттириб, аввалгидан кўра баландроқ миқёсларга кўтаргандар. Наманганинг «Гул шаҳри» деб ном олишида ушбу сулоланинг хизматлари бекиёс.

Иззатулла кори ўз гулистонида ардоқлаб етиштирган эллик нав гул уругини тавсифини баён этиб, 1910 йилда бир рисола нашрдан чиқарган эди. Бояд, ушбу китобча ҳам «Матбаи Исҳоқия» да чоп этилган бўлса... Рисолада тавсиф этилган гуллар орасида ота-ўғил гулкорлар томонидан юртимизга турли мамлакатлардан келтириб маҳаллийлаштирилганлари ҳам оз эмасди. Мазкур рисола чор-атрофга тарқатилгач, анво ўлкалардан Наманганга пайдар-пай буюртмалар келади. Абдулла Жаббор 2010 йилда тузган «Гул диёр мадхи» китобчасида ёзган эди: «Иззатулла кори авлодларининг хикоя қилишларича, тонналаб гул уруғи империя худудидаги

бу юртмачиларга юбориб турилган.» Муаллиф бу ўринда Россия империясини назарда тутмокда.

Айтмоқчимизки, Исҳокхон тўра ҳам боғ тузар, гулзор барно этар экан, Иззатулла қорига мурожаат қилган бўлишлари табиий.

Гулбоғ жойлашган йўлнинг икки четига ҳам қатор гулкўчатлар ўтиказилган эди.

Гулбоғ ичига ўрнатилган фаввора ҳам ўша йиллардаги Тўракўргон учун ажабтовур янгилик эди, яна шунинг атрофига майдонча солинган, қалин соя ташлаб турган дараҳтлар остига ўтиргичлар – скамейкалар ўрнатилган.

Машрику Марғибнинг қатор мамлакатларига сафарга бориб, айрим юртларда ойлаб-йиллаб яшаган, ўша жойлардаги ҳалқлар ҳаётидаги кўнгулга мақбул келган нимарсаларни ўрганиб, ҳавас қилган ва ўз юртида буларни жорий қилишни истаган нозик тъб, равшан фикр олим бу ўринда, менинг юртдошларим ҳаам маданиятнинг ана шу кўркам унсури билан ошно бўлсинлар, чиройли ва озода кийиниб, бокка келсинлар-да, бежирим йўлакларда сайр этсинлар, хушманзара дараҳтлар остида ўтириб, ҳордик чиқарсинлар, дея ният қилгани табиий. Байрамларни, ийд кунларини шу масканда нишонласинлар, «Гул сайри», «Наврўз сайри», «Ҳосил байрами» сингари тадбирларини ҳам бу боғда ўтказсинлар... Хай, энди бир боғ эдики, мавлоно Умидий Ироқий айтганлариdek...

Чу мурғ, Исо агар суврате кашад аз гил,  
Ва зи имтихон фиканандаш ба боғ аз дивор,  
Зи лутфи обу ҳавояш ачаб набошад агар,  
Яке ҳаёт баду бахшаду дигар гуфтор.

Яъни Исо агар лойдан бир қуш яратса-ю, синаш учун девордан бу бокка отиб юборса, чаманзордаги обу ҳавонинг лутфидан унга ҳаёт етиб, тилга ҳам кириб кетса ажаб эмас.

Гулбоғ яратиш, мумкин бўлган ҳар йўл-йўсин билан ҳалқка маърифат еткуриш йўлида қилинган харакатларда бошқа теранроқ мазмун ва моҳият бор. Биз яшаётган, кўриб ёки тасаввур этиб турганимиз бепоён олам, ундаги миллиард-миллиард сайёralар, дунёлар. жонлик ва жонсиз хилқатлар олий ижодкор томонидан муҳташам ва ҳайратбахш режа асосида таҳсинга лойик уйғунлик ва ҳикмат билан яратилган.

Бу муazzам мужассамотда заррадан Юпитерга қадар, энг улуг ходисадан то кўз илгамай ўтган кичик воқеага довур ҳар хусус бежиз эмас. Қайсиdir улкан юлдузнинг чарақлаб ёғуланиши ёки мўъжаз бир шамнинг милтираб ёниши ҳам, азим дарёning шовуллаб-гувиллаб оқиши ёки новдадек ирмоқчанинг жилдираб бориши ҳам мазкур ўлмиш режанинг бир кўрининшидар.

Ҳар бир окибатни муайян сабаб келтириб чиқаради, ҳар битта натижа қандайдир хulosага асос бўлади.

Бутун олам, каттадир-кичикдир хилқатлар, табий вижитимоий жараёнлар Холики тавоно асос соглан режа, дастур ва тартиб асосида, ўзаро миллиардлаб ришталар ёрдамида боғланган ҳолда бир-бирга ривожланиб берадилар. Қайдадир тараккиёт секинроқ, қайдадир тезрок, баландрок суръатда бориши мумкин ва бунинг қатор-қатор сабаблари мавжуд. Бироқ недир сабаблар туфайли тараккиёт борасида депсинишга тушган минтаقا, мамлакат, миллат барибир шу ахволда колиб кетмайди. Парвардигор турли минтақаларда яшайдиган ҳар хил ҳалқларни турлича мухитга қўйган, бу рост. Кимдир ҳар жиҳатдан қулай, табий бойликлари мўл-кўл жойларда яшайди, бошқа кимдир обу ҳаво оғир, ноқулай манзилларда.

Бу ҳам бежиз эмас. Бунда ҳам хикмат бор.

Каримул Ҳаким бандаларини тафовут билан яратди, бу билан хоҳладики, одамлар бир-бирларининг аҳволини кўриб, хulosha чиқарсинглар, ибрат олсинглар.

Яна. Мана шу ҳолатда, хусусда ҳам синов учун комилроқ бўлиш, яратган Парвадигорнинг муносиб баандаси бўлиш учун имкон мавжуд. Оғир шароитда қолиб, қийналиб умр кечираётганлар сабр ва шукурни унутмаслик ҳамда ўзлари тушиб қолган мушкул ахводдан кутулмок учун биргаликда, ҳамжиҳат ҳаракат қилсалар, дуруст.

Қулай шароитларда яшаб, бой-бадавлат бўлиб кетган миллатлар эса мушкул шароитдаги, оч-яланғоч замондошларига ҳўжа қўрсинга эмас, уларни ана шу шароитдан олиб чиқиб кетишининг ҳамма тадбирларини қўллаган ҳолда ва то шу мушкулот ҳал бўлмагунча ёрдам беришлари, поймардлик қилишлари зарур.

Уларни мана шу аъмол, шу саховат комилроқ, Ҳаққа муносиброқ қиласди. Аксинча бўлганда эса, уларнинг инсонлиги, қайси динга муносиб бўлишларидан катъи назар, иймон-эътиқодлари сустдир, чаладир.

Тараккиёт даражаси ортда қолган, халқлари оч-нахор яшаётган, очлик, турли-турли касалликлар туфайли ўлим күп бўлаётган юртларга баҳоли қудрат ёрдам берадиган саховатли хукуматлар, ташкилотлар, олийжаноб инсонлар оз эмас. Бирок башарасига саховатни, равнақ, тараққиёт, маданият каби сўзларни ниқоб қилиб битиб, ўзининг гегемонлик сиёсатини, геополитик мақсадларини амалга ошириш, қаноат топмаган нафсини кондириш, дунёни тортса тўлмайдиган омборини тўлдириш учун бошқаларнинг юрганини истисно қилишдай кабоҳатларга ҳам мисоллар керагидан ортиқроқ топилади башар тарихида.

Ўзгalarning уйини ёндирган, сўзига кирмаганлар, ўз фикрини айтишга журъат қилганларни камаган, сургун килган, ўлдирган зўравонда демократия нима қилади!

Каерга бостириб кирса, талон-тарож қилиб, қўлига кирган нарсани ташиб кетган ўғридан, қароқчидан олийжаноблик, саховатни сўраш мумкинми?

Китоб билан, дурдона асар, сўз, баҳс ва музокара билан эмас, тўп билан, бомба билан кимнидир ватанини истило қилиб, маданият ўргантаман деган ваҳхийда маданият борми ўзи!

Алломай замон Ҳамид Суламоннинг қиблагоҳи Сулеймон Хўжаев 1930 йилларда яратган овозсиз фильм ёдимга келади. Унда шундайин лавҳа бор. Камбағал, ўксук миллатдошимиз шахар кезиб юриб, Чор маъмурияти томонидан ташкил этилган истироҳат гулбоги ёнидан чиқиб қолади. Бироқ ичкарига кирмок истаган ўзбекимнинг олдини миршаб тўсиб чиқади ва шу ерга, дарвоза ёнига ўрнатилган лавҳни кўрсатади. Ўша лавҳга: «Бу бокка итларнинг ва сартларнинг кириши манъ этилади», деб ёзилган экан.

Аввал ўқ узиб, кейин мўлжални белгиламайдилар... Англамок мушкул эмаски, Исҳокхон Ибратнинг ўз шаҳарчасида истироҳат ва маданият боғи – парк бунёд этишида келгиндиilar томонидан бизим халқимизга нисбатан кўллаш таомилига кирган шу хил ҳақсизликлар, хўрлашлар, камситишларга жавобан килинган кучли жаавоб, қаршилик, исён бор эди.

«Менинг миллатим ҳам шундайин покиза, хушҳаво, дилбар жойларда сайр этмоққа, хордик олмоққа ҳақли! Чунки, бу миллат сендан ҳам, ўзга бирор миллатдан ҳам хеч борада кам эмас, нокис эмас! Бильякс, у мана шу сингари чаманларга, бўстонларга сендан кўра минг марта, милён марта зиёда ҳақлироқ. Нимагаки, бу замин – уники, бу осмон, ҳаво, дарёлар, тоғлар, гуллар дарахтлар – ҳазор бора унивидир! Сен эса бу юртга бегонасан, келгиндисан,

бегонасан! Бугун борсан бу юртда, эртага ё индинга даф бўласан,» дегандай.

Гап эгасини топган, албатта. Боиски, келгиндилар анойи эмасдилар. Улар шамолнинг қайси тарафдан эсганини хушёрлик билан илғай олганлар. Шуни эътиборда тутиб айтиш мумкини, бундек сўзни сўзламоқ, бундек қаршилик ҳаракатини килмокка кучли ирода, жасорат, қатъият керак эди.

Бу табаррук, ориф зот томонидан ҳам иктисадий, ҳам ижтимоий вазият мушкул-мураккаб бўлган ўша замонларда сайдроҳ боғ яратилишининг бошқа бир жиҳатлари мавжуд. У киши мана шундай озода, кўркам ва хушманзара маскан бунёд этиш ва унга ўз юртдошлири, миллатдошлирини чорлаш, таклиф этиш билан уларга:

- Қаддингни қаро меҳнатдан кўтар, ростла! Кўнглингдан нохуш, умидсиз ўйларни қув! Кел, сен мана бундек тоза бўстонларга муносибсан, заҳматкашим, жафокашим, балокашим миллатим! Кўксингга мусаффо ҳаво тегсин, юрагингта яхши, умидбахш, улуғ истиқболларга уланадиган фикрлар, гоялар келсин! Йўқотма, бой берма ўзингни! Бой берма ишончингни! – демоқчи бўлганлари шубҳасиз.

Ўлдир, ичингдаги навмидни ўлдир, - дейди шоир.

Рухий тикланиш, юксалиш лаҳзалари, йитмокка юз тутмоғи мумкин ишончга қувват топиш, улуғ мақсад ва гояларнинг туғилиши албатта кўнгилни соғлик билан ювадиган мана шундай чиройли, хушҳаво, масканларда юз беради.

1970 йилларда Намангандаги шаҳрига раҳбарлик килган, фидоий, жонкуяр, донишманд инсон Қодиржон Мамарасулов айтганларидай, тоза йўлаклардан юришнинг ўзи озода бўлишга, маданиятга даъват қиласиди. Аксари эзгу, осуда хаёллар, дадил гояниятлар ана шундай йўлларда туғилади.

### **Бўлди тамоми ҳалқи жаҳон мубталоий қарз**

Чор Россиясининг қадим Туркистонни истило қилиши меҳнаткаш ҳалқ елкасини қамчи уриб қонатадиган, қонини сўрадиган битта золимни иккита қилгани бугун кўпчилик томонидан тан олинган, эътироф этилган ҳақиқат.

М. А. Терентьевнинг «Ўрта Осиёни истило этиш тарихи» китоби гарчи ўша кезлардаги хукмрон доиралар нуқтаи назаридан туриб ёзилган эса-да, муаллиф ўлкадаги чор бюрократиясининг кирдикорларидан кўз юмиб ўтолмаган. У Туркистонни

бошқараётган маъмурларнинг зўрлик-зўравонлик, порахўрлик, тўрачилик, маҳаллий аҳолига қарашли ерларни минг хил сабаб, рўйиши билан тортиб олиш, ер билан боғлиқ чайковчилик ҳолатлари, ҳар турдаги қалбаки фирмалар очиб, улар ёрдамида ҳалқдан маблағ йигиб олиш, давлат мулкига – байтул молга чангали солиш каби муттаҳамликларни бу китоб саҳифаларида баён этади. Асарни ўқиган киши энг катта амалдорларнинг, жумладан, Туркистон генерал-губернатори Кауфманнинг ўзи, Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори Головачев, Тошкент шаҳар ҳокими Мединскийларнинг ҳам шу хил жиноятларга қўл урганларидан воказиф бўлади.

Ўлкани бошқариш учун тайинланган амалдорларнинг аксарияти собиқ ҳарбийлардан иборат эди. Улар маҳаллий урфодатларни, шариат аҳкомларини тушунмаганлари, билмаганлари учун уларни ҳурмат қиласа эдилар, атвору сажияларида ҳарбийларга хос каттиқкўлилкестурган эди, аёв ва шафкатдан маҳрум эдилар. Авваллари хон амалдорларининг қорнини тўйғазиб юрган аҳолининг аҳволи беш бадтар, юз бадтар бўлди, чунки ҳалқ энди Чор маъмурларининг иштаҳасини ҳам ҳисобга олиши керак эди.

Муаррих Н. Абдурахимова «19 асрнинг иккинчи ярми ва 20 аср аввалидаги Туркистонда колониал тузум ҳукмронлиги» тадқиқотида америкалик Е. Скайлернинг ўша пайтлар Ўрта Осиёга қилиган сайёҳати натижаси ўлароқ битилган ҳисоботидан қайдлар келтиради. Скайлер мазкур ҳисоботда Туркистон ўлкасидаги чор маъмурлари орасида бош мақсад-муддаоси қандай йўл бирла бўлса ҳам тезроқ ва кўпроқ мўмай даромад ортириш ғаразида юрганлар кўпчилик эканини, ўлканинг қатор миңтақаларида товламачилик, ўғрилик, порахўрлик, зўравонлик каби иллатларнинг урчиб кетганини қайд этган экан.

Бу бизим юртга «маърифат ва тараққиёт олиб келганларнинг,» ўлкада қонун ва адолат устуворлигини тиклаш учун масъул бўлган қишиларнинг аслида ким экани, негиз мақсадлари нима бўлгани ҳақиқат гапдир.

Хатман кўллаш керак эди миллатни ўша кезлар, Ибрат домлага ўхшаган илғорларнинг, пешволарнинг яхши сўзи ҳам жуда жуда зарур эди, токи ишончини йўқотмасин миллат, иймонини бой бермасин, йўлини итирмасин. Сабаби, ҳаромтомоқлар одатда ҳалол қишиларнинг ризкини ўзлаштириш ҳисобига корин қампайтирадилар, золимлар мазлумнинг ҳисобига семирадилар, бой бўладилар. Қайдалир золим кўпайдими, зулмнинг тури ортдими,

демак, ўша ерда мазлум кўпаяди, бечораҳол, ҳаксизларнинг сони ортади.

Истилочига ўз мануфактураларини хомашё билан таъминлаш учун бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўра кўпроқ пахта керак эди. Гўза экиладиган майдонларни кенгайтириши озиқ-овқат маҳсулотлари етишириладиган полизларни, шолипояларни, чорва боқиладиган яйловларни кисқартириш эвазига олиб борилди. Монокультура дон ва бошқа озиқ-овқат экинларини далаларимиздан сиккиб чиқарди. Ноннинг, бошка муҳимотларнинг нархи кун сайин кўтарилиб борди. Кимматчилик юзага келди.

Муаррихлар ўша замонга таъриф берар эканлар, капиталистик муносабатлар кириб келиши билан бойларни кундан кунга бойроқ, камбағалларни эса камбағалрок бўлиб борганини айтадилар. Замин, дала, боғу роғлар, яйловлар келгинди бойлар қўлига, шаклана бошлаган маҳаллий буржуазия ихтиёрига ўтиб, чорикорлар, мардикорлар миқдори ортди.

Мардикор ер эгаси, каттадир, кичикдир корхонаси, мулки бор одамга бир ёки бир неча кун муҳлат билан ёлланиб, иш бажарадиган кишидир. Бир кун ишлайдими, кўпроқми – меҳнатига келишув асосида ҳақ олади.

Чорикор эса заминдорнинг ерини баҳолаб олади. Нимадир экиб, ўсдиради, эвазига хосилнинг тўртдан бир қисми миқдорида улуш олади.

Ўлкани тобеликда тутишда, рус маданияти, урф-одатларига кўнигира бориш, руслаштириш сиёсатида ҳам кувват бўлади, деган мақсад билан империянинг марказий минтақаларидан кўчириб келингандарга унумдор ерлар берилди, ердан яхши фойдалана олмаялти, деб маҳаллий дехқонларнинг ерлари зўрлик билан тортиб олиб берилди.

1910 йилларда ёқ Сирдарё, Самарқанд, Фарғона вилоятларида 124 рус посёлкалари бор бўлиб, уларда 70 минг аҳоли яшар эди, шаҳарларда истиқомат қиласиган келгиндилар билан қўшиб ҳисобланганда бу миқдор 200 минг кишини ташкил этарди. 36,7 фойиз киши умуман мулксиз, 61 фойизи бир рублсиз келган эди. Буларни кўзланмаса, буларга бўлиқ ер ва кенг ҳуқуқ берилмаса, кўзланган сиёsat амалга ошармиди!

Кимнинг товуши бу? Ким у ўзи, порози бўлаётган?

Уни қаранг-а! Ҳой, миршаблар, навкарлар, қайдасиз! Уринглар буларни, шоввозлар! Аяманглар қамчини! Қўндок синиб қолади

деманглар! Ҳайданглар, даф килинглар ҳаммасини! Қўрмайин қора чопон, ялангоёкни!

«Ҳар битта ҳаёт – мўъжиза, – дейди Даниил Гранин. – Ҳар битта инсоннинг умри – ҳазина. Бойлик. Ундан қимматроқ бойлик йўқдир.»

Гегемонлик, буюк империячилик иддаолари, маданият, тарақкиёт келтирмиз, деб келган боскинчилар талашни, юлишни, муттаҳамликни, қароқчиликни сиёsat даражасига кўтардилар. Бизим миллат вакилларини қоралар, туземецлар, ялангоёклар, ёввойилар деб атадилар, шундан келиб чикиб муомила қилдилар. Алдаш керак бўлган, алдаса бўладиган анойи деб қарадилар. Кўп ишлатиб, оз ҳақ берса бўлаверадиган қора кул деб қарадилар.

ХХ асрнинг бошларида Марказий Россияяда юз берган очарчилик оқибатида ҳам жуда кўп одам ўз юртини ташлаб, хукуматдан бесўроқ равишда, нажот шу ёқда экан деганча Туркистонга кўчиб кела бошлади. Ўн беш мингдан ортиқ кишидан иборат бу оқимдан икки минг одамнигина базур, маҳаллий дехконларнинг ерларини тортиб олиш йўли билан жойлаштиришга муваффак бўлинди. Қолганларнинг тақдирине кечган, маълумотга эга эмасмиз... Бироқ мазкур оқим тўхташини хаёлига ҳам келтиргани йўқ. Шунда Туркистон генерал-губернаторлиги ўз холича берухсат кўчиб келишни тақиқловчи фармон эълон қилди. Бу фармондан кейин келгиндиларнинг қора дарёсида оқим пасайдими? Албатта, йўқ. Ана энди, хукумат мусулмонларнинг ерини зўрлик билан эгаллаб олишни тўхтатиш бўйича чора-тадбирларни қабул килишга мажбур бўлади. Энди, гар бўл, ўгри бўл, инсоф билан бўл, деган гаплар бор Шарқда, қараброқ-да!

Англашиладики, Туркистонга нажот истаб келгандар бу ерга етгач, ўзларини гегемон миллат, ғолиб давлат вакили тарзида тутгандар ва кўнгиллари тусаганча ўзбошимчалик килгандар. Маҳаллий халқ еридан айрilsа айрilsин, мен ерли бўлай, ўзи, оиласи, бола-чақаси сарсон- саргардон, ватанда беватан бўлсин, ўлсин очликдан, мен ва оиласам омон қолсин! Мани хукуматим бу юртларни шу мақсадда босиб олган, мустамлака қилган!

Босқинчи миллатнинг очлик, муҳтоҷлик важҳидан ўз юртини ташлаб келган қашшоқлари, гадолари ўзини бундек сурбет тутади, амалдорлари, зобитларининг феълу авторини, ўзини қандек тутганини билиб олаверинг.

Бошқа бир маълумот ҳам бор. Ўлка генерал-губернатори хузуридаги кенгашнинг 1911 йилдаги йиғилишларидан бирида

мухожирларнинг дехқончилик борасидаги ҳаракатлари кутилган натижани бермаётганини, уларнинг маҳаллий дехқонлар билан ракобатда устун келишлари қийин эканлиги таъкидланган. Яъни ер бизнинг дехқонлардан, боғбонлардан тортиб олинди, бирок муҳожир дехқонлар унинг тилини топиб ишлата билмадилар... Шундай бўлиши ҳам табиий эди, улар аввал яшаган худудларда шароит бошка, бу ердагиси тамомила ўзгача! Ундан кейин, умрида ғўзани, пахтани тушида кўрмаган ўрис дехкон хукумат сўраб турган зарур ҳомашёни қандок етказиб берсин!

Ерини сақлаб қолган ва амал-тақал билан тирикчилик ўтказиб турган маҳаллий дехқонлар қарз балосига дучор бўлдилар. Холис хизматнинг янги, ажабтовур туридан фойдаланиб, банкдан қарз (ссуда) олган, йил охирида ҳосил яхши бўлмагани учун қарзга ботгандар кўп эди. Маълумки, банк ссудани фойиз билан қайтаришни шарт қилиб қўяди, демак, бундай қарз ойдан ойга кўпайиб, каттариб, илон бўлса аждаҳога айланиб бораверади. 1912 йилда Туркистон ўлкаси дехқонларининг қарзи умумхисобда 156, 7 минг рублни ташкил этган эди.

«Ссуда», қарзни ўша пайтлар 25-60% устама билан кўтариш шарт эди. Пахта савдоси билан шуғулланадиган фирмалар 8% лик қарз олишарди. Дехконга бундай қарз берилмаган.

Фарғонада бу вактда бекарз кимса йўқ,  
Минг сўм ақалли қарз бўлиб, бўлса қорни тўқ, -

деб ёзади Исҳоқхон Ибрат. Яъни агар қарзи минг сўм бўлса ҳам майли эди, қорни тўқ юрар эди.

Борми бу вакт ҳеч киши қарз бўлмаган,  
Бордур ҳамада қарз агар бўлса унмаган,  
Ё қарзи йўқ бўлурки, онодин тугилмаган,  
Ё фақир фано ичра бу дунёни олмаган,  
Келди буларни бошига бирдан балойи қарз.  
Бўлди тамом ҳалқи жаҳон мубталойи қарз.

Бу маҳаллий ҳалқнинг силласини куритиш, қашшоқларни, йўқсулларни, bemорларни кўпайтириш, эртанги кунга ҳам, қачондир, қандайдир мунаввар кунлар келишига ҳам ҳар қандай ишончни йўқотиши, саросимага, навмидликка солиш орқали мутега, лаббайгўйга, кулга, подага айлантиришининг бехисоб йўл-

йўрикларидан бири эди. Ушбу мақсадни амалга оширишнинг қатор йўллари бўлган. Пировард мақсад у эдиким, истилочи муттаҳамлик билан, зўрлик билан, тўп отиб, қон кечиб босиб олган ерлардан фойдаланиб ўз хазинасини тўлдира олсин, чўнгагини қампайтирсин, тани яйраб, кўзини ёғ босиб яшасину, бирорта «туземец», бирорта «сарт» овозини чикара кўрмасин, кўзга кўринмаса ҳам майли, даф бўлиб кетса, ундан ҳам яхши.

Бу негиз мақсадга олиб борадиган усул, йўсин кўп эди, дедик. Улардан яна бирини ёдингизга солайлик.

Улуғбек Долимов «Исҳоқхон Ибрат» аталмиш китобларида Мацневский деган генералнинг «Пушкин жамияти» секретари И. Ягеллига ёзган хатидан иқтибос келтириб, бу зотнинг гапи Чор Россиясининг Туркистон ўлкаси халкларига нисбатан қўллаган сиёсатининг моҳиятини аниқ ифодалашини айтадилар. «Жамият Шаркни фан учун эмас, балки халқларни Россия билан кўшиб юбориш, руслаштириш учун ўрганиши керак,» дея кўрсатма берган экан мазкур генерал.

Мазкур рисолада Россия маориф министрлигининг 1870 йиллардаги фармонидан ҳам иқтибос келтирган: «Барча бегона халқлар маорифининг пировард мақсади... уларни ҳеч шубҳасиз руслаштириш ва рус халқи билан кўшиб юбориш бўлмоғи керак,» дейилган эди ушбу фармонда.

Шундайин бир сиёsat олиб борилган эди деган фикр фақат бизнинг олимларга, равшанфиркларга тегишли эмас. Мана, ғарб олими Альфред Рибер ўзининг «Континентал империяларни киёсий ўрганиш» китобида (М., 2004 йил.) нима дейди: «Чор империяси хукумати 19 аср охири ва 20 аср бошларида асосий эътиборни ўзининг чет эллардаги халқларини ассимляция қилиш сиёсатига қаратган эди. Бу сиёсатнинг асосий куроли эса руслаштириш бўлган эди.»

Махмуд Ҳасанийнинг «Юрт бўйнида қилич» китобида айтилишича, келгиндилар халқимизни паҳта етиштириш билан кўмиб ташлашга ҳаракат килганлар. Токи, унинг атрофида юз берадётган сиёсий-ижтимоий воқеаларнинг моҳиятини англашга вақти бўлмасин.

Польшалик тадқиқотчи Витольд Родкевичнинг фикрича, империя ўзининг миллый сиёсатини юргизишда маъмурий миллатчилик услубини кўллаб, рус миллатини империяда хукмрон, гегемон миллат бўлишини таъминлаш, империяни эса рус миллый давлатига айлантириш йўлини тутган.

Шундай фикр немис олими Андреас Каппелернинг «Россия – кўп миллатли империя» (М., 2000) китобида ҳам учрайди: «Чор маъмурияти, чор ҳарбий намояндалари империянинг барча ўлкаларида етакчи мақом- мартабларга эга эдилар. Рус тили, маданияти ва провослав дини империянинг бус-бутунлигини, бирлигини таъминловчи куч вазифасини ўташи керак эди,» - деб ёзади у. Каппелер, шунидек, ўз тадқикотларида Ўрта Осиё ҳалқлари ҳак-хукуқ нуктаи назаридан ҳаммадан кўра кўпроқ камситилганликларини таъкидлайди. Бу ҳол империянинг Кавказорти, Украина ёки Финляндия каби ўлкаларида қузатилган эмас эди.

## Қабоҳат

Еридан айрилиб, бозори касодга учраганлар, бўйнигача карзга ботиб, боши котганлар иш қидириб одатда шаҳарларга кетадилар. Мардикорлик киладилар, арзимас хизмат ҳаки ҳисобига бел букиб, тер тўқадилар. Ёки гадолик, тиланчилик килишга мажбур бўладилар, жиноятчилик, қонунбузарликнинг қўчалари кўп, шулардан бирига кириб қоладилар билиб-бilmай.

Бир тарафда ўлкага шиддат билан кириб келаётган, кундан кунга ўз ранги, оҳангига, ўз тарзига солиб бораётган янгича ҳаётнинг жилвалари, васвасалари кутиб турибди ҳаммани: гастинсалар, ўйинхоналар, турли туман таомхоналар ва бу жойларда урф-одатлармиз, кадриятлармизни менсимай, ерга уриб, беписандлик, балки бу ўринда ҳам муайян мўлжал, режа билан очиқ йўлга қўйилган қабоҳат савдоси – пиво, шароб, ароқ...

Қандок фалак кажрав ўлди акнун,  
Кўб турфа жафони солди гардун.

Юрди раҳи маъсиятга мардум.  
Ойини мусулмонлиғ айлади гум.

«Мусулмонлиғ расму одатлари бой берилди, демокдалар Ибрат домла. Фалак эгри юргувчи бўлди». Яна дейдиларки:

Ҳақни риоя айламасдин,  
Поймол ўлур шаръ демасдин.

Пива, арак ичмак ўлди одат,  
Маст ўлса оғзида хакорат.

Фиску фасод ривож тонти,  
Туфроги-ла дин юзини ёпти.

Боши қотиб, саросимада юрганлар, бўронга учраб, нажот сохилини тополмай қолганлар кўпроқ асир бўладилар бундай иллатларга.

Айни чоғда бундайин гумрохликка, гуноҳга юз тутганлар фақат навмидликка, чорасизлик, қашшоқлик, хору зорликка учраганлардан иборат эмасдилар. Бу сафни, гурухни тўлдирганлар орасида ҳар тоифага мансуб кишилар бор эди: маҳаллий буржуазия вакиллари, савдо аҳли, чапани, киморбоз, безори каслар, бойваччалар ва ҳоказо. Кейин санаб ўтилганлари аввалларидан кўпроқ ҳам эди, сабабки, тирикчилиги амал-тақал билан ўтиб турган камбағалда ҳар хил кўнгулхушликлар учун ҳадеб акча қайда?

Пива, мусаллас, шароб каби сархуш қилувчи ичимликлар, ҳар хил гиёхванд моддалар то чор давлати юртимиз узра соя ташламагунга қадар бизим юртда йўқ эди, десак ҳақиқат бўлмайди. Фақат, ушбу ҳам айни ҳақиқатки, бу каби қабоҳатлар чор ҳукумати ва унинг қора ишларини давом этдирган шўролар даврида акл бовар килмас миқёсларни топди.

Авваллари бу хил қилмишлар шариат томонидан қаттиқ тақиқлангани, ҳаром деб эълон қилингани учун шундай уларни тайёрлаган, сотган, истеъмол қилган кишилар қози, раислар томонидан ушланиб, жазолана, сазойи қилинар эдилар. Энди буларни ҳар қадамда очилган турли муссасаларда кўз-кўз қилиб кўядиган бўлдилар, исталган, сўралган микдорда, тарзда сотиш таомилга кирди. Наливкин «Маҳаллий ахоли илгари ва бугун» асарида тан олиб айтган эди:

«Эркаклар биз томонимиздан очилган ичкилик муассасаларига тўп-тўп келишта ўргандилар».

Ичкиликбозликнинг ҳали орасида кенг тарқалиб кетишида кўчириб келинган фукаролар – «янги туркистонликлар» ҳам мухим хизмат қилдилар. Бу табака, гурух орасида пиёнисталик шу қадар даҳшатли тус олган эдики, империя давлат Думаси ўтган аср бошида муҳожирлар келиб ўрнашган манзилгоҳларда спиртли ичимликларни сотишни тўхтатиш масаласини кун тартибига

қўйишига мажбур бўлганди. Шундай савдо рухсат берилган жойларда эса ичкиликни майдалаб сотмаслик, фақат улгуржи савдо қилиш кўзда тутилган. Туркистон маъмурияти шундай қиласди ҳам: 1907 йилда ичкиликни майдалаб сотишни тақиқловчи фармон қабул қилинади. Бироқ шундай бўладики, фармондан кейин муҳожирлар яшайдиган ҳар битта қишлоқда омборхоналар очилди ва уларда ичкиликнинг улгуржи савдоси йўлга қўйилди. Энди бу дардга гирифтор бўлганлар шаробни, арокни шишада эмас, чеълакда олиш имконини топдилар. «Ҳар бир киши, – деб ёзади В.Вошинин «Туркистон. Рус тамаддунининг «Нур ва соялари» китобида, – конун рухсат берган миқдорда ичкилик олиш имконига эта бўлди. Фақат, шу томони борки, ўша миқдорни (нормани), яъни уч чеълак ичкиликни харид қилган одам уни бир-икки кунда ичиб адо қилишни ўзининг «бурчи» ҳисобларди».

Бошқа бир бало, айтсанг тилинг, айтмасанг дилинг куядиган журму гуноҳ ҳақида Ибрат домла минг таассуф билан айтганларки....

Махбуби нахшихонлар, кўзи қаро жувонлар  
Гастинсаларда юриб, сарфи зиён бўлубдур,

Исҳоқхон Ибратнинг замондоши, маслакдош, даврадоши Мулло Йўлдош Хилватий қаламига мансуб «Эшитдимки, Мирзо Раҳими замон» деб бошланадиган маснавий бор. Унда Наманган шаҳрининг бош оқсоқоли, Мирзо Раҳим кўрбоши додҳо номи билан маъруф адолатли инсон ва уҳдадор раҳбарнинг бозор расталарини айланиб юриб, икки аёлни учратиб колгани ҳикоя қилинади.

Икки сарвқад, сийимтану гулбадан,  
Икки гул, икки сарв, икки чаман,

Бериб ўзга бир турфа оройини  
Алардин тушиб растага оташи.

Хиромон, хиромон таманнолашиб,  
Юрап раста ичра тамошалашиб.

Иков ёшу барноу марғуб эмиш,  
Кўринган кишиларга маҳбуб эмиш.

Додхοх буларни кўриб, ўзича андиша қилади.

Алар вазъидин додхоҳи закий,  
Тааммул қилиб кўнглида андаки,

Демишким, манга лозим ўлди бу дам  
Ки, билсам булар ҳолини бешу кам.

Бу на олур, на сотур раствада  
Ки, бўйла паришон юрур раствада.

Буларни қилай фахм савдосини,  
Билай маскану жою маъвосини.

Қаю ишга бу икки омил эрур,  
Қаю ишга устоди комил эрур.

Кейинги сатрларда додхонинг ҳаё мулкидан йироқ ўша икки аёлни ўз боргохига – идорасига чақиртириб, сўрокка туттани, жазолагани баён этилади.

Дедиким: «Силар кимсалар иккингиз,  
Манга сурати ҳолингиз денгиз!

Эринглар қаю ҳезу дайюсдир,  
Ки бу навъ бенангу номусдир?

Хилватий ҳазратлари қаламга олган воқелар 19 аср охири – 20 аср бошларида бўлиб ўтган дея тахмин қиласиз. Сабаби, Мирзо Раҳим 1880 йилдан эътиборан Наманган шаҳрида бош оқсолол бўлиб хизмат қилганлар, 1908 йили эса ҳаж сафарига кетиб, бу сафардан қайтмаганлар. Хилватий иншо этган воқеадаги аёлларнинг юзлари очиқ эмасди, акс ҳолда шоир бу ҳақда хабар берган бўлур эди. Бироқ XX асрнинг бошларида ёки икки аср туташган ўша даврда аёлларнинг Наманган бозори расталарида «хиромон-хиромон, тамошаланиб юришининг ўзи аҳволнинг не даражага етганини кўрсатиб турибди. «Уларнинг юриши расталарга оташ солди, – дейдилар Мулло Йўлдош. – Улар учраганки кишига маҳбуб туюлдилар.»

Яъни кўринган кишига маҳбуб бўлмайдиган аёл у пайтлар расталар аро ўзини бозорга урган эмас...

Энди, мана бу гапларга не дейсиз? Дастлабки исловотхоналар Фарғонада водий истило қилингандан кейин кўп вақтлар ўтмаёқ очила бошланган, деган маълумотлар ҳам бор. (Дарвоқе, исловотхона сўзини келгиндилар яшайдиган «слобода» сўзи билан яқинлигига сира аҳамият берганмисиз?) Буларга маҳаллий аёллар ҳам ҳар турли йўллар, макру найранглар билан жалб этилган. Бу аёллар кўп ўтмай очик юз билан юришни одат қилгандар. Авваллари бундайларни тошбўрон қилишгача борилар эди, энди бундок жазоларга янги ҳукумат йўл қўймайди. Шунинг учун халқ бузук аёллар кўринган жойда уларнинг юзига қора лой отадиган бўлган. Нопоклар шундан кейин юзларини беркитишга мажбур бўладилар, фақат шаҳарларнинг руслар яшайдиган қисмидагина очик юрадилар.

Беихтиёр... Насронийларда ҳам, бошқа конфесияларда ҳам гуноҳ хисобланадиган бу хил шайтоний аъмолларни мусулмон ўлкасида тарқалишга изн бериш, кўриб, кўрмасликка солишининг остида ҳам устамон сиёsat бор эди, деган фикрга борасан.

Улуғбек домла Долимов окка қора қилиб аниқ қайд этгандар:

«Россия Ўрта Осиёга ўзининг салбий иллатларини олиб келди. Бу иллатлар янги туғилиб келаётган миллий буржуазия ҳаётида кўзга ташлана бошлади. Улар – савдогарлар, заводчи бойлар, амалдорлар, элликбоши, мингбошилар бу иллатларни кўр-кўrona қабул қилишга одатландилар, меҳмонхоналарда, ресторонларда ифлос ишлар билан шугулланиш, «доми фиён» бўлиб юришга авжига чиқди. Ибрат ўзининг «Бўлубдур» радифли ҳажвиясида мана шундай ҳаётий лавҳаларни берар экан, унга ўзининг нафратини ифодалаш билан чекланиб колмайди, балки бундай ҳаётни вужудга келтирган омил сифатида Ўрта Осиёнинг руслар томонидан босиб олиниши ва улар олиб келган ифлосликларни кўрсатди».

Ҳар ерда ошкора ишида луъбат,  
Носих муҳтасиблар баста даҳон бўлибдир.

деган сатрлар бор мазкур ўлмиш маснавийда.

Яна шу асар, бошқа манзумаларда шундай чуқур таассуф, алам ва ўртаниш билан билдирган қатор фикрлар мавжуд.

Кўп фойдалар қўюб неча дўкондор,  
Қилди фуқарони кўп дилозор.

Етмай кучи неча камбағаллар,  
Йиглар эди вақти бемаҳаллар.

Бўлди зиногару лобагар кўб,  
Бу ишлари ҳеч нима эмас хўб.

Мардум бари бенамоз бўлди,  
Беажзу бениёз бўлди.

Башарият тарихининг ибтидосидан тортилган бир олтин ришига – Марказий Осиё ҳалқларининг, жумладан, ўзбек миллатининг тарих бўйлаб юлдузли, мунаvvар лаҳзалар, юксак довонлар забт этилган мунаvvар дамлар орасидан ҳам, ихтилофлар, хиёнатлар, ички ва ташки низолар, табиий ва ижтимоий паторатлар, кўйингки, ёруғ дунёда не хил синов, машаккат, кўргилик бўлса, барчасининг орасидан ҳам бардош бериб, йўқолиб кетмай келаётган ўз йўли – ошкора, пинҳона, ғаюрона, «дўстона» олиб борилган навбатдаги қакшатгич ҳужумга учрамиш эди. Ушбу ҳужум, таҳдиднинг пировард максади нима эканини кўрдик. Бу максад миллатни миллат, мусулмонни мусулмон килиб турган аломатларни хиракаштириб, ўчириб боришдан иборат эди. Тилини, дилини, дину иймонини, кадриятлари, урф-одатлари, маданиятни унтиши, миллат сифатида мутлақо йўқ бўлиб, гегемон миллатга сингиб, қўшилиб кетиши керак эди бу максадга кўра бизим ҳалқлар.

«Кўнғиз думалоққа чикиб, Балх билан Бухорони кўрибди,» - дейдилар.

Ҳужум, ҳамла ҳар томондан, катта куч ва хилма-хил усул, тарийқ, хийла-найранг ва тактика билан олиб борилди. Жанг курбонсиз бўлмайди. Курбонлар, бой беришлар, таассуфки йўқ эмасди. Кашибоқлик, фақирликка учраб ночорликда қолганлар бор. Аввалги сахифаларда қайд этилган, шайтоннинг ўзи бўларок нопок майлларга чорлаб, кутқу солған жилваларга, жилвагохларга кўнгли суст кетганлар, иймону зътиқодига карши бораётганлар топилади. Фитрат домла айтганларидай, гўр ёнса ёнсин, менинг қозоним қайнаса бўлди деб, шу оғир, синов замонларидан истифода этарок

бой бўлиб олай деганлар, келгиндиларнинг кўлтиғига кирганлар ҳам бор, албатта бор.

Шунинг учун, жуда-жуда керак эди Ибрат домла каби миллат пешволарининг, порсолари, пешқадамларининг сўзлари ҳам, амалда олиб борган ишлари ҳам ўша вактларда. Жуда-жуда керак эди!

Айтганимиздек, чаман тузиб, боғ яратмоқ миллатдошларимизни одам ўрнида кўрмаган, бизнинг юртимизга келиб, бизнинг заминимизда сайргоҳ қилиб, бу сайргоҳга бизни кириитмаган келгинди тўраларга: «Бескорнинг каттасини ебсан! Менинг миллатим ҳам айни муносиб, хўб муносиб, сандан кўра ортиқроқ муносиб!» деган хитоб эди, туғён эди, исён эди!

## Гулбоғдаги давралар

Айтадиларки, Ибрат домланинг гулбоғи ҳамиша гавжум бўлган. У ерга келиб сайри боғ этган юртдошларимизнинг албатта руҳлари тетик, ишончи қавий бўлиб, қалбларида якин ва истиқболли максадлар, орзулар, ғоялар жўш уриб кайтганларига ҳам ишончимиз комил.

«Мен бутун мамлакат бўйлаб чинакам илмий-техникавий тафаккурнинг яратилиши, барқ уриб ривожланиши ва чукурлаштирувани жону дилим билан орзу қиласман»....

Аллома Ғайбуллоҳ ас-Салом бу сўзларни 1995 йилда ёзганлар. (Қаранг: Гулистан журнали, 1955 йил, 3-сон). Лекин бу сўзлар, жону дилдан айтилган ушбу орзу Исҳоқхон Ибрат ва у кишининг 19 аср охири ва 20 асрнинг биринчи чорагида яшаган маслақдошлари орзуси билан жуда-жуда уйғун, ҳамоҳанг, шундай эмасми!

Боғ яратиш, юртдошлари кўнглида, руҳида умид, ишонч чечаклари, ниҳолларидан иборат ўлмас, мустаҳкам бўстон барпо этиш аллома фаолиятининг биринчи йўналиши бўлса, иккинчиси миллатимизни илму маърифат билан ошно этиш, ўкув юртларида диний билимлар қатори бутун жаҳонни ижтимоий-иқтисодий равнақ сари етаклаётган замонавий билимларга ҳам кенг ўрин бериш, юртдошларини жаҳон аҳли эришган тараққиёт самаралари билан атрофлича таништириш каби бағоят зарур, бағоят эзгу аъмоллардан иборат бўлди.

Бу йўналишлардан кўзланган максад илму маърифат ва маданият соҳиби бўлганларидан бўлак, ҳалқимиз фарзандларига ватанимиз, миллатимизни хурлик ва тараққиёт олиб борадиган

йўлни кўрсатмок эди. *Сиз тарих бўйлаб не-не улуг салтанатлар тузган, оламни ҳайратга солган мисли кам тадқиқотлар, қашфиётлар, бебадал асарлар яратма олган, ёргу дунёга кўрку хусн бағишлаб турган муҳташам ва муazzам шаҳарлар, иморатлар барпо этган буюк бир ҳалқнинг авлодисиз. Бугун ҳам жаҳон эришаётган равнақ, ривожнинг унсурларини олиб кела оласиз, тараққиётга еткизадиган бидъати ҳасаналарни ҳам жорий эта оласиз, уларни ўзингиз ҳам яратмогингиз ҳам мумкин! Факат бунинг учун ўқимоқ керак, ўрганмоқ керак, ердан кўзни узуб, ўзни бегона ҳою ҳаваслардан ҳолос айлаб, баландроқ тепалар устидан қарамоқ даркор ўз ҳаётимиз ва жаҳон ҳаётига, ўз аҳволимиз ва аҳли дунё ҳолатига!*

Ишқоҳон Ибратнинг гулбоғда, балки мактаб хоналарида уюштирган турли тадбирлари, даврлари, кинофильмлар намойиши, сухбатлари замирида ҳам маърифат ва маданиятга даъват истаги ётган эди, деган фикрдамиз. Устозларимиз, жумладан, Улугбек Долимов, Наим Каримовлар «Назм ва наво» кечалари деб аташган бундай давраларда Нодим Наманганий, Мулло Йўлдош Хилватий, Шавкий, Ҳайрат, Муҳаммад Шариф Сўфизода, каби ўз замонасининг таниқли шоирлари, Низомхон, Абдулла тарокчи, Султонхон, Рўзи охун каби хонанда ва машшокларнинг иштирок этгандари маълум. Тошкентдан Мулло Тўйчи Тошмуҳамедов, Самарқанддан Ҳожи Абдулазиз каби санъат дарғалари ҳам ташриф буюришган бу хил тадбирларга.

Энди, ушмундок забардаст ижодкорлар, сўз мохирлари, наво сохиrlари билан обод анжуман ўтадиyo, ҳар кичик имкониятни миллати кўнглига ёруғлик, ишонч ва шижаот олиб киришга йўналтириб ўрганган зиёпарвар зот ана шу тадбирларга мумкин қадар кўпроқ одамни жалб қилиб, баҳраманд этмасинми!

Эшитсинлар, маърифатни, эзгулик, иймон, хурлини васф этган, ёхуд буларнинг тамомила акси бўлган кабоҳат, куфр ва кулликни қоралаган назм дурдоналарини жон қулоғи бирла эшитсинлар, токи куфр, зулм ва ноумидлик билан корайган кўнгилларига нур етгай, мунаввар бўлгай! Тингласинлар, ҳар пардаси, ҳар оҳангига ҳалқимизнинг бекиёс дарду ҳасрати, орзу ва армонлари мужассам ўлмиш қўшиқларни, куйларни сингитсинлар юракларига! Гўзал садолар санъати ҳакидаги тушунчалари бойисин. Тўлқин–тўлқин завқ билан кўнгилларни поклаш, руҳларга кувват баҳш этиш борасида ушбу шеърларнинг, апулаларнинг олдига тушадиган не бор оламда!

Кулок тутсинлар, энг бешафқат, энг беномус замонларда ҳам ўзининг соғ инсоний, маънавий бутунлигини, ўзгаларга нисбатан шафқат, аёв ва меҳрибонлик каби хислатларини бой бермаган, дини, ҳалқи, ватани олдидаги бурчини, масъулиятини бир лаҳза унутмаган аҳли салоҳнинг, порсоларнинг, донишманларнинг зиёбахш сухбатларини, теран мулоҳазалари, ўй-фиқр, таклиф ва йўл-йўрикларни сабт этсинлар тафаккурга!

Бундайин сухбатлар то субҳ наққоши фалак бағрига ёруғ ва тиник ранглар соча бошлагани қадар давом этган бўлса ажаб эмас. Албатта, Исҳоқхон тўра бундай анжуманларни равшан чироғи бўлгандар.

Аллома ҳар имконият, ҳар воситадан истифода этарок маърифат ва ва маданият уруғларнин сочишга ҳаракат килди, дедик. Улувбек Долимов ёзадилар: «Исҳоқхон Ибрат Оренбургдан литографик машина билан бирга кино ва фото аппаратлари, совиттич каби маданият ашёлари олиб келди. У биринчи бўлиб қишлоқ аҳолисини ўз уйига йиғиб, фильмлар намойиш килди, тараккӣй этган шаҳарлардаги маданий ҳаёт ҳакида уйига йиғилган қишлоқ аҳолисига маъруза килди, уларни расмга олди.»

Хориж юртлардан келтирилган «Сантур» (1990 йилларда бу мусиқа жавонини кўрган ва ўшангача ишлаб, ажиб тароналар таратиб турганидан ҳангун манг бўлиб эдик), грамофон ускуналардан ҳам бу улвинажод зот ўзларининг кўнгилхушликлари, хордиқлари учун фойдаланмаганлар. Улар билан бирга чет эллардан турли куйлар сабт этилган «товорқ» лар олиб келган эканлар, одамларни тўплаб, ана шударни ҳамда ўзимизнинг ҳофизлар, машшоқлар ижросидаги куй ва қўшиқлар ёзилган пластиинкаларни кўйиб берганлар, устозлар айтганидек, Шарқ ва Ғарб мусиқа маданияти тарғиботи билан шуғулланганлар. Олтин ёмбилардан учган мўъжиз зарралар эшиглар қалбини музайян этган лаҳзалар эди булар. Гўзал садолар санъати билан ўзини йўқотаёзганлар, номларини унугаёзганлар ҳам мусиқанинг теран водийларидан топа олганлар ўзларини, ватан, милилатнинг ўтмиши ва келажаги орасидаги риштанинг мустаҳкам қолиши учун масъуллик ҳис қилганлар.

## **Ибрат домла очган мактаблар**

Ушбу йўналишдаги энг муҳим, аҳамияти улуғ иш, албатта, Исҳоқхон домланинг бошқа ҳамфирлари, маслакдошлари йўлидан

бориб Тўракўргонда бир неча маротаба янги услубдаги мактаблар ташкил этгани бўлди.

Янги услубдаги, «усули савтия» деб ном олган мактабларнинг мақсад-моҳияти ҳаёти тавсиф этилаётган сиймонинг изланиш ва мақсадлари билан уйғун эди, улар ўз фаолиятларида исломий рух ва табиатни сақлаб қолиш, фақат дарсларни янги услубда ўтиш, шунингдек, ўша замон дунёвий фан техникасини ўрганишга ҳам кучлирок аҳамият беришни кўзда тутган эдилар. Домлойи жавон 1986 йилда, яъни йигирма тўрт ёш эканидаёк илк мактабни очиб, тўракўргонлик толиби илмларга сабоқ бера бошлаган эди. Бироқ саксон олтинчи йилнинг савияси ва кайфияти ушбу билимгоҳдаги ахволни қабул қилишга ожиз келди, бу ердаги услуб ва ўтила турган дарслар у йилларнинг кўзига тартибдан ташкари, гайри исломий бўлиб урилди. Улугбек Долимов бу илм масканини ёш Исҳоқхон Кўкондаги рус мактабларидаги тартиб ва қоидалардан таъсирланиб очгани ва юргизганини айтадилар. Шу боис, мутаассиблар ана шу зиё манзилида ёнган равшан чироқни тош отиш ила синдирилар, ўчирдилар.

Лекин зарурат, ғоя, мурод-мақсад кўнгилда, тафаккурда шаклланиб, етилган ва амал йўлига тушган эди. Тарихнинг азamat ғиддирагини бир-икки тош отиш билан тўхтатиб бўлса экан! Крим томонидан эсган маърифат насими бизим ўлкада ёна бошлаган зиё манбаларини пуфлаш ила равшанрок

этаверди, юртимизнинг турли манзилларида яшаган равшанфиркларимиз ўз атрофларига нур ташналарини тўплаб, хеч бир соҳани назардан қочирмаган ҳолда билим бериши ила машғул ўлдилар.

Исҳоқхон домланинг ўзи 1986 йилдан кейин 1907, 1914 (буниси рус тузем мактаби бўлган эди) ва 1918 йилларда янги билим ўчокларига асос солган, 1920 йилда саводсизликни тугатиш мактабини очилишига бош-кош бўлган эдилар. Миллатини равон ва ёруғ йўлга бошловчи, қисқа умри мобайнида, ўта мураккаб тарихий шарт-шароитда бу микдорда илм маскани ташкил этиб, хеч бир ўқувчи-ўрганувчидан бир танга ҳақ сўрамай билимга, маърифатга етаклаган сиймоларни, валийларни юборгани учун Холики тавонога ҳар қанча ҳамд айтсанг кам!

Устозлар 1920 йилдан тортиб Шаҳанд кишлоғида Мухаммад Шариф Сўфизода, Арғинда Орифжон Умаров, Тўракўргонда Исҳоқхон Ибрат ва Мирзахамдам Хонкелдиевлар бошчилигига очилган саводсизликни тугатиш мактабларининг ташкил

этилишида, ўкув жараёнининг кўркам бир тарзда бошланиб, яхши давом килишида Исҳоқхон домланинг раҳбарлик қилганлари, у кишининг ўқитувчилар тайёрлаш ишига бирламчи вазифа кўрарок катта эътибор берганини қайд этадилар.

Фикримизча, халқини маърифат ва маданиятга еткуриш харакатида кўйиб-пилиб яшаган, таниқли дин ва жамоат арбоби сифатида машхур бўлган бу фозил инсон Наманган вилоятида 20 асрнинг биринчи чорагида ташкил этилган ҳар бир мактаб фаолиятидан боҳабар яшаганлар, ҳар битта шундай билим манзилининг очилишини бутун миллат ва шахсан ўзларининг ғалабаси билганлар, уларни ҳар бирига ҳар йўсун билан кўмаклациб турганлар.

Шундай маълумотлар борки, янги услубда мактаблар миқдори 1908 йилга келиб водийда 30 тага етган эди. Стелла Губаева ўзининг «Фарғона водийси аҳолиси 19 аср охири ва 20 аср аввалида» деб аталган рисоласидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бу миқдор анча кўпроқ бўлиб чиқади, чунки Андижоннинг ўзида уларнинг сони 18 та бўлган экан.

Шу муаллиф Тўракўргон тумани, Қатағон қишлоғида очилган мактаб ҳақида қизиқарли маълумотлар беради. Бу ерда дарслар мачит биносида ўтилган, ўқувчилар сони олтмишта бўлган. Муаллим Зоҳид Нажимов исмли тотор киши бўлиб, у болаларга она тили, арифметика ҳамда Қуръони Карим қироатидан – тажвиддан сабок берган. Она тили бўйича дастур охирига етгач, болалар рус тили бўйича ҳам дастлабки таълим олганлар.

Зоҳид Нажимов қишлоқ аҳолиси ўртасида билим олишнинг аҳамиятини тарғиб қилган, бунинг учун турли услубларни қўллаган эди. Кимнингдир хонадонида тўй маросими бўлса, у ҳамма ўқувчиларини ўша ерга олиб борар, аввал ўзи халқни маърифатга даъват этиб, маъруза қилгач, кейин болаларга навбат берарди. Улар мактабда ўргангандарини намойиш этиб, катталарни ҳайратга согланлар. Шунингдек, Зоҳиджон домланинг шогирдлари кўпинча Қатағон кўчаларидан саф бўлиб ўтишар ва марш усулида қўшиклар айтишар экан. Кўшиклардан бири ушбу сўзлар билан тугаган:

Ўқит бизин, азиз отам!  
Ўқимасам, тошдай қотам.  
Ҳеч на кўрмай,  
Ҳеч на билмай,  
Ихтиёrsиз арам, ётам.

Набижон Маъруфов деган кишининг хотираларига таянган муаллиф шундай мактаблардан яна бири Шаҳанд қишлоғида ҳам фаолият кўрсатганини қайд этади. С. Тубаева ўз китобида машхур ўзбек шоири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам Намангандаги очилган янги услуг мактабида таълим олганини ёзди. Шоир ўзида инқилобий фикр ва туйғуларининг шаклланишини Намангандаги яшаган ва қўл босма ускунада мўъжаз китобчалар нашр этган бошқа бир тотор киши таъсирида юз берганини айтган экан. Ким билади, балки бу одам кейинчалик «Матбай Исҳоқия» нинг ишини юритган Ҳусайн Макаев бўлиб чиқар.

## Ҳамма нарсадан илгари китоб керак

Китоб! Китоб! Китоб!

Янги усул мактабида ўкиётган қоракўзлар учун дарсликлар етишмайди, Бор, лекин яна, кўпроқ, кўпроқ керак! Яхши китоб қанча кўп бўлса, шунча яхши! Саводи бор, ўқиш-ёзишни биладиган биродарларимиз, сингилларимизнинг ўз тарихимиз, адабиётимизни билиш, тил ўрганиш, шунингдек, жаҳон тарихи, маданияти, фан ва техникасини ўрганишлари учун жуда кўп, мукаммал асарлар керак.

Буни англаган Исҳоқхон тўра дарҳол кутубхона ташкил этишга, аникроғи отамерос, бобомерос кутубхона, китоблар жамгармасни кенгайтириш, бойитиш харакатидан бўладилар. Шундай кутубхона хонадонда мавжуд эди ва унда, айтишларича, Лутфий, Жомий, Навоий, Бобур, Бедил, Машраб каби буюк шоирларнинг асарлари бор эди.

Узбу хазинада аждодлари шажараси Хожа Ахмад Яссавийга бориб туташадиган хонадон ахли неча аср давомида саралаб тўплаган китоблар қатори мукаддас Ислом тарихи, асослари, унинг турли масалалари ичиш этилган, динимизнинг атоқли намояндайлари ҳаёти ва фаолиятига бағишиланган нодир ноёб асарларнинг бўлганлиги ҳам шубҳасиз.

Энди, хозирги замон тили билан айтганда, давр кун тартибига кўйган бурч ва вазифадан келиб чиқкан холда, мазкур кутубхонани бойитмоқ даркор эди. Домла эзгу мақсадни дилга тушиб ҳаракат қилганлар, ўзлари ёки таниш билишларидан кимдир қайга боришиша, ўша томондан зарур китоблар олиб келишининг пайида бўлишган. Қозонда, Тошкентда, бошқа шаҳарларда иш бошлаган «чоффоҳоналарда» чоп этилган янги нашрлардан вокиф яшашган.

Камол касб этмоқни мурод этган юртдошларимиз қайси мавзуда, қайси соҳага оид адабиётга эҳтиёж сезсалар – топдириб келайлик, буюртма қилайлик, ўзимиз ёзайлик! Токи ҳар соҳага оид китоблар бўлсин бу хазинада, токи кайсиdir соҳага, фанга оид китобни истаган, демак, ўзини камолга еткурмоқ, юртини, миллатини рӯёбга чикармоқ истаган нур жўяндаси, тараққиёт талабгори қийналмасин, истагининг тулпори секинлаб қолмасин, топсин истаган китобини бу жамғармадан.

Ибрат домла ва у кишининг замондоши бўлган пешволаримизнинг кўп китоблари ана шу тарихий зарурат нуқтаи назаридан туриб битилди, чоп этилди. Аллома Шухрат Ризаев «Жадид драмаси» китобида Ҳожи Муъиннинг «Ўзбекча алифболар тарихи» мақоласидан қўйидаги иқтибосни келтиради.

«1901 йилдан эътиборан Кўкон ва Тошкентда, 1903 йилдан Самарқандда янги мактаблар очила бошланди. Бу мактаблар Туркистоннинг катта шаҳарларида сон жиҳатидан (таклидий суратда) бир даража кўпайган бўлса ҳам, 4-5 йилдан кейин яна камайиб, факат баъзи тузуклари давом этди. Бунинг бир сабаби китобсизлик бўлса, бошка сабаби ўқитувчиларнинг усули таълимдан хабарсизликлари эди».

Шухрат Ризаев шундан кейин ёзади: «Бу вазифани ҳам янги мактаб ташаббускорлари ўз зиммаларига олдилар. Ҳудди Исмоил Гаспрали шундай мактаблар учун «Хўжай сибён» («Болалар муаллими»), «Раҳбари муаллимин ёки муаллимларга йўлдош» номли дарслик ва кўлланмаларни тузиб бергани каби Туркистон жадидлари ҳам бирин-кейин «Устоди аввал» (Сайдрасул Саидазизий), «Адиби аввал» (Мунаввар қори Абдурашидхонов), «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим» (Абдулла Авлоний), «Таҳсил ул-алифбо» (А. Ибодий), «Раҳбари аввал» (М.Фахриддинов), «Тазхив ус-сибён» (Садриддин Айний) каби қатор алифбо ва дарсликлар ёзиб, нашр килдирдилар. Нафакат алифбо, айни чоғда ҳисоб, жуғрофия, тарих, имло қоидалари, ислом дини тарихи, она тили ва адабиёти каби алоҳида предметлар бўйича ҳам Беҳбудий, Фитрат, Ашурали Зоҳирий, Ҳамза, Авлоний, Айний ва бошқаларнинг маҳсус дарслик ва мажмулари тайёрланиб, чоп этилди».

## **Насрда битилган асарлар**

«Тарихи Фаргона», «Маданият тарихи», «Мезон уз- замон» асарларнинг номларидан ҳам маълум бўлиб турибдики, улар аллома хаётининг чин мазмун-моҳиятини ташкил этган мақсад ва вазифалар нуқтаи назаридан туриб ёзилган. «Тарихи Фаргона» рисоласини ёзишда Исҳоқхон Ибрат, албатта, Шарқ муаррихларидан қолмиш меросдан, анъаналардан истифода этди. Айни чогда, у ўтмиш салафларидан фаркли равишида ўз тарихини «умароий» эмас, жўғрофий, маданий ҳамда саноий этишга ҳаракат қилди, яна бўлиб ўтган ҳар бир воқеага, тарихимиз саҳнасида муҳим аҳамият эгаси бўлган ҳар битта сиймога адолат юзасидан баҳо ва таъриф берди. Ўтмиш хукмронларининг барчасига баробар ҳамду санолар айтгани йўқ, уларнинг поёнсиз урушларини баён этмай, улар орасидаги маърифатли, адолатли зотларнинг яхши табиати ва эзгу ишларини эътироф этган ҳолда, калондимоғ, ўзбошимча, золим ҳонларнинг ҳақ ва ҳакикатга, адабу ахлоққа зид кирдикорларини, охир-оқибат ватан ва миллат олдидаги мудхиш гуноҳга, жиноятта айланган қилмишларини рўйи рост тасвир ва таҳлил этади. Ўзининг оламдовруғли фани, маданияти, улуғ сиймолари, заминида қурилган буюк салтанатлари билан оламни танг қолдирган ҳалқнинг вакт етиб аксар соҳаларда қолоклик домига тушиб қолиши, бегоналар томонидан истило қилиниши сабаблари кўп жиҳатдан ана шу ҳонлар, амирларнинг хатолари, қалтабинлиги, худбинлиги оқибатида юз берганини таъкидлайди.

«Булар ҳаммаси ўзларининг бефикр ва бехунар беилмлилик, сиёсати аскариятдан беҳбарлиқдан, тадбирсиз ҳукумати мусулмонияда қонуни аскарий йўқлиги сабаб... Зоҳирий ва ботиний иродаси Аллоҳга марбут».

Мана, Олимхон ибн Норбўтахонга берилган таъриф:

«Бу Олимхоннинг лақаби «золимхон» эди. Бунинг амакиси Ҳожибекни қатл қилиб, кўп зулмлар чиқарган эдики, бунинг ғазабиндан ва зулминдан золимхон исми машҳур эди... Ўзини қўл берган пирини даррага ётқузиб эди. Иниси Рустамбекни ўлдуриб, саркардалардан қанчани ўлдириб, охири бу зулмларнинг мукофотиға умароларидан бўлуб, ўғли Шоҳруҳхон илан ҳар иккисини биёбонда ўлдуруб, жасадни Ҳўқандға олиб келуб, дағн қилғон эканлар.»

Муҳаммад Алихонга берилган тавсиф:

«Мұхаммад Алихон умрениң қолганини ортуқ жориялар ва маҳрамлар бирлан үйин-кулгилар билан кечуруб, ҳавасга нақдина сарф этуб, мамлакат бўлса атосини солиб кетган йўлида ва коидаси илан барпо бўлуб, бир давр осудаҳол ва бир аср фориғ бол бўлуб, охири ҳолларинда ҳалқ бу кишини шароратидан озурда бўлуб, бало фитна остида қолуб, суратда аҳсан ва баданда ажсам, кўзга босавлат ва кўтарга боҳайбат, симину муаззам ва бир шахси беғам, сайри шикор ва сафари бекорга юруб, калта сафарға кўб аскар илан армуғон отлар ва исковуч итлар, посбон беклар, чодири чиммат кирон қушлар, соч қўйган маҳрамлар, ҳар ерда юрса ойимларни олуб юруб, хонлиқ салтанатини изҳор ва аҳолини бу баҳона ила иғфол этиб бу сиёсат ила ихмол этган бир зот эди.»

Кўз ташлаб кўрмок мумкин бўлган мислсиз ғайридин, ғайрмиллат ёғий таҳдид қилиб турганда не бир баҳона сабаблар билан Қўонга лашкар тортиб келган, шаҳарни қонга ботириб, Мұхаммад Ҳакимхон тўра ёзганларидек, мамлакатнинг йиллар мобайнинда йигилган хазинасини бир зумда яғмо ва тарож килган, ҳалқнинг бор-будини тортиб олишга йўл қўйган, Мұхаммад Алихонни, унинг укаси Султон Махмудхонни, онаси Нодирабегимни, вояга етмаган фарзандларини сўйдирган Ботур қассоб – Насруллоҳон ҳақида эса шундай бир лавҳа бор.

«Ўз вазирларидан Абдуссамад нойиб деган хушманд киши амирга: «Жаноби олийларига малоли хотир бўлмаса, бир калима сўз айтсам» деганда: «Амир нима сўздур?» деган экан. Айтубдурки: «Холо Хўқанд забт ўлди, Фарғона катта мамлакатдур, канча аскар ва сипоҳу хазина сарф ўлуб олинди, алҳолда Русияни келмаги маҳали ҳавфдур, агарда хонни онти ақид беруб, тавба қилдуруб, Хўқандға қўйуб, Бухорога тобеъ қилиб, бир мулк бизларга келган душманларга бир қалқон бўлур эрди», деганда сўзи амирга маъқул бўлмай, оғзига кашф билан урдургон экан.»

Ибрат домла битган тарих она Туркистонимиз ва жафокаш ҳалқимиз бошига қаро кунлар не сабаб келганини дардли оҳанг, ҳарфидан қонлар томган сўзлар ила сўзлагани, очиб бергани учун қимматли, мана кўринг, қайда хатога йўл қўйдик, нелардан ибрат олмок даркор, қайси хато, қайси гуноҳлар минбайд ва минбайд тақрорланмаслиги керак дея огоҳ этилганлиги билан бениҳоя мухим, аҳамиятта сазовор.

«Мезон уз-замон» Ибрат домланинг маслакдошлари томонидан битилган бошқа рисола, маколалар, жумладан,

Абдурауф Фитратнинг «Нажот йўли» китоби билан кўтарилиган муаммо, мавзу, оҳанг жиҳатидан уйғун асардир. Бунда замон кун тартибига қўйган, гапиришнинг ўзи ҳам оғир, мураккаб масалалар ватанпарвар, миллатпарвар ва тараққиёт жўяндаси донишманд назари билан таҳлил этилади, ечимлар изланади, йўл-йўриклар, тавсиялар таклиф этилади.

«Мезон баробар киладурғон тарозидур. Бу асрларни, замонларни вазн киладур. Сўнгра хосили мезон бир натижа хосил бўлур. Биз бу мезон ила ўз асримизни тортамиз. Аввалги замон ва кейинги замонларнинг бўлак тарозиси бор. Биз кўз билан кўрганимизни вазн киламиз».

Асар тўққиз қисмдан иборат ва ҳар бир қисмда турли иллат, муаммолар таҳлил этилади.

Биринчи мезон, яъни китоб аввалида айтилади: Парвардигори олам ўз амрида уламоларга амри маъруфни, бойларга эхсон ва хайру маданият, фуқарога ўз касбу илмини тараккий топдиришни буорган. Йўқ, булар бугун ҳамма уламою фузало ҳам авом ҳам нафс хизматидан бўлмай, дунё тўпламоқ, иморат, ҳашам, нафс манфаатларининг мубталоси бўлиб қолди.

Давомидан ўқиймиз: «Хизмати уммат, хизмати миллат деган нима? Ани билмай, муни қилмаса ҳаром, муни қилмаса макрӯҳ, бу мустаҳаб, бу мубоҳ деб, бу умматга фарзи айн бўлган ишлар қолуб, мустаҳаб ила макрӯхга жанжол қилдилар». Домла Ибрат айтадики, шундайлар борки, булар бир янги ашё пайдо бўлган эсаю, улар кўрмаган бўлсалар, уни ҳаром деб эълон қилдилар, то урфга кириб, таркалиб кетгунча ҳам хуркиб турадилар, кейин хеч шубҳаланмай қабул қилдилар. Гугурт, лампа чироғи, темир йўл каби куляйликлар авваллар нима учун бўлмаган эди?...

«Бунга сабаб мутараккий ва маданий ҳалқнинг йўқлиги, ихтилоф йўқлиги... Асли иллат ҳаммасига илму хушсизлик».

«Бас, ўқинг, хунар касб этмоқ ҳаракат даркор экан кўриб турибсиз».

Аллома шу тарика асарнинг турли бобларида ўша замонга хос ёмон таомиллар: қайсиdir хонадонда юз берган мусибатдан кейин қилинадиган беҳуда сарфлар, тўйлардаги киши белини букиб қўйгувчи ортиқча харажат исрофгарлик, ёзги, кузги дала ишлари яқунлангач, уч ойлаб меҳмонхона,

чойхоналарда азиз умрни «тўқма», «тап» каби бўлмағур тадбирларда бефойда ўтказишларни, самовар, гугурт, файтон арава, калош, лампа (Бунинг равшанида ўлтуриб бўлмайди, ёғи ҳаром

эмиш, инишо насроний, алалхусус масжидга кўйиб бўлмайди...) усули савтия мактаблари каби бидъати ҳасаналарга карши ҳаракатларни таҳлил ва танқид килади, буларни бартараф этмоқ йўлларини излайди, йўналишлар тайин қилади. Қаноатчил, ҳаракатчан, некбин бўлишга чақиради.

Тил сўзламоқдан, қалам ёзмоқдан бош товладиган гаплар, қайсики Фитрат домла, Ибрат тақсир юраклари таталаниб, тирналиб айтган кўп нуқсону хатолар, ёмон одатлар бутунги кунга келиб бадтарроқ бўлса бўлди, йўқолгани йўқ. Қора маъракалар, тўйлардаги масрафу исрофни кўриб ёка чанглайсан, ҳайратинг ошади.

Саккизинчи мезонда Исҳоқхон шундай қайд этади:

«Бизнинг халкни умумий ҳаммасида бир хейли зотий феълларидур, ўз шаҳарларини(нг) либосидин бошқа мамлакат либосини кўрсалар, ичи билан ишлари йўқ, салласи бўлса, мажусийни ҳам мусулмон деб ушлаб, эътиқод қилурлар. Аммоқи, телфак ёки шиляфа, ё фас ё бўлак хил тўғфи кийган бўлса, ани Боязид ёки шул киши Баҳоуддин десангиз, албатта нафрат қилурлар. Бир киши ҳажга боруб, анда туруб қолуб, мурури замони мусофириот арабча кўйлак кийиб келган экан, ани(нг) ўғли нафрат қилиб, «Отамиз ҳаждан бузулуб келибдур», деганлар. Бир вактлар Наманғондан бир мўйсафид яхудий катта салла ўраб, мўйлабни олдуруб, катта тасбих ушлаб тоғда, қиргизда Бухородан янги келган катта шайх деб шуҳрат бўлуб, кўб окчалар жамлаб турганда бир шинос киши таниб: «Эй, фалоний яхудий-ку», деб, ул яхудий: «Эй, садага шум, айбни ошкор қилма», деб илтижо қилиб қочган экан. Бизнинг халқнинг ихлоси либосга, одамга эмас.»

Бу асар ҳақидаги мулоҳазаларимизни олимнинг ушбу сўzlари билан якунласак бўлар:

«Агар умрни хоҳлаб ёки қайтариб олмоқ мумкин бўлса эди, «Ва лайса- ш-шабоба биъавди қувватин,» демас эдилар. Умрни қайтариб олур эдилар. Лекин бўлмайдур, замона турмайдур, аср ва тор вакт кетар, илмсиз, ахлоксиз қолур. Сизлар, вакт, аср лайлалутләндардек ўтуб кетар, илмсиз, ахлоксиз қолурсиз, ҳаракат даркор, ижтиҳод даркор. Ҳаётни сизга бойлаб бергани йўқ. Мамот ҳозирдур, вокиф бўлинг, амал қилинг, иш қилинг, йўл топинг, илм ўкунг. Оллоҳ ёр этур.

Куруқ юрма, қуруқ дасти ажалда  
Солур токи камон этмас маҳалда.

Миллатнинг зиё талабида бўлган, фаол ҳаракат ила тараққиёт истагида йўлга чикқан вакиллари чор маъмурияти билан муносабатларда тараддудга тушмасинлар, дадил бўлсинлар, хориж юртларга билим олиш ва ёки турли соҳалар бўйича ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш учун сафарга боришни азм этганилари чоғ қийналмасинлар, бундан ўзга, дунё бўйича чоп этилаётган ҳар турфа нашрларни ўқий билсинлар, бунинг учун эса тил билиш даркор, хат билмоқ зарур.

«Лугати ситта ал-сина» ва «Жомеъуул-хутут» асарлари ана шу зайлда дунёга келган ҳайрият намуналариdir.

«Лугат»нинг муқаддимасида Исҳокхон тўра унинг тузилиши сабабига тўхталиб, саёҳат килган вактларида ҳар бир тилнинг сафар аҳли учун юзта олтинга баробар бойлик бўлгани, шунинг учун аввало ўзи турли тилларни ўрганишга кўшиш (ҳаракат) қилиб, сўнгра эса замон, дунё аҳли фойдаси учун шундайин бир китоб ҳозирлашга жазм этганини ёзади. Мазкур нашрнинг номидан ҳам кўриниб турибдики, у олти тилликдир, яъни бу ерда ўзбекча сўзларнинг арабча, форсча, туркча, хиндча ва русча мазмунлари берилган. «Даво дардга мувофик келди», дейдилар. Ушбу лугатнинг ўша замонда яшаган юртдошларимиз учун аҳамияти ҳақида Улуғбек Долимовнинг «Исҳокхон Тўра Ибрат» китобида шундай дейилган:

«Китоб қўлёзма ҳолидаёқ қўлдан қўлга ўтиб, зиёлилар ундан фойдаланишга, кўчириб олишга муваффак бўлганлар. Рус тилини ўрганиш истагидаги ўзбек зиёлилари, «Усули савтия» мактаблари ўкувчилари ва ўқитувчилари бу асарнинг яратилишидан хурсанд бўлдилар:

Ибрат домланинг набираси Жамила машхур бобосининг миллатимиз фарзандларига тил ўргатиш бобидаги ҳаракатларини давом этдириш мақсадида ҳозирги «Жаҳон тиллари» дорилфунунинг кириб таҳсил олди, инглиз ва немис тиллари бўйича муаллима бўлиб этиши ва бутун ҳаётини болаларни мана шу икки лисон бўйича саводхон этишга багишилади. Олий тоифали ўқитувчи унвонини олди.

«Ўз соҳам бўйича жуда кўп китобларни ўқиганман, лугатларни кўрганман, аммо олти тиллик лугат тузган бошқа бир олимни билмайман», - дейди бу муаллима.

Агар «Лугати ситта ал-сина» Исҳокхон Ибратни етти-саккиз тилни мукаммал билган олим сифатида маълум килиб,

кўпчиликнинг ҳайрат ва ҳурматига сазовор этган эса, «Жомеъулхутут» билими, тафаккури доираси осмон қадарли кенг, ижтимоий-ижодий фаолиятининг самараси жуда бой бўлган, нафақат ўз замонасининг, балки, умуман, ўзбек тарихининг энг нециқадам, кўзга кўринган алломаларидан бири сифатида маъруф этди. «Жомеъул-хутут», - деб ёзди Улугбек Долимов, – дунёда машҳур бўлган 41 хил (!) ёзув тизими ҳакида, шу жумладан, араб хатининг сулус, тавкеъ, райхон, зулф, хумоюн, турфа каби шакллари ҳакида маълумот беради ва шу билан бирга, унда ҳусниҳат санъатига оид фикрлар билдирилади».

Исҳоқхон тўра ушбу мураккаб тадқиқотга киришар экан, бу гал ҳам унинг ватанимиз, ҳалқимиз тараккиёти, равнақи учун фойдали жиҳатларини бир лаҳза бўлсин назардан кочиргани йўқ.

## Таснифи зеболар

Ўша замонда яшаб, ижод килган, сиёсий-ижтимоий жараёнларда фаол қатнашган илфор мутафаккирларнинг бевосита дарслик ёки кўлланма бўлмаган асалари ҳам хатман маърифатга, тараққиёт ва маданиятга чорлаш ғоялари, максади билан йўғрилгани яхши маълум ва бу фикр биринчилар қатори Исҳоқхон Ибрат ҳакида ҳамдир. Аллома ҳаёти ва ижодий фаолияти бўйича самарали тадқиқотлар олиб борган Улугбек домла Долимов шоирнинг назмий меросини ҳам «Маърифатга бағишлиланган шеърият», деб атайдилар. Устознинг «Исҳоқхон Ибрат» китобида шоир Муҳсиний томонидан Ибрат ҳакида айтилмиш «Неча таснифи зеболар чикарган соҳиби девон», деган таърифи келтирилган.

Муҳсиний мана шу муҳтасар жумлада Ибратнинг ҳам гўзал шеърлар битган шоир дея эътироф этади, ҳам ана шу шеърларни жамлаб, девон тартиб бергани ҳакда бизни хабардор килади. Маълумки, мазкур девон то ҳануз топилган эмас. Бироқ шоирнинг бизгача етиб кела олган шеърий асаларининг ўзиёқ Муҳсинийнинг «таснифи зебо» деган тавсифи қанчалик тўғри эканлигини, Холику ҳалил шахсиятини бир турфа фазилатлар билан зийнатлаган Исҳоқхон Ибрат бу борада ҳам ноёб истеъдод ва етук иқтидор соҳиби бўлганлигини тасдиқлаб турибди.

Ширин калом шоирнинг «Хуш келдингиз», «Кўргани келдим соғиниб», «Ишқинг дилу жона жо бўлубдур», «Чаман ичра», «Адо қиласиз», «Эй ниҳоли қомати», «Эй, ёри суманбари ягона» каби ғазал, мусаддаслари баҳор ҳавосидан нафас олгандай, атиргул

ҳидлагандай бағр яйраб ўқилади, ўқилгани ҳамон хотираға мұхрланиб қолади, демакки күнгіл мулкига айланади. Шуларнинг ўзиданок Ибрат мұмтоз шеъриятимизнинг йирик вакиلى бўлганлигини тан оласан, ўша девоннинг йуколгани, балки йўқотиб юборилганига таассуфлар қиласан, шундок етук асарлар жамланган, ҳалқимизнинг бойлиги бўлиши мумкин китобни, девонни ямлаб, ютиб юборган қатағон оловига ва бу оловни яшиатган гумроҳларга, жохилларга яна, нечанчи қайта лаънатлар айтасан. Вайл бўлсин жаҳолатга, дейсан.

Ватанимиз ва ҳалқимиз бошига келган қаро кунлар тақозоси, зарурати билан инсон сифатида, олим ва ижодкор сифатида ўз бурчини миллатини маърифат ва маданият воситаси ила тараққиётга, хурриятга етказишида деб билган шоирнинг назмиётида ҳам ана шу бурч кун тартибиға кўйган масалалар ўз ифодасини топган.

«Турфа замон бўлибдур», «Қалайсизлар», «Қарз» каби шеърий асарларда чор истибоди оқибатида ҳалқ бошига келган ранжу машакқатлар чукур, алам ва изтироб ила баён этилади. «Жаҳондин айш излаб», «Ўлурсан», «Жаннат бўлар» сингари бир қатор манзумалар дидактик табиатта эга, тўғри йўлдан адашган, ҷалғиган, навмидликка бораётган замондошларини огоҳ этиш, умид, ишонч бериш мақсади билан битилган.

Аллома юртимизда тараққиётнинг ҳар янги унсуруни пайдо бўлишини катта кувонч билан кутиб олади. Бу ўринда келгинилар ёмону, улар келтирган техникавий янгиликлар мақбулми, тарзидаги танбеҳу дашном ҳам, биз бўлмасак, бу хил рушноликлар қайда эди, деганга ўхшаган даъволар ҳам мутлақо ўринисиздир, чунки шу янгиликлар келгинди келмаса-да, келгай эди эрта-кеч.

Алкисса. «Тарихи вагон Исҳокхон Ибратдан» манзумаси Наманганга поезд келиши муносабати билан битилган, «Тарихи трактур» шеъри далаларимизда трактор пайдо бўлганда ишо этилгани кўриниб турибди.

Шоир вагон келишини муборакбод этиш асносида ҳам бу хил хайрбод ишларнинг, янгиликларнинг фактат илм ва тараққиёт туфайли содир бўлиши мумкинлигини таъкидламоқни унугтмайди.

Ўқингиз илму ҳикмат, сизга бу иш катта ибратдур,  
Агар илм ўрганурсиз барча ишда сизга пусратдур ,  
Агар илм ўлмаса, нодон умри барча кулфатдур,  
Бу ашёи жадиди мубаддини асли ҳикматдур.

## Газета билан боғлиқ фаолият

Газета сингари бир яхши нарса яна қайда бор! Гаспиралининг таълимоти, ғоялари «Таржумон» воситаси билан бутун Шарқ оламига, жумладан, Туркистони азизга ҳам ҳаётбахш манбадан тарапгучи ирмоқлар сингари ёйилиб турибди. Николай Іннинг 1905 йилги «Манифести»дан кейин кўп ўтмай бизнинг ўлкамиздаги тараққийпарварлар ҳам «Тараққий», «Хуршид», «Шуҳрат», Тужжор», «Садойи Фарғона», «Садойи Туркистон» каби газеталарга, «Ойина», «Ал Ислоҳ» сингари жаридаларга асос солдилар. Шуҳрат Ризаев ёзганларидек, уларнинг аксарияти бир неча сонлари чиқиб ултурмай хурфикрлиги учун ёпиб қўйилган бўлса-да, айримларининг фаолияти йилларча давом этиб, мактаб, маориф, илм-фан, ижтимоий-маданий тараққиёт, миллый тил ва тарих, сармоя ва тижорат, санъат ҳам адабиёт мавзуларини мунтазам ёрита бордилар ва ҳакикатдан ҳам «кора ҳалқни оқартиromoқ ва кўзини очмоқ» йўлида бекиёс хизматлар қилдилар.

Домла Ибрат Туркистонимизда газета, жўрноллар нашр этила бошланганидан бошлари кўкка етиб кувонди, уларга аввало ҳалкни жаҳон ва мамлакатда бораётган ижтимоий-сиёсий жараёндан хабардор этиш воситаси, ва, албатта, ўзининг, маслақдошларининг маърифат маданият ва тараққиёт, эзгулик ва ҳуррият билан боғлиқ ғояларини оммага етказиш минбари, деб қаради.

Газетдур жаҳон аҳлиға бир нисон,

Муайян эрур анда яхшию ёмон, -

деган сатрлар бор шоирнинг «Газет хусусида» шеърида. «Табриқ Намангандин» манзумаси «Садои Фарғона» газетасини муборакбод этиб битилган, «Изҳори ташаккур»да эса «Ал Ислоҳ» жаридаси фаолият бошлаганидан хуррам бўлган Исҳоқхон Ибратнинг кувонч ва ташаккури ўз ифодасини тоғган. «Манзума» сарлавҳали маснавийда ҳам «Тужжор» «Туркистон», «Тараққий» каби газеталарнинг фаолиятидан мамнуният изхор этилган.

Аввалги асрларда ваъз ила амру маъруф  
Ҳар ерда айтиларди, эмди жаридалар бор.  
Миллатга яхши хизмат айланг ёзуб, биродар  
Ёзилса саҳфаларга ўкув бу ҳалқ начор.

Ибрат домла ўша пайтлар Туркистанда нашр этиладиган қатор газеталарда фаол қатнашар, публицистик маколалари билан ном чиқарған эди. Унинг маҳаллий мансабларга сайлов үтказиш тартиби, бу борада хукумат тузган «Положение» ҳақида ёзган маколаси аччиқ киноя, захархандали танқид рухи билан йўғрилган:

«Положение»нинг 223-нчи бобида зикр қилинадирки, эътибори бор, етти кундан зиёда хибс бўлмаган, ўттиз сўмдан зиёда штраф тўламаган, ёши йигирма бешдан пастдан эмас одам қози бўлмоғи мумкин экан. Олим ёки оми, ахмок ё доно киши, ё шариат биладурғон ва ёки низом биладурғон демаган... Кўрасиз кимларнинг кўлларига бу катта шариат хукмини топширадилар....

Бефикр ўтсанг эй дўст, мухтожи нон ўлурсан!».

У ёзган мақолалар орасида илмий-тарихий мавзудагилари ҳам бисёр эди. 1913 йилда Тошкентда Ахсикент шаҳри тарихини ўрганишга бағишлиланган илмий мунозарада қатнашган Ибрат бу анжуманда маъруза килади. Бу фикр алмашувнинг материаллари «Туркистан вилоятининг газети»да эълон қилинган. Бунда ҳам Ибрат каттагина мақола билан иштирок этади. Куйинчак олим ўшандаёқ Ахсикентнинг то ҳанузгача тўла очилмаган сирларини ўрганиш заруратини кун тартибига қўйган, кимнингдир ёрдамини кутмай, ўзи неча кунлар мобайнида қазиш ишларини олиб борган, турли ашёлар топишга муваффақ бўлган эди.

Оренбургдан литографик машина харид килиб, Тўракўрғонда ишга тушириш билан бу тиниб-тинчимас инсон водийда замонавий турдаги матбаачиликка асос солди. Матбаанинг рамзига куёш тасвири чизилган ва «Илм» сўзи ёзилган эди, демак ният, мурод, яна илм тарқатиш, оламнинг яна бир қуёши бўлмиш илму ирфон нурини кўпроқ одамга еткурмоқ бўлган эди. Энди ҳаводек, сувдек зарур бўлиб турган китобларни кўпайтиргач, вилоят бўйлаб ўнлаб китоб дўконлари очилди.

## Илк театр ташкилотчиси

Намангандаги Европа услубидаги театр санъатини кириб келиши ҳам Исҳоқхони азиз номлари билан боғлиқ. Туркистан ўлкасида бу хил театрнинг пайдо бўлишини асосан Махмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» пьесаси билан боғлайдилар, бу асар 1911 йилда ёзилган, 1914 йилда эса Самарқанд шаҳрида саҳнага қўйилган. Бироқ мухтарам мунаққидларимиз бундан олдинрок ҳам бу борада уринишлар бўлганини айтадилар. Шуҳрат Ризаев 1909, 1910

йилларда чоп этилган матбуот нашрларида Қоракўл шаҳрида, Тошкентда ўзбек театр труппалари «муқаллид» ўйнаганлари ҳақидаги хабарларга дуч келганини ёзди.

Улугбек Долимов эса Беҳбудийнинг машхур асаридан бир йил аввал Абдурауф Самадов Шаҳидий, «Маҳрамлар» номида бир драма ёзгани, бу асарда баччабозлик иллати фош қилинганини қайд этади. Мазкур пьеса 1915 йилдан эътиборан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий раҳбарлигидаги труппада ўйналган экан.

Наманганлик таникли олим Алихон Халилбеков ҳам ўз тадқиқотларида шу фикрни тасдиклаганлар ва мазкур пьеса 1911 йили «Матбааи Исҳоқия» да нашр этилгани ҳақида ёзганлар. «Маҳрамлар», – дейдилар Алихон домла, – биринчи ўзбек ёзма драмасидир.

Ушбу пьесанинг муаллифи Охунзода Абдурауф Самадов Шаҳидий Исҳоқхон тўра ташкил этган матбаа корхонасида мудир бўлиб ишлаган. Демакки, мутаффаккир юртдошимизнинг сафдоши, маслакдоши эди. Пьесанинг босмахона ишчиларидан ташкил топган ҳаваскор театр томонидан ўйналгани ҳақида маълумотта эга эмасмиз, маълуми шуки, ҳозир зикр этилмиш труппа Ибрат домланинг яна бир яхши сафдоши, ҳамкори, татар зиёлиси Ҳусайн Макаев раҳбарлигига Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» асарини саҳнага олиб чиқкан эдилар.

«Ўзбек жадид драматургияси ҳамда театрининг шаклланиши, аввало, ижтимоий ҳаёт тақозоси ва эҳтиёжи туфайли содир бўлди,» – дейдилар Шуҳрат Ризаев. Айнан шундай. Пьесалар бегона миллат, унинг ўз сиёсий, диний қарашлари, яшаш тарзи, кадриятлари, адаб қоидаларини гоҳ очиқдан очиқ, зуғум билан, гоҳ киши билмас, пинҳона жорий этиши оқибатида юзага келган оғир сиёсий-иктисодий-ижтимоий муҳитга жавоб тариқасида, қайсирил иллат то у дамгача мавжуд бўлган эса ҳам, вужудга келган муҳит таъсирида кучайиши, авж олишига қарши ҳаракат сифатида пайдо бўлди, юртимизга фаолият бошлаган дастлабки оврупоча театрининг қалдирғоч актёрлари ана шу мақсад билан саҳнага чиқдилар.

«Жадидлар драмаси» китобининг бошқа бир ўрнида Шуҳрат Ризаев шундай деб қайд этади: «Миллатни маърифат нури билан уйғотиб, озодлик ва тараққиёт тантанасини келтиришни орзулаган жадид зиёлилар маслак йўлидаги буюк амаллардан бирини театр деб тушундилар».

Ижодий меҳнат – нурдан, малҳамдан, даъватдан, йўл-йўриқдан иборат китоблар ёзиш, янги усуздаги мактаблар очиш, кутубхона

ташкіл этиш, матбаа корхонасига асос солиб, айни зарур, айни мұхим китобларни чоп қилиш, анжуманлар үюнтириш, фильмлар, спектакллар намойиш этиш, тараккиёт унсурлари үлмиш хар турфа бидъати ҳасаналарни турмушға олиб кириш, бошқа-бошқа уринишлар – буларнинг ҳаммаси биттә улуғ мақсаднинг поялари, қадамлари үлароқ амалга оширилған харакатлар зди.

Буларнинг барчаси замирида халқимизни маърифий, маданий баркамоллиқ, ижтимои-сийесий тараккиёт воситаси ила қарамлиқдан, қулликдан, мутелиқдан холос этмоқ нияти ётган зди.

Буларнинг барчасини ҳам Ибрат домла яратган бир турфа боғлар деб, юрт бағрига, халқ руҳига у томонидан ўтказилған мұхташам ва мустахкам дараҳтлар, деб аталса хато бұлмас.

## Ибрат домланиг қозилик фаолияти

Шўровий тарғибот, маданий ва маориф бизнинг тасаввуримиз, онгимизда рухонийлар ҳакида шундай тасаввур ҳосил этган здики, унга кўра бу сўзининг ўзи жоҳиллик, зулм ва шафқатсизликнинг синоними сифатида ишлатилар зди, ўzlари эса худдикি яксар ёруғлик ва тараккиёт күшандаси, фосик, балнафс, ахлоқсиз, юлғич, тили бошқаю дили бошқа, аъмоли бошқа, муноғик, қўйингки, жаҳондаги бир ёмон хислат-хусусиятларни ўзида жам қилган кишилар здилар.

Шайху эшонлар, тариқат пирлари эса ҳаммаси халқнинг онгини, қалбини афъюн билан гантитиш, алдаш орқали мурид овлаш, сохта, уюнтирилған кароматлар кўрсатиш ва бошқа ҳар турфа макру хийла воситасида мол-мулк орттирган, қоринни қампайтириб, хотин устига хотин, чўри устига чўри кўшиб яшаган фирибгар, текинхўр, иймонсиз, виждонсиз кимарсалар. «Мирзо Улугбек» фильмидаги тўтининг асар охирига бориб: «Пир – қаллоб! «Пир – қаллоб!» дея саннай бошлагани ёдингиздадир? Астағфируллоҳ!

Дарвешлар, қаландарлар ҳар қандай ёруғлик, нурдан йирок, чала-чулпа ўрганиб олган байтларини кўча-кўйларда шовқун-сурон килиб, бакириб айтиш билан қайсиadir зулматзудо шайхнинг омборини тўлдириш, ўзини тириклигини ўтказиш замирида юрган кир-чир баджахл, агрессив, шаллаки тўда.

Қайси фильм, спектаклни томоша қилмайлик, шохнинг, сultonнинг ёки мансаб мартабаси мундайроқ ҳукмроннинг атрофини саллалик, соколлик, ақлу фаросати ҳаминқадар, ҳатто

тебараброқ уламоларни кўрамиз. «Оловиддининг сехрли чироғи», «Бой ила хизматчи», «Семурғ», «Икки дил достони» ёки бошқабошқа тарихий асарларни ёдга олинг... Ахир, хукмронки, ўз ёнида қайсиdir одамни доим кўришини истабдими, бу бечиз эмас, у давлатнинг ички-ташки сиёсатини юргизар экан, юзага келиши мумкин бўлган мураккаб вазиятларда у билан кенгашмоқни ният қилган. Демак, унинг атрофидаги жамоа мамлакат ёки шаҳарнинг ҳар соҳада билимдон, пешқадам кишилардан иборат бўлиши керак эди. Бироқ бирор асар йўқки, ана шу одамлардан тутумли, жўяли, эътиборга илинадиган маслаҳат чиққанини кўрсанг. Ё сўзсиз, бош лиқиллаб турадиган статистлар ё алифни калтак деёлмайдиган калтафаҳмлар.

Бедиёр шум, Саъди Махсумдан тортиб Юсуфжон қизиқ ва у кишининг фарзандлари, шогирдларигача бўлган қизиқчиларимизнинг култи хикоялари, мұқаллидлари, комедияларида уламолар фақат беомон ҳажв қилинади. Беихтиёр ўйга толасан: бу шоҳ, ҳоким, бой нима учун атрофига шунақа юки енгил, кўзи суқ, акли нокис маслаҳатчиларни тўплабди экан?

Агар қайсиdir ижодкор буларни ўз асарига таклиф қилгудек бўлса ҳам, эшиқдан киритишдан олдин «грим» килиб олади: имомга эчки соқол, эшонга паҳмоғидан тақади, қозига кажавали қорин осади, ҳаммаларини бошларига тўқмоқ уриб гангитади, довдир, овсар ҳолга келтиради. Ёки бўлмаса, оламда борки қора, қабих хислат-хусусиятлар билан «безайди» уларнинг шахсиятини, ана кейин асарга киришларига рухсат беради.

«Олимлар пайғамбар ворислариidур», деган ҳадиси шариф бор. «Уламо»нинг мазмуни ҳам олим, олимлар демакидир. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да айтилган: «Уламо шариат қонунларини, диний билимларни мукаммал биладиган кишидир». Ҳазрат Навоий қаламга олган буюк зотлар – шайхлар, пирлар ана шундай – аввало динимизни чукур билган, унинг талаб қоидаларига бекамиқустриоя, амал қилган тақводор инсонлар эдилар.

Ҳазрат ёзадилар: - Бирав бир дарвешнинг хилватига келди ва дедики, невчун ёлғиз ўлтирубсан? Ул дарвеш дедики, эмди ёлғиз бўлдумки, сен келдинг, мен билан худонинг орасини тўсдинг.

Бу бир дарвешнинг ақлу заковати ҳакидаги гап эди.

Мана буниси Жунайд Бағдодий ҳакларидаги таъриф: - Халифаи Бағдод Равимға айтдики, эй беадаб! Ул дедики, ярим кун Жунайд билан сухбат тутубмен, нечук мени беадаб дегайлар, яъни ҳар киши ярим кун Жунайд билан сухбат тутмиш бўлғай, андин

тарки адаб келмагай.

Алишер Навоий «Насонимул мұхаббат»да таъриф берган зотлар Шарқ олами бүйлаб тарқалған гүзәл, юксак, мукаммал ва теран таълимот, фалсафа – тасаввұфнинг бетакрор, бенисбат буюк сиймолари әдилар:

- Сүрділарки, фано ва бақода сүз айтмоқ кимга тегар? Деди: - Ул кишигаки, ани осмондин бир тор ипак билан осмиш бұлғайлар ва еле эсадурмиш, бұлғайки биноларни ва йиғочларни күнғанурмиш бұлғай ва дарёларни анбошта қиладурмиш бұлғай ва ани ўрнидин тебрата олмагай».

Яńни фано ва бақода сүз айтиши хуқуки бор киши – суфий шундай зотки, уни агар осмондан ипак риштага осиб туширсалар, эсган шамоллар биноларни, дараҳтларни йикитиши, дарёларға жунбуш солиши мумкин, лекин уни ўрнидан қимирлата олмайды.

Яна ёзадилар: - Шиблиц дебтурки, тилярманки, тилемагайман. Ул дебтурки, бу ҳам тилемакдурки, қирқ йилдирки, бир вактдамен ва тенгри күнглимга бокар ва ўзидан ўзгани күрмас. Ва дебтурки, қирқ йилдирки, нағсим бир ичгучи совуқ сув ва аччик дуг тилар. Хануз анга бермайдурман.

Яна Туронзаминни бутун жаҳонга машхұр қилған юлдузнишон буюкларимиз: Форобий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино ва бошқалар қадам шариат чизигидан ташқарига урган эмаслар, то шу пайттача биз уларнинг факат дунёвий илмлар бүйича хазматларини гапирдик, тақволари, художўйликларидан кўз юмдик ёки бисотларини титиб ахтардикки, динга қарши бирор икир-фикр топиш ниятида.

Қозилар ҳақдаги фикрлар, тасаввурлар ҳам айнан шундан эди, бизга уқдирған әдиларки, булар бир ҳар қандай масала, баҳс, ихтилофни күдрат қўлида бўлған зотларнинг, кўпроқ узатишга кодир бадавлат кишиларнинг фойдасига хукм қиласерадиган порахўр, инсоғиз, иймонсиз кишилардир деб... Яна қозилик амалини ё сотиб олганлар ёки бўлмаса, бу лавозим факат-факат атанган, наслу наسابли, мартаба ва нуфузли табака вакилларининг имтёзи, деган фикр ҳам мавжуд эди.

Ёш олим Элёр Каримов ўз тадқиқотларида бу тасаввурни йўққа чиқарди. Қозилар жамиятининг бошқа қатламлари учун ёпик бўлған маҳдуд табака ёки тор доирага мансуб одамлар эмас әдилар, - деб ёзди у.

Ўз замонасининг истеъоддли ва маърифатли кишилари қозилик вазифасини ўтаганлари ҳақда кўплаб мисоллар бор ва

уларнинг ижтимоий келиб чикишлари ҳам турличадир. Улуғ мутафаккир ва маърифатпарвар Ахмад Донишининг киблагохи дехкон эди, бироқ бу Донишининг қози бўлиб хизмат қилишига монеъ бўла олмаган. Бухоролик таникли адаб ва муаррих Мухаммад Шариф Сад Зиё (Шарифжон маҳдум)нинг отаси газлама окловчи бўлган. Мухаммад Шариф мадрасада олий таълим олгач, мударрислик қиласи, сўнгра қози, раис, нихоят қозикалон лавозимларида хизмат қиласи.

Элёр Каримовнинг изланишларидан келиб чикиб айтиш мумкинки, қозилар орасида шеъриятни, адабиётни яхши билган, бой ҳазинага эга кутубхоналар жамлаган, жамиятнинг фаол арбоблари бўлган ҳурматли одамлар кўп эди. Қози Саъдулла Моҳир таникли шоир ва олим эди. Қози Абдулвоҳид ҳалқ орасида Садриддин Сарир тахаллуси билан танилган машҳур шоир эди. Тошкентлик Муҳаммад Муҳиддин хўжа, аввал Чимкентда, кейин Кўконда қозилик вазифасини бажарган Сатторхон Абдуғаффоровлар тараққийпарвар жамоат арбоблари, зиёли ва муаррих сифатида ҳалқ ёдида қолганлар.

У замонларда худодан кўрқкан кишилар аксарият эдилар. Аждодларимиз шариат буюрган конун-коидаларга қатъяян амал қилганлар, беш вақт намозни, бошқа барча амалларни тарқ этмаганлар, бетаҳорат юрган эмаслар. Шунинг учун ҳалқимиз уламоларни, илмли кишиларни жуда эҳтиром килган. Даласида, боғида етиштирган ҳосилининг аввалини уларга олиб борганлар, тўй, маърака каби издиҳомларда айнан улар тўрга ўтказилган, бундай маросимларда фотиҳани шу кишилар берганлар. Ўғил уйлайдими, қиз чиқарадими – яна уларга маслаҳатта борганлар. Хуллас, аждодларимиз диний ва дунёвий масалаларда не тараддуд юзага келса, қайсиdir ишни бошламокни ният этсалар, аввал илмли кишилар билан кенгашиб олганлар.

Исҳоқхон Ибрат ҳар фазилат, ҳар хусусият жиҳатидан айни шундай олим, фозил инсон эдилар. Мол-дунёёга ҳарислик хислатлари йўқ эди. Қозилик вазифасини ҳам ана шуベンазир, бебаҳо фазилатлари буюрганидек адо этганлар. Устозларимиз бу комил зотнинг узоқ вақт давомида Тўракўрғон ва Хонобод кишлокларининг қозиси бўлиб хизмат килганини қайд этганлар.

Тўракўрғонлик Усмонхон қори эса шундай ҳикоя қиласи: - Турғунбой Умрзок ўғли деган киши бўларди. Болалик чоғида, 10-12 ёшга борганида отаси вафот этади, оналари Исҳоқхон қози бувамизга олиб бориб берадиларки, хизматингизни қилиб юрсин,

деб. Турғунбой ота бизга Ибрат тақсир ҳакида күп хикоялар сүзлаб берганлар. Айтишларига қараганда, ҳам ухровий, ҳам күплаб дунёвий илмлардан яхши хабардор бўлган бу зот бир вақтлар Чуст, Косонсой тарафларни ҳам сўраган қози бўлган эканлар. Ўттиз етти ёшларида шу вазифага ўтириб, ўттиз йил қозилик қилгандар. Ҳозирги Тўракўргон ҳокимияти ўрнида каттагина мадраса бўлган экан, чамаси тўрамнинг маҳкамаси ҳам ана шу ерда жойлашган.

«Исҳоқхон Ибрат» китобида алломанинг шогирди Мулла Искандар Абдуваҳҳоб ўғлининг мана бу мана бу хикояси келтирилган: - Исҳоқхон тўра энг одил, энг факирпарвар қози эди. У бойни ҳам, қамбағални ҳам бир хилда тинглар ва ҳукм чикарап эди. Мен ўн йил тўрамнинг хизматида бўлиб, бирор марта пора олганини, бойларга ён босганини билмайман, аксинча камбағал, бева-бечораларнинг мушкулини енгиллаштиришга ҳаракат киларди. Тўғри, порахўр қозиларга ўрганиб қолган ҳалқ, юқори табака пул, турли-туман нарсалар олиб келар эди. Лекин Исҳоқхон тўра бу нарсаларни эгаси билан қайтариб юборар эдилар».

Ибрат домланинг авлодларидан Нўймонжон ака Мехмоновнинг хотиралари ҳам шу фикрни тасдиклайди.

У киши мол-дунёга муҳаббатли, ҳавасли бўлмаган эканлар. Топғанларини эл билан, мухтоҷ кишилар билан баҳам кўрганлари ҳакида кўп мисоллар эшитганимиз. Қозилик қилиб топғанларини ҳам ана шу факиру хору зор кишиларга тақсимлаб берган эканлар.

Наманган шаҳрида, стадионнинг орқасида Каромат эшон деган ориф зот ўтганлар. Шу кишининг фарзанди Насимхон ака айтган эдилар: - Олокдадангиз ниҳоятда сахий, қўли очиқ одам эдилар. Илмни ҳам қизғонмасдилар, пулу молни ҳам. Шундайки, ўзларида бир бурда нон қолган бўлсаю, кимнидир, бошқа бир кишини шунга мухтоҷроқ эканини билсалар, буни ҳам инъом қилиб юборадиган...»

Мулла Кудинг кишлоғида яшайдиган Шахобиддин ота Зариповнинг бузруквори овчи ўтганлар, Ибрат домланинг муриди, ҳамсухбати бўлганлар: - Отам у кишининг муриди эдилар. Қўл берган одамларидан бирор нарсани ихлос, совға ёки бошқа маънода олган эмас эканлар. Аксинча, бир йили бу ерларда ёмон касаллик тарқалгандা, каттакон дошқозон осиб, ўз хисобларидан овқат тарқатганлар. Тушликка бир қозонда, кечки овқатга яна битта. Бу чора билан бечораларни очарчиликдан, айтилмиш касалдан омон олиб чиқиб кетганлар.

Жамиятнинг барча соҳаларида ўзининг тартибу қонунларини жорий килишга ошкора ёки зимдан уримоқда бўлган чор маъмурияти нима сабаб бўлиб қозилик институтини саклаб турди экан? Бугун ўша замонга таҳтил назарини ташлаб, шундай хуносага келиш мумкин: мазкур ҳукумат большевиклар тузуми, пролетариат диктатураси сингари муросасиз, шафқатсиз, ўзга маслак ёки эътиқод, маданият, турмуш тарзи, ахлок коидаларига қарши мутлақо тоқатсиз бўлган эмас экан. Билъакс, империя ҳукмронлари истило қилинган ўлкаларда мустаҳкам ўрнашиб олиш, ўз салтанатнинг бус-бутунлигини таъминлаш учун вазият такозоси билан муайян даражада ён босиш, келишув, муроса йўлини тутишга мажбур бўлгандар.

1917 йилга кадар ҳам юртимизнинг турли жойларида масжидлар курилган, демакки, ибодат килиш тақиқланган эмас, мадрасалар барпо этилган, маълум бўладики, минглаб талабаларнинг диний йўналишда таҳсил олишлари бардавом бўлган, бошқа китоблар қаторида миллий, мумтоз адабиётлар, хилма хилу гуногун маслак соҳибларининг, жумладан, жадидларнинг миллий истиқбол ғоялари сарчашмасидан тўйинган асарлари ҳам, бундан ўзга, исломий рисолалар, китоблар ҳам нашр этиб турилган. Яъни бу хил адабиётлардан халқимиз баҳраманд бўлиб турган.

Турли сиёсий, диний ташкилотларнинг гоҳида ҳукуматга қарши очик мухолифатда бўлган жамиятлар, ҳаракатлар ташкилотларни тузиб, газеталар нашр этгани, мажлислар, қурултойлар чакириб, уларда ўз ғояларини ифода қилгани ҳам маълум.

Масаланинг бошқа томони. Чор ҳукумати учун Исҳоқхон Ибрат даражасидаги заковатли, маданиятли, кўп тилларни биладиган,adolati, саховати, имон бутунлиги билан эл орасида баланд обруй-иуфуз топган кишиларни ўзига яқинлаштириш ҳар жихатдан фойдали эди. Ҳукумат ўз сиёсатини юргизишда уларнинг билими, салоҳиятидан, обруйсидан истифода килишни хоҳлагани биринчи сабабдир. Иккинчиси, халқнинг олдида, айниқса, мухолифат кучларининг олдида, мана, шундоқ одамлар ҳам бизни кўлламоқда, дейиш ҳам мухим эди. Бу боис ҳам, шундай кишиларни ҳар йўл билан ўзига ағдармокни, мойил қилмоқнинг пайида бўлгандар. Шундайлар – оғмачилар, моддий-мавзаний манфаат истаб келгиндиларнинг лаббайгўй гумаштасига айланганлар ҳам йўқ эмасди. Бироқ Исҳоқхон Ибратга ўхшаган

ътиқоди бутун, ватанига, халкига, маслак ва ғояларига содик инсонларнинг ана шундай мақомларни эгаллаб турганлари халқимиз учун фойда бўлган эди, дея оламиз.

Фил боткоққа ботса, уни чикаргани бил керак бўлади, дейдилар. Қозилиқ вазифасини адо этар экан, домла Ибрат, аввало, шариат йўли билан ҳал қилинадиган масалаларда ҳақиқат ва адолат устуворлигини таъминлай олди, бундан бошқа, янги ҳукуматнинг ҳакамлари кўрадиган неча-неча «дело»ларга тил билгани, қонунларни билгани учун аралашиб, бу ерда ҳам ўша ишларни пора, қалондимоғлик, протекция, миллат ажратиш каби қабоҳатлар билан ажрим қилишларидан саклаб қола билди.

Бу айни муддао эди, чунки, ёвузликнинг зулмнинг ғалабаси учун эзгулик тарафида бўлган кишиларнинг бирор ҳаракат қилмай туришининг ўзи кифоя.

## Буюк силсилаға мансублик

Мавлоно Ибрат 1916 йилда «Ал-Ислоҳ» журналини табрик этиб ёзган маснавийни шу мақтаъ билан якунлаганлар.

Ибрат тахаллусидир, ахфоди ҳазрати Султон  
Шұхратда Ҳожи Тўра, маъвоси Тўракўрғон.

Бу сўзларни: «Ибрат» – табрикни йўллаган кишининг тахаллуси бўлади, ўзи Ҳожи тўра номи билан машҳур. Ҳазрати султоннинг набираси,» деб тушунмоқ мумкин.

«Ҳазрати Султон», «Султоним» – бутун таркнажод ҳалқларнинг қадри осмон қадар бийик сиймоларидан бири, «Яссавия» тариқатининг асосчиси Аҳмад Яссавий жанобларининг муридлари ва миллионлаб муҳлислари шундай атайдилар.

11 асрнинг ўрталарида Сайрамда таваллуд топган бу кароматли зот аввал ўз хонадонида бобоси Арслонбобдан, сўнгра Яссида довруғли аллома Шахобиддин Исфижобийдан таълим олади. Ундан кейин эса Бухоройи Шарифга бориб, тасаввуфнинг машҳур намояндаларидан бири Юсуф Ҳамадоний ҳазратларининг тарбиясига ноил бўлади ва, табиийки, ўзи ҳам суфийлик таълимотининг йирик алломаси, пиру устод бўлиб етишади. Сўнгра ўз туғилган юртига қайтиб, то умрбод шогирдлар тарбияси, тасаввуф ахкомларининг ташвиқоти билан машғул бўлиб яшайди. Тасаввуфнинг бошқа бир улуғ намояндаси Махдуми Аъзам

«Рисолайи илм» асарида айтишича, Ҳазрати султон асос солган «Яссавия» тариқатининг шиори «Ниятинг худода, кўлинг ишда бўлсин» деган сўзлар экан. Кейинчалик бу ибора «Дил ба ёру, даст ба кор» шаклида «Нақшбандия» тариқатига ҳам шиор бўлиб колган. Ҳазрат Яссавий асос солган тариқатнинг барча ақида- аҳкомлари у зот тарафидан битилган «Хикматлар»да ўз ифодасини топган.

Исҳокхон тўранинг бугунги кунда Наманган, Андикон, Фарғона вилоятида умргузаронлик килаётган авлодлари улуғ боболарига чукур эҳтиром билан яшайдилар, унинг ҳаётини, ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганишга ҳаваслари жуда кучли, Ибрат домлага, унинг аждодларига тегишли маълумотлар, ёдгорлик ашёларини, ҳужжатларни қидириб, топиб, тадкиқ килиб, кўз устинага кўярок асраб юрадилар.

Булар кўлларида мавжуд ҳужжатларга, хусусан, бобомерос «Шажара» битигига ва хонадонда, қавмда авлоддан авлодга ўтиб келаётган, айни ҳақиқат даражасида кўриладиган ҳикоятлар, маълумотларга асосланган ҳолда ўз наслларини Хожа Аҳмад Яссавияга бориб уланишини тасдиқлайдилар. Йигирма киши мухр босиб, саҳиҳлигини тасдиқлаган шажара битигини ўргангандан устоз Аҳмад Убайдуллоҳ шундай қайд этадилар: «Шажаранинг тўрт ёнига бошдан-оёқ олтин ҳалли йўгон чизиклар ром шаклида чизилиб, улар орасига эса кора рангда хат ёзиш учун ингичка чизиклар тортилган ва шундан сўнг улар устига авлодлар шажараси номманин ёзиб жойлаштирилган. Исҳоқхон Ибрат мазкур шажарарада ўз авлодларининг Туркистон томонлардан Наманган ҳудудларига келиб, Тўракўргон ва Муллакудинг мавзеларида жойлашиб қолганликлари ҳақида муфассал маълумот беради. Улар қўйидагича: «Назирхон Хожа ўғиллари Неъматуллоҳ Хожадурлар. Аммо Неъматуллоҳ Хожа соҳиби кашфу каромат эдилар. Ҳазрат Султонул-орифиндин - Хожа Аҳмад Яссавийдан тарбият топган. Аллоҳ таоло иродаси ва арвоҳлар башорати билан Тўракўргон қарясида мутаваттин бўлдилар.»

Олдинги авлод томонидан кейингиси хофизасига, қалбига минбаъд унүтилмаслиги шарт қилиб, худди тошга ўйилгандек мустаҳкам қилиб битиб кетилган бошқа маълумотларга қараганда ҳам Кул Хожа Аҳмаднинг нечанчиидир авлоди сифатида Фарғона водийси тарафларга «Яссавия» тариқатига хос аҳкомларни ёйиш, тарқатиш мақсадида юборилганлар.

«Бизнинг калон буваларимиз то Неъматулла Хожага довур Туркистонда яшаганлар, – дейдилар Нўймонжон aka Мехмонов. –

Нематулла Хожа дада ва Суннатилла Хожа додалар Туркистанда бирлари олти марта, иккинчилари етти марта чилла ўтиришган. Тариқатнинг бошқа амалларини, мақомларини ҳам адо ўтиланларидан кейин, буларга иршод хати берилган, сиз фалон минтақадаги қавмга раҳбарсиз, деб водий томонга жўнатилиган.

- Булар Пунгондан ўтгандан кейин «Хонбува» ёки «Хобува» деган қабристонлар бор, шу ерга келиб тұхташади, – дейдилар Нўъмонжон ака. Шунда уларга: - Ҳали яна юришингиз керак, деган имр келади ғойибдан, яъни шу фикр кўнгилда аён бўлади. Яна йўлга чиқиб, Гулқишлоқ яқинига, дарёнинг бўйига етишади. «Йўқ, яна юрасиз», деган буйруқ келади ва Нематулла Хожа Эшон Мулла Кудингта келиб тушадилар. Ёнларида яна икки укалари ҳам бор экан. Бир муддатдан кейин битта укалари Кўкондан Бешарикка кетадиган йўл бо – Данғара томонларда, шу ердаги қабристонга бориб ўрнашиб қолади. Иккинчи укалари Косонсой томонга – Куюмзорга бориб ўрнайди. Бу қавм шу зайлда томир отиб, палак ёйиб, Хўжақишлоқ, шахри Наманган, Тўракўрғон, ундан нари Андижон, Кўкон, Фарғона тарафларга тарқалиб, борган жойига иймон ва илму ирфон еткуриб умр кечиради.

Мулла Кудинг кишлоғидаги «Хилват» қабристонида бир катта тош ҳам бор, уни Исҳоқхон эшоннинг муҳлислари Олабуқадан, тоғдан топиб олиб келишган.

- Ибрат домла унга ҳусниҳат билан Пайғамбаримиз (с.а.в) нинг муборак ҳадисларини ўйиб ёзганлар, – деб ҳикоя килишди бизга тошбулоқлик илмли кишилар. Ҳадиси Шарифнинг мазмуни шундай экан: «Авваллари Сизни қабристонларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим. Энди қабристонга келиб, зиёрат қилишингизга рухсат берилди. Чунки бундай зиёрат Сизларни ёмон ишлардан қайтариб, яхши ишларни қилишингизга сабаб бўлади, охиратни эслатади». Валлоҳу аълам биссавоб.

Исҳоқхон тўранинг яна бир чевараси Наимхон бу сўзларни шундай шарҳлайди:

– Хулки ёмон, кўнглига ёвуз ният тушган одам бўлса, ҳеч бўлмаса хафтада бир қабристонни зиёрат қилиши керак, деб айтишган бизга ота-боболаримиз. Шундок улуг инсонлар, казо-казо акобир зотлар бу мозорда бир қабрга жо бўлиб ётибдию, мен бунака ишлар килиб юрибман, деб инсофга келиши, иймону тавфиксса келиши мумкин экан. Бу ерда ёзилган битик ҳам шу гапга яқин. Шунингдек, тошга шу хонадонга мансуб бир қатор

кишиларнинг тугилган ва вафот этган саналари ҳакида маълумот ҳам ўйиб ёзилган.

Мазкур сўзлар битилгач, тошни Тўракўрғондан Мулла Кудинига олиб келиб, ўрнаттанилар.

Боқи сўз шуки, Исҳоқхон тўра ҳаёти ва фаолиятининг хозир сўз борган қирралари ҳали ўрганилгани йўқ ва ўз тадқиқотчиларига маҳтал бўлиб турибди.

Тарихчи олимларимизга хос бир тамойил бор. Улар айтадиларки, ёзувчилар тарих билан шуғулланмасалар яхши, чунки ижод ахли ўтмишни фактларга, манбаларга асосланиб ёритмайдилар, Ривоятлар, ҳикоятлар, кишилар оғзидан ёзид олинган воқеаларни келтирадилар, кейин илҳом ва тахайюлга берилиб бўлмаган гапларни кўшиб-чатиридилар.

«Мен ёзувчилар ёзган тарихни тан олмайман», деган гапларни эшитганимиз.

«Тарихий ҳақиқатни юзага чиқаришда, борини бор деб, ўғини илмий асосда излаб топишда тарихчиларнинг моддий ва ёзма манбалар асосида олиб борган тадқиқотлари кўпроқ эътиборга лойик», дейди бошқа бир муаррих.

«Илмий-текшириш институти ташкил этиш керак-да, унга фақат олимларни таклиф этиш даркор,» – дейди яна бир аллома. – «Ёзувчилар ортиқча фантазияга борадилар.»

Нима ҳам дердик, кўп ташаккур Сизларга!

Энди пешонамизга офтоб тегиб, вилоятмиз, мамлакатимиз тарихи ва улуғ аждодларимиз ҳаёти, ижодини ўрганишдек бағоят мухим ишни янги босқичларга кўтариш имконига етиб турганимизда шу хил тафриқа, бўлиниш, ўзаро нифоқ, низо кам эди! Айни вақтини топибсизлар!

Ёзувчиларнинг тарих ҳакидаги асарлари керак бўлмаса, Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романи қайда қолади? Шолоховнинг «Тинч Дон», «Улар Ватан учун жанг килдилар», «Очилмаган қўрик» асарлари-чи? Ойбек улуғимизнинг Ҳазрат Навоий ҳакида яратган бебаҳо дурдоналари-чи? Пиримқул Қодировнинг «Бобур», Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», Хайриддин Султон, Хуршид Давроннинг асарлари-чи? А, лаббай? – Ишонмайсиз-а буларга? Керакмас-а булар ҳаммаси!

Қани эди ўтмиш воқеалар ҳакида кераклича манба, маълумот сақланган бўлса-ю, ўрганилиб, рисолалар, монографиялар, мақолалар кўринишида кўпчиликнинг қўлига етиб ҳам борган эса!

Даригким, қанча-қанча бебаҳо китоблар, кўлёзмалар, ҳужжатлар ола тўпалон даврларнинг жохил гулханларида кул бўлди, қайсиdir пок-нопок йўллар билан хориж юртларга чикиб келди. Сакланиб колганлари эса жамғармаларда том-том, жилд-жилд ҳолда эътиборимиз маҳтали бўлиб турибди.

Шуларнинг бари муомилага кирган тақдирда ҳам, ҳалқ орасида оғиздан оғизга, бободан набираға ўтиб келаётган борки ривоятларни чиппакка чиқариш, ҳамма ҳикоятларни ҳам: «Қани сен, ҳужжатингни кўрсат!» деб маънавиятимиз остонасидан ичкари ўтказмаслик, албатта, мумкин эмас.

Улардан, «шундай бир ривоят бор, бунга кўра...» деган тарзу тарийқ билан фойдаланиш тўғрирок. Ўз замонасининг, мен айни ҳақиқатман, мендан ўзгаси бари саҳв, дея кўкрагига урмайдиган камтарин шоҳидлари бўлмиш ривоятлар ҳикоя қилинаётган вақт, замон, тузум, мухит, урф-одатлар, ахлоқ- одоб тамойиллари, воқеалар, сиймолар ҳақидаги тасаввуримизга ранг беради, уни тиникроқ, равшанроқ қиласди.

Айрим ривоятлар у ёки бу хусуслар борасидаги маълумотларни чалкаштириши мумкин. Бусиз иложи йўқ. Бу чалкашликлар ўша мавзулар бўйича маълумотларимиз бойигани сари бартараф бўлиб бораверади.

Тасаввуф намояндалари, атоқли давлат ва маданият арбоблари ҳақидаги китобларда шундайин ривоятлар, ҳикоятлар ҳар қадамда учрайди ва уларни бу китоблар мундоқ экан, деб маънавиятимиз ҳазинасига ўғай билмок кўпда маъкул эмас.

Ушбуни таъкидламоқ истардик: китобларимизда учрайдиган ёки ҳалқ орасида айтиб келинадиган ривоятлар, ҳикоятлар ҳам қалб мулкимизнинг қиймати баланд, шундоқ экан, ҳаргиз эҳтиёт қилиб асраримиз даркор. Бир кисми бўлади, уларнинг кўпчилигида теран ва кўркам фалсафа, ҳикмат бор, ҳужжат талаб этмай, тафаккур билан, қалб билан англаб етиладиган ҳақиқат бор. Ҳалқнинг руҳи бор.

Алкисса. Улвинажод аллома Исҳоқхон Ибратнинг «Яссавия» тариқатига мансубияти, бу тариқатнинг йирик пешволаридан бири сифатида «эшон», «пир» дея эъзозлангани, ўзининг кўп микдорли муридларига, мухлисларига эга бўлганлиги, кароматлари ҳақида билганларимиз ҳам ё ривоятларга ёки наслнинг бугунги вакиллари ҳамда қози домлани билган-кўрган кишиларнинг фарзандлари, яқинлари, яхши танишлари томонидан жуда эъзозлаб асраб келинаётган оғзаки ҳикояларга асосланган.

Булардан маълум бўладики, Ибрат жанобимиз бағоят мушкул, мураккаб, хавфли-хатарли замонда яшаганларига қарамай, бу насл зиммасига муқаддас бурчни, вазифани событкадамлик ила бажаришни унутмаганлар.

Мулла Кудинг кишлоғидаги қабристон афтидан айнан Ибрат домланинг аждодлари келиб ўрнашгандан эшонлар, пирларнинг манзилига айланган, чамаси шундан кейин бу ери «Хилват» деб атай бошлаганлар. Сабаби, бу ерда то кирқтагача хилватхона бўлган, буларда ҳам толибларга, соликларга сабоқ берилган, ҳам хилват ўтирилган, деган гаплар бор. «Жунайдуллоҳ хожадан кўп кишилар таълими тариқатда баҳраманд бўлдилар, – деб ёзганлар Исҳокхон Ибрат. – Ушбу киши мазкур Козокқўргонга «Хилватхона» бино қилдилар».

Маълумки, хилватда ўтириш тариқатнинг шартларидан бири хисобланади. Бундай ҷоғларда солик тариқатнинг «Варъя», «Факр», «Сабр» «Таваккул» ва ўзга мақомларини эгаллади.

Кирқта хилватхона мавжудлиги бу ерда ўз вақтида «Яссавия» тариқатнинг, маърифат ва камолотнинг йирик мактаби фаолият кўрсатгани исботидир. Ибрат эшон авлодларининг гувоҳлик беришларича, уларнинг аждодлари, жумладан, Исҳокхон тўранинг ўзлари ҳам бу ерда бот-бот хилват ўтириш одатларини унутмаганлар.

Тўракқўргонлик Усмонхон қорининг ҳикоялари ҳам бу гапларни тасдиқлайди:

«Оталари Жунайдуллоҳон, акалари Отоуллоҳ хожа, жиянлари Суннатиллоҳ, сўнг қози домланинг ўзлари ҳам Мулла Кудингда кирқ кунлаб чилла ўтиришар, чиққанларидан кейин «чилла оши» деб катта бир молни суюишиб, эл юртга эҳсон қилишар, бева-бечораларга тарқатишар экан.

Бу ерда, шунингдек, зикр мажлислари ҳам ўтказилган, деган маълумотлар бор.

Наманган шаҳри ва Тўракқўргонга яқин Косонсой, Чуст, Хонобод, Тошбулқ, Дамбог, Галча каби қишлоқлардан ташқари Ибрат эшоннинг Шаҳрихон, Олтинқўл томонларда ҳам ихлосмандлари бўлганлиги айтадилар.

Яна Нўймонжон Меҳмоновдан эшитамиз. Дарвоке, Исҳокхон тўранинг бу чеваралари Шаҳрихонда яшайдилар.

- Мен маҳалладаги саксон, тўқсон, юзнинг тепасидаги бутун (хамма) оқсоқоллар билан гаплашганман ва оппоқдадамиз ҳақида ҳеч бир қаршилик гап эшитган эмасман. Эшон бува келардилар,

бизга панду насиҳат қиласылар, күп чигал масалаларни ечиб беріб көстардилар, дейишиган. Ҳар гал борғанларида Шахрихон, Олтинкүл, Ҳақкулобод томонлардан барча уламолар тұпланиб, катта мажлислар бўлар экан, яхши ширин масалаи масиоллардан маъвозалар қилиб берар эканлар.

Эргашхўжа Ҳамидулла хўжा ўғли дейди:

– Қози домла Мулла Кудингта тез-тез келиб турад әканлар. У зотни Ҳўжақишлоқ, Тошбулоқ, Бешкапа томонлардаги мухлислари, муридлари шодиёна билан кутиб олар экан. Улар топғантутғанлари, асраб юрганларини чин кўнгилдан чиқариб, муҳаббат ва ихлос рамзи сифатида тўрамга тухфа қиласылар. У эса тўпланган мухимотларни ночор кишиларга бўлиб берар, тайёрланган овқатларни ҳам мухтожларга тарқатишни буюрар экан.

У киши диний мавзулар қатори тўпланганларга жаҳон тараққиётига оид мавзулардан ҳам гапириб, ҳаммани ўқишига, замонга хос ҳунарларни ўрганишга даъват қиласылар. Сўнгра китобхонлик бўлар экан.

## Вайл бўлсин жаҳолатга!

Аввалрок қайд этганимиздек, Чор ҳукумати ҳар тугул бағрикенгроқ экан, империянинг турли ўлкаларида тинчликни саклашни ўйлаб, балки улкан салтанатнинг мустаҳкам ўрнашиб, чукурроқ илдиз отиб олишини кўзлаб, кўп ўринларда муроса ўйлини туттган экан.

Большевиклар ҳокимиятни олишлари билан ўзларига мухолиф бўлган, яна кўп ўтмай эса, мухолиф бўлиши мумкин дея гумон килинган ҳар қандай сиёсий кучни йўқ қиласылар, фирмалар, уюшмалар тақиқланди, уларнинг фаоллари жисмонан йўқ килинди ёки хорижга қочиб кутулди. Газеталар, жаридалар ёпилди, буларнинг мафкурасига зид фикр битилган китоблар жоҳилиятнинг осмонга ўраган гулханларида ёкилди.

Дин ҳалқ онгини заҳарлайдиган қора дори, афъон деб эълон килинди, кимки бу жоҳил ҳукуматга ёқмас эди –»ҳалқ душмани» эди.

Бу беномус, бешафқат, иймонсиз, қон тўкиб, қон ичар тузумнинг ўз сиёсатини ҳар на тарийк билан юргизиш, масалан, ҳалқимизнинг навбатдаги кўзга кўринган, фаҳрланиб юрилган севимли, ёрқин намояндасини ўргадан кўтариш учун баъзан

қаңдайин куракда турмайдиган сабаблар ўйлаб топгани, йўқ ердаги гунохларни қоғозга тупиргилаб ёпиштиргани ҳакида кўп ўқигансиз, эшийтанингиз ундан кам эмас.

«Буларнинг асл мақсади, – деб надомат чекканлар Алихонтўра Соғуний, – бутун дунёга динсизлик тарқатиш, ўзларининг жирканч, сассик тузумларини ўрнатиш бўлганликдан, бутун ишларини ўзларининг бузук сиёсатларига боғлаб, ҳар нарса коммунистлар раҳбарлиги остидагина бўлиши мажбурий равиша шарт қилинмишdir.»

Бевосита муҳтарам Ибрат домламизнинг ўзи ҳакида гапирсак, устозларнинг айтишларича, у 1917 йилги «инкилоб»ни яхши ниятлар, чўнг- чўнг умидлар билан кутиб олган, балки мазкур тўнтариш бошида турганлар ростдан ҳам адолат ўрнатар, юз берастган ҳақсизликларга чек кўяр деган фикрларга борган. Дастрлабки йиллари у ўзининг маърифий-маданий соҳадаги ҳаракатларини давом этдиради: 1918 йилда Тўракўргонда, 1919 йилда Намангандаги (буниси хотин-қизлар учун очилган эди) мактаблар ташкил этади. 1920 йили саводсизликни тугатиш бўйича яна бир мактабга асос солади. Бироқ кўп ўтмай шўро тузумининг қатағон сиёсати омонсиз бир муҳосара тариқасида ҳалқимиз ва унинг Ибрат ҳазратларига ўхшаган сиймолари атрофини кунба-кун мустаҳкамроқ сикиб кела бошлади. Кўзга кўринган кишилардан анча-мунчаси неча йилдирки тинмаётган алғов-далғовларда ҳалок бўлдилар. Чет элларга бош олиб кетганлар, ватан гадоси бўлганлар, кафандар гадоси бўлганлар кўп.

Қозилик институти тугатилди, демак, Ибрат домла ишсиз қолдилар. Бадгумон хукумат «Гулбоғ»да турли давраларни ташкил этишини ҳам, муридлар, муҳлисларнинг турли манзилларда уюштириладиган анжуманларини ҳам тақиқлаб кўйган бўлса ажаб эмас. Унинг мақолалари эълон қилинадиган газеталар ҳам «тақатак» ёпилган. Хусусий мулкчиликка қарши ҳужум бошлангач, босмахона ҳам мусодара қилинган, давлат ихтиёрига олингани турган гап.

«Исҳоқхон Ибрат ҳаётининг сўнгти йиллари анча тахликали ўтди,» – деб айтилади Улуғбек Долимовнинг китобида. – Биринчидан, қарилик, иккинчидан, 1935 йилдан эътиборан у ҳамма лавозимлардан озод қилинган, қарилик нафақаси ҳам тайинламаган эди. Бунинг устига маҳаллий хукумат маъмурияти унга ишончсизлик билан қарап эди. Ибратнинг боши устида ҳам қатағон булутлари қуюқлашиб бормоқда эди.»

## Гавхар хазинасининг тақдири

Ибрат домланинг пок дилу покнажоду поктийнату покқадам боболари, сўнгра ўзлари жамлаган кутубхонанинг қисмати не кечди? Улуғбек аканинг хозиргина тилга олинган рисоласида Исҳоқхон тўранинг шогирди Мулла Искандар Охунд Абдуваҳоб ўғлининг хотиралари келтирган. Уларга кўра, бир кори бад юз беринини ҳис этган устоз аллома хазинанинг ичидан юзга яқин «нозикроқ,» яъни ҳукуматнинг гумашталарига, айниқса, ёқмаслиги аниқланган китобларни ажратиб берганлар ва бу китоблар «Гулбоғ»даги уйнинг девори орасига яширилган. 1963 йилга келиб эса, Улуғбек Долимов, Мулла Искандар ва Исҳоқхон тўранинг фарзанди, раҳматли Ротибхон акалар биргаликда шу жойни очиб, китобларни олишган. Маълум бўлишича, хазинанинг ушбу жойга беркитиб, асралган кисми анча яхши сакланган экан.

Нўймонжон Мехмоновнинг ота-боболаридан эшитганлари:

- Жуда кўп китоб бўлган. Яширилганидан ташқари бир от арава тўла китобни қамалган кунлари олиб кетишган. Яна бир қанчаси ғишт хумдоннинг ичига ташлаб юборилган. Хор қилишган, не тил билан айтай, оёқ ости килишган, Тўракўргон трактор таъмир заводи ўрнида ички ишлар идораси бўлган экан, ўша ерга олиб бориб, бу гавхарлар, кўзнинг корачигидай кимматбаҳо бойликлар йўқ қилинган: ё ёқиб юборилган, ё кўмиб ташланган. Опоқладамизни аввал ана шу идорага олиб боришиб, кейин Андижон турмасига жўнатганлар.

Эргашхўжа aka эса шундай қўшимча қилдилар:

- Катта хазина бўлган. 1937 йилда бир кисмини топиб кетиб, гумдон килишган. Лекин яна бир кисми қолган, битта хонага – балки кутубхона бўлиб турган хонадир, жам қилиниб, устидан кулф урилган-да, муҳрлаб қўйилган ва шу холатда ўн йил турган.

Тасаввур қилинг: бу орада ўтган сангин йиллар давомида ташландиқ бино ёмғир, кор ва бошқа таъсирлар оқибатида нураган, чўккан, мунғайиб қолган. Китобларнинг холати ҳаминқадар: тобора яроқсиз ҳолга бориб, тупроққа, чангга, лойга беланиб ётиди. У пайтларга келиб, имлойимиз икки бор алмашган, эски ўзбек ёзувини танигандар кам, танисалар ҳам юрак бетлаб уйда сақламайдилар, ўқишига ботинмайдилар. Юракларнинг устида 37 йилнинг қора кўланкаси муаллақ турибди.

Бино қаровсиз бўлгани учун шумтака болалар деразани синдириб бу ерга тушиб, китобларни олиб чиқишига, ўйнашига

ўрганадилар. Суратлари бўлса, йиртиб оладилар, қолган кисмини йиртиб ирғитиб ўйнайдилар. Ташиб юборадилар. Сўнгра, майда ўғрилар ўрганишади, булар китоблар орасида омон қолганларини олиб, одамини топиб, сотишади. Шу зайлар, милиция караса, ундан бунда одамларнинг қўлида «эскича» китоблар пайдо бўлаяпти. Сўра-суриштирувлар бошланади. Қаттиқ бир тозалов қилишпади, ўшанда ҳам Ибрат домла хонадони, ҳам бутун халкнинг мулки бўлган хазинадаги қолган-кўтган бойлигини ҳам олиб бориб, Тўракўрғондаги қишлоқ ҳўжалиги техникалари корхонаси яқинидаги жарликка ташлайдилар ва устига тупроқ тортиб юборадилар.

Ахли замона ҳосид, кори замона фосид,  
Бозори дил қосид, маълум ҳоли фозил.

Шундай бир воқеа ҳам юз берган.

Китобларни олтига қанор қонга солиниб, «Студобеккер» деган мосинага юклangan экан. Шунда қалинроқ бир китоб қайта-қайта ерга тушиб кетаверган. Охири навкарлардан бири: «Ну, его!» деб ҳалиги гавҳарни бир четта тепиб юборган экан. Ўша китоб Абулқосим Фирдавсийнинг Тошкент босмахонларидан бирида чоп этилган буюк «Шоҳнома» асари экан, қолиб кетади.

Усмонхон қорининг ҳам балокаш китоблар ҳақида ҳикояси бор:

«Китобларни ёқиладиган вактда Абдуффатоҳ aka деган давлатнинг ишларига аралашиб юрган бир киши Бойдада қори aka деган танишимизга (у маҳаллар 14-15 яшар эканлар):

- Ҳой Бойдада! Сениям отанг бир вактлар ўқитган эди. Мана бу китоблардан ол! – деб айтибди.

Нима хаёлга борган, ким билади ҳозир. Бойдада қори бориб караганларида, битта китобнинг муқоваси кўзларига жуда чиройли кўринган экан. Шуни кўтариб, қочиб кетаверганлар.

Шу гавҳар замонлар оша сақланиб қолган. Вақти келиб, Туроб қори исмли илми кучлироқ кишига кўрсатсалар:

- Ие, Бойдадавой! Бу Исҳоқхон Ибратимизнинг «Жомеъул хутут» деган китоблари-ку! – деб аниқлаб берадилар. Охири, шу асар менга тегди, мендан бир киши сўраб олиб кетди, охир-оқибат ушбу асар қўлдан қўлга ўтиб, наманганлик Исҳоқ маҳдум исмли домлойи ширин бир инсоннинг қўлларида муқим бўлиб қолди.

Исхок Махдум Мулла Сотти ўғли машхур аллома Исмоил Махдумга ука бўладилар. Бу табаррук зот Бухорода Мир Араб мадрасасини битиргач, катор масжидларда имомлик килганлар. Наманганда Мулла Кирғиз мадрасаси эшик очгач, бу ерда илм толибларига сабоқ берганлар. Исҳоқ маҳдум маърифат жўяндаси олим, таъб назми нозик шоир, муаррих сифатида ҳам фаолият юритганлар, фикҳ, ислом тарихига оид бир неча асарлари бор, шунингдек, «Тарихи Намангон» деб номланган яна бир китобнинг ҳам муаллифи дидир.

Исхокхон Ибрат бадиий ижодининг асосий қисмини ўзида жам эттан икки девон «Олиб бор, ёқ, кўм, йўқот!» замонларида бой берилган. Бу ҳақда шоирнинг кенжা ўғли Ротибхон аканинг хотира дафтарида шундай дейилган:

«1937 йил 10 февралда дадамларни хибсга олишган. Шу билан бирга қиблагоҳимизнинг эллик йиллик ижодлари самараси бўлган иккита девон ҳам олиб кетилган. Бундан ташқари яна икки қоп қўлёzmани ҳам қўйишмади. Буларни қанча қидиришимизга қарамай, тақдири номаълум бўлиб турибди.

Мана шу дурданаларни излаб топища бутун Ўзбекистондаги зиёлилардан, айниқса, журналистлардан ёрдам беришларини сўрайман. Шояд, девонлар топилса, чоп этилса ва ҳалқимизнинг қўлига етиб борса! Қўлёzmалар Наманган ёки Андижондаги маҳсус идораларнинг архивида бўлиши керак».

## **Видо қунлари**

Сұхбатлашганимиз мухтарам инсонларнинг хотира ҳикоялари асосида эъзозлик тўранинг хибсга олиниш кунидаги воқеаларни тасаввурда жонлаштиришга харакат қилдик.

Усмонхон қори айтдилар: «Ибратнинг масжидлари бор – ҳовлиларининг рўпарасида. Бугун ҳам саломат. Юз берадиган кори бадиий худойи таоло қалбларига солиб турган бўлса керакки, намози шомни ўқигандан кейин ҳамма билан рози-ризолик тилашадилар: «Биродарлар, энди, насиб бўлса, дийдор қийматга қолаяпти. Ҳушёр бўлсаларинг сизларнинг фойдаларинг. Бу ёги энди хайр-маъзур».

Шундок деб уйга кириб кетадилар.

Хуфтон намозига таҳорат олиб турганларида дарвоза таққилайди. Шунда тўрам:

– Келавер энди, келавер. Иш пишди, – деган эканлар.

Исҳокхон эшон тўнгич фарзандлари Аббосхон тўра билан бир ховлида яшган. Аввал шу Аббосхон тўрани хибсга олиб, Андижондаги «611 почта яшиги» деган манзилда жойлашган турмага қамайдилар. Бир хафта ўтгач, Ибрат домлани олиб кетгани келишади. Шуни айтиш керакки, ўқимишли, тақводор, аждодлари ва улуғ қиблагохига хос аксар фазилатларни ўз шахсиятида жам этган, кароматли эшон мақомини топган Аббосхон тўра деган битта инсон ўша-ўша бедарак кетган, камалгани хақида хужжат бор, кейинги тақдиди хақида бирорта хужжат сакланган эмас, бутун бошли одамдан ҳеч асар колмаганига ҳайрат, ҳасрат ва таассуфлар билан тўлади кишининг кўнгли.

Халигилар кириб, ҳовлини тити-питини чикариб, тинтуб қилаяпти, ҳамма нарса оёқости бўлиб ётиди, очик зўравонлик, ҳақсизлик рўй бериб турибди, яна мазах қилгандай дер эмишларки:

- Сизга бирор бир даъвойимиз йўқ. Бориб ўзлингизни бир кўрасиз-да, қайтиб келаверасиз.

Китоблар юклангач, домлани ҳам шу уловга чикаришган, у киши ўтириб, оёкларини кўрпача билан ўраб олганлар.

Исҳокхон тўранинг Фарғона шаҳрида яшайдиган авлоди Дилором Мехмонова шундай хикоя қиласидилар:

- Аббосхон опоқдадамнинг ўғиллари Рашодхон тоғамизнинг айтишларича, Исҳокхон тўра бобомиз қамоққа олинадиган кунлари катта дошқозонда мошкичири пиширишни буюрганлар. Таом тарқатилиб, тановул қилингач, у зот ёру биродарлар, хеш-акрабо, кўни-кўшилар билан видолашадилар:

- Менинг тақдиримга шу битилган. Энди, бир гап: ўзингизни эҳтиёт қилиш учун болаларингиз, оиласизни бу таҳликали кунлардан соғ-саломат олиб чиқиб кетиш учун мени танимайман, десангиз ҳам майли... Хонадоним ахлига, авлодларимга эса Аллоҳ таолодан сабру тўзим тилайман.

Яна шундай бир гап ҳам айтилган дейдилар:

- Қабрим Андижонда бўлади... Бироқ, қўрқаманки, фарзандларим уни топа олармикинлар.

Авлодларининг хотираларига қараганда, кексайиб қолган, соғлиги ҳам унча мустахкам бўлмаган Исҳокхон тўра Андижон турмасида нари борса бир хафта-ўн кун ўтирганлар, холос. Шунда ҳам бу зотнинг суврати ва сийрати, ўзини тутиши, заковати, тақводорлигини кўрган айрим мутасаддилар, хизматчилар яхши муомилада бўлганлар, чойларидан хабар олиб, таҳоратта сув иситиб

бериб турғанлар. Тақдирнинг тақозоси билан шундок жойларга тушиб қолган бу кишининг оддий одам эмаслигини, бир улуғ сиймо эканлигига тамизлари етган.

Хибсхонада Исҳоқхон тўрага уч киши ҳамхона бўлганини айтадилар: Мулла Кудинг қишлоғидан Зарифбой овчи, қуймозорлик Абдусалом деган кишининг отаси ва яна кимдир. Биз ушбу рисолага маълумот тўплаб юрган вактимизда Зарифбой овчининг фарзанди Шаҳобиддин ота тўқсон ёшларга бориб қолгандилар. Шу киши қиблагоҳларидан олиб қолган хотираларга суюниб айтадиларки, вафотларидан икки-уч кун аввал Ибрат домла буларга айтган эканлар:

- Энди Сизлар кетасизлар... Сабаби, сизларнинг ҳеч бир айбингиз йўқ. Мен эса коламан.

Овчининг ундоқ эмас, сизнинг нима айбингиз бўларди, илм билан, ижод билан умр ўtkизган олим одам бўлсангиз, қабилидаги гапларига маъюс кулимсираб қўя қолганлар.

У киши олами фонийни тарк этаёттганларини ўша куни кечкурун турма хизматчиларидан бири кириб айтади:

- Тайёргарлигингни кўр! Эртага отиладиган бўлдинг! Этап эртага, этап!

Исҳоқхон Тўра хотиржам жавоб берадилар:

- Менинг этапим тайёр.

Тонгга етмайдилар, айни тун куюқлашган чоги узиладилар. Ҳамхоналари «шак-шак» қалтираб, бу хақда мутасаддиларга шошилинч хабар қилишади.

- Ундей бўлса, чиқиб, турма деворининг ёнидан қабр қазинглар. Кузатиб қўйинглар, –дэя изн беради бошлиқ.

Яна Нўймонжон акага сўз берайлик:

- Ўша турмада катоғон ийллари ишлаганларни сўраб-сuriштириб, уйларига борганман. Шунда бир одам айтган: - Ука, деган, мен бу соҳада эллик тўрт йил хизмат қилдим. «Ичкари»да нималар бўлганини айтиш мумкин эмас бизларга. Қасамёд қилғанмиз. Лекин ҳозир «омон-омон» замонлар бўлиб туриби, у вакълларда юргизилган сиёsat қораланди. Бунинг устига, опокдадангиз бошқача, авлиё одам эдилар. Аслида, у пайтлар замон тошдан қаттиқ, қаҳратондан совук эди. Сиёсий маҳбусларга шафқат килиш деган нарса бўлган эмас. «Враг» дейилдими – тамом, беш-олтитасини «яма»нинг олдига қўйиб, отиб, кўмиб ташланаверган. Лекин турманинг началниги Исҳоқхон тўранинг улуғ одамлигини тушуниб, ҳайиккан. Ўзига бирор зиён-захмат

етишидан кўрккан. Шундок одамни хор килиб бўлмайди, ўзимиз жанозасини ўкиб, қабрга кўямиз, деган.»

Шундан кейин, тунги соат 2-3 ларда турманинг орқасидаги қабристонга олиб чиқиб, ўша деворга яқин жойга бобомизни дафи қилганлар. У ерлар кейинчалик текисланиб кетади, 70-йилларда хам очик ер эди. Сўнгра троллейбус парки бўлди, уч-тўрт минг ахоли кўчиб чикиб, жойлашиб кетди.

Шоир қилган башорат ўнгидан келади, фарзандлари, авлодлари хар қанча саъй-кўшиш этмасинлар, азиз боболари қабрини топа олмайдилар.

Устоз аллома руҳан толиқкан эди...

Янги тузум билан боғлик умидларнинг аллақачонок саробга айлангани, зойил қилинганидан... Юрт боғидаги баланд, кўркам дараҳтларнинг бирин-кетин қулаётганидан... Халқининг бош эгиб, саросимада, кўркувда, «тиқ» этса дарвозага қараб яшаётганидан...

Яна бир хил кишиларнинг қибла қаёқдалигини унутиб, Кремль томонга астойдил сажда килаётганидан... Кўнглига тўлиб-тошган нафрат ва ғазабни, исён ва меҳрни, тилак ва йўл-йўрикни очик изҳор этмок имкони қолмаганидан пургам эди.

Ғуссаларнинг қалин қуршовида эди. Бағри-дили тах-батаҳ қон эди.

Маълумдирки, агар нафрат, ғам, ҳасрат тилга келса-ю, изҳор этилмаса ва ичкарига – юракнинг устига қайта йикилса, ҳароб килади юракни, адойи тамом қиласи.

Буларнинг бари у зотни вақти видога яқинлаштирган, албатта.

Чун кўлим бирла оёғим боғламоқ хожат эмас,  
Мен ўлимга розудирман, тургани тоқат эмас, -

деганлар ҳасти Машрабимиз.

Биз бу муҳтасар рисолани «Ибрат яратган боғ» деб атадик. Исҳоқхон тўра боғ – «Гулбоғ» барпо этганларидан бўлак, у киши томонидан қилиб улгурилган барча улуғ аъмолларни, эзгу ишларни хам ҳалқимизнинг маънавияти, маърифати боғида, боғидагина эмас, қалбida, руҳида кўкартирилган дараҳтлар дейиш, яна бу ёрқин сиймо барпо этган катта боғнинг жувзвари деб аташ мумкин.

Кўрдикки, шўро тузуми у киши бошлаган эзгу ишларни чек кўйишга, йўқотишга ҳаракат қилди. Айнан боғнинг ўзи ҳақида гапирсак, шунча хавас, яхши ният, саъй-ҳаракат билан бутун

дунёдан ноёб күчтеги олиб келиб, яратылган бу чаманзор домла ўтгандаридан кейин бора-бора қаровсиз ҳолга келди. Афтидан, «халқ душмани» асос солған, яшаган, турли-турли илмий-маърифий тадбирлар, нафис мажлислар ўтказилган чаман ҳам зарарли эди.

Вахоланки, немис фашистлари билан бўлган уруш даврида фронтдаги жангчиларга шу боғнинг қуритилган ўрик ва бошқа хил меваларининг қоқи жўнатилган. Очарчилик қаҳри забтига олганда ҳам кўпчиликни шу боғ ўлимдан асраб қолган: анор, олма, ёнфоқ, бодом каби қишида сакласа бўладиган меваларни муҳтож кишиларга бўлиб бериб турилган. Бирок вакт-замон ўтиши билан боғнинг ўзи жиҳдий эътибор ва парваришга муҳтож бўлиб қолганда уни саклаб қолишга ё урушдан кейинги такчиллик, камхаржлик имкон бермаган ёки «душман»дан қолган боғни яна сайргоҳ-томошагоҳ қилгани маҳаллий раҳбарларнинг журъати етмаган.

1960 йилларга келиб, боғ давлат томонидан ҳовли-жой учун бўлиб берилади. Бундан олдинроқ бўлса керак – дараҳларни кесадилар, мола босадиган хода қиласидилар, молхона биносига устун киласидилар.

Камина ҳам китобларда, хотираларда таърифи-тавсифи келтирилган ушбу чаман ўринини кўргани борган эдим. Кимdir юртини боғ қиласар экан, бўстон этар экан, кимdir юрт бағрини дод қиласар экан, вайрон қиласар экан. Турли таърифлар тасаввуримда пайдо этган афсонавий боғдан айрим белгиларни хисобга олмагандан хеч нарса қолмаганди. Дарвозанинг кўркам устунлари ғаридан бир аҳволда, ўзи йўқ, оддий эшик куриб қўйибдилар.

Фавворанинг кунгираси, айланаси бор, ўзи йўқ, яъни кўзи бору қорачиги йўқ, ўйиб олинган...

Исхокхон тўранинг фарзандлари, набиралари бошига ҳам кўп кўргиликлар тушди. Ота камалгандан кейин ҳам у кишининг фарзандлари, қариндош-уруғларининг хонадонида тинтувлар, сўроқ-саволлар, дўк-пўписа қилиб, қўлга илинган нарсани кўтариб кетишилар тўхтагани йўқ. Мактабга кетаётган Ротибхонни «душманнинг ўғли» деб тошбўрон қиласидилар. Кизларини урушиб-сўкиб, дарсдан чиқарилиб юборилган ҳолатлар кўп бўлди. Ротибхон aka улғайгач, бузруквори қабрини қидира-қидира касалликка чалинди ва нисбатан ёш вафот этди.

– Оналаримиз йиглай-йиглай армон билан ўтиб кетишиди, – дейди Жамилахон. – Опоқдадамизнинг қабрини кучоқлаб кўнгилни бўшатай дейишиса, қайга қўйилганларини билмайдилар...

Мустакилликдан кейин Тошкентда «Шахидлар хотираси» мажмуаси ташкил этилди-ю, очилиш маросимига катагон қурбонларининг авлодлари қаторида мени ҳам таклиф килишди. Ислом Каримов бу маросимда нутқ сўзлар экан, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпондан кейин учинчи бўлиб опокдадамларнинг исмларини тилга олдилар. Олдинги қаторда тургандим. Ибрат деганларида хеч ўзимни тутолмадим, роса йигладим.

Ажаб буким, ўргимчаклар тўримга  
Илинтиридим қуёшни деб ўйлайверар.

Бундай иддаолар бехудадир. Ёлғоннинг умри қиска... Пойдевори ёлғон бўлган тузумнинг биноси йикилди. Бироқ мустабид тузумнинг Исҳокхон Ибрат ва у билан замондош бўлган атоқли маърифатпарварларнинг, миллатимиз пешволарининг эзгулик йўлида қилган харакатларини, ватанимиз, халкимиз олдидаги хизматларини йўққа чиқариш йўлидаги ҳамма уринишлари бехуда кетди. Аввало, халқ бу инсонларни унутгани йўқ, кимдандир бир яхшилик кўрса, умрбод ёдидан чиқармайдиган бу миллат ўзининг асл фарзандлари қилган шунча эзгу аъмолни унуттар эканми?... Уларнинг асарлари қай йўсин билан бўлмасин мутолаа килиб келинди, улар ҳақидаги ҳикоятлар, хотиралар авлоддан-авлодга ўтиб, эҳтиром ила айтиб юрилди.

Истиқолимизнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон раҳбарияти бошқа муҳим ишлар қатори ана шу зотларнинг номларини улуғлаш, илмий-ижодий-ижтимоий фаолиятларини ўрганиш ва кенг тарғиб қилишни йўлга қўйди.

Исҳокхон Ибрат сингари азизларнинг эзгулик йўлидаги барча саъй-харакатлари, миллий маънавият заминида кўкартирган боғлари то шу халқ бор экан, то бу халқ ва бутун жаҳоннинг маънавияти бор экан, ширин самаралар беришдан тўхтамайди.

«Бу улуг маърифатпарвар инсон кўплаб итмий, педагогик ҳамда бадиий асарлар яратган Ўз қишлоғида янги мактаб ва кутубхона очган, аҳоли учун зарур замонавий боз барпо қилган. Ҳозиргача гоят ноёб ҳисобланадиган олти тишли лугат яратиб, ўз босмахонасида чоп эттирган».

Ш.Ш.МИРЗИЁЕВ



## МАҚОЛАЛАР

# ИБРАТ ИЗЛАРИДАН

Расулбек УММАТОВ,  
мустакил тадқикотчи.

Ушбу илмий-оммабоп мақолада тарихимиздан жадидлар номи билан ўрин олган маърифатпарвар авлоднинг пешқадам вакилларидан бўлмиш Исҳоқхон Ибратнинг эзгу ишлари қаламга олинган. Ул зот қолдирган бебаҳо ижодий мероснинг тарихий, ижтимоий-сиёсий, адабий-маънавий аҳамияти ва ул зотнинг фожиона кисмати ишончли манбаларга, алалхусус, муаллифнинг жиддий изланишлари натижасида кўлга киритилган охорли маълумотларга асосланган ҳолда ёритилган.

## СЎЗ БОШИ

Ватан онадай азиз ва танҳодир. Ҳадиси шарифда уқтирилганидек, Ватан севгиси иймонга баробар. Ўзбек ҳалки, ўзбек давлатчилиги тарихи минг-минг йиллик мозийга эга. Ватанни севиш аслида ундан шунчаки қувониш, ғуурланиш эмас, уни англамок, уни яшнатмок, унинг учун курашмоқдан иборат. Ватан мұхаббатини ва иймонни ҳеч ким, ҳеч качон тортиб ололмайди.

Тўмарис момо ва Амир Темур бободан мерос Ватан озодлиги ўн тўққизинчи асрнинг иккинчи ярмида бой берилган бўлса-да, Ватан ишки конда ва жонда қолди, у оталардан болаларга ўтаверди. Конда ва жонда мангуда яшайдиган ана шу ишқ XIX асрнинг 60-йиларидаёқ уйғониб, яқин тарихимиздаги миллий уйғониш даври бошланган эди. У замоннинг пешқадам зиёлилари ўз олдига кўйган етакчи мақсад – мустакиллик учун кураш бўлгани аён хақиқат. Алалхусус, жадидлар номи билан тарихга кирган бутун бир авлод бу борада кўп изландилар. Уларнинг бу саъй-харакатлари жасорат деб номланишга мутлако муносибdir. Маърифатни ва ҳур фикрни курол қилган ўша отахонларимиз Истиқлолнинг, бугунги дориломон кунларнинг орзуси йўлида жон фидо этгандилар.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти алоҳида эътироф қилганидек, «Махмудхўжа Беҳбудий, Мунавваркори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби юзлаб маърифатпарвар, фидойи инсонларнинг ўз шахсий манфаати,

**хузур-халоватидан кечиб, эл-улус манфаати, юртимизни тараққий топтириш максадида амалға оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло үчмайди» («Юксак маънавият – енгилмас куч», 2008 йил).**

Шу биргина жумлада бутун бир тарих, китобларга teng мазмун ва огоҳликка даъват бор. Зеро, 1991 йили қўлга киритилган Истиқлол осонликча келиб қолган эмас. Унинг учун ўн йиллаб конлар тўкилган, юзлаб отахонларимиз чоризм ва сталинизм кундасига бош қўйишган. Мустақиллик бизни хотиржамликка эмас, хушёрикка чорлайди. Локайд ва бепарво бўлишга хаққимиз йўқ. Негаки, «**бепарво одам душмандан ҳам ҳавфлироқдир.** Чунки душманинг кимлиги, асл киёфаси сиз учун олдиндан маълум бўлади. Бироқ локайд ва бепарво одамнинг киёфасини бирданига билиб бўлмайди. Шунинг учун у ичингизда юриб, сизга қарши тиш қайрайдиган душманлар учун имконият яратиб беради. Чунки уларда на иймон, на ирова бўлади. Улар ҳатто ўз ҳалқи ва Ватани тақдирига ҳам бамисоли бегона одамдек қарайди» («Юксак маънавият – енгилмас куч», 2008 йил).

Зотан, «**ҳалқимиз факат жисман эмас, рухан ҳам уйғоқ бўлмоғи даркор.** Рух бедорлигига унинг раҳбар раҳнамолари, олиму зиёлилари, барча фарзандлари масъулдир» (Ислом Каримов. «Истиқлол ва маънавият», 1994 йил).

Ўзбекистон мустақиллик йўлидан юриб, ўзлигини топди ва буюк келажак сари дадил олға бормоқда. Айни чоғда тарихга, кечаги нурли ўтмишга, қайғули кунларга, қадриятларимизга, маънавиятта эътибор тобора кучаймоқда.

Жумладан, аждодларимз бўлмиш алломалар, шоир-ёзувчиларнинг, миллий уйгониш даври намояндаларининг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, уларнинг маънавий меросини оммалаштириш, юбилейларини ўтказиш, асарларини чоп этиш давр талабига айланди.

Исҳоқхон Ибрат ҳаёти ва ижодини тадқиқ этиш бўйича бир қатор олимлар, хусусан, Улутбек Долимов ва Нурбой Жабборов жиддий иш олиб боришгани яхши маълум. Бироқ миллий уйгониш даврида ва тарихимизда ўзига хос ўрин тутган бу сиймонинг бой мероси бутун бошли бир дengизdir, демакки, ибратшунослар олдидаги келгуси вазифалар ҳам оз эмас.

## ИБРАТНИНГ АЖДОДЛАРИ ВА АВЛОДЛАР

Исҳоқхон тўра Жунайдуллахон тўра ўғли Ибрат 1862 йилда Наманган вилоятининг ҳозирги Тўракўргон туманидаги Сайрам қишлоғида дунёга келган. Исҳоқхон тўранинг отаси Жунайдуллахон тўра соҳибкор бобонлардан бўлиб, «Ходим» тахаллуси билан шеърлар ёзган. Онаси Хурибиби Жунайдуллахон тўранинг никоҳидаги икки аёлнинг бири эди. Хурибиби ойимнинг отаси Корабош хожа билан Жунайдуллахон тўранинг отаси Суннатуллоҳ хожа (вафоти – 1851 йил) ака-ука бўлишган, яъни эрхотин амакивачча эдилар. Хурибиби ойим мактабдор бўлиб, ўз уйда кизларни ўқитган. Исҳоқхоннинг (Ибрат унинг адабий тахаллусидир) насл-насаби Аҳмад Яссавийга дахлдорлиги ҳакидаги ҳужжат (20 киши муҳр босган шажара) ҳозир ҳам сакланиб колган. «Мазкур шажара узунлиги бир қулочдан ортиқроқ, эни эса 30–35 сантиметр ҳажмдаги маҳсус тайёрланган қоғозга битилган. Шажаранинг бошланиш қисми жимжимадор майда ўсимликсимон накшлар билан рангдор қилиб зийнатланган. Шажаранинг тўрт ёнига бошдан-оёқ олтин ҳалли йўғон чизиклар ром шаклида чизилиб, улар орасига эса кора рангда хат ёзиш учун ингичка чизиклар тортнлган ва шундан сўнг улар устига авлодлар шажараси номма-ном ёзиг жойлаштирилган. Исҳоқхон Ибрат мазкур шажарада ўз авлодларининг Туркистон томонлардан Наманган худудларига келиб, Тўракўргон ва Муллакудинг мавзеларида жойлашиб колганликлари ҳакида муфассал маълумот беради. Улар қуйидагича: «Назирхон хожа ўғиллари Нематуллоҳ хожадурлар. Аммо Нематуллоҳ хожа сохиби кашфу каромат эдилар. Ҳазрат Султонул–Орифиндин (Хожа Аҳмад Яссавийдан) тарбият тонган. Аллоҳ таоло иродаси ва арвоҳлар башорати билан Тўракўргон қарясида мутаваттин бўлдилар. Ҳокимлар Мулло Кудинг қарясидан кўп ер назр қилди, анда хонақоҳ бино қилиб, художўйлик қилдилар. Охири вақтларида васият қилдилар: бизни ушбу ерга қўйунг, дедилар. Ул мавзеънинг отини Қозоққўргон дерлар, анда мадфун бўлдилар. Нематуллоҳ хожанинг уч ўғиллари бор эди. Корабош хожа, Кичкина хожа ва Суннатуллоҳ хожа. Нематуллоҳ хожа ўз ҳаётликларида нисбатларини Суннатуллоҳ хожа ўғилларига бердилар ва жойнишин қилдилар. Ул уч ўғиллари ҳам ўз атрофларида мадфун бўлдилар. Суннатуллоҳ хожанинг

ўғиллари Жунайдуллох хожадир. Бул киши яхши олим бўлдилар ва Султон-ут-тариқат хожа Аҳмад Яссавийнинг хилватхоналарида етти хилват (чилахоналарида етти марта чилла) ўлтурдилар. Бу ердан муршидлик насибаси инъом бўлди ва хилватга ижозатлик бўлдилар. Жунайдуллох хожанинг Қорабош хожа қизидан бўлғон икки ўғиллари бор эди, бирини оти Исҳоқ хожа ва бирини оти Атауллох хожа эрди. Ушбулар Тўракўрғон карясида мутаваттин бўлдилар» («Наманган туманинг ўтмиши ва бугуни» китоби, 1996 йил).

Манбашунос Аҳмад Убайдуллохнинг изланишлари яна шундан далолат берадики, «Муллакудинг қишлоғидан сал юкорирокда жойлашган кўхна қабристонда ётган мўътабар зотларнинг бири Исҳоқхон Ибратнинг катта бобоси, яна бири бобоси ва яна бириси туғишган иниси экан...» («Наманган туманинг ўтмиши ва бугуни», 1996 йил).

Буни қарангки, чорак асрча бурун тўракўрғонлик тарихчи Бурҳониддин aka Низомов Ибратнинг туғилган кунини ҳам аниклади. У иттифоқо раҳматли Турсунбой Обидов билан Ибрат тўғрисида сұхбатлашиб колади.

– Бир куни бувим Жунайдуллахон тўрамни йўқлаб чиқибдилар, – дейди Турсунбой Обидов ўшандা. – Наврӯз байрами экан, бувим пишириб чиққан чалпак (зувалани юпка ёйиб, ёғда ковуриладиган хамирли таом) тўранинг ўғиллари Исҳоқхонга ёқиб қолибди ва мактабди. Шунда Хурибиби ойим дебдиларки: - Ўзиям билгандай кепсиз-да, Исҳоқхон тўра ҳам чалпакни яхши кўради, ўзи ҳам Наврӯз кунида туғилган. Ўша гап бувимнинг кулоқларида қолган ва ҳар Наврӯзда чалпак пишириб, Ибрат домлани сийлашни канда қилмасдилар. - Бугун тўрам туғилган кун, буни Хурибиби ойимнинг оғизларидан ўз қулогим билан эшитганман, - дердилар.

Инчунин, Мавлоно Ибрат 21 март куни таваллуд топгандир.

Исҳоқхон тўра тахминан 1885 йилларда Ҳожалхонга уйланган. Бу никоҳдан Аббосхон, Вакқосхон, Фаёзхон исмли ўғиллар ва икки қиз – биринчиси ..... , иккинчиси Парсудаҳон дунёга келган. Лекин Ҳожалхон вафот этади ва беш етимга она, хонадонга бека лозим бўлади.

Кейин Ибрат Офтобхон исмли аёлга уйланган. У уч киз кўрган: Василахон, Турсунхон, Афифаҳон.

Ибратнинг Собирахонга уйланиши ҳам тақдир такозоси эди. Бу никоҳдан икки қиз – Зарифаҳон, Нафисаҳон ва бир ўғил Ротибхон дунёга келган (Ротибхон отаси қамалганда 13-14 яшар бўлган).

Хуллас, Ибрат тўрт ўғил, етти киз, жами ўн бир фарзанднинг отаси бўлган. Унинг болажонлиги шунчаликки, хиндистонлик бир етимни ўғил қилиб олиб келган, дейдилар.

Ибратнинг ҳамма фарзандлари оламдан ўтиб кетишиди. Ҳозир неваралари, сон-саноқсиз эваралари то бегоналаригача бор. Барчалари Ибратнинг шарофатли номи билан фаҳранадилар. Уларнинг орасида унча-мунча шеър ёзадиганлари, созандалари бор. Масалан, раҳматли Ротибхон ака аккордеонни яхши чаларди, Нозимахон ва Жамилахон опалар шеър ёзишади.

Нозимахон опанинг айтишича, Ротибхон ака ҳар йили фарзандларини Андижонга олиб бориб, Ибрат ҳибсада сакланган қамоқхонани кўрсатар, дуо-фотиха қилиб қайтаркан. Нозимахон опанинг қулоғига яна бир гап тушган: турма назоратчиси туш кўрибдики, одам жуда кўп эмиш, ҳамма оқ либосда бўлиб, оппок тuya миниб олган. Шунча оломон оёқ-кўллари кишанбанд маҳбус Жунайдуллаев Исҳоқхонни бошига кўтариб, бардор-бардор киласмиш...

Ибратнинг фарзандларига жуда оғир бўлган. Отаси қамалгач, тўнгич ўғил Аббосхон тўра ҳам ҳибсга олинган. Улар бир умр кўчакийда «қозивачча», «кулоқвачча» деган ҳақоратларга нишон бўлиб ўтдилар. Бундай таҳқирлардан зада бўлган ибратзодалар ҳатто мактабга бора олмай қолишган экан. Бу ҳам етмагандай, Исҳоқхон Ибратнинг борки мулки, ер-суви, боғлари талон-тарож қилинади, катта боғи ва ҳовлиси ҳар кимларга бўлиб берилади.

## ИБРАТНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИ

Ибратнинг ўз икrorича, у беш йилда уч муаллимда ўқиб, вакти бехуда кетгач, ахийри онаси Ҳурибиининг кизлар мактабида савод чиқаради ва икки йил отасидан ҳусниҳат сабогини олади. Сўнгра 1878-1886 йиллари Кўқондаги «Тунқатор» мадрасасида Мухаммад Сиддиқ домла қўлида таҳсилини давом эттирди. Бу даврда у она тилидан ташқари рус, форс, араб тилларини ўрганди, бадиий ижодга кўл урди, Кўқон адабий мухитининг Муқимий, Фурқат, Мухий, Завқий, Ҳазиний каби намояндлари билан дўстлашибди.

Эҳтимолдан холи эмаски, Ибратнинг фотографияга иштиёқи ҳам айни талабалик йилларида камолга етган. Бу таҳминга тарихий ва мантиқий асос бор: Туркистон генерал-губернатори Кауфман топшириғига биноан, маҳсус альбомга суратлар олиш учун 1872 йилда фотограф Г. Кривцов Кўқонга келганди. Худоёрхон бу ишга

қизикиб қолади, ўзи суратга тушади, аъёнларини ҳам чакиради (амалдорларнинг айримлари бу ишни гуноҳ деб, ҳатто йиглашган экан). Бердиқул исмли қизикувчан йигит Кривцов билан Тошкентга бориб, фотография сирларини ўрганади, августнинг охирларида икки фотоаппарат ва керакли ашёлар билан қайтади. 1872 йили «Туркестанские ведомости» газетаси ўзининг 29–31-сонида Кўкон хонлигига иккита фотография (бири Кўконда, иккинчиси Андижонда) ишлаётгани ҳақида хабар берганди.

Тахминга асос бор деганимиз шундаки, Исҳоқхон Ибрат ёш, илмга чанқок, ўта қизикувчан, фикр доираси кенг, ниҳоятда ғайратли, янгилик деса, ўзини томдан ташлайди. Шундай йигит фотография ишлаб турган Кўконда таҳсил олади. «Туркестанские ведомости», «Туркистон вилоятининг газети», «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона» каби маҳаллий нашрларни, олисдан келадиган «Таржимон», «Вакт» сингари газеталарни ўқийди ва ҳатто уларга ёзиб ҳам туради. Бинобарин, шу омиллардан хуроса қилинса, бизнингча, Ибратнинг Кўкондаги суратхона ишига қизикмаслиги, водийнинг биринчи фотографи бўлмиш Бердиқул деган йигит билан танишишга ошикмаслиги асло мумкин ҳам эмас-да...

Мавлоно Ибрат беш йил Жидда, Кобул каби шаҳарларда, 1892–1896 йилларда Ҳиндистонда – Бомбей ва Калькуттада истиқомат килди. Араб, хинд, инглиз тилларини ўрганди, бинобарин, унинг 7 та (11 та) тилни билганлигига лофт йўқ. Ибрат қаламига мансуб «Лугати ситта ал-сина» («Олти тилли луғат») ва «Жомеъ ул-хутут» («Хатлар мажмуи», 1912 йил) каби тиљшуносликка оид асаллари бунинг исботидир.

Ҳиндистонга боргунига қадар Ибрат Европанинг бир қатор мамлакатларида, йирик шаҳарларида бўлади. Манбаларда Истанбул, София, Афина, Рим каби шаҳарлар тилга олинади. Оғзаки гапларга қараганда, Ибрат Францияга ҳам борганимиш. Сантур деган мусиқали қутичани Парижда олган дейдилар, лекин сантурнинг айнан Париждан келтирилгани тасдиқланган эмас.

Ибратнинг таржимаи ҳоли ва сафар-саёҳатларига тааллукли ривоятнамо тахминлар анчагина. Масалан, у кишининг етти марта ҳажга борганилиги ёки Рабиндранат Тагор билан учрашганлиги шулар қаторида. Бу гапларда ҳам ҳақиқат унсурлари борга ўхшайди. Чунки Исҳоқхон ҳожи тўққиз йил (1887–1896) сафарда юрган, тўрт йил (1892–1896) Ҳиндистонда яшаган. Тўққиз йил кема қатнови кулай денгиз бўйи мамлакатларида истиқомат қилиш

жараёнида етти марта хажга бориш мумкин эмасми? (У Бирма, Хитой ва Қашқар орқали 1896 йили ўз юргига қайтган).

Бу фикрга далил ўрнида қабул қилиш мумкин бўлган бошқа бир тарихни келтирамиз. Гулбаданбегим (Бобурнинг қизи, 1523–1603) 1576 йили ҳаж зиёратига отланади. Жияни Жалолиддин Мухаммад Акбаршоҳ (Буюк Акбар, яъни Ҳумоюннинг ўғли, Бобурнинг набираси, 1542–1605) Ҳиндистон хукмдори эди. Акбаршоҳ рухсат қилиб, йўл харажатларини ва раҳнамони, қўрикчиларни тайинлади, карвон денгиз бандаргоҳи Сурат шахри томон йўл олади. Гулбаданбегимнинг муборак сафардаги ҳамроҳлари: Ҳожибегим, (Ҳумоюннинг катта хотини), Бобурнинг канизаги Гулнора, Сарвқад исмли хонанда, Акбарнинг битта хотини, Аскарийнинг (Бобурнинг кенжা ўғли) Акбарни тарбиялаган беваси, Умми Гулсум (Гулбаданбегимнинг набираси). Ҳуллас, бунинг ҳикояси жудаузун. Киссадан хиссани қисқа қиласиз: уларнинг сафари қарийб етти йил давом этади. Ҳожи оналар уч яrim йил Арабистонда яшайдилар ва Гулбаданбегим тўрт марта ҳаж қилган.

Энди бу ҳол билан Ибратнинг холини таққослаймиз: Гулбаданбегим 45–50 ёшларда эди, ҳамма ҳамроҳлари аёллар, XVI асрда ҳали буғ машинали кемалар йўқ, денгиз қароқчилари сероб. Ибрат эса қирчиллама йигит, ёлиз ўзи, пароходлар аллақачон ўйлаб топилган, электр ҳам бор хисоби, кемаларнинг тезлиги бир неча ҳисса ошиб кетган... Қирчиллама йигит дейишимизга асос бор: «*Ибрат ўзининг «Лугати ситта ал-сина», «Жомеъ ул-хутут» ва «Тарихи Фарғона» асарларида ёзишича, 1887 йили, яъни 25 ёшида онасини Маккага, ҳаж зиёратига олиб боради. Бироқ оиаизорига ўз ватанига қайтиб келиш насиб этмади. Ҳурибиби ойим Жида шаҳрида ўпка шамоллашидан вафот этди*» (Долимов У, Жабборов Н, «Исҳокхон тўра Ибрат», 2005 йил).

Бу Ибратнинг биринчи марта ҳаж зиёратига борганлиги ҳақида далил. Буни қарангки, Исҳокхон Ибратнинг отаси Жунайдуллахон тўра ҳам ҳаж зиёратига кетаётib, Арабистоннинг Зул-Хурайфа деган жойида вафот этган ва ўша ерга дағн этилган. Бу ҳақда Ибрат ўз қўли билан сулс хатида ёзган авлодлар шажарасида қайд этиб ўтган: «*Жунайдуллоҳ ҳожадан кўп кишилар таълимни тарикатда баҳраманд бўлдилар. Ушбу киши мазкур Қозоққўрғон (Наманган тумани Муллакудинг кишлоғидаги Ибрат аждодлари ётган эски қабристон атрофлари ўша пайтда шундай ном билан аталган. Муаллиф изоҳи – Р. У.)га «Хилватхона» (Чиллахона)*

бино қилдилар. Неча муддат анда бўлиб, Ҳаж иродасида Маккага – Ҳазрат Расули Акрам зиёратларига борурда Маккадан уч манзиллик мавзиъи Зул-Хулайфа деган Арабистон ерида мадфун бўлдилар» («Наманган туманинг ўтмиши ва бугуни», 1996 йил).

Ибрат домланинг набираси Нозимахон опа катталардан эшигтан ва бизга айтган гапларига қараганда, волидаси вафот этган кунларда чамаси у киши камхаржоқ бўлган ва Ҳурибибини ювган фассол араб аёлини мархуманинг паранжиси билан рози қилган эмиш. Шундан сўнг раҳматли онаси тушига кириб дермиш:

– Исҳоқхон тўра, паранжимни бериб юбордингиз, аммо у жуда қиммат эди-да.

– Шунақами?! – ҳайратланармиш ўғил.

– Шунақа, тўразодам. Унинг ҳар бир попуги тугилган жойда тарикдай тилло бор эди. Лекин мен розиман, сиз ҳам рози бўп қўйинг.

– Сиз рози бўлсангиз, мен минг марта розиман, – деди Ибрат ва уйғониб кетибди...

Рабинранат Тагор масаласига келсак, унинг икки йил Англияда ўқигани ва саёҳатларини айтмагандан, Калькуттада туттилган (1861), Калькуттада вафот этган (1941). У ҳам ёзувчи, ҳам маърифатпарвар бўлиб, Калькутта якинидаги Шантиникетонда мактаб очган, маориф иши билан астойдил шуғулланган, Ҳиндистондаги 200 дан ортиқ олий таълим муассасаларининг ўзтиборлиси бўлган Вишвабҳарати университетига асос соглан. Алқисса, Калькуттада бир неча йил яшаган Ибрат Тагор домлага қизикиши мумкин эмасми?

Балким шу сабаб, Ибрат ҳам Рабинранат Тагор сингари тенгсиз педагог ва беназир маърифатпарвар даражасига етгандир. Унингдек фидойи мактабдорни у пайтлари топиш амри маҳол эзики, замондошлари бўлмиш алломалар ҳам беҳад иззатлашарди. Масалан, Ибрат номига Мунаввар қори Абдурашидхоновдан таклифнома келади. Мунаввар қорининг таклифномаси «Хурматлу Исҳоқхон ҳожи жанобларина!» деб бошланарди. Исҳоқхон тўра унга жавобан 1907 йилнинг баҳорида Тошкентта бориб, янгича «усули жадидия» мактабларидаги йиллик имтиҳонларда қатнашди, ўкувчиларни синади, ўзига ҳам сабоқлар олди ва «Туркистон вилоятининг газети»да туркум мақолалар, хабарлар ўзлон қилди.

Хуллас, Ибратнинг хаёти ва аъмолида минг бир сифат мужассам эди: ҳам муаллим, ҳам мактабдор, шоир ва ёзувчи,

хунарманд ва тадбиркор, хисобдон ва савдогар, хаттот ва ношири, созанда ва хонанда, журналист ва матбаачи, уламо ва қози, табиб ва доришунос, мұхандис ва қурувчи, этнограф ва сайёх, дәхқон ва бөгбон, тарихчи ва археолог, тилшунос ва адабиётшунос, техник ва фотограф... Шунингдек, у ниҳоятда нағси тийилганса, камовқатликни касб қылған бұлып, нонуштада қора чойга сут ва новвот қүшиб тайёрланған ширчой билангина кифояланаркан.

## ФОЖИОНА ТАҚДИР

Үтган XX асрнинг 30-йилларида шүролар қатағонига учраган ватандошлиаримизнинг аксарияти (балки ҳаммаси) миллий уйгоноша даврининг арбоблари, қаҳрамонлари әдилар ва Ибрат ҳам үшалар сағидаги ёрқин юлдузлардан бири бұлған. Хаёлга келадики, башарты Мұқимиң, Фурқат, Завқий, Аваз Үтар (ва бошқалар) узок умр күриб, 30-йилларға етиб келишса, албатта, Ибрат ва унинг ҳаммаслақлари каби улар ҳам қамалиб, отилиб кетишаради. Чunksи қатағоннинг қасди ягона: миллатнинг гулини йўқ килиш, аяш ва раҳм-шафқатга ўрин йўқ.

Колаверса, Ибратнинг таржимаи ҳоли ниҳоятда «шубҳали»: Куръон ўқиган, қозилик қылған, бойлиги ҳам йўқ эмас, тили аччиқ, ҳажга борган, ажнабий юртларда, ҳатто Европада яшаб келған. У пайтлар чет давлатларда юрган киши «айғоқчи» деган айблов билан хибсга олиниши ҳеч гап эмасди.

Ибрат Наманганда муаллимлик қылған Акмал Икромов билан қадрдан бұлған эди. Унинг бундай «ишончсиз» дўстлари орасида кимлар йўқ эди дейсиз: Файзулла Хўжаев, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Мұхаммадшариф Сўфизода, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Ҷўлпон, Усмон Носир... Ахир Ибратни бутун Ўзбекистон биларди, уни Қозон ва Уфада, Кримда, Бокуда, чет элларда танишаради. Айтинг-чи, қатағончилар шундай зиёлини қамамаслиги мумкин эдими? Алалоқибат, 75 яшар мўйсафи Ўзбекнинг энг сара улуғлари фожиасига тақдирдош бўлди.

Уни 1937 йили 14 март куни хибсга олишган. Илк баҳор чоғи Ибратнинг хонадонида тинтув ўтказилади. Чарм чопон кийган НКВД (Народный комиссариат внутренних дел – Ички ишлар халқ комиссариати) ходимлари қўллариға кирган дафтар-китобни олиди. Бугун иккى хил фикр бор: ўша бойликлар Ибрат билан ё Андижон турмасига ашёвий далил сифатида олиб кетилған ё

хозирги Тўракўргон трактор таъмирлаш корхонаси худудига кўмилган. Чунки ўша пайтлари бу ерда турма бўлган ва 30-йилларда сайҳонликдан ўра кавлаб, китоблар устига тупроқ тортилган экан...

Ибрат бир неча кун Тўракўргон турмасида саклангач, Андижонга олиб кетилган. Оғзаки гапларга қараганда, у киши Андижон турмасида кирқ кун ётган ва шу муддат давомида факат берилган сувни ичган, овқатта эса қарамаган. Кейин вафот этган.

Бу хабар Тўракўргонга етиб келгач, янги келинчак бўлган Зарифахон (Адҳамжон Низомовга Ибрат қамалмасидан бурун узатилган) ва куёв Андижонга бориб, турмага кирмоқчи бўладилар, лекин киролмайдилар. Иттифоқо қамоқхонада ишлайдиган бир киши билан учрашадилар. У маҳбус Исҳоқхон Жунайдуллаевнинг ўлгани ростлигини айтади ва кундузи хавфли бўлгани учун кечаси қабрни кўрсатиб кўяди. Айрим муаллифлар Ибратнинг вафот этган манзили Тошкент деб янглишадилар, у киши 1937 йилда Андижон турмасида қазо қилган ва пахта заводи яқинидаги қабристонга дағн этилган. Кейинчалик марҳум аллома хоки Андижондан Намангандаги олиб келиниб, Ибратнинг аждодлари ётган Муллакудинг қишлоғидаги эски қабристонда унинг рамзий қабри барпо этилди ва шу тарика зиёратчиларга қулийликлар яратилди.

Ноҳак айбланиб, қатағон қилинган Ибрат вафотидан сўнг 22 йил ўтиб, яъни 1959 йилда оқланади. Бу тўғрида марҳум алломанинг юрти Тўракўргонга Андижон вилояти прокурорининг ўринбосари имзоси билан расмий хат келади. Ротибхон уни онаси Собирахонга ўқиб беради:

**«Намангандаги вилояти Тўракўргон райони Сайрам қишлоқ совети, Сталин номли колхозда яшовчи фуқаро Исҳоқов Ротибхонга.**

**№3326, 2 октябрь 1959 йил.**

Сиз отангиз Жунайдуллаев Исҳоқхоннинг жиноят ишини қайта қўриб чиқиши бўйича йўллаган шикоят юзасидан тубандагиларни маълум қиласман.

Жиноят иши 1959 йил 30 сентябрь куни қайта қўриб чиқилди ва отангизни айблаш учун далил-исбот бўлмагани учун иш тўхтатилиб, отангиз вафотидан сўнг оқланди.

СССР Министрлар Советининг 1955 йил 8 сентябрдаги қарорига биноан сиз отангиз ишлаган ташкилотдан у кишининг икки ойлик маошини олишингиз мумкин. Пул отангиз оқланган пайтдаги лавозим ставкаси учун белгиланган

миқдорда тўланади. Башарти, у корхона ёки муассаса тутатилган бўлса, 2 ойлик иш ҳақи унинг вориси бўлган жамоа томонидан, агар у ҳам бўлмаса, таалуқли министрлик (маккама) хисобидан қопланади.

Андижон вилояти прокурорининг ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси: (имзо) Мирзалимов.»

Она ва боланинг кўзларидан ёшлар қуийлади. Кечга томон ҳовли одамга тўлди, Ибратнинг фарзандлари, набиралари, кўшинилар, кариндошлар... Элга билдириш қилиб, дастурхон ёзилди. Кейин Ротибхон Андижонга жўнади.

Жудолик, ғам-алам, тирик етимларнинг кўз ёши, хўрликлар Собира ойимнинг юрак-багрини адо килганди. Ахир 22 йилни кўчага қараб ўтказиш осонми? У 1959 йил янги йилга ўтар кечаси вафот этди.

## ИСХОҚХОН ТЎРА ИБРАТ ИЖОДИГА ЧИЗГИЛАР

Исҳоқхон тўра серкирра ижодкор сифатида «Лугати ситта алсина» («Олти тилли лугат»), «Жомеъ ул-хутут» («Хатлар мажмуи», 1912 ), «Тарихи Фарғона» (1916), «Тарихи маданият», «Мезон уззамон» (Замон тарозуси), «Санъати Ибрат қалами Мирражаб Бандий» каби ўндан ортиқ тилшуносликка оид, илмий-тарихий ҳамда маърифий асарлар муаллифи. Шунингдек, Ибрат назм бобида ҳам сермаҳсул ижод қилди. Ибрат шеърларини ва бошқа асарларини уч тилда (ўзбек, форс, араб) ёзган. Муҳсиний уни «соҳиби девон» деб сифатлайди. Лекин девон ҳозиргача топилган эмас. Умид қиласизки, ўзбек адабиёти келажақда яна бир нодир девон билан боййиди. Унинг эълон қилинган шеърлари вақтли матбуот саҳифаларида, турли тўпламларда талайгина. Шоирнинг ўғли Аббосхон 1910 йилда тузган баёзга отасининг 17 та шеърини киритган.

Эсимизда, зарбулмасалдай гап бор: бир рус генерали XIX асрда деган эканки, ерли ҳалқ бизнинг тамакини чекишини ва арокни ичишга ўргангач, Туркистонни бемалол бўйсундириш мумкин. Ибрат эса бу огуларга муккасидан кетаётгандарни кўриб, «Бўлубдур» радифли ғазалида назмий таассуф билдиради:

Алҳол муҳтасиб йўқ, бир-икки қилса ул дўқ,  
Ичкуга ҳалқроғиб, дойим фиён бўлубдур.

**Ушбу замон онлар, топди ривож ямонлар,  
Йўқ эмди нуктадонлар, қандай замон бўлубдур?**

**Ҳар ерда ошкора фоҳишиши-ла луъбат,  
Носих муҳтасиблар баста даҳон бўлубдур.**

**Бой ила камбағал йўқ, йўқ занларини фарки,  
Барча либоси ҳафтранг, бир ногаҳон бўлубдур.**

**Халқ ўлди эмди тартиб, рўмолга бурнин артиб,  
Мошина айламасдан, киймас чофон бўлубдур.**

**Махбуби нахшиҳонлар, кўзи қаро жувонлар  
Гостиңсаларда юриб, сарфи зиён бўлубдур.**

**Манзума соли тарих, бу даҳри инқилоби,  
Минг икки юз тўқсон икки баён бўлубдур.**

**Ибрат, бу ерда турма, бунлар била ўлтурма,  
Бу халқи феъли-хўйи сенга аён бўлубдур.**

Ибратнинг замонга ҳамнафас шоирлигини шеърларининг сарлавҳасидан ҳам англамоқ осон: «Тарихи трактур», «Тарихи чопхона», «Ислохи миллат», «Тарихи вагон», «Қарз», «Ариза», «Шикояти замона», «Қозийи қотил»...

Эрк идеалини тараним этишда, маърифатпарварлик фояларини тарғиб қилишда, ижтимоий муҳитта халқчиллик ва кузатувчанлик билан қарашда, мустамлака зулми туфайли кучайган ижтимоий-сиёсий иллатларни қоралашда Ибрат ўз замондошлари Муқимий, Фурқат ва Завқийларга ҳамфир, маслакдош эди.

Шунинг учун ҳам Ибрат ижодида маърифатпарварлик ва ҳажв уйғунлашгани сезилиб турди. Аслида бу икки йўналиш орасида мутлақо зиддият йўқ, аксинча, уларнинг бири бошқасини тўлдириб турди. Аниқроқ айтганда, Ибратдаги бу хусусият ягона эзгу мақсадга икки томонлама ёндошув, холос. Негаки, ёмонликни инкор килишининг ўзи эзгуликнинг тасдигини англатади ёки яхшиликни мадҳ этиш жаҳолатни қоралашдир.

Исҳоқхон тўра Ибрат «Олти тилли лугат»ига форс, араб, турк, ўзбек, хинд ва русча сўзларни жойлаштирган бўлса, «Хатлар мажмуаси»да яхудий, финикия, юнон, славян, санскрит, лотин,

арман, грузин сингари кирқдан зиёд ёзувлар хақида қимматли маълумотлар беради ва илмий хуласалар чикаради.

«Луғати ситта ал-сина» 53 бет, «Жомеъ ул-хутут» эса 132 бет ҳажмда китобат қилинган. Ибрат тил ўрганувчиларга қулай бўлиши учун луғат китобини икки қисмга ажратади.

Ибратнинг ўша пайтда «Туркистон вилоятининг газети»да босилган «Эски мактаблар хусусида» (1907), «Наманганда маҳаллий лавозимларга ўтказилган сайловлар хусусида» (1910 йил, 21 март), «Фарғона вилоятидаги кўхна шаҳар – Ахсиқент тарихи» (1913 йил, 23 июнь), «Тўракурғондан мактуб» (1914 йил, 2 март), «Тошкент сафарида маълумотларим» (1914 йил, апрель) каби мақолалари ziyouz. com сайтига жойлаштирилганки, уларнинг ҳар бири биттадан тарих. Чунончи, «Открытие Коканд–Наманганской железной дороги» («Туркистон вилоятининг газети»даги таомилга кўра, сарлавҳалар русча ёзилган) – «Кўкон-Наманган темир йўлининг очилиши» мақоласи ҳам яқин ўтмишимиздан хабар берувчи тарихий манба эканлиги билан аҳамиятли: «Ушбу 7 июля Наманган оташ ароба йўли битиб, они очилганлигига шукронга байрами бўлубдур... ўшал аснода фотографлар ва ҳам алоҳида чақирилган кинимотограф ўшал ерда ҳозир бўлуб, тасвирларини олиб турибдур. Ул поез Чуст истансиясиға расми юрицида юруб бориб, андин кейин Сирдарёга кўп харажатлар билан бино қилган ёғоч кўфриқдин ўтуб, ...Наманганга келгандин кейин истансаға ниҳоятда кўп сардиялар йигилиб, атрофдин, қишлоқлардин умрида оташ аробани кўрмаган одамлар келиб, ул оташ аробани биринчи маротаба кўруб ҳайрон қолиб, поез келаётган вактда оқ саллалик одамлар адади ниҳоятда кўб 25000-30000га этибдур». Мақола газетанинг 1912 йил 15 июль сонида чоп этилган. Демак, Наманган темир йўли 1912 йил 7 июля ишга туширилганки, бунинг манбаси жуда ишончли ва у журналист Ибрат қаламига мансубдир.

Исҳоқхон Ибрат ўзининг тугалланмай қолган асари – «Замон тарозуси»да ўша пайтдаги ўзгаришларни ҳалқ рухиятига таъсири ва миллатни емираётган иллатлар хусусида куюниб ёzáди. Асарни тўққиз мезонга бўлиб, уларнинг ҳар бирида бир-биридан муҳим масалаларга тўхталади.

Масалан, адид иккинчи мезонда одамларни гурухбозликка берилмасдан, бирлашиб яшашга чакиради. Бу тўғрида марҳум ва машхур шоиримиз Муҳаммад Юсуф ҳам: «Ўзбекни ўлдирав маҳаллийчилик», дея назмий таассуф билдирганди. Табиийки,

миллатнинг гули бўлган ўткир калам соҳиблари бу каби иллатларга бефарқ бўлишмаган.

Судхўрлик ҳам жамият ривожига ғов бўладики, бу тўғрида учинчи мезонда гап боради. Ибратнинг замондоши Садриддин Айний (1878–1954)нинг «Судхўрниңг ўлими» асари ҳам айни шу масалага бағишлиланганки, ўша пайтда халқ бу иллатдан нечоғли зада бўлганини англаш қийин эмас.

Олтинчи мезон бидъатнинг зарари ҳақида. Бидъатга берилган бандага бойлик буюрмайди. Чунки бидъат дабдабозлик ва исрофгарчиликнинг отасидир. Ибрат бундай бехуда сарф-харажатлардан наф йўқлигини қуидагича талқин қиласди: «**Ва ҳам жамъияти никоҳ тўйида булар қиладурғон исрофлари бир киши ўғлини тааллук қилдурмоқ бўлганда фотиха тўй деган бир катта тўй бўладур...** Ҳоли булки, шул фотиҳага беш юз сарф бўлса, никоҳ тўй куни албатта икки минг сарф бўлур. Бу сарфларни(иг) ўғлига ва қизига бирон тийин нафъи йўқ, ўргадаги кишилар ейдур, ичадур, киядур. ... Сиф-сиdirға балоси қалмокдан қолган одат. Мана бу балолар устимизда оғир бир юқдур. Буни қўтаруб, максадга етиш бисёр қийиндур».

Буни қарангки, маросимларни камчиким қилиб ўтказиш бугун давлат сиёсати даражасига қўтарилган. Бу асар ана шу жиҳатлари билан айни замонда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ибратнинг уйида маҳфий ғаладон бўлиб, 1937 йил 14 март тунидаги тинтувда унинг сири очилмаган ва Исҳоқхон тўра қаламига мансуб бир қатор битиклар, жумладан, «Тарихи Фарғона» асарининг қўллэзмаси ҳам НКВД чангалига тушмаган. Ибрат қизи Зарифахонга тайинлаган эканки:

– Ўша қоғозларни атлас қўйлагингдай асрагин...

Бу гапни бизга Ибратнинг набираси Жамилахон Низомова (Зарифахоннинг кизи) айтиб берди. Зарифахон арабий ёзувдаги «Фарғона тарихи»ни аввал лотин, кейин кирилл ёзувига кўчирган экан.

«Тарихи Фарғона» асари аввалида «Аммо баъд, бу бандай Худо ва уммати Мустафо алкан ул-лисони нотавон, аъно Қози Исҳоқхон сокини қалъаи Хон, аъно Тўракўрғон мин музофоти Фарғон ва аз иқлими Туркистон, бу тариқа аён ва бу тарзда баён қилур...» жумласини ўқиймизки, демак, Ибрат бу асарни қозилик даврида (у 27 йил Тўракўрғон қозиси бўлган) ёзган. Бу тарихий асарда ўзбек давлатчилиги ривожининг оқсаган босқичи,

яни хонликларнинг таназзулга юз тутиши, рус босқинчилиги кулфатлари кенг тасвирланади.

Тарих шундай: Намангандан шаҳри ва атрофи 1875 йил октябрь ойида Чор Россияси томонидан истило қилинган. Босқинчиларнинг ўта шафқатсизлиги «Тарихи Фарғона»да рўй-рост кўрсатилган. Ибратнинг ёзишича, Тўракўргонга кирган рус солдатлари қочганларни ҳам, қочолмай колганларни ҳам отаверган. Ёки Головачев бошлиқ аскарлар Намангандан шаҳрида бир кун қатли ом қилган, ҳатто масжид ва хонақоҳдагиларни ҳам қириб ташлашган. Исҳокхон Ибрат ҳалқимиз бошига тушган ўша кунларнинг жонли шоҳиди эди. У ўз кўзи билан кўрганларини шундай ёзади:

«Муаллифи китоб ул вактда ўн беш ёшимда хату саводим чиккан талаба эдим, бирдан қоч-қоч бўлуб, ҳар ким ўз холига овора бўлуб, қиблағомиз ўз ҳоллариға бўлуб, қаён кетдилар, билмадук. Бизлар ўз маҳалламиздаги хотунлар ва болалар илан қочиб бир боғда ётдук, то шомғача бу тўпу милтиқ овози ўқлар бошимиздан овоз бирла ўтуб тургани ваҳмида ҳеч ерга чиқолмай, боғда эдик ... Кечаси сизларни бир киши чақирди, - дедилар. Ким экан? - деб боғдан чиқсан, қиблағомиздан келган одам экан. Ул киши Муллакудингда эканлар. Боруб, болалар асир бўлдиму ёки отилиб ўлдиму, эсон-омон кўрмак муяесар бўлса эди, деб Юсуфхўжа ва Муҳаммад Зоҳид деган кишиларни юборган эканлар. Алар бизларни олуб, кеча илан жўнадук.

Бу мухороба Ботур тўра аскар йикқандан бўлғон эди, ўzlари қочиб кетиб, Тўракўргон фуқаросини бадном қилдилар. Мунда эски сипоҳлардан бир неча ададлари анча-мунча етушуб, Муҳаммад Мусо безанжир деган киши бош бўлуб, нодон кишилар ҳар ердан ўқ чиқаруб, Тўракўғонни ҳам икки кун отув қилдилар. Охируламр... эртаси жумъа куни юрт катталари маслаҳат қилиб, мусолаҳа сўрамокға... борганларида Гловачуб қаттиқ сиёsat қилиб, сўзлашибурлар. Айтибурки: - Нимага эртароқ чиқмадинглар ёки тезроқ келмадинглар, муича одам ўлмас эди... Русия катта подшоҳдур, сизлар урушолмайсизлар, яхши туруб фуқаролик қилсаларингиз, сизларни бой қиласадур, агар жанжал қилсаларинг мана шунга ўхшаган отув қиласадур...

Валҳосил, ўша отувдан сўнг Намангандан тинчили. Ўшал вакт куз вақти ҳижрий 1293-инчи, 94-инчисида эди, қавс чилласи бўлса керак. Намангандан тамом Русия давлатига ўтди. Бу

**ишиларики, яъни беҳуда фасод ишлар сабаб ўз ахлимизни беилм ва бефикрлигидан бўлди».**

«Тарихи Фарғона» Қўқон хонлиги хақидаги асарлар орасида холислиги билан мўътабар, китобхон қалбига ҳам шу жиҳатдан якинdir. Негаки, 1991 йилгача яратилган тарих дарслкларида ягона хулоса ҳукмрон. Яъни биздаги бир-иккита хону хоқондан ўзга ҳамма подшолар илмсиз, жоҳил, золим, муттасил фукаросининг қонини ичган ва эзилган ҳалқ эса йил - ўн икки ой қўзғолон билан банд бўлган. Айтинг-чи, у ҳолда миллий давлатларимизни ким бошқарган, тарих ва тараққиёт ҷархини ким айлантирган? Буюк ўтмишимиз фақат зулм, қон ва исёндан иборат бўлса, ўзбекнинг буюк тамаддуни осмондан тушганми? Людовиклар, Пётрлар, Елизаветалар, ҳатто Екатериналар буюк бўлганда, нега энди бизнинг ҳукмдорлар кип-кизил ахмоқ деб сифатланиши керак?..

«Тарихи Фарғона»да Ибрат гўё ана шундай саволларга жавоб беради, юкоридаги бирёклама қарашлар пойдеворига зарба уради. Ва муаллиф алоҳида айтмаса-да, уқмоқ мумкинки, ҳукмдор ҳам хом сут эмган бир банда ва табиийки, янглишади-да. Бинобарин, Ибрат қайси бир хонни ҳакконий танқид қиласкан, айни чоғда унинг ижобий ишларини ҳам унутмайди: «**Бу Фарғона ва Туркистон хонларидан икки киши фуқаро ва дину миллат учун ҳаракат этган эди. Бири бу амирлашкар** (Алимкул. Муаллиф изохи – Р. У.) ва бири марҳумий Маллахон. Тўплар қўйдуруб, милтиклар ясад, корхоналар килиб, тўплар узрасига кумушлар била ёзувлар ёзуб, яхши дикқат эткан эди». Шунинг учун ҳам бу асар нафақат Қўқон хонлиги, балки Ўрта Осиё ҳалқлари тарихини ёритишда муҳим ва ишончли маңба эканлиги билан ўз ахамиятини йўқотмай келмоқда.

## **ИБРАТ ИЗЛАРИНИ ИЗЛАБ**

Тўракўрғон замини кўхна ва мұқаддас, олис тарихга эга, унга кўпдан-кўп улут сиймоларнинг қадами етган, киндик қонлари томган. Ахсикентдан етишиб чиқсан алломаларнинг аксарияти тарихимиз безагига айланишган. Абул Вафо Ахсикатий, Абул Қосим Маҳмуд ибн Муҳаммад ас-Суфий Ахсикатий, Абу Раҳод Ахсикатий, Ҳиради Ахсикатий, Ахсий Поянда охунд, Фиёсий Ахсикатий, Абул Маоний Ахсикатий, Олимий Ахсикатий, Сайфиддин Ахсикатий, Муҳаммад Юсуф ибн Имодуддин Ахсикатий, Тожиддин Абу Бакр Ахсикатий-Хўжандий каби шоир, адаб ва муаррихлар борки, улар Тўракўрғон туманида таваллуд

топган эдилар. Ўнинчи-ўн еттинчи асрлар оралиғида умргузаронлик қылган бу зоти шарифлар Сирдарёning ўнг сохилидаги қадимий Аксикент шаҳрининг фарзандларири. Кейинчалик бу ерни Умаршайх Мирзо пойтахт қылгани «Бобурнома»да кайд этилган.

Асирулдин Аксикатийнинг 1313 йилда хаттот Абдулмүмин Улвий-Коший томонидан қўчирилган девони Лондондаги «Индиан Оффис» кутубхонасида сакланаётгани маълум.

Захириддин Мұхаммад Бобурнинг таржимаи холи Тўракўрғон билан чамбарчас боғлик. Зеро, отаси пойтахт қылган Аҳси ушбу ҳудудда эди, худди шу Аҳсида (Аксикатда) етимлик кулфати ва тожу таҳт ғавғоси унинг бошига тушди.

Бугинамас, Тўракўрғонга Мирзо Улуғбек ҳам келгани тарих китобларига рақам қилинган...

Булар хийла олис мозийга тааллукли гаплар. Шу ўринда якин тарихдан бир байт ғазал келтирамиз:

**Ўз диёридан адашган бир ғарип Афсусдир,  
Чуғзи бевайрона янглиғ Тўракўрғон устина.**

Бу мисралар шоир Тўрахон Маҳдум Афсус қаламига мансуб. У киши 18 аср охирида Жиззах шаҳрида таваллуд топган бўлиб, тақдир такозоси билан Тўракўрғонга келиб қолган ва кўп йиллар қозилик қылган...

Бу маълумотлар шунинг учунки, Ибрат сингари алломанинг Тўракўрғонда воқе бўлиши мутлако тасодифий эмас. Улуғларнинг яралмоғи учун бу заминда тарихий пойдевор, адабий-илмий ва маънавий мухит бор эди. Зотан, сахий тупроқнинг маҳсули ҳам зебосурат бўлади-да...

Ҳайрат Тўракўрғоний (1845–1915), Мулла Жалолхон Васфий (1862–1930) каби шоирлар ўтишган. Васфий биз тилга олган шоир Афсуснинг набираси бўлиб, Исҳоқхон тўра Ибратнинг амакиваччаси эдики, бу ҳам юқоридаги фикримизнинг далилидир. (Ибратнинг тенгдоши, дўсти ва оғаси Васфий вафоти муносабати билан марсия ёзгани маълум, лекин ҳали у асар топилганича йўқ.)

Колаверса, 19-асрнинг иккинчи ярми ва 20-асрнинг бошларида Намангандан бир гуруҳ шоирлар етишиб чиккан эдилар: Нодим Намангоний, Хилватий, Шавкий, Ҳайрат Тўракўрғоний, Мухаммадшариф Сўфизода... Шубҳа йўкки, Ибрат ҳам уларнинг сафдоши, қаламдоши бўлиб, ўрталарида мустажкам дўстлик, ижодий ҳамкорлик мавжуд эди. Шунингдек, булар Кўқон адабий

мухити билан мустаҳкам алоқа боғлашганди. Муқимийнинг Наманганга келгани, уларнинг эса Кўконга боргандари, мушоиралар килишгани қатор асарларда таъкидланган. Муқимий раҳнамолигидаги катта адабий мактаб билан ошнолик Ибрат ижодининг юксалишига жиддий таъсир этган, албатта. Айниқса, Ибрат ва Хилватий икковлон қадрдонлашиб кетишганди.

Исҳоқхон тўра Ибрат ёруғ дунёда 75 йил яшади. Халқимиз бу алломани қайта қашф этганига, ибратшунослик бошланганига яrim асрдан ошди. Тўракўрғонлик таниқли журналист Қодиржон Абдукаримовнинг айтишича, бу хайрли ишга дастлаб ўтган XX асрнинг 60-йилларида туманнинг фидойи ўқитувчиларидан Якуб Гафаров кўл урган. Бу инсоннинг раҳбарлигига Исҳоқхон тўра Ибрат ҳаёти ва фаолиятини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Изтопарлар» гурӯҳи иш бошлайди. Тўракўрғонда раҳбарлик лавозимларида фаолият юритган Тамара Холматова ҳамда Ўзбекистон ҳалқ шоири Усмон Азимнинг умр йўлдоши Раънохон Расуловалар ана шу гурухнинг фаол аъзоларидан бўлишган.

Улуғбек Долимов Ибратнинг ҳаёти ва ижоди бўйича диссертация ёзган. Нурбой Жабборовнинг ҳам бу борадаги изланишлари диккатга сазовор. Тўракўрғонлик Комила Воҳидова ҳам ибратшунослик оркасидан олималик рутбасига эга бўлди. Кувонарли томони шундаки, ибратшуносларнинг сафи тобора кенгайиб бормокда: Бегали Қосимов, Ҳайдарбек Бобобеков, Маҳмуд Ҳасаний, Аҳмад Убайдуллоҳ, Эркинжон Мирзаалиев, Иброҳимжон Юсупов, Олим Усмон, Жўра Зокирий, Юсуфжон Самадов, Рашидхон Юсупов, Бурҳониддин Низомов... Тўракўрғонлик фидойилардан Бурҳониддин aka Низомов талабалик йилларидан бўён Ибрат изларини излади.

– Ибрат музейи бўлишини орзу килардик, – дейди Бурҳониддин aka. – Мустакиллик бу орзуйимизни рўёбга чиқарди. 1995 йилда миллий пулимиж жуда кучли эди. Музей қурилишига бир миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди, ҳамма ташкилотлар, колхозлар кўмаклашиди. Ўша пайтдаги туман ҳокими Омонулла Исматуллаев бу ишга жонғидолик билан бош-қош бўлди. Музей 1995 йил август ойида очилди, банкда маҳсус хисоб рақами бор эди. Унинг жиҳозланишида истеъоддли рассом Мухиддин Абдуллаевнинг хизматлари катта бўлди. Дастлабки йиллари 200 дан ортиқ экспонатларимиздан йилига 15-20 минг меҳмон баҳра оларди, улар орасида қўлбola совутгич ҳам бор, Ибрат уни ўзи ясаган ё

хориждан олиб келган. Колхозлар тутатилгач, Ибрат номли ширкатнинг мулклари ҳам хусусийлаштирилди. Мен бу даргоҳни сотиб бўлмаслиги ҳақида Олимжон Бозоровга арз қилдим. Раис ҳам масалага хайриҳоҳлик билан қараб, тўғри ҳал этди: музей Тўракўргон туман маданият ва спорт ишлари бўлими тасарруфига ўтказилди. (Агар сотилиб кетгандан бузиб юборишлари мутлақо мумкин эди). Ҳалқ чолғулари устаси Рашидхон Юсупов эса Ибратнинг дуторини эҳтиётлаб сакламоқда. У юз ёшдан ошган бу созни таъмирлаб, Ибрат бобога эҳтиром бажо қилди.

Илмий ва адабий жамоатчиликнинг зиёлиларнинг жунбушга келган кизикиши тўлқинидан Ибрат мероси маълум даражада шикастланди ҳам. Чунки оталари оқлангач, Ибрат фарзандларининг кўкси кўтарилди ва қиблагоҳлари каби хотамликни касб қилдилар, яъни эсадалик, ёдгорлик қабилида Ибратта тегишли китоб, кийим, буюмлар сўраганларга берилиб, ҳар ёққа тарқаб кетди. Масалан, Ибратнинг битиклари ва китоблари Олим Усмонда ва Якуб Гафаровда кетганини эшитдик. Салласини эса қай бир уламо табаррук қилиб тилаб олган. Минг афсуски, энди уларни топиб бўлмайди.

## ИСҲОҚХОН ТЎРАНИНГ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ

Ибрат 1907 йилнинг ёзида хизмат юзасидан Оренбургга боради. У «... бу ернинг маданияти, санъати ва техника янгиликларини ўрганади. Айниқса, ... Гауфман бошлиқ кичик босмахона унинг зътиборини тортади. Матбаачи Гауфман билан яқиндан танишиб, ўз юртида кичик босмахона ташкил этиши масаласида ёрдам беришни сўради. Гауфман унга нусха кўчириш, китоб босиш сирларини ўргатди. Шундай қилиб, бир неча ҳарфлар тўплами, битта литография машинасини ўн йил давомида пулинини тўлаш шарти билан сотиб олган Ибрат уларни катта машаққатлар эвазига поездда Кўкон шаҳрига олиб келди. Энг сўнгги манзили Тўракўргон қишлоғига отправаларда етиб келган дастгоҳлар 1907 йилда «Матбаай Исҳоқия» номи остида иш бошлади. Исҳоқхон тўранинг янги бошлаган ишига бутун қишлоқдагилар ёрдамга келди. Ҳатто кўшиниси Мирзабой Фиёсов ҳарф ўйиш учун уйидаги ёнғоқ дарахтини кесиб берди. Татаристонлик ўқитувчи Хусайн Макаев Ибрат таклифига кўра Тўракўргонга келди. У кичик босмахонада иш олиб борар ва Ибрат очган мактабда рус

тилидан дарс берарди. Ибрат чет элларга тез-тез бориб турғанлиги сабабли босмахонага Охуизода Шохидий раҳбарлик қиласарди. Чоп этилаётган буюртмаларга тобора талаб орта борганидан уни кенгайтириш, ўлқадаги энг кўзга кўринган корхоналардан бирига айлантириш ҳаракатига тушилди. Ҳалқ орасида литографик усулда босилган китоб ва турли рисолалар зътиборни тортар, «Матбааи Исҳоқия»нинг довруғи кундан-кунга ҳар тарафга ёйиларди» (Самадов Ю, «Мавлоно Ибрат ворислари», 1999).

Табиийки, келаётган буюртмаларни қабул қилиб олиш ҳамда уларни тез ва сифатли бажариш каби омиллар босмахонанинг марказга кўчирилишини тақозо қиласарди.

«Шаҳардаги маҳаллий ҳукумат 1909 йилда Туркистон генерал-губернаторидан шаҳарда босмахона очишга рухсат олди ва шу йили август ойидай Тўракўргондаги «Матбааи Исҳоқия» босмахонаси Наманган шаҳрига кўчирилди.

... Босмахона икки катта хонага жойлашган бўлиб, 1917 йилдан «Ударник» (Зарбдор) номи билан атала бошлади.

... 1919 йилга келиб, Фарғона вилоятида босмахоналар сони кўпайиб, 5 тага етди. Шундан Фарғона, Қўқон, Наманган шаҳрида биттадан бўлиб, Андижон шаҳрида 2 та босмахона мавжуд эди» (Самадов Ю, «Мавлоно Ибрат ворислари», 1999).

Ана шундай тарихий йўлни босиб ўтган Ибрат номли вилоят босмахонаси 2015 йилдан масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Заковат» нашриёт уйига айлантирилди. Демак, Наманган вилояти матбаачилигининг асосчиси Исҳоқхон Ибрат 110 йил бурун ёқкан чироқ ҳамон порламокда. Корхонада меҳнат қилаётган Мавлоно Ибрат ворислари олдида замон талаблари даражасида фаолият юритиш, чоп этилаётган нашрларнинг полиграфик сифатини юқори босқичга кўтариш вазифаси турибдики, бу долзарб масала ҳам тез орада ўз ечимини топиб, Ибрат домланинг руҳи поклари шод бўлса ажаб эмас.

Юқорида тилга олинган Бурҳониддин акада оғзаки хотиралар ҳам кўп, уларни Ибратнинг фарзандларидан, кексалардан эшилган. Масалан, Афифаҳон (Ибратнинг кизи) шундай воқеани айтиб берган. Ибрат қозилик даврида ўз пулидан яхши бир масжид бино қилишга киришади. Бироқ маблағи жиндай етмай колиб, иморат озроқ ҳашар билан якунланади. Шунда Ибрат «бу масжидни менинг номим билан атаманглар энди», деган экан. Бироқ ҳалқ барибир масjidга қозининг номини қўйиб олади.

Наманган вилоятининг 250 дан ортиқ маданий мерос объекларидан бири бўлган Исҳоқхон тўра масжиди хозир ҳам Тўракўрғоннинг кўрки, таъмирланган, зътиқод ва эзгулик йўлида хизмат қилмоқда. Фиштин карнизига қурилган санаси – ҳижрий 1334 (милодий 1915/16) йил рақам килинган, девори қўш синчли, тўсинлари устига вассажуфт босилган.

Бурҳониддин ака дейдики, Ибрат бошка юрглардан турли кўчкатларни олиб келган, аксариятини бизнинг иқлимга мослаштирган, ажойиб арчазор хиёбон ва боғ яратган. Бу бокқа Муқимий, Нодим, Ҳамза ва бошқалар келган эканлар. У арчанинг «13 та ижобий, 3 та салбий хусусияти бор», деб қўяркан. Исҳоқхон тўра яна ғишт хумдон, ҳаммом, фаввора ҳам курган. Арчанинг устига докадан пашшахона ёпиб баргидан суғориш учун ҳар куни фавворадан сув сочган. Ҳозир Толибхон (Ибратнинг набираси) яшаётган ҳовлининг ёнида (кўшниникида) юз йиллик фавворанинг пойдевори сақланиб қолган.

Ибратнинг хонадонида Худонинг берган куни дош қозонда таом пиширишган. Бунинг сабаби учта: оила ўзи катта, меҳмоннинг қадами узилмайди ва ниҳоят йўқсил-юпунлар кириб, бемалол овқатланиб туришган. Ибрат ўз китобларига «Кутубхонай Исҳоқия» деб ёзиб қўйган, бу асарлардан жуда кўпчилик фойдаланган.

## ХУЛОСА

Қатағон даври – тарих ва миллат қалbidаги жароҳат, у ўзбекнинг жонига ўн йиллаб азоб берди. Дардга дармон бўлувчи, малҳам қўювчи бир замон бўлгани йўқ.

Фақат мустакиллик, фақатгина Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ана шундай замонни жафокаш элга баҳш этди. Тарихимизни холислик билан яратиш, уни ҳалол тадқиқ этиш имкони Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳнамолигида мұяссар бўлди. Эндиликда шаҳидлар фожиасини тадқиқ этиш, ҳалқ бошига тушган катли омлар моҳиятини очиб ташлаш учун кенг йўл очилдики, бу тарихни қалбан англаш баробарида, бугунни эъзозлашга ва ҳамиша огоҳ бўлишга даъватdir.

Сайд Аҳмаднинг, Шукрулло, Рустамбек Шамсутдинов, Алиназар Эгамназаров, Мансурхўжа Хўжаев, Қаҳрамон Ражабов, Алишер Ибодинов ва бошқаларнинг айни мавзудаги катор асарлари, Ҳабибулло Қодирийнинг ўз отаси Абдулла Қодирий, Нодира Рашидованинг эса тоғаси Усмон Носир ҳақида ёзганлари,

шунингдек, жувонмарг юртдошларимизнинг эълон қилинаётган «айбномалари» (тергов хужжатлари) қалбларни зиркиратади. Замонамиздаги ошкоралик мұхити берган имкон туфайли бундай мисолларни күплаб көлтириш мүмкін. Лекин ҳали қатағон қурбонлари мавзуси узоқ ва чукур ўрганилажаги аён.

Масалан, Исҳокхон Ибратнинг ҳам ҳаёти, ижоди ва фожиаси юзидаги парданинг бир чети очилган, холос. Бундай хulosага жиддий асосларимиз йўқ эмас.

**Аввало,** Ибрат Фарғона водийсидаги илк матбаачилардан бири эди, у ушбу янгиликни Оренбургдан олиб келган. Хўш, унинг мазкур сафари қандай кечган? Оренбургда бунинг излари йўқмикан?

**Иккинчидан,** Исҳокхон тўра қарийб ўн йил ажнабий юртларда (Европада, яқин Шарқ ва Жанубий Осиёда) истиқомат қилган. Унинг ўша юртлардаги ҳаёти ҳақида ҳам сўраб-суриштириш фурсати келмаганми? Эҳтимол, умри қаламга ошноликда ўтган ва етти тилдан боҳбар Ибратнинг асарлари ана ўша замоннинг хорижий нашрларида ҳам чоп этилгандир?

**Учинчидан,** Ибрат – «халқ душмани», айбсиз айбдор, етмиш беш ёшида хибсга олиниб, авахтага ташланган ва турмада дунёдан ўтган жабрдийда эди. Модомики шундай экан, уни ҳам сўрокқа чақиришган, кимдир гувоҳлик берган бўлса, кимдир қийнокка солган. Бинобарин, ўша «айбнома» ҳам қаердадир турган бўлса, ажаб эмас. Қанийди, пинҳон сахифалар матбуот мулкига айланса, китобларда чиқса.

**Ва ниҳоят,** Наманган вилоятида, алалхусус, Тўракўргонда мавлоно Ибратни лоақал болалик чоғларида кўриб қолган тирик шоҳидлар оз бўлса ҳам топилади. У зоти шарифнинг набиралари борки, уларнинг эшигтан-уққан хотиралари мутлақо аскотиши мумкин.

Бу гаплар шунинг учунки, тарих – онамиз, уни эъзозлаш – бурчимиз. Колаверса, хотира – уйгонса гўзал. Археологлар ер тубидаги маданий қатламларни эъзоз билан титкилаб, мозийнинг тилсиз гувоҳларини эринмай излаганлари олдида бир шаҳид бобонинг эл оғзидаги эсдаликларини ахтариш иш эканми?.. Бу борадаги ҳаракатларимиз ҳали тўхтаган эмас, Ибрат ҳақидаги изланишларимиз давом этади.

# ИСХОҚХОН ИБРАТНИНГ ТАРИХИЙ МАВЗУДАГИ АСАРЛАРИ

Мўминжон СУЛАЙМОНОВ,  
*НамдУ доценти, филология фанлари номзоди*

Исҳокхон тўра Жунайдулла тўра ўғли Ибрат тараққийпарвар зиёли, атоқли маърифатпарвар шоир, жонкуяр муаллим, етук тилшунос ва тарихшунос олим, ўзбек матбаачилигининг асосчиларидан бири, ношир, публицист, хуллас, кўп киррали фаолият эгаси бўлган.

Адиб хаёти ва фаолиятини ўрганиш ва тадбик қилишда филология фанлари доктори Улугбек Долимовнинг хизматлари катта бўлди. У ўз тадқиқотларини матбуотда эълон қилиб борди ва шу мавзу бўйича диссертация химоя қилди. Наманганлик адабиётшунос олим Алихон Халилбеков ҳам Ибрат ҳакида бир неча мақолалар эълон қилган. Ёш изланувчан журналист Абдурасул Умматовнинг бу соҳадаги изланишларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ибрат дунё тарихини жуда мукаммал билганлиги сабабли илм-фан тараққиёти қадрини яхши тушунган. Шунинг учун янгиликларни ўрганиш ва хаётга жорий қилишни энг муҳим иш деб билган. Бу соҳада ўзи шахсан бошқаларга ўрнак, намуна бўлишга ҳаракат қилган. Унинг Ибрат тахаллусини қўллапни ҳам шунга ишорадир, десак хато бўлмайди. Дарҳақиқат, у биринчи бўлиб, ўзи туғилиб ўсган юрти Тўракўргонга хорижий ўлкаларда яратилган фан-техника янгиликларини олиб келади. Жумладан, граммафон, мусиқа жавони, киноаппарат, фотоаппарат каби асбоб-ускуналарни келтиради. Ўз уйида кинофильмлар намойиш қилади, суратхона очиб, одамларни суратга тушириди.

Фарғона водийсида биринчи бўлиб, ноширлик-матбаачилик ишига асос солган ҳам Исҳокхон Ибрат ҳисобланади. У Россиянинг Оренбург шаҳридан немис тадбиркоридан тошбосма анжомлари сотиб олади. Уларни кўп машаққатлар билан Қўқонгача поездда, Қўқондан Тўракўргонга туяларда келтиради. Бу тошбосмалитография 1907 йилда Тўракўргонда «Матбааи Исҳоқия» номи билан ишга туширилади. 1909 йилда Наманган шаҳрига кўчирилди.

Туркистон ўлкасидаги бир қишлоқда матбаанинг вужудга келиши ўзбек халки маданий хаётида муҳим воқеа эди. Шоир шу воқеа муносабати билан «Тарихи чопхона» шеърини ёзди:

*Минг уч юзу йигирма олтида чопмахона,*

*Очмоқга бўлди рухсат ва сўз бериб замона.*

*Мақсад бул ишдин эрди оламга илм қасри,*

*Ҳам қўймоқга асарлар ё довари жаҳона...*

*Биздин кейингилар кўп илму ҳунар тонарлар,*

*Ҳайфоки анда биз йўқ, йўқ эътиимодхона.*

*Оламдин ушибу она сонсиз кишилар ўтди,*

*Мингдин бири қўюбдур оламга бир нишона.*

*Мен катта бой эмасдим, ким айласам бинойи,*

*Дахлим етишмас эрди рўзгори, чою нона.*

*Сад ҳайфум ганилар сарфини билмадилар,*

*Еб ичтилар семуруб, сиғмай турууб ҷофона.*

*Ўз асримизда ўтти бир неча ағниёлар,*

*Қолдирмайин нишона ер остин этти хона..*

«Матбааи Исҳокия» босмахонасида савод чиқаришга доир, адабиёт ва тарихга оид китоблар, бадиий асарлар, шеърий тўпламлар, Ибратнинг ўз асарлари чоп этилди.

Шоирнинг ўтган XX асрнинг 10-йилларда ёзган мана бу сатрлари илму хикмат ўрганишга даъват этувчи оташин чақириклардир:

*Үйнгиз илму ҳикмат, сизга бу иш катта ибратдур,*

*Агар илм ўрганурсиз, барча ишда сизга нусратдур.*

*Агар илм ўлмаса, нодон умри барча күлфатдур,*

*Бу айёми жадиди мубаддали асли ҳикматдур...*

Шоир илм-фан тарақкіётини маданият ривожи билан боғлик ҳолда тасаввур қиласы. Мамлакат юксалишини шулар равнақида деб билади. «Маданият ҳақида маснавий» (1912) асарида у худди шуғоя, шу фикрни ифода этади:

*Маданият жағонда осойиш,  
Хүлк ұсны анга оройиш...*

*Маданият халойикқа роҳат,  
Күрмагай ғамни ҳеч соат...*

Бу мисралар келгуси ҳаёт, маданият ривожи, шахарлар ободончилиги, тарақкіёті ҳақида тасаввур беради:

*Барча электр ила ўтгай ҳол,*

*Симсиз телегром, темирсиз йўл,*

*Автомобиль юрад бўлиб машгул,*

*Сафар айларга кўп темир йўллар,*

*Ҳам ҳаво поизин ҳама қўллар...*

Илм-фан, тиббиёт, муҳандислик ишлари, архитектура каби илмларни эгаллашга қизиқиши юқори даражага етади:

*Бош уруб, ич очуб турар жарроҳ,*

*Неча минглар муҳандису тарроҳ.*

*Ҳама дарда ҳакимлар тайёр,*

*Агар этар бўлса дардни изҳор.*

*Ҳама илма мударрис андин кўб,*

*Халқ илми маош ўқур тўйб-тўйб.*

Туркистонда рўй берган ҳар қандай янгиликларини Ибрат доимо хурсандлик билан кутиб олди. Поездлар қатовининг йўлга кўйилишини, тракторнинг иш бошлишин ва бошқа янгиликларни у одамларнинг кийинчиликларини осонлаштирувчи воситалар деб билди. Уларнинг Туркистон ўлкасига ҳам кириб келишини инсонлар учун ризқ («арзоки инсоний»), «халққа овқат учун дон», деб қаради, кизғин кутлади. Жумладан, у 1912 йилда Кўкон-Намангандемир йўлининг ишга туширилиши, Намангандага поезд келиши воеасига бағишилаб «Тарихи вагони Намангандага назми Исҳоқхон тўрадин» номли салмоқли шеъри-мухаммасини ёзди.

Мазкур мухаммас хурсандлик изҳор этувчи «Намангандаги аҳлига хўб ўлди, бир яхши замон келди» мисраси билан бошланади. Ҳар банд охирида «Ажаб бир фойизи арзоки инсоний вагон келди» сатри такорланади:

*Намангандаги аҳлига хўб ўлди, бир яхши замон келди,*

*Муродоти ҳалойиқ узра бир жону жаҳон келди.*

*Дема жону жаҳон, овқат учун бу ҳалққа дон келди,*

*Дема дон, балки бунларга майшат узра нон келди,*

*Ажаб бир фойизи арзоки инсоний вагон келди.*

*Минг уч юз бир йигирма саккиз эрди бу темир йўлга,*

*Келиб иш бошлаган эрди қарамай ўнг ила сўлга,*

*Ҳалойиқ ишилашиб пасту баланду кўл ила чўлга,*

*Биҳамдиллоҳ, бу ишида келди кўбни мақсади қўлга,*

*Ажаб бир фоизи арзоқи инсоний вагон келди.*

Далаларда тракторларнинг инига туширилиши, ерларни ҳайдаши қишлоқ хаётида муҳим воқеа бўлган. Шоир шу воқеага атаб 1930 йилда «Трактур» шеърини ёзади:

*Бир мўъжиза замона бўлди келиб трактур,  
Ишларни қилди осон эмди келиб трактур.*

Шеърда трактор пайдо бўлиши дехконлар мушкулини енгиллатувчи кувончли ҳол сифатида олқишлиланади.

Исҳоқхон Ибрат яратган «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият», «Мезон уз-замон» илмий-тарихий асарлари Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир.

«Тарихи Фарғона» (1916) асарида Кўкон хонлигининг XIX аср биринчи ярмидаги сиёсий ва маданий хаёти, жумладан, Русия кўшинларининг ўлкага бостириб келиши воқеалари тасвирланади. «Тарихи Фарғона»да чоризм истилоси, босқинчиларга қарши халқ кураши, истилочилар амалга оширган хунрезликлар батафсил ва ҳаққоний хикоя қилинган. Наманганда бўлиб ўтган, адид кўрган ва ўз бошидан кечирган воқеалар тасвирланган.

«Фарғона тарихи»да «Бобурнома» таъсири ва руҳи сезилиб туради. Бу шаҳарлар тарихи, воқеаларнинг тафсилоти, хон ва беклар таърифи, табиат тасвири, воқеаларга боғлаб назмий асарлар берилганлигида кўринади. Баён услуби, асардаги тасвирий лавҳалар, шеърий парчалар ва бошқа белгилари билан «Тарихи Фарғона» бадний асарга яқин туради.

Ибратнинг «Тарихи маданият» асарида маданият ривожига, мамлакат келажагига катта ишонч акс этган.

Олимни археология масалалари ҳам қизиқтирган. Шу мавзуда у қатор илмий мақолалар ёзган. Масалан, «Фарғона областидаги қадимий Аҳси шаҳрининг тарихи» туркум мақолалари 1913 йилда «Туркистон вилоятининг газети»нинг бир неча сонларида босилади. Мақолада Умаршайх мирзо ва Заҳириддин Бобур хаётига доир муҳим маълумотлар ҳам берилган.

# ИСХОҚХОН ИБРАТ АСАРЛАРИДА ЎЛКАМИЗ ТАРИХИ

Икромжон Қўзиқулов,  
*НамДУ, Тарих кафедраси катта ўқитувчиси*

Наманган заминидан Асиурддин Ахсикатий, Боборахим Машраб, Мажзуб Намангоний, Фазлий Намангоний, Нодим, Мулло Йўлдош Хилватий ва бошқа кўплаб аҳли таъб ижодкорлар етишиб чиқкан. Уларнинг аксарияти миллий қадриятларнинг шаклланиши, урф-одатларнинг асрдан-асрга ўтиб келишига, маънавиятимизнинг юксалишига улкан ҳисса қўшган олимлардир. Шу сиймолар қаторига Исҳоқхон Жунайдуллаҳўжа ўғли Ибратни ҳам киритиш мумкин. Ибрат қомусий олим – араб, форс, инглиз, ҳинд каби бир неча тилларни билган зиёли бўлиш билан бирга шоир, тарихчи, ношир ва педагог ҳамдир.

Маълумки, XIX аср охири-XX аср бошлари тарихий воқеаларга бой бўлди: Туркистон Россия империяси томонидан истило қилинди, пул-товар муносабатлари шаклланди, февраль инқилоби, октябрь тўнтариши юз берди, шўролар жамоалаштириш ва қатағон сиёсатларини амалга оширдилар. Ибратнинг ҳаёти шундай катта ўзгаришлар даврига тўғри келган. Шунинг учун унинг ижодидан севги, Ватанга муҳаббат, таълим, тилшунослик, маънавият ва маданият мавзусидаги асарлар билан бирга сиёсий ва ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар ҳакидаги маълумотлар ҳам кенг ўрин олган. Ушбу даврдаги ўзгаришларга бефарқ бўлмаган Мулла Олим Маҳдум ҳожи шундай ёзган эди: От-ароба илан борадурғон олти ойлик олис шаҳарларга vogun ила олти кунда бориб ва тилгиром илан олти минут ичидаги ул олис жойдагилар ила сўзлашадур. Мундан бошқа шаҳар ичинда тиромвой, афтомобилга тушуб, хоҳлағон жойға арzon баҳо ва тезлик ила борадур. Ва ҳар қайу Туркистон шаҳарларида, уйоз (уезд – И. К.)ларда ҳар хил зовудлар, чунончи, пахта зовуд, ёғ зовуд, гугурд зовуд, макарун, тахта, темир ишлайдурғон зовудлар ижод қилиб, мусулмонияларимиздин ҳам зовуд қила бошлаб, андин кўп фойда этмакдадурлар. Фўтўгроф (тасвиротхона) ва синиматўгроф (кино) ва гирамафун илан нағмотлар (овозлар) эшитилмоқдадур. Қадим вактда қора чироқ ва лой шам ўрнига лампа электрик илан ёруғ қиласи» . Ибратнинг «Жомеъ ул-хутут» асарида, «Маданият ҳакида маснавий», «Тарихи чопхона», «Тарихи вагон Исҳоқхон Ибратдан» каби асрларида ҳам

ўлкамизга кириб кела бошлаган шундай янгиликлар ҳакида маълумот берилган. «Тарихи трактур» ғазалида шу каби маълумотлардан бири акс эттирилган:

...Эски омочда уч жон овора эрди бирдан,  
Бир кунда ўн таноб ер ёргай, бале трактур...» .

«Газета хусусида», «Тарихи чопхона» каби ғазалларида эса газета, матбаачилик каби янгиликлар ёритилган. Шоир шу даврда бўлиб ўтаётган воқеаларни ёритиш билан чекланмасдан, «Бўлубдир», «Ўлурсан», «Қарз», «Шикояти замона», «Қозийи котил» каби ғазалларида ўша пайтларда воқе бўлган ва маънавиятимизга мос келмайдиган айрим кусурлар, иллатларни кўрсатиб берган ва ўз мулоҳазаларини билдирган.

Маълумки, ўзбек давлатчилиги тарихида Кўқон хонлиги мухим ўрин тутади. Шунинг учун мустақиллик йилларида Кўқон хонлиги тарихини ўрганиш энг долзарб масалалардан бири бўлди. Хонлик тарихини ўрганишда табиийки, дастлаб «Мунтахаб ат-таворих», «Тарихи Туркистон», «Тарихи жадидайи Тошканд», «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавокин», «Тарихи Шоҳрухий» каби маҳаллий манбаларга мурожат қилишга тўғри келади. Ибратнинг Кўқон хонлиги тарихи учунгина эмас, Ўзбекистон тарихини ўрганишда мухим маҳаллий манбалардан бири бўлган «Тарихи Фарғона» асарининг нашр этилганига 100 йил тўлди.

Ўтган XX аср бошларида, 1916 йилда нашр этилган. Ўтган 100 йил мобайнида мазкур тарихий манбанинг аҳамияти фақат ортиб борди. Исҳоқхон Ибрат асарни ёзиш учун Ватанимиз тарихига оид «Шоҳнома», «Равзат ус-сафо», «Ажойиб ул-булдон», «Малхатот ус-Суроҳ», «Табоқату Тоҳирий», «Қобус», «Тарихи Табарий», «Тарихи Шоҳ Ҳурмиз» каби тарихий манбаларга мурожаат қилганлигини таъкидламок истардик.

«Тарихи Фарғона» асаридаги воқеалар баёни милодий VI асрдан бошланган. Асарда араблар босқини даврига оид аниқ маълумотлар бор. Масалан, водий шаҳарлари ҳакида, Мухаммад ибн Жарир бошлилигидаги арабларнинг Фарғона водийсида ислом динини ёйиш учун кураши бой маълумотлар келтирилган.

Манбада Кўқон хонлигининг ташкил топиши ҳамда Шоҳрухбек, Абдураҳимбек, Абдураҳмонбек, Эрдонабек, Бобобек ва Сулаймонбекларнинг таҳтта кетма-кет келганликлари баён этилган. Норбўтабекдан бошлаб ҳар бир хон даврига алоҳида-алоҳида

таъриф берилган. Ибрат, айниқса, Умархон даврини алоҳида мақтов билан ёритиб, давлат ишлари уламо ва фузалоларнинг маслаҳатлари билан амалга оширилганлигини таъкидлайди: «Бу жаннатмакон асринда ҳамсұхбат мусоҳиб уламолардан, чунончи, Зокирхўжа эшон, Шайх-ул исломи Наманганий, Мавлавий Наманганий, домла Мирзойи Қозикалон, ҳазрати домла Мўминжон, ҳазрати домла Абдураҳим, ҳазрати домла Маҳдумзард, ҳазрати Мавлавий Кобулий, домла Пискатий ва умаролардан ҳамжулуслари Амир Шоҳмуродхон мархумнинг ўғли ва амир Ҳайдар подшоҳи Бухоронинг биродари Исҳоқбек тўра, Султонхон тўра, Маҳмудхон тўра Аҳрорий, Маъсумхон тўра Аъзамий, Эшонхон тўра, Тўрахон тўра, Жаҳонгирхон тўра ва Сайид Оғоқийлар бўлиб, подшоҳликга тааллук ҳар иш ҳукм бўлса, буларнинг фатволари илан амал қилур экан» .

Муҳаммад Алихон бошқаруви даври ҳақида қўйидагиларни ёзган: «Муҳаммад Алихон фуқаролардан бепарво бўлиб, мусоҳиблари уламо ва фузалолардан бўлмай, панду насиҳат эшитмай, эшитса ҳам кулокға олмай...уламою фузало ва аъёнлардан панду насиҳат қилсалар, баъзиларини ўлдируб ва баъзиларини Фарғонадан чиқариб, Бухорога бадарға қилиб, насиҳат олмай қолган экан» . Муҳаммад Алихоннинг айш-ишратта берилиши, давлат ишларига етарли даражада эътибор бермаганлиги, ҳалқ норозилиги сабабли оғир аҳволга олиб келди: Қўкон Бухорога қарам бўлиб колди, Мадалихон ва унинг энг яқин қариндошлари қатл қилинди. Қўқонликлар Насруллоҳон зулмидан озод бўлиш учун ўзбеклар, қипчоқлар, тоҷиклар, қирғизлар каби барча миллат ва элатлар, уламолардан тортиб катта ер эгаларию оддий ҳалкгача барчаси бир ёқадан бош чиқариб, душманга қарши курашишлари керак эди ва шундай бўлди. Лекин тахтга чиккан Шералихон шу бирдамликни саклаб қола олмади. Аҳоли орасида унинг обрўси ҳам баланд эмасди. Қўкон Бухородан озод бўлгач, Шералихон Тошкентни ўз таъсирига қайтармоқчи бўлган. Тошкент ҳокими Муҳаммад Шариф оталиқ: «Мани амирим Бухорода, ман Шералихон одами эмасман, ҳар ким мандан шаҳар олса, қуввати шамшир ва зўри бозу билан олур», – деб жавоб берган . Тошкент Қўкон бошқарувига қайтарилган бўлса-да, сиёсий вазият ижобий томонга ўзгармади, ҳокимиятда бош вазир – Мусулмонқулнинг таъсири кучайиб, тахт учун курашда турли гурухлар пайдо бўлди. Бу курашлар фақат Шералихоннинг ўзинигина эмас, Муродхоннинг ҳам бошини еди.

«Тарихи Фарғона»да Шоҳмурод, Султон Сайид, Пўлатхон ҳакида, айниқса, Қўқон хонлигининг охириги йилларидағи тартибсизлик ва бошбошдоқлик тўғрисида кўп маълумотлар берилган. Ибрат шу бошбошдоқлик хусусида шундай ёзган: «Ул вақтда Фарғонада тўлқун ва тамаввуж бесаранжомлиқда эдики, гоҳ Худоёрхон ва гоҳ Сайид Султон ва гоҳ Шоҳмурод бири кетиб, бири келиб, бири чиқуб Ҳўқанд ўрдаси арини уясига ўхшаб кирди-чиқди замони фалон ердан хон чиқди, фалон хонзода чиқди, бош кўтарди, оқ кигизга солди бўлуб, бетартиб овозалар қулоқларни кар ва ақлларни танг қилур эрди. Хонлик салтанати гўёки бола ўйиниға ўхшаб кетди. Ул вақтни болалари мундан бир ўйин чикаруб, бир баланд тепага чиқиб, икки тараф ул тепани отини Ўратепа қўйиб, талошиб, Ўратепа сеникиму меники, деган ўйинлар анда чикқан (эди)».

Ибратнинг маълумотларидан билиш мумкинки, хонлик тахтига номзодларга нисбатан мингбоши Олимқулнинг таъсири кучлирок бўлган. Ҳатто сарой аъёнлари орасида Олимқулнинг хон бўлиши учун тарафдорлар ҳам оз бўлмаган. «Адойи зиёфатдан сўнг мулла Олимқул сўз очиб дедики: - Мамлакатимизда бул хил бесаранжомлиқдур, муни сабаби бир кишига инқиёдимиз йўқлигидур, - деди. - Лозимдурки, банттифоқ бир хон насл килиб, анга муте, мунқод бўлсак, кимни хоҳларсизлар?» деганда, Ҳўқанд уламолариндан Зиёвуддин маҳдум дедиларки: - Бу хизматга ўзингиздан алиқ одам кўринмайдур, -- деганида Олимқулга маъкул келмай, эшитмаган бўлиб, яна дедики: - Бир одамни тайин қилмоқ керакдур! - деганда, мазкур маҳдум яна аввалги сўзларини иъода қилдилар. Олимқул Зиёвуддин қозига хитоб килиб дедики: - Сиз мани дерсиз, манинг ниятим хон бўлмоқ эмас, ман хизматда бел боғлаган киши, хонзодаларингизнинг бирортасини насл қилинглар!

Мулла Олим Маҳдум ҳожининг «Тарихи Туркистон», Мирзаолим Мушрифнинг «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин» асарларида ҳам маълумотлар мавжуд бўлса-да, «Тарихи Фарғона»да Худоёрхон ва унинг сўнгти кунлари ҳақида батафсил берилган, хусусан, Худоёрхоннинг тахтдан тушганидан сўнг ахволи жуда аянчли кечгани тасвиirlанган. Пойтахтни тарк этиб, Ҳўжандга этиб келганида шаҳар дарвозаси олдида русча либосдаги иккита одам кутиб олар экан, улардан бири хонга шундай мурожаат килган: - Ассалому алайкум, хон ҳазрат, қалайсиз, омонмисиз, сиз ҳам биз тушган йўлга тушдингиз эмди, ахволингиз шул экан-ку! Биз

бир вақт сиздан паноҳ сұраб боргандың яқомиздан тутиб, Ресияга бердінгиз, үлганимиз йўқ, алҳамдилуллоҳ, хукуматдамиз... Муртад сани айтурлар, юртингни поймол қилиб, мусулмонларни аёғости қилдинг! .

Худоёрхон Тошкентта етиб келганидан сұнг генерал-губернатор құрсағатаси билан Оренбургга жүнатылған, руслар тутқунидан озод бўлгач, Афғонистон, ундан Пешовар, Аҳмадобод, Бомбай, Жидда шаҳарлари орқали ҳаж сафарига жўнаган. Бу шаҳарлардаги хонни танийдиган шахсларнинг унга муносабатлари ҳам турлича бўлган. Бир жойда хоннинг келишидан хабар топиб, уни яхши кутиб олишган бўлса, бошқа шаҳарда айрим шахсларнинг муносабатлари жуда ёмон бўлган. Жиддага етиб келганида хонни бир гурух қўқонлик, андижонлик, марғилонлик савдо гарлир хурсандчилик билан кутиб олганлар. Маккада эса илгари хонлик фуқароси бўлган йигит Худоёрхонга тош отиб, иккита тишини синдиради. Ундан сабаби сўралганда, шундай жавоб берган: - Ман бул кишига саркор эдим, Намангонни танобини йиғиб берганимда хазинаға зарар килгансан деб, ҳавли -ҳарамларимдан жудо килган эдилар, ҳаётликда бир қасос олмоқ мақсад эди. Бул киши ҳажга кетган деб эшлиб эдим, келиб бул ерда топдим ва урдим» .

Маккадан Худоёрхонни Нормухаммад шарбатдор ортга қайтишга кўндиради. Ибрат: «Нурмуҳаммадни тарғибиға унаб охири Ҳиндистон ва Афғон илан юриб, дарёйи Амуга яқин Каррух деган ерда Эшони шаҳид деган Ислом шайхни катта муридлари халифа Доруламон деганини хонақоҳларига келиб, анда хужра олиб, истиқомат қилиб туриб, анда Нурмуҳаммад шарбатдор мамлакатга хабар олиб кетмоқиға келганда хонни яғрин елкасига

ўсма яра чиқиб, Афғон ҳакимлари кесмок бўлганда, ҳакимлар дорийи беҳуш бермоқ бўлганда: - Ман умримда беҳуш бўлган эмасман, хушёр турганимда кесинглар, - деган экан. Анда ўтказиб қўйиб, пиёлани оғзиdek жойни кесиб олиб дори қўйиб муолажа килганда бир ойда тузалиб, ичинда андак жой қолганида хони бетоблиги даража қилиб, анхўйлик Мухаммаджон хожа яхши парво қилиб турганда, ўшал бетоблигидан сиҳҳат бўлмай, ахийри 1299-инчи хижрийда Каррухда вафот бўлдилар...», - деб ёзиб Худоёрхоннинг вафот этганилиги ҳақида маълумот берган .

Исҳоқхон Жунайдуллоҳўжа ўғли Ибрат тартибсизлик, бошбошдоқлик, таҳт учун кураш бошланган даврда Қўқон хонлигига қаралпли Тўракўргон қишлоғига туғилган. У ўша даврда бўлиб ўтган воқеаларнинг гувоҳидир ёки шоҳид замондошлар

билин ҳамсүхбат бўлган. Шунингдек, ўлка тарихига оид манбаларни чуқур ўрганган. Мана шу жихатлар асосида таъмин этилган илмийлик, холислик тамойиллари «Тарихи Фарғона» асарининг қимматли манба сифатида асрлар ўтган сайн аҳамиятининг ортиб боришига сабаб бўлиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида Ватан тарихига муносабат ўзгарди, тарихимизни маҳаллий манбаларга асосланиб чуқур ўрганиш имкониятлари очилди. 1991 йили Тошкентда «Камалак» нашриётида Абу Тоҳирхожанинг «Самария», Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий» асарлари билан бирга Исҳокхон Ибратнинг «Фарғона тарихи» асари «Мерос» туркумида нашр этилди. 2005 йилда эса Тошкентда «Маънавият» нашриётида «Истиқлол қаҳрамонлари» туркумида «Исҳокхон тўра Ибрат» номли китоб чоп этилиб, унга «Тарихи Фарғона» асари ҳам киритилди. Асарнинг қайта-қайта нашр этилиши юртимиз тарихини ўрганишда аҳамияти юксак эканлигидан далолат беради.

\*\*\*\*\*

Наманган тумани Мулла Кудунг қишлоғидаги «Хилват» мозо-рида эса баландлиги бир ярим қулоч ва эни 30-35 смли қайроқтош-га арабча ёзувлар ёзилган. Бу ёзувлар ҳам Исҳокхон тўра Ибрат томонидан битилган, унинг таржимаси қўйидагича: «Бу қабр яхши хислатлар ва ҳамда кароматлар эгаси, егук ва комил Шайх Нематуллоҳ хожа Эшони Туркистонийникидир. У киши хижрий 1251 (мелодий 1885) йилда вафот этдилар. У кишидан сўнг Сунъатуллоҳ хожа Эшон хижрий 1267 (мелодий 1835) йилда вафот этдилар. Булар Ҳазрат Султон хожа Ахмад Яссавий авлодларидандирлар, уларга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин. Булардан бошқа яна Нематуллоҳ хожа Эшон авлодларидан бўлган Сунъатуллоҳ хожанинг ўғиллари Отоуллоҳ хожа Эшон. Ул киши хижрий 1323 (мелодий 1905) йилда вафот этдилар».

---

Умаров А. И. Культурная жизнь Ферганской долины во второй половине XIX начале XX в.в.: Автореф. Дис. к. и. н.-Т., 1985.-С.13.

# ИБРАТ ВА ФАРГОНА ЖАДИДЧИЛИГИ

Тохиржон ҚОЗОҚОВ,  
*Нам ДУ доценти, тарих фанлари номзоди*

1876 йилнинг 19 февралида император Александр IIning фармони билан Кўқон хонлиги тутатилди ва унинг ўрнида Фарғона вилояти ташкил этилди.

Мустамлакачилар учун Фарғона водийси пахта етказиб берувчи асосий база ҳамда ижтимоий, иқтисодий ва миллий зулм обьектига айланди. Бу зулмни амалга оширишда, ўлка бойликларини талашда темир йўллар мухим восита бўлди.

Мустамлака шароитида Фарғона водийсида нафакат дехқонларнинг, балки ўн минглаб хунарманд-косибларнинг ҳам ахволи аянчли ҳолатга тушиб қолди. Бунга Россия саноати ишлаб чиқарган уй-рӯзгор ашёлари, айниқса, енгил саноат маҳсулотлари билан ўлка бозорларининг тўлдирилиши сабаб бўлди. Бу маҳсулотлар бозорлардаги маҳаллий хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган молларни сикиб чикара бошлади. Натижада хунармандчиликнинг кўплаб турлари инкирозга учради. Бу эса қашшок аҳоли сонининг ортиб боришига сабаб бўлди.

Аҳоли турмуш даражасининг тушиб бориши, шариат меъёрларининг бузилиши, миллий ва диний қадриятларнинг оёқ ости қилиниши, жиноятлар сонининг ортиб бориши маҳаллий аҳолининг мавжуд тузумга нисбатан нафратини янада оширап эди. Шу боис турли ижтимоий табақалар мустамлака зулмидан халос бўлишнинг ҳар хил йўлларини излардилар.

Илм тараққиётнинг негизи эканлигини англаб етган илғор зиёлилар аввало қолоқликдан кутулишнинг асосий шарти деб маърифатни танладилар. Шу мақсад йўлида 19 асрнинг сўнгги чорагида водийда дастлабки янги усул мактаблари очилди.

## XIX аср охирларидан 1908 йилгача бўлган маърифатчилик босқичи

Бу даврда водийда дастлабки янги усул мактаблари Тўракўргонда Исҳоқхон Ибрат, Кўқонда Мулла Шоазим домла, Салоҳиддин домла, Абдулваҳҳоб Ибодий, Андижонда Шамсиддин домла, Азим Қодиров ва бошқалар томонидан очилди. «Таржумон» ва бошқа газета-журналлар водий зиёлилари орасида кенг ёйилди. Наманганда Исҳоқхон Ибрат томонидан «Матбаи Исҳоқия» босмахонаси очилди.

Фарғона ўкув юртлари инспекторининг Туркистон ўкув юртлари бош инспекторига 1909 йил б декабрда йўллаган янги усул мактаблари хакидаги маълумотномасида кўрсатилишича, водийдаги дастлабки янги усул мактаби Кўкон уездидан Ахмаджон Кори томонидан 1892 йилда очилган .

Фарғона жадидчилик ҳаракатининг атоқли намояндала тридан бири Исҳоқхон Ибрат ҳам Кўконда мадрасани тамомлагач, 1886 йилда Тўракўрғонда мактаб очади, лекин у тез орада ёпилади . Шундан сўнг Ибрат 1887 йилдан 1895 йилгача Осиё ва Европанинг кўплаб мамлакатларида бўлади. Ўндан ортиқ чет тилларини ўрганади, Ғарб илм-фани ва техникаси

ютуклари билан танишади . Сафардан қайтгач эса ўз юрти тараққиёти учун изчил амалиётга киришиб, жадидчилик ҳаракатининг фаолларидан бирига айланади.

Фарғонанинг пешқадам тараққийпарварларидан бири бўлган Исҳоқхон Ибрат 1883-1885 йилларда Кўконнинг «Тунқатор» мадрасасида таълим олиб юрган пайтларида «Таржумон» газетаси билан мунтазам равишда танишиб борган. Адабиётчи олим Улуғбек Долимовнинг берган маълумотларига кўра, Ибрат томонидан ташкил этилган «Исҳоқия» кутубхонасида «Таржумон» газетасининг ҳатто 1884 йилги бойламлари ҳам бўлган .

Исҳоқхон Жунайдуллоҳ хўжа ўғли Ибрат ўзининг маколаларида тўйлардаги исрофгарчиликлар, ортиқча сарф-сурфлар, ёшларнинг илм олишдан кўра кўпкари, яъни улок чопишга бўлган ишқибозликлари ҳакида ўз мулоҳазаларини билдиради. У ўзининг «Туркистон вилоятининг газети»даги маколаларининг бирида бу хусусдаги фикрларини қўйидагича баён қиласди: «...Хали ҳам биз қадимги, эски ақидамиизда маълумларки, сиқилуб ўз динимизга ҳаракат қилмай, ақча топсак, ҳою-ҳавас овлоқ тўйларга ўн минг сўм бехуда исроф учун. Қайси уламо буларга фатво берган ҳалол деб. Ҳалол деса бундан зарур ҳалоллар бор, улар колибдур. Ҳеч кимда ҳалққа насиҳат йўқ, бўлса ҳам қулоққа олмайдилар. Йигитлар эса кувкари ила юрадурлар...» .

Аллома бу мавзудаги фикрларини ривожлантириб, ҳалқни ҳар хил иллатлардан сакловчи куч илм олиш эканлигини кўрсатади. У шундай деб ёзади: «...Бу аҳволи баъдларни, бу мараз дардни доруси илмдур... Илмсиз киши, асоссиз девор дегани. Асоссиз девор ғоятда беътибор бўлур. Илм ўкунг-ўкутунг ахлоқи фунун, замонага беътибор бўлур. Илм ўкунг-ўкутунг ахлоқи фунун, замонага даркорлик илмлар зарур...» .

Ибрат ушбу фикрлари билан замона ёшларини ўз даври дунёвий билимларидан ҳам тўлик хабардор бўлишга ундаиди.

Хулоса қилиб айтганда, ўлкадаги ижтимоий адолатсизлик, ерлilarни жаҳолат ботқогида, қашшоқликда қолдиришни ўз олдига мақсад қилиб кўйган чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати маҳаллий халк илгор фикрли зиёлиларининг табиий равишда норозилигини келтириб чикарган. Фарғона Россиянинг бевосита мустамлакаси бўлганлиги боис марказий худудлардаги сиёсий ўзгаришлар бу ерларга ҳам сезиларли таъсирини ўтказар эди. Исҳокхон Жунайдуллоҳхўжа ўғли Ибратнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти бевосита ана шу жараёнлар билан боғлиқ ҳолда кечди.

\*\*\*\*\*

*Исҳокхон Ибрат «Олти тилли лугат»ига форс, араб, турк, ўзбек, ҳинд, ва русча сўзларни жойлаштирган бўлса, «Хатлар мажмуаси»да яхудий, финикия, юнон, славян, санскрит, лотин, арман, грузин сингари қирқдан зиёд ёзувлар ҳақида қимматли маълумотлар беради ва илмий хулосалар чиқаради.*

---

*Воҳидова К. Исҳокхон Ибрат «Фан ва Турмуш».- 1995.-№4. -  
Б.26*

*Долимов Улугбек. Исҳокхон Ибрат.-Т.: Шарқ, 1994.-Б.11.*

*Письмо из Тюря-кургана «Туркистон вилоятининг газети».-  
1914.-2 март.*

# МАТБААИ ИСХОКИЯ

Адҳамжон МАВЛОНОВ,  
НамДУ Архившунослик  
кафедраси ўқитувчиси

Исҳоқхон Тўра Ибрат педагогик, адабий, ижтимоий фаолиятидан ташқари матбаачилик соҳасига ҳам алоҳида эътибор каратган эди.

XX-аср бошларида Наманган шаҳрида олти уезд матбаасидан ташқари «Матбааи Исҳокия» (1909-1913) билан М. Н. Абдусатторбоев (1913-1917)нинг босмахоналари фаолият юритган. Ўша пайтларда Наманган кичиккина шахар бўлиб, унда 30 мингга якин аҳоли яшар эди.

Ибрат 1897 йилда бир катор араб мамлакатлари, Ҳиндистон, Афғонистонга қилган сафаридан қайтиб келгач, араб, форс, хинд, турк, ўзбек ва рус тилларини ўз ичига камраб олган, «Луғати ситта ал-сина» («Олти тил лугати») асарини яратади. Бу асар Туркистоннинг нашриёт ишлари бўйича нозири Н. Остроумовнинг бир неча йиллик тўқсингилкларидан сўнг 1901-йилда Тошкентда фаолият кўрсатаётган В. М. Ильин босмахонасида нашрдан чиқади. Исҳоқхон Ибрат бу асари босилгач, китоб нашри фидойисига айланади. Қишлоқ шароитида ишлатиш осон бўлган босмахона анжомларини топиш, ўрганиш мақсадида нашр ишларини зимдан кузатиб юради. Унинг Туркистон генерал-губернатори маҳкамасига литография (тошбосма) очиш учун рухсат сўраб йўллаган илтимосномасига Санкт-Петербургдан рухсатнома келмайди. Шундай бўлса-да, босмахона очишга рухсат олмасдан туриб, 1907 йили Россиянинг Оренбург шаҳрига бориб, Гауфман деган матбаачидан, пулини 10 йил мобайнида тўлаш шарти билан, 1901 йилда чиқсан литография машинасини сотиб олади. Литография ускуналари Оренбургдан катта машаққатлар билан Қўқонгача поездда, Қўқондан Тўракўргонга туяларда олиб келинади.

Ибрат ўзи курдирган ҳаммомни тошбосма матбаасига айлантириб, 1908 йилда ҳукумат рухсатномасини олишдан бир йил илгари (рухсат олимнинг кўлига 1909 йили тегади) ўзининг Санкт-Петербург бош бошқармаси сензори томонидан 1908 йили босишига ижозат этилган «Санъати Ибрат қалами Мирражаб Бандий» китобини чоп этишдан босмахона фаолиятини бошлайди. Наманган

уездининг Тўракўргон қишлоғида ташкил этилган бу литография босмахонаси «Матбааи Исҳокия» номи билан шуҳрат топди.

Босмахонанинг рухсатнома олинишидан илгари иш бошлаб юборгани рус маъмуриятини эътиборини жалб этади, яширин текширувлар ўтказилади. Скобелев (Фарғона) шаҳри полисмейстрининг Фарғона вилояти губернаторига 1909 йил 13 январда ёзган хисботида Наманган шаҳрида ҳам,

Тўракўргон қишлоғида ҳам китоблар чоп этилмаслиги ва чоп этувчи типография (босмахона)лар мавжуд эмаслиги айтилган.

Фарғона вилояти ҳарбий губернаторининг Туркистон генерал-губернатори канцелярияси бошқарувчиси В. И. Мустафинга юборган хужжатида Тўракўргон қишлоғида маҳфий босмахона мавжудлиги ҳақидаги хабарлар ўз исботини топмаганлигини айтади. Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Наманган уезди ҳарбий губернаторига Наманган ва Тўракўргон бозорларида ноқонуний китоблар пайдо бўлса, тезкор чоралар кўрилиши кераклиги ҳақида кўрсатма берган .

Исҳоқхон Жунайдуллаев тошбосманинг шахсий муҳрини ҳам ишлаб чиккан бўлиб, унга нур сочаётган қуёш тасвири туширилган, унинг марказига «илм» сўзи ўйиб ёзилган эди. Бу билан Ибрат илмни нур сочаётган қуёшга киёслаган эди. Ибратнинг янги бошлиған ишига бутун қишлоқ аҳолиси ёрдамга келадилар. Ҳатто қўшниси Мирзабой Фиёсов ҳарф ўйиш учун ўз уйидаги ёнғок дараҳтини кесиб берган.

Литография харажатларини қоплаш ва кредит қарзидан кутулиш мақсадида турли буюртмалар қабул қилиш учун баъзи асарлар охирига қўйидаги мазмунда эълонлар берилган: «Ушбуни эълон этамиз, ушбу кундан ибтидоан матбаамизда заказлар қабул қилинадур. Чунончи: рисолалар, эълонномалар, ҳар хил бланкалар ва табрикномалар, ишчутлар, карточкалар, мактуб вараклари, ҳар нима чоп килмоқ мумкин. Нимарсалар ғоят яхши ва нафис ўзига бол коғозда чоп килиб, зийнатлаб, шоён тамошо қилиб, муштариларимизни ҳусни ризоларига мазхар бўлмоқ саъй ва ижтиҳодимиздур, хоссатай вазифамиздур... Матбаамизни вилоятда танҳо қилмоқ аввалдан матлабимиздур. Анқарив уруфот босмахонаси ҳам очилур, асбоблари ҳам тайёр. Ҳукуматдан ижозат олинган».

Тадқиқотчи Алишер Исоқбоев Туркистондаги маърифатпар - варлик ҳаракатида татар-бошқирд маърифатчиларининг фаолиятига алоҳида тўхталиб, Ибратнинг татар жадидлари Ҳ. Макаев ва А.

Шаҳидий билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганлигини таъкидлайди.

1908 йил 7 августдаги Туркистон ўлкасининг ички ва ташки текшируви Комиссиясининг йигилишида Н. П. Остроумов Ўрта Осиёдаги татар тарғиботчилари (айниқса, Исмоил Гаспринский фаолияти) хатти-ҳаракатларини эътибордан четда қолдирмасликка чакиради.

Татаристонлик ўқитувчи Ҳусайн Макаев Ибрат таклифига кўра, Тўракўргонга келади. Бу ерда у Ибрат томонидан очилган мактабда рус тилидан дарс бера бошлайди.

1909 йилда эса «Матбаи Исҳоқия» литографияси типолитографияга айлантирилган. 1908-1909 йилларда босмахонага Охунзода Абдулрауф Шаҳидий мудирлик килган. Бу даврда «Ибрат лирикаси шеърлар тўплами» (1909) ва «Ёзув тарихи тўплами» (1911) каби асарлар нашр қилинди. 1910 йилда босмахона Наманган шаҳрига кўчирилган. Бу ерда 1910-1913 йилларда Ҳусайн Макаев, 1913-1917 йилларда эса М. Н. Абдусатторов матбаа мудири сифатида ишлаганлар.

Матбаа иши Туркистон миёсида аста-секин кенг қулоч ёйди, дастлаб миллий тилларда китоблар нашр этилган «Матбаи Исҳоқияда» 1917 йилдан эътиборан газета ва журналлар ҳам босила бошланди.

Бу босмахона 1917 йилдан сўнг мих-тошбосмахонага айлантирилиб, «Ударник» босмахонасига асос бўлган.

Наманганда Ҳусайн Макаевнинг ноширлиги ва муҳаррирлиги остида 1917 йил бошларида «Фаргона саҳифаси», шу йили август ойидан бошлаб эса «Фаргона нидоси» номли газета чиқа бошлайди. Уларда шу даврнинг муҳим ижтимоий-сиёсий ва адабий масалари баён этилган ҳамда Ибрат, Ҳусайн Макаев ва бошқаларнинг шеърлари эълон қилинган.

Октябрь тўнталини туфайли босмахона мусодара қилинади. Шўролар ҳокимияти даврида ушбу босмахонада «Народная газета», «Эркинлик», «Ишчилар қалқони», «Совдепъ», «Роста» каби газеталар рус ва ўзбек тилларида нашр қилинди. Исҳоқхон Ибрат Оренбургдан олиб келган литографик машина 1952 йилгача Наманган босмахонасида ишлатиб келинди. 1952 йилда машина Тўракўргон босмахонасига юборилди ва «Учқун» номли Наманган туман газетасини 1960 йилгача мунтазам чиқариб туришда фойдаланилди.

1909 йилда татар зиёлиси Исҳоқ Шарипов томонидан Наманганда биринчи китоб дўкони очилади. Дўконда «Матбааи Исҳокия»да нашр этилган китоблар, қўлёзмалар, эълонлар, таклифнома ва бошқалар сотила бошланади. Исҳоқ Шарипов қўшни хорижий мамлакатлар: Хиндистон, Эрон, Туркия мамлакатларида, шунингдек, Қозон ва Петербургда араб графикасида чиқарилган китобларни ҳамда газеталарни Наманганга олиб келиб сотишни ҳам ташкил этган эди.

## ИБРАТНИНГ «МЕЗОН УЗ-ЗАМОН» АСАРИ

Комила ВОХИДОВА,  
*тарих фанлари номзоди*

Мамлакатимизда илм-фанга асосланган инновацион жамият куриш стратегик мақсад қилиб олинган бугунги кунда, жамият тараққиёти ва шахс камолотида илм ва фаннинг ўрни бекиёс. Тарихда илм-фан, дин ва миллат тараққиёти учун кураш олиб бориб, ўзининг ноёб асарлари билан ҳалқ ва миллатга фойда келтиришни мақсад қилган миллат зиёлилари қаторида Исҳоқхон Жунайдуллоҳхўжа ўғли Ибрат (1862-1937)нинг ўз муносаб ўрни бор. Миллий уйғониш даврининг етук намояндадаридан бири Исҳоқхон Ибрат 20 дан ортиқ асарлар ёзган бўлиб, бугунги кунга қадар 12 та асари биз га ча етиб келган. Булар орасида унинг «Мезон уз-замон» асари алоҳида аҳамиятга эга. Бу асар ҳакидаги дастлабки маълумот Ибратнинг «Тарихи маданият» асарида келтирилган бўлиб, муаллиф асарни «миллат ва мактабга фойдалик» бошқа асарлари қаторида санаб ўтган.

«Мезон уз-замон» асари қўлёзма холида бўлиб, ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида инв. №11618 рақами остида бир нусхада сақланади. Асар 37 варақ, 74 бет, ҳар бети 11 қатордан иборат. Бугунги кунда 3 варағи тушиб қолган, 34 варақ, 68 бети сақланган. Бундай ху́лосага келишимизга сабаб, ҳозирда сақланиб қолган 2-саҳифа бўш, юқори қисмида «Мезон, Исҳоқхон тўра, 37 варақ» деган ёзувлар бор. Асарнинг 3-бети четида «Мезон уз-замон» деб ёзилган бўлиб, пастига кавс ичида «Замона тарозуси», деб ёзib кўйилган. Асар ҳакида яна шундай маълумотлар бериш мумкинки, у узоқ вақт ёмон ҳолатда сақланган, айрим бетларини эркин ўкиш мумкин бўлгани ҳолда (4, 5, 12, 13, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 59, 61, 62, 64, 65, 66, 67, 68), айримларининг хатлари ўчирилиб,

кўлёзманинг чакка остида қолганлиги кўринади (3, 6, 7, 8, 9, 10, 14, 15, 43, 44, 20, 21, 22, 23, 24, 25), айрим саҳифалари эса ўчи-тirlган хат устидан қайта ёзилганлиги сабаб, аввал ёзилган ёзувлар билан чаплашиб, хатни ўқиши бир қадар мураккаб ҳолга келган (3, 16, 17, 18, 19, 8, 9, 10, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 47, 48, 55, 56, 58, 60, 26, 27). Кўлёзманинг 3-бети юкори қисми ўнгига ЎзР ФА ШИ томонидан кўйилган муҳр (печать) бор.

Айрим саҳифалар четига ингичка ёзув билан сўзлар қайта ёзиб кўйилган. Сиёхи кўк, хати насталиқ. Асарнинг ёзилган вакти кўрсатилмаган, бироқ Ибрат томонидан бу асар бошқа асарлари қаторида «Тарихи маданият» асари сўнгига келтирилган. Муаллиф асари матнини тадқик қилиш орқали октябрь тўнтиришидан кейин ёзилганлиги ҳақидаги маълумотга асослансан, шундай хulosага келиш мумкинки, Ибратнинг «Мезон уз-замон» асари 1917-1925 йиллар оралиғида ёзилган.

Асарнинг 2001 йил профессорлар X. Коматцу ва Б. Бобожоновлар ҳамкорлигига араб ва рус тилидаги нашри эълон қилинди. Ушбу сатрларнинг муаллифи томонидан тайёрланган ва 2002 йил ноябрда химоя қилинган илмий диссертацияда Ибратнинг бошқа асарлари қатори «Мезон ул-замон» асарининг таҳлили ҳам берилди. 2005 йил апрел ойида У. Долимов ва Н. Жабборовлар Ибратнинг ушбу асарини кириллча ёзувда ифодалаб «Танланган асарлар» номли нашрларига киритдилар. Олиб борилаётган тадқикотларнинг барчаси Исҳоқхон Ибрат фаолиятини мустақиллик йилларида ўрганишга эътибор янада кучайланлигидан далолат берса, иккинчи томондан бу асарлар баркамол авлод, ёшларимизнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришда муҳим ўрин тутишини исботидир.

Буюк маърифатпарвар олим Исҳоқхон тўра Ибрат асари 9 мезондан иборат бўлиб, аллома ҳар бир мезонда алоҳида муаммо бўйича мулоҳаза юритади, ҳалқимиз ижтимоий ҳаётидаги диний муносабатлар, урф-одатлар ҳамда кийим-кечакларидағи қадим ва жадид муносабатларига таҳдил бериб, жадидлар томонидан илгари сурилган ғояларни ҳалққа етказишни мақсад қиласи.

Асарнинг «Муқаддима» қисмида Ибрат замондошлари бўлган шайхлар, олимлар, бойлар ва ҳокимлар, қолаверса, бутун исломдаги минглаб кишиларнинг Аллоҳнинг олдидаги ҳисоб-китобни билганлари ҳолда, мол-дунёга мубтало бўлганликларини, уларни мактаб, дин хизматига савоб йўлида ёрдам қилишга тарғиб қилинса ёмон кўришларини, Аллоҳнинг бойлика ҳирс қўйган бандаларини жазолаши фақат исломда эмас, ҳамма динларда борлиги, бундан

ортиқ нодонлик бўлмаслигини кўрсатиб, асарни ёзишдан олдин у кишилар кўнглини бойлика хирс кўйишдан қайтариб, сўнгра мақсадини баён этмоқ эканлигини қайд этади.

Ибрат инсонларнинг кўнглини бойлика эътиқод қўйишдан сақлашнинг бир йўли сифатида амри маъруфни тавсия килиб, Куръон оятларидан фойдаланиб одамларни яхши амалларга буюриб, ёмон амаллардан қайтаришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бинобарин, бу амри маътруф оғзаки бўлмай, кўпроқ жамиятга фойдаси тегиши учун асарлар орқали ёзиб қолдирилиши зарур, деб ҳисоблади .

Ибрат асарининг биринчи мезони сифатида асрларни ўз қонуни ятида тутиб турувчи мезон тарозусини кўрсатади. Унинг фикрича, ҳар бир замоннинг ўзига хос тарозуси бўлиб, у доимий ривожланышда, тараққиётда, янгиланишда бўлади. Ҳар бир замон ўз қонуниятлари билан асбоб ва ашёларигача янгиланиб туради. Замон ўзгариши билан кириб келаётган ашё ва асбоблар Аллоҳнинг ўз халкига ато қилган нарсалариридир. Булар факат замон тарозуси билан ўлчанади. Айрим шариат қонунчилари бу янгиланиш жараёни ни халққа осон бўлиши учун қабул қилсалар-да, айримлари буларни инкор этиб халқни қийинчиликка соладилар .

Ибрат асарида қадим ва жадид масаласига ҳам тўхталиб, ислом ахли, олимлар ўртасида оддий сўзлар учун ҳам ихтилоф келиб чиқаётганлиги, бу Аллоҳнинг ҳам амрига мувофиқ келмаслигинитъкидлайди ва бир фикрга келиб, бирлашиб зарурлиги хеч ким нинг хаёлига келмаётгани туфайли бу ғаразлар тўплана бориб, жадид ва қадим ўртасидаги жанжалларга сабаб бўлаётганлигини кўрсатиб беради. У муаммоларни Куръон ва ҳадисларга асосланиб, шариат қонуни бўйича баҳолаш орқали мана шу масалаларда турли тортишувлар келиб чиққанлиги, айрим кишиларнинг халққа, миллат га Аллоҳ томонидан бажарилиши катъий буюрилган ишлар қолиб кетиб, ҳаром ва ҳалолнинг жанжалини қилиб юрганликларини ёзади. Бу фикрлар орқали Ибрат жадид ва қадим ўртасидаги низонинг кераксиз эканлиги, Аллоҳ томонидан уламо ва бойлар, авом халқнинг ҳам бажариши керак бўлган вазифалари белгилаб берилганлиги, иттифоқ бўлиш энг биринчи зарурият эканлигини тушунтириб беради.

Ибрат асарда халқимизнинг янги жорий бўлган ашёларни ҳаром деб, качонки расми таомилга киргандан сўнг истеъмолга киритганликларини ёзиб, халқнинг қийинчиликларини беилмликдан деб билади . Шунингдек, у Мухаммад пайғамбар ҳадисларидан

келтириб, илм ҳақида қуйидагича ёзди: «Расуллулоҳ ҳазратлари марҳамат қилибдурларки, «Ал-илму иззуд дунйа ва-ш-шарофу-лохироти» деб /Илм дунё азиз-мукаррамлиги ва охират шоншарафидур/. Иккинчи бир ҳадислари: «Утлибу-л-илма ва лав кана би-с-Сийн» /Гарчи, Чинмочиндан бўлгса ҳам илм талаб қил/». Ибрат бу фикрлари билан ҳалқини замон талаби даражасида бўлган илмларни ўзлаштиришга, талаб даражасидаги техникани ўрганишга чакиради. Юртни хорижий мамлакатлардан орқада қолишининг сабаби сифатида ҳам илмсизлик ва жаҳолатни кўрсатади. Қайси бир ишни қилишга уринилмасин, қаттиқ ҳаракат билан амалга ошириш муқаррар эканлигини таъкидлаб, ўз фикрларини Куръон ояти орқали кўрсатади, инсон фақат ўз ҳаракати туфайли бирон бир мақсадига эришиши мумкин, бироннинг яхши амалларидан унга ҳеч бир наф бўлмаслигини айтиб, ҳалқ Аллоҳнинг сўзларидан ҳеч бир зарар кўрмаслигини, меҳнат қилиб қаттиқ уриниш орқали ният қилинган барча нарсага эришиши мумкинлигини баён қиласди, буни мезоннинг бизга кўрсатадиган вазни, деб баҳолайди.

Муаллиф асарда жамият ҳаётида илмда, хунарда, майшатда юз берәётган қадим-жадид муносабатларини тушунтириб, аввалги асрларнинг одамлари, чунончи боболаримиз зикр этилган жабҳаларда доимий машаққатда ўтганлиги, бугунги кунда фан ва техника ривожланиши орқали ҳалқ майшат ва роҳатга эришганилигини айтади. У «Боболарингиз чақмоқ чакар эдилар, гутурд қандоқ роҳат, қорачироғ ёқар эдилар, электр лампа қандоқ роҳатdir» - дейиш билан, бунга сабаб замон тараккиёти эканлигини таъкидлайди. Ибрат сафар давомида ҳам қадим-жадид муносабатларига дуч келиш мумкинлигини айтиб, сафарга чиққанда унинг машаққат - ларига қараб вазн қилиш лозимлигини мисоллар орқали тушунтиради, Тошкентга кўп меҳнат, йигирма сўм сарф билан бир ҳафтада сарт аравада борилган эканлиги, хукумат ҳаракати билан темир йўллар солиниб, уч соатда тўрт сўм сарф билан борилишини, бошқа ишлар ҳам бу тариқа осонлигини, мезон қилганда фарқи билинишини эътироф этади.

Ибрат бу ишларни таҳлил қиласар экан, жадидлар томонидан илгари сурилган ғоя ва қараашларни кўллаб-қувватлайди, миllat ҳаётида юз берәётган янгиликлар моҳиятининг тушунтириб беришга интилиб, миллатни улардан қочиб, тор фикр доирасида қолиб кетмасликка чакиради. Кичкина фикр ва тор мусулмончилик билан муддаога етиб бўлмаслиги, катта йўлдан юриб турли-туман илм, хунар ва касб ўрганиш, бошқа ҳалқлар олдида ғарид, ожиз

бўлиб турмаслик, бунинг учун, албатта, ҳаракат даркор эканлигини тушунтиради . Мутафаккир олим ўз фикрларини асослашда Куръон оятларидан фойдаланиб, Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизга оғир бўлишини истамайди, деса, биз ўзимизни ўзимиз кийинликка соламиз, Худо қилган деб қийинликдан чиқмаслигимиз, Худо қилган деб иймонга келмаслик билан баробарди, – дейди. У халқимиз ҳаётидаги қийинчиликларнинг барчасига илмсизлик сабаб эканлигини очиб беради, халкнинг турмуш тарзини енгиллатиш, тараққиётга олиб чиқиш учун жадидлар томонидан олиб борилаётган ҳаракатни қўллайди, ўз фикр ва мулоҳазаларини Куръон ва ҳадислар орқали халкнинг онгига сингдириш учун астойдил ҳаракат килади. Чунончи, ўзи яшаб турган асрга баҳо бериб, «асримиз илму хунар, ҳаракат асридур, турмок аспи эмас. Ғофил ... ғафлат уйқусидан тургунча бозор олами ўтиб кетадир», - дейди ва «кимки эътиборли бўлса олдинда юрар» каби мақол билан мулоҳазасини якунлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ибрат «Мезон ул замон» асарини ёзиш давомида Туркистон, хусусан, Фаргона водийси халклари ҳаёти ва турмуш тарзига оид маҳсус муаммоларни ўрганиб, улар ҳакидаги теран мулоҳазаларини билдирган. Муаллиф асарни ёзиш давомида оммага жадидлар мағкураси, дунёқараши ва фаолияти асосини, муддаосини етказиб беришни мақсад қилади, муаммога дунё кўрган олим, 10 дан ортиқ тил билган мутахассис, мусулмон шарқ мутафаккири, халқ қозиси, Куръон ва шариат конун-коидалари, тараққий эттан ғарбнинг бу борадаги билимла -ридан хабардор инсон сифатида ёндошади. Мулоҳазаларини 9 мезондан иборат қисмларга бўлиб, ахолининг асосий оммаси дунёқараши ва қизиқишлидан келиб чиққан ҳолда содда тилда, равон баён этади. Ибратнинг бу асари Туркистон жадидларининг мақсадлари, фикр ва маслаклари, гоя ва қарашларини ўзида акс эттирган манба сифатида кимматлидир. Асарда алломанинг қарашлари тарихийлик, маърифатпарварлик, жадидчилик, дин ва шарқона анъанавийлик билан йўғрилган яхлит таълимот сифатида кўрсатилган. Ибрат бу борадаги ҳаракати билан XIX аср охири, XX аср бошлирида қrimлик Исмоил Гаспирали ғояларини қўллаб-кувватлайди ҳамда бутун шарқда миллатни уйғотиш ва маърифатли килиш, сиёсий-иқтисодий эркини таъминлаш мақсадида фаолият юритади.

# ҚҰШСИНЧ ОРАСИДАГИ ХАЗИНА

Шұхрат РИЗАЕВ

Хар сафар ўзбек адабиётшунослигининг етук намояндалари Шариф Юсупов, Бегали Қосимов, Улугбек Долимов номлари бирор муносабат билан тилга олинғанда бейхтиёр үтган XX асрнинг 90-йиллари бошларидаги Тошкент давлат университеті (хозирги ЎзМУ) филология факультетіда бирга кечгән йиллар, қызғын мухит, тортишув ва мунозаралар, парда орти ва парда ичидаги үта мураккаб, ниҳоятда нозик муносабатлар ёдға келади...

Истикол шаббодалари эсіб, XIX аср бошлари ўзбек адабиётини объектив-холис үрганиш имконияти пайдо бўлгач, аввало, ана шу давр бўйича профессор Ғулом Каримов хизматлари туфайли ўзига хос илмий мактаб шаклланган мазкур университетда жиддий ҳаракатлар кеча бошлади. Профессор Бегали Қосимов ташаббуси ҳамда беназир инсон ва олим Тўрабек Долимовнинг дорилғунун раҳбарларидан бири сифатида кўрсатган жонбозлиги боис «Миллий Уйғониш даври ўзбек адабиёти» дея номланган янги кафедра ташкил этилди.

Мақоламиз қаҳрамони бўлган Улугбек Долимовнинг бир умр адабиётшунослик билан, маърифатчилик даври ўзбек адабиётини ўқитиши масалалари билан шуғулланиб келиб, пировардидаги катта ёшларга етганида педагогика бўйича докторлик қилишга жазм эттани шу соҳадаги илмий изланишлар кўламини кенгайтиришда хайрли қадам бўлди, албаттга.

Улугбек Долимов домланинг педагогика илмидан олий илмий мақомга даъво эттани сира тасодиф әмас. Аксинча, тўла мантикий ва мақсадли ҳол. Бу касбу аъмол, истеъдод, руҳий майл ва илмий изланишлар маншаълари сабаблидандир... Қолаверса, камина таниган ва билган Долимовлар наасаби муаллимлик ва илм рутбаси билан айнанлашиб кетган шажарадир. Нўймон домла, Субутой муаллим, Султон Долимовлар катта авлоддан, Тўрабек, Хотам,... Нўймонийлар, Шамси ака, Улугбек, Кенжабек Субутой ўғиллари ўрта бўғиндан ва булар қаторидаги олимаю муаллима қизлар, улардан кейинги навқирон Долимовлардан нечалари юртимизда илм-фан ва педагогика тараққиётига умрини тиккан ва ҳалол хизмат қилиб келаётган инсонлар. Тўрабек ака ва Улуг домланинг нақл қилишларича, аввалги бўғиндаги Долим бува Мирмулла ва Мирмуҳсин Шермуҳамедовлар, Каримбек ва Комилбек

Норбековлар билан, Мунавварқори Абдурашидхонов, Собиржон ва Шокиржон Раҳимиylар билан даврадош, кариндош, куда-анда ва бошқа якинлик ришталари билан чатишиб кетганки, бу зоти шарифларнинг бари XX аср тонгидаги маърифатчилик ҳаракатининг дарғалари – миллат ойдинлари ўлароқ Ватан тарихига киргандар.

Энди касбу кор, руҳий майл ва, албатта, истеъододнииг ўзан кашф этиши хусусида... Ўтган XX асрнинг 60-йиллари ўрталарида муаллимлик йўлланмаси билан Наманган вилоятининг Тўракўргон туманига келган ёш мутахассис – Тошкентда туғилиб ўсиб, зиёли хонадон, зиёли давра ва ердан шипгача жавонларга тахланган жилд-жилд китобдан бўлак нарсани кўрмаган-бilmagan, пианино чалиб, хаёлий дунёлар оғушида юрган жиккаккина йигитчанинг ахволини шундай ҳолатга тушган одамгина хис этиши мумкин. Юрагида қўри бор инсон ҳар қандай вазиятда ҳам чора излар, куч-куватини жўяли сарфлаш эвини қиларкан. Тошкентдан анча олисда, вилоят марказидан эса наридаги қишлоқда ҳам қадимият, ҳам янги оврўпоча турмуш маданиятига хос белгиларни, асбоб-ускуна, довдастгоҳларни қўриб ҳайрати ошган ёш муаллим уларнинг қаердан пайдо бўлганини, келиб қолиш сабаблари, илдизлари, эгалари билан қизиқади. Кунларининг бир кисми мактабда ўтса, колгани ўз ташаббуси ва яккаш аъзолигидаги илмий-маърифий экспедицияга бағишлилади. Шу тариқа Улуғбек муаллим тақдири Тўракўргон ва унинг улуғ фарзанди Исҳокхон тўра Ибрат номи билан чамбарчас боғланади. Агар XIX аср охири – XX аср бошлари Наманган адабий мухитидан энг кўп ўрганилган ва оммалаштирилган ижодкор Исҳокхон Ибрат десак, айни ҳақиқат бўлади ва бу, албатта, адабиётшунос олим, профессор Улуғбек Долимов хизмати туфайлидандир. У Ибрат ҳақида кўп ёзди, хўп ёзди. Адибнинг фидойи ҳаёти, ижтимоий фаолияти ва серқирра адабий, илмий ижоди борасида маколалар, адабий портрет, монографик тадқиқотлар яратди, асарларини нашрга тайёрлаб, чоп эттиреди. Ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилди. Ибрат номи ва асарларини ўзбек адабиёти тарихига муҳрлади. Ҳа, шундай бўлар экан – кимдир сабаб бўлмаса, исботлаб, эл-юргта ёймаса, валламати ҳам «тарих»лардан ўз ўрнига ўтолмай вақтини кутиб тураверади.

Тасодифни қўрингки (тасодифмикан?), иттифоқо, Исҳокхон тўранинг хизматида бўлган бир мўмин қиёматда бўйнимда қолмасин дея, ғалат бир воқеадан Улуғ муаллим ва тўразода Ротибхон Исҳокхон ўғлини хабардор қиласди. Яъники, 1937 йили

ёши етмиш бешга борган Ибрат домла бошланиб кетган қатағон исканжасининг ўзига ҳам яқинлашиб колганини сезиб, ўша хизматкорини хузурига чорлайди. Уйнинг яккасинч деворини күшсинч килиб, орасига бор бойлиги – йикқан энг сара ва ёзган барча китобларини яшириб, деворни суваб ташлашини буюради. Вакти замони етиб миллатга, юртга асқотишига ишоратан шу ишни килади. Кун оралаб Тўракўрғоннинг муҳтарам қозисини хибсга оладилар, қолган китобларининг барисини олиб кетиб, йўқ килиб юборадилар. Кекса маърифатпарвар эса қамоқхонада дунёдан кўз юмади. Вакти етиб, XX асрнинг 60-йиллар ўргаларида ўша күшсинч орасидаги китоблар олиниб, Улуғбек муаллим томонидан рўйхат килинади, дастлабки мақолалари учун мавзу бўлади. Бу китобларнинг аксарияти Ибратнинг ўз асарлари – «Лугати сittati ал-сина» («Олти тилли лугат»), «Жомеъ ул-хутут» («Ёзувлар мажмуаси»), «Санъати Ибрат», «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият», «Мезон ул-замон» каби мутафаккир «Матба-ал Исҳоқия» номли ўз типографиясида чоп этган китоблари эди. Тақдирнинг сийловини қарангки, Исҳоқхон Ибратнинг маънан Ватанга, миллатга қайтиши учун XX асрнинг 60-йиллар миёнасида тошкентлик бир муаллим Тўракўрғонга бориб, ул зотнинг маърифатчилик кори аъмолини давом эттирмоғи ва иттифоқан улкан маънавий хазина топиб, унинг оммалашмоғига воситаю робита бўлмоғи керак экан. Ана шу нооддий бир ҳолни хис қилган ва айни шу ҳодисот унинг руҳий майли, истеъодининг юзага чиқмоғи учун сабаб, тақдир эканини англаган Улуғбек Долимов кейинги умрини тўлалигича ҳам амалий, ҳам илмий-назарий педагогика билан боғлади ва, айтиш жоизки, шу соҳада камол, эътибор, иззату ҳурмат топди, жамоатчиликка танилди.

Муҳтарам ўқувчи, қўлингизда турган «Миллий уйғониш педагогикаси» номли китоб бу олимнинг адабиётшунослик ва педагогика билан ярим аср яшаб, шу дунёда орттирган бори маънавий бисотининг қаймоғи – умр китобидир. Биз юқорида китобдаги биргина мавзу – Исҳоқхон тўра Ибрат ҳақидаги илмий очерк баҳона уч-тўрт жумла сўз айтдик. Сабаби боис, бу мавзу тақдир ибтидоси бўлгани учун. Китобда XIX аср сўнгти ва XX аср дастлабки чораги – қарийб олтмиш йиллик ниҳоятда қизғин воқеликнинг педагогика аталмиш энг табаррук жабҳаси ҳақида комусий билимлар жамланган.

Анъанавий маҳаллий мактаблар ва уларда ўқитиши усууллари, мадраса таълими, ўлқада Россия ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин

ташкил этилган рус-тузем мактаблари ва уларда ўқитиши мазмуни, жадид мактабларининг шаклланиши, улар ривожида хайрия жамиятларининг аҳамияти, янги усул – «усули савтия»нинг назарий асослари, жадид мактабларида она тили ва адабиёт ўқитиши масалалари ва бутун Туркистон ўлкаси бўйича манзара тўлиқ акс этиши учун Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги маориф тутумлари, улардаги илк янги мактаблар борича китобда қамраб олинган. Булар комусий китобнинг бир қисми – Миллий уйғониш даври педагогикасининг ижтимоий-тарихий, илмий-назарий асослари. Унинг иккинчи қисми давр педагогикасининг энг етук намояндалари ҳаёти, фаолияти ва ижодига бағищланган тугал илмий очерклардан иборат. Исҳоқхон Ибрат, Сиддикий-Ажзий, Сайдрасул Сайдазизий, Васлий Самарқандий, Беҳбудий, Шакурий, Мунавваркори, Авлоний, Садриддин Айний, Сўфизода, Ҳожи Муин, Фитрат, Ҳамза, Элбек, Шокир Раҳимийгача жами ўн беш фидойи маориф дарғалари ҳақидаги аён ва ноаён далиллар, тафсилотлар, таҳлиллар, кузатувлар, ҳақиқатлар, мушоҳадалар. Булар эллик йил давомида томчи-томчи, қатра-қатралаб йигилган маълумотлар, юраклар зардобга тўлиб, кўзда ёшу дилда кадар билан тикланган тақдирлар, тартибланган битиклар... Бу шахид кетган зоти шарифларнинг бирортасини ҳам Улугбек aka шунчаки, фақатгина фактлар тақозо эттани учунгина китобига киритмаган. Уларнинг ҳар бирини хиссий қабул қилиб, юрагидан ўтказиб, сўнг таҳлил ва мушоҳада объектига айлантирган. Акс ҳолда, ҳатто айримлар Чор Русиясининг қудратини мадҳ этган дея бурун жийираёттан оташнафас аламкаш аждодимиз Зокиржон Фурқатнинг қуйидаги ўтлуғ сатрларини келтирмаган бўларди:

Зулматни гирдибоди тегди, қуюнда қолдук,  
Тўфони ҳайрат, эйки, ғарки жунунда қолдук,  
Faфлат ила ўтуб умр, кулгу йўунда қолдук,  
Куффор банди ичра сонсиз тугунда қолдук,  
Рахм айлагил, Худоё, бечора хасталарга,  
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Ёки «Ал-ислоҳ» журналиниң 1915 йил 17-сонидаги «Эй устоз ва уламолар! Энди вақтни зоеъ этмангиз, бизларнинг ва ўзларингизнинг мозий ва истиқболимизни тушунингиз: ким эдук, на ўлдук, на ўлажакмиз, фикр этигиз! Ватан ва миллат авлодининг таълимтарбияти сизларнинг химмат ва ғайратингизга боғлидур» каби чақирикларни ҳиссиз, юрак куймасдан мисол келтира олмас эди.

Китоб сўнгидаги икки илова-жадвал унинг комусийлигини яна-да тўлдиради. Биринчиси, 1902–1917 йиллар оралиғида чоп этилган «Алифбо»лар, уларнинг муаллифлари, номланиши, умумий тавсифи, нашр санаси ва жойи ҳакида. Иккинчиси эса худди шу йиллар оралиғида нашрдан чиқсан «Бошқа турдаги дарслик ва ўкув қўлланмалар» ҳамда улар ҳақда муҳтасар, аниқ маълумотлар. Қайд этилган саналар оралиғида 17 бор «Алифбо» китоби яратилган бўлса, боштка турдаги қўлланмалар сони 58 номни ташкил этади. Ана энди бир муқояса: 1917 йилдан то истиқлолимизгача умумтаълим мактаб-лари учун нечта мустақил «Алифбо»лар яратилганию, нечта оригинал дарслик ва қўлланмалар ўзбек педагоглари томонидан ишлаб чиқилганига назар солсак, истибоддининг оғир дамларидаги бу ватан-парварлик қадамлари нақадар жасорат бўлганини англаймиз! Албат-та, шўро даврининг тазиики, ҳамма нарсани марказлаштириш сиёса-тини рўкач килиш осон ва табиийдай. Аммо унутмайликки, жадид боболаримиз ундан кам бўлмаган, балки унданда мураккаброк, оғиррок, аламлирок ҳўрликларга, камситиш, чеклаш ва тўскинликларга бас келиб мактаб очдилар, болаларни ўқитдилар, ўкув адабиётлари яратдилар. Қиёс қилиб бўлмас даражада катта фарқ, нисбат бор бу воқеликлар оралиғида. Бу ҳақдаги аниқ далилу исбот-ларни «Миллий Уйғониш педагогикаси» китобида истаганча топиш мумкин. Унинг ҳар бир сахифаси, ҳар бир қаҳрамони нафақат тафак-кур мезонлари билан айни чоғда қалб орқали, ҳиссиёт ўлчамлари би-лан қофозга қўчганини хис қиласиз.

Шу ўринда бир лирик чекиниш. «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» кафедрасини ташкил этаётганимизда раҳматли Бегали ака Косимов вазифа қўйган эди: ҳар биримиз жадидчилик харакатининг бир қирраси – йўналишини ва пировардида харакатининг Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий, адабий-эстетик тарихидаги маҳобатли яхлит манзарасини илмий жихатдан тўла ёритишими, тикилашимиз керак деган эди. Улугбек акага педагогика, каминага театр ва драматургия масалаларини тадқиқ этишни юклаган эди. Ўзи «Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик» номли «умр китоби»ни яратиб, авлодларга асосан жадидчилик харакатининг ижтимоий-сиёсий негизлари, фалсафий-эстетик караш ва интилишларини, уларнинг адабий бадиий тажрибалари, ёниқ ижтимоий шеърияти, насрни борасидаги фундаментал асарини мерос қолдириб кетди.

Мана энди Улугбек домла Улуг домла дея ярим ҳазил, ярим рамзий ишора ва самимият билан суйиб айтиб юрадиганим номга муносиб «Миллий уйғониш педагогикаси»ни тартиблади, яхлит китоб ҳолига келтирди. Ҳар бир олим чин олимлик рутбасига етиб орзулей-диган китоб – «умр китоби»ни яратди. У энди халқники, миллатники. Барчамизга, шоён, муборак бўлсин!

## ИБРАТ СУРАТКАШ, ХАТТОТ ВА САНГТАРОШ

Алижон ТУРДАЛИЕВ,  
*НамДУ доценти, педагогика  
фанлари номзоди*

Исҳокхон тўра Ибрат ҳаёти мобайнида санъат билан ҳам ҳамоҳанг яшаган. Яхшигина танбур чалган. Қўшиқ ва оҳангларни яхши хис этган. Ибрат бир неча тилларни яхши билиши билан бирга күш тилини ҳам билган, деган гаплар бор. Наманган тумани Мулла Кудунг қишлоғида яшайдиган илмли инсонлардан бири Муҳаммад Носирхон қорининг айтишича, Исҳокхон тўра бир куни қандайдир китобни овоз чиқариб мutoала килганда унинг ён- атрофига бир нечта кушлар тўпланишиб, бирин-кетин қўлларига ва елкаларига кўниб олган экан.

Исҳокхон тўра Ибрат яхшигина хаттот бўлганлар. Бежирим ёзувлар ёзиш билан бирга, унинг ёнига безак сифатида нақшлар ҳам чизганлар. Масалан, китобларнинг титул варағига, бошқа жойларига зарур бўлганда бадиий безак сифатида бошланма ва тугалланма тасвирларни ўринли қўллаган. Ўзининг нашриёти бўлган «Исҳокия босмахонаси»ни рамзий тасвирларини ўзи яратган. Бу тасвирда кўёш тасвири ва «илм» сўзидан иборат композиция ҳосил қилинган.

Ўсмирлик чоғлариданоқ у ҳусниҳат ва ҳусни нақшни эгаллашга жуда қизикқан эди. «13-14 ёшимда, – деб ёзади у «Жомеъ ул-хутугт» асарида,— мактаби адабда мимориса иштиёқида эдим. Китобим саҳифасидаги ҳусниҳат ва ҳусни нақш фикрлари кунҳиёт ва таълимлари иштиёқ қалбимда муштағил бўлиб, ҳар хутутлар кўрсам, вაъз ва таълимларини билмагунча қўнглим соқит бўлмади». (3.192).

Аллома ўз давридаги техник янгиликларга жуда қизикқан. Фотоаппарат билан суратлар олган, булардан айримлари бизгача сақланиб қолган. Эҳтимолдан холи эмаски, Ибратнинг фотография-

га ишииёки ҳам Қўқондаги талабалик йилларида камолга етган бўлса... Шундайки, 1872 йили Туркистон генерал-губернатори Кауфман топшириғига биноан, маҳсус альбомга суратлар олиш учун фотограф Г. Кривцов Қўқонга келганди. Худоёрхон бу ишга кизиқиб колади, ўзи суратга тушади, аъёнларини ҳам чақиради, амалдорларининг айримлари бу иш гуноҳ деб. ҳатто йиғлашган экан. Бердикул исмли кизиқувчан бир йигит Кривцов билан Тошкентга бориб, фотография сирларини ўрганади, августнинг охир ларида икки фотоаппарат ва керакли ашёлар билан она шаҳрига қайтади. Ўша йили «Туркестанские ведомости» газетаси ўзининг 29-31 сонларида Қўқон хонлигига иккита «Фотография» (бири Қўқонда, иккинчиси Андижонда) ишлаётгани ҳақида хабар берган.

Исҳоқхон Ибрат олган оила аъзолари, яқин танишларининг суратлари ичida шоир Хилватийнинг тасвири ҳам бор. Айниқса, биз учун бир фотосурат учун жуда ноёб ва кимматли хисобланади: унда Ибрат ўзини ўзи суратга туширган. Шоир бу расмда ўнг кўли билан белбогини ушлаб, тўқ кўк рангли, зар йўлли чопони кийиб турган, оқ бежирим салла ўраган ҳолатда акс этдирилган. Афтидан бу сурат унинг ўз боғида олинган бўлса керак. Расмнинг тагига ўзи томонидан изоҳ ҳам ёзиб кўйилган. Ибрат ишлатган фото анжомлари Тўракўргон музейида сақланади. Шунингдек, ҳозирги кунларда авлодларида сакланиб турган бир неча расмлар ҳам биз учун жуда кимматли манба ҳисобланади. Қайд этиб ўтганимиздек, суратларда нима акс этдирилганидан қатъий назар, хоҳ ахли аёллар ва оила аъзоларининг тасвири бўлсин, хоҳ Ибратнинг бир гуруҳ кишилар билан ўтирган ҳолатлари бўлсин, барибир, тарихнинг бир лаҳзаси сифатида аҳамиятлидир.

Рассомларимиз ўз асарларида Ибрат сиймосини, асосан, мазкур фотосуратлар асосида яратишган. Масалан, намангандлик рангтасвирчи рассом Турсун Абдуллаев томонидан ишланган портрет ҳам бундан мустасно эмас. Мусаввир Равшан Ҳусаинов томонидан нусха кўчирилган портретда шоир ўша машҳур фотосуратдагидай кўкиш чопон ва оқ салла билан тасвирланган. Намангандлик яна бир мусаввир Тўрабек Ашурров томонидан ишланган «Ибратнинг юртимизга босмахонани олиб келиши» номли рангтасвир картинаси ҳам аҳамиятли асарлардан ҳисобланади. Бу асарлар Наманганд вилоят Ўлкани ўрганиш музейида сақланади.

Ибрат ҳақидаги бошқа бир портрет асари ўзига хослиги билан ажralиб туради. У рассом Т. Аглямов томонидан ишланган бўлиб, унда бизга рўбарў қараб турган ғамли кўринишдаги саботли бир

инсон киёфаси яратилган. Алломанинг чехрасида у бошидан ўтқирган оғир кунлар, кўнглидан кечган мураккаб кечинмалар ҳамда якин ўтмишда кутаётган фожеа ўз аксини топган. Бу сурат У. Долимов, Т. Жабборов томонидан нашр этилган Ибратнинг танланган асарлари китоби муқовасида берилган.

Тўракўргон «Маориф ва маданият музейи»даги биз томондан ишланган «Тўракўргон баҳори» деб номланган катта ҳажмдаги деворий сурат ҳам машҳур ҳамюртимиз сиймосини яратиш йўлидаги бизнинг бир уринишимиз бўлди. Картинада Исҳоқхон Ибратнинг устози Ғойибназар қози билан Тўракўргонда ўтказилган «Наврўз сайли»га чиқишигани тасвирланган. Даражатлар қийғос гуллаган, сой бўйлари ям-яшиллик кўкатларга бурканган. Аёллар сумалак пишириш билан банд. Ёшлар мушоира килмоқдалар. Шунингдек, камина томонидан ишланган «Ибрат китоб муюаласи пайтида» мавзусидаги портрет-картина ҳам Исҳоқхон Ибрат тўғрисида томошабинга муайян тасаввур беради.

Тошлиарга ўйиб ишланган ёзувлар Исҳоқхон тўра Ибратнинг юкори даражадаги моҳир хаттотлигини кўрсатувчи далиллар. Тошга ёзиш алоҳида нозик меҳнат талаб килувчи ҳунар. Ибрат ҳорижда юрганда ҳатто тириклик эвазидан ушбу ҳунар билан шуғуллангани маълум. У қабртошлиарга ҳам кўплаб ёзувлар ёзган ва айримларига тасвирлар ишлаган. Тўракўргон музейида ҳам шундай тошдаги ёзувлар сакланади.

Намангандан тумани Мулла Кудунг кишлоғидаги «Хилват» мозорида эса баландлиги бир яrim қулоч ва эни 30-35 смли қайроқтошга арабча ёзувлар ёзилган. Бу ёзувлар ҳам Исҳоқхон тўра Ибрат томонидан битилган, унинг таржимаси қуйидагича: «Бу қабр яхши хислатлар ва ҳамда кароматлар эгаси, етук ва комил Шайх Нематуллоҳ хожа Эшони Туркистонийникидир. У киши хижрий 1251 (мелодий 1885) йилда вафот этдилар. У кишидан сўнг Сунъатуллоҳ хожа Эшон хижрий 1267 (мелодий 1835) йилда вафот этдилар. Булар Ҳазрат Султон хожа Аҳмад Яссавий авлодларидан дирлар, уларга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин. Булардан бошқа яна Нематуллоҳ хожа Эшон авлодларидан бўлган Сунъатуллоҳ хожанинг ўғилари Отоуллоҳ хожа Эшон. Ул киши хижрий 1323 (мелодий 1905) йилда вафот этдилар». (6).

Мулла Кудунглик Шаҳобиддин (1926 йилда туғилган) Мамазариф ўғлининг хотираларига қараганда, Исҳоқхон тўра новчадан келган, ингичка гавдали қиши бўлган. Кўпроқ ўша сариқ Йўлди чопонини кийиб, шамолдай учиб юрар экан. Шаҳобиддин ака

айтадилар: «Дадам 70 сотихга боғ қилган эди. Эшон бувам (Ибрат) ўша жойга тез-тез келар эди. Келганды уч кунлаб турар эди. «Муридлар оркамдан Мамазарифникига бораверсинглар», деб түғри бизнинг боғимизга келар эдилар.

Оtam Мамазариф баланд кирликни ўйиб, ер қилиб жийдазор бокқа айлантирган. Чилон жийда кўп бўларди. Бу жойда (Мулла Кудунгда - А.Т.) Эшон бувамнинг муридлари кўп эди, отам ҳам энг ихлосли муриди эди... Ундай одамни топиб бўлмайди. Ул зот Тўракўргонда туриб дадамни нима иши килаётганини, нима этганини билиб турагар экан. Мубо (вабо) касали тарқаган пайтда, Эшон бува боғларида катта дошқозонда икки маҳал овқат қилиб тарқатиб, ҳалкни ўша машъум очлик касалидан кутқазиб қолган эканлар. Таомнинг биринчисини 500 кишига едирилган. Кейин кечқурун иккинчи марта таом тарқатилган. Бу қайнатма, аралаш овқатни «шилон» дейилган». (2 ).

Айтиб ўтганимиздек, шоир ва аллома мусиқа санъатидан анча хабардор бўлиб, ўзи танбурни жуда яхши чалар эди. У машҳур ўзбек ҳофизи Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов билан ғоят яқин дўст эди, улар орасида борди-келди бўлиб турган. Бу икки санъаткор Тошкент ва Намангандада уюштирилган адабий йиғинларда ҳам бирга қатнашиб турганлар. 1908 йилда Мулла Тўйчи ҳофиз Исҳоқхон тўра уйига келган ва бир неча кун унинг уйида меҳмон бўлган. 1911, 1913, 1914 йилларда Исҳоқхон Ибрат ҳам Тошкентта боради ва Тўйчи ҳофиз Тошмуҳамедов уйида меҳмон бўлади. Исҳоқхон ва Тўйчи ҳофиз Тошмуҳамедов ўртасидаги дўстлик ҳакида шоирни яқиндан билган тўракўргонлик Мелибой ота Мирзарахимов куйидагиларни хикоя қиласди:

- Мен 1915 йилда Тошкентда бир маъракада Тўйчи ҳофиз билан сұхбатда бўлдим. Ҳофизнинг шуҳрати ўша вақтда Намангандада ҳам машҳур эди. Улар мендан Исҳоқхон тўранинг соғлиғи, ҳол-ахволи ҳакида сўрадилар ва унга кўпдан-кўп салом айтишимни илтимос қилдилар. Намангана қайтишимда ҳофиз менга бир неча пластинка бердилар ва Исҳоқхон тўрага бериб кўйишимни сўрадилар. Тўйчи ҳофиз билан Исҳоқхон Ибрат ўрталарида борди-келди ва хату китобат узлуксиз давом этиб турган». (5 ).

Намангандада кўзга кўринган адабиёт ва санъат аҳли Нодим Намангоний, Мулла Йўлдош Тўрабой ўғли Хилватий, Шавқий Намангоний, Муҳаммадшариф Сўфизода, Умрзоқ Холбой ўғли Ҳайрат каби қаламкашлар ва Низомхон, Абдулла тароқчи каби созанда ва хонандалар кўпинчада Нодим Намонгоний ёки Исҳоқхон

тўра Ибрат уйига тўпланишар эдилар. Бундай йиғинларда Тошкентдан Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Самарқанддан хофиз Ҳожа Абдулазиз Расул ўғли ҳамда Хўжанддан шоир Тошхўжа эшон Асирий- нинг катнашиши ўлтиришга алоҳида файз бағишилар эди. Ибратнинг «Рамуз дилбари жонон...» деб бошланувчи ғазали Тўйчи хофиз мусиқага соглан ва ўзи ижро этган. (4. 16).

Исҳоқхон Ибратнинг «Жомеъ ул-хутут» («Ёзувлар мажмуаси») асари тилшуносликдаги мураккаб соҳалардан бўлган ёзувлар тарихига бағишиланган. Асада олим ибтидоий пиктографик ёзувлардан тортиб то кейинги товуш-харф ёзувларигача бўлган барча ёзув босқичларини кенг таҳлил қиласиди. Қадимги финикия, яхудий, япон, лотин, славян, арман, грузин, уйғур ва бошқа қирқдан ортиқ ҳалқлар ёзувлари ва уларнинг келиб чиқиши ҳакида маълумот беради. Олимнинг илмий хуласасига кўра, товуш-харф ёзув тизими энг аввал финикия ҳалқлари томонидан яратилган, яхудий ва араб ёзувлари шу асосда юзага келган.

Муаллиф асарга Шарқ ҳалқларининг машҳур хаттотлари тўғрисида ҳам маълумотлар киритади. Ҳусният ва ҳусни нақшда санъаткор бўлган Ибрат бу соҳадаги билим ва тажрибаларидан элни мукаммалроқ баҳраманд қилишга жазм этади. Ўз асарида у ҳусниятнинг турлича ажойиб намуналарини беради.

Мураккаб масалаларни бу тарзда кенг ва чукур ёритиш учун теран билим ва узоқ тадқиқот иши зарур эди. Ибрат чет элларда юрган вақтларида турли ҳалқлар тиллари билан бирга ёзувларини ҳам ўрганди, шу ёзувларнинг пайдо бўлиши тарихи билан танишади. Кўп йиллик меҳнати самараси бўлиб «Жомеъ ул-хутут» асари бунёдга келди (3. 202).

### *Адабиётлар:*

1. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилояти сайловчилари сакиллари билан учрашуведаги нутқи. «Наманган ҳақиқати». 2016 йил 5 ноябрь, сони, 1-, 2-, 3- бетлар.
2. Шаҳобиддин Мамазариф ўғли хотиралари.
3. Алихон Халилбеков. Наманган адабий гулшани. «Наманган» нашириёти,
4. Улугбек Долимов. Исҳоқхон Ибрат. Т., Шарқ, 1994.
5. Бу таассуротлар 1968 йил 25 январда Мелибой ота Мирзараҳимовдан ёзил олинди.
6. Расулбек Умматов. «Наманган ҳақиқати» газетаси. 2017 йил 28 январь. 8 сони. 1 февраль. 9- сони.

# ИСХОҚХОН ИБРАТНИНГ МАСЛАКДОШИ

Воҳидхон ҚОДИРОВ,

Ўзбекистон ҳалқ маорифи аълочиси,  
Ўзбекистон Республики Халқ ўқитувчisi

Самарқанддан Имом Бухорий зиёратгохи томонга 8 км юрилса, Даҳбед кишлогига борилади. Даҳбед Самарқанд шаҳрининг шимолий-ғарбий тара-ғида, Оқдарё ва ва Қорадарё оралиғида, Миёнкўлда жойлашган тарихий мавзелардан биридир. Шайбонийлар даврига мансуб манбаларга қараганда Даҳбед ўшанда Офаринкент туманида жойлашган бўлган. Даҳбеднинг пайдо бўлиши 16-асрнинг биринчи ярмида Фарғона водийсининг кадимги пойтахти Ахсикентда яшаган Саид Аҳмад Маҳдуми Аъзам (1461-1542) номи билан боғлиқ. У Самарқанд ҳукмдори Шайбоний султонлардан Жонибек Султоннинг таклифиға биноан Миёнкўлга кўчиб келган ва шу ерда яшаб, дастлаб ўнта тол эккан. Натижада ул зот яшаган мавзеъни «Даҳбед»(форсча – ўнта тол) номи билан атай бошлиғанлар. Маҳдуми Аъзам водийдан Самарқандга келиб, 1515-1528-йилларда шу ерларда яшаган.

Маҳдуми Аъзам - сўфийлик тариқатининг улуғ назариётчи олими. У нақшбандия тариқатининг Мовароуннахрда Хожа Аҳмад Валидан кейинги буюк муршиди сифатида фаолият кўрсатган. Бу зот ўз замонасининг улуғ мутасаввуф олими ва назариётчиси бўлиб, унинг авлодлари ҳам тасаввуфнинг йирик намоёндалари, бинобарин, олими фозил кишилар бўлишган.

Маҳдуми Аъзамнинг авлодларига давлатларнинг ҳукмдор, султон ва беклари ихлос қилишган, мурид бўлишган. Унга мурид бўлган ҳукмдорлар орасида энг машҳурлари Убайдуллохон, Бобурмирзо, Искандархон ва Жонибек Султон кабилар эди.

Биз таништирмоқчи бўлганимиз Мадали хожа ибн Абдуқодир Даҳбедий ҳам Маҳдуми Аъзам авлодларидан бўлиб, Даҳбедда 1864 йилда туғилган. У зеҳну заковатли, ақлу заковатда тенгсиз, илгор фикрли, таъб назми ҳам бор зиёли бўлган.

Мадали хожа Қўкондаги фаолияти даврида кўплаб илм, маърифат намояндалари, алалхусус, шоирлар Фурқат, Муқими, Завкий, Ҳазиний, Мухий ва Ибрат кабилар билан танишади ва ижодий ҳамкорлик қиласи.

Исҳоқхон Ибрат Қўкондаги «Тунқатор» мадрасасида (1878-1886) Муҳаммад Сиддик домла қўлида таҳсил олиб, она тили, форс,

араб, тилларини ўрганди. У мадрасада ўқиб юрган даврда Мадалихон хожа билан ижодий ҳамкорликлар қиласди. Исҳокхон Ибрат мадрасани тугатгач, Тўракўргонга қайтади ва серқирра дунёқарашли, шоиру фузало бўлиб, илм маърифат, таълимум тарбия билан машғул бўлди.

Мадалихон билан Ибратнинг ўзаро яқинлигини билдирувчи бир воқеа: тўракўргонлик хунарманд, чархчи уста Сиддик ҳажсафарига боришни ният қилиб, Кўконга боради ва чархчилик касби билан ҳалол маблағ йигиш мақсадида бозорга жойлашиб иш бошлаганда, маҳаллий бойлардан бири, уни алдаб, маблағини олиб қўяётганлиги ҳакидаги хабар Тўракўргонга, Исҳокхон Ибратга етиб келади. Ибрат дарҳол отланиб, Кўконга боради ва вазиятни ўрганади. Мадали хожани саройда эканлигидан фойдаланиб, у орқали хонга арзнома киритади ва масалани ижобий ҳал қиласди ва Сиддиқ чархчини ҳажга жўнатишга мушарраф бўлади.

Исҳокхон Ибрат инсонларга яхшилик қилиш, халқни илм-маърифатли этиш, замонавий янгиликлар билан таништириш, ундан фойдалана билишлар йўлида эринмайдиган, янгиликпарвар инсон бўлган. У Тўракўргонга Россия-дан босмахона олиб келиб, матбаа корхонаси (1909-1919 й.)ташкил қиласди. Кейинчалик босма-хонани «Матбай Исҳокия» деб номлайди ва китоблар, газеталар чоп этади. У Тўракўргонга музлаттич, фотоаппарат ва бошқа шу каби янги техника воситаларини биринчи бўлиб олиб келган эди. 1908 йил Тўракўргонга фонтан, катта боф, ҳовуз ва ҳаммом курдиради.

Домла Ибрат 1907 йил Тўракўргонда мактаб ташкил этишга ҳарақат бошлади. Бу мактабни ташкил қилиш учун муносиб ўқитувчилар, тузуккина илм-маърифатли инсонлар керак эди. Бу пайтда Кўқондан қайтиб келган Мадали хожанинг Косонсойда эканлигидан хабар топган Ибрат уни Тўракўргонга таклиф этади ва мактаб ташкил қилиш мақсадида ўрганинг билдиради. Мадали хожа ва Ибратнинг аввалдан мактаб ташкил этиш, халқни илмли, маърифатли қилиш, зиё тарқатиш мақсадлари бор эди.

Шундай қилиб, Тўракўргонда хозирги рус мактаби ўрнида янги билим маскани ташкил этилди. Мактаб даставал эркин иш бошлаб, унга турли диндаги кишилар қабул қилинди. Мадали хожа асосан ҳужжат ишлари билан шуғулланди ва хаттотликдан дарс берга бошлайди.

Элу юртда катта ҳурматта эга Мулла Искандар Абдуваҳҳобов ўша пайтда синфнинг энг етакчи, аълочи ўкувчиларидан бўлиб, синфкомлик ҳам қилган. Мирғиёс Ҳамдамов (Тўракўргон

шахрининг Поросмон маҳалла— сидан) эса мактаб устаси, ёғочсоз бўлган. Мулла Абдувоҳид Мирзарахимов ҳам фаоллардан бўлиб, яхшигина қизиқчи бўлган. Абдулфаттоҳ Каримов аълочи ўқувчи бўлган. Ўринбой ота (у ҳам поросмонлик, ўғиллари Исокжон ҳожи Ўринов ҳозирда ҳаёт) шу ерда таҳсил кўрганлар, «печка бобо» номи билан машҳур эдилар.

Мактаб ҳақиқий илғор тамойиллар, янги таълимий анъаналар асосида, ташаббускорлик билан фаолият кўрсатди. Унда она тили, форс, араб, рус тилларидан дарслар олиб борилган. Тақдир такозоси билан мактаб фаолияти рус хукуматининг катта қаршиликларига учраб ҳам турган. Имкони қадар мактаб фаолиятини тўхтатмаслик учун ҳатто номини ўзгартириб, «Русско- туземний» мактабига айлантирилган.

Мадали хожа Тўракўргонда юрган маҳаллари 1909 йили Рисолатхон исмли қизга уйланиб, Тўхтахон исмли қиз ва Дадаҳон исмли ўғил фарзанд кўради. Кейин шундай кунлар келдики, Мадали хожа мактаб фаолиятига давлат томонидан қилинган қаршиликлардан беҳад чарчайди, ёш фарзандларини ҳам қолдириб, ўқиш учун Бухоро мадрасасига жўнаб кетади. Мадрасани тугатгач, Даҳбедга – ота жойига келиб жойлашади. У ерда яна уйланиб, бир киз кўради. Шу жойдаги масжидга имом бўлиб тайинланади.

Даҳбед билан Тўракўргон ўртасида доимий алоқалар бўлиб турган. Мадали хожанинг отаси Абдукодир хожа улоқчи от бокиб сотиш билан шуғулланар эди. 1921 йили Тўракўргондагилар Яҳёхон Шодмоновни (1901 -1980 ) Даҳбедга Мадали хожадан хабар олиш учун жўнатишиади. У Даҳбедга борган пайтда катта улоқ, кўпкари бўлаётган экан. Мадали хожа ҳам шу томошада қатнашаётган бўлиб, у азиз меҳмонни хурмати учун отасидан колган энг яхши улоқчи отлардан бирини бериб, уни улоққа киритади. От яхши ва анча чапани бўлганлиги учун улоқни олиб ташқарига чиқиб кетади. Яҳёхон отни бошқара олмай, тўрт метрли катта ариқ ёнига бориб қолади, от эса ариқдан сакраб ўтиб кетади. Бу воқеани кўрган улоқчи ишқибозлар отга харидор бўлиб, катта пулга сотиб олганлар.

Мадали хожанинг Тўракўргондаги биринчи фарзанди Тўхтахон (1910-1943 й.) бўйи етиб, Косонсойдаги кариндоши, нон комбинати директори бўлиб ишлаган Машрабхон эшонга 1928 йили узатилади. У 1930 йил ўғил кўриб, унга Обидхон деб исм қўяди. Машрабхон эшон иккинчи жаҳон урушига кетиб қайтмаган. 13 ёшида

онасидан ҳам айрилган Обидхонни 1947 йили тоғаси Дадаҳон эшон Аҳсига, яъни Файзиободга олиб келиб, тарбиялаб вояга стказади.

Мадали ҳожанинг иккинчи фарзанди Дадаҳон эшон (1911-1991.) саккиз ёшида -1919 йил Аҳсининг Файзиободидаги Бувахон ҳожи исмли савдоғарга теккан онаси Рисолатхоннинг орқасидан Файзиободга келган. У вояга етиб Ҳабибаҳон исмли қизга уйланиб, Раҳимаҳон (1937-1943) ва Каримаҳон (1939) исмли қизлар кўради.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Дадаҳон ҳам кўпчилик катори уруцга сафарбар қилинади. У уста дурадгор бўлганилиги учун «Рабочий батальон»га олинади ва Бекободдаги металлургия заводи қурилишига жалб этилади. У ерда заводнинг пойдеворидан тортиб, биттунча қадар меҳнат киласи. Уста Дадаҳон ўзининг ҳалол меҳнати туфайли кўп ўтмай бригадирлик кила бошлайди, «стахановчи» деган унвонга сазовор бўалди. Завод битгач, қадрдон қишлоғига кайтиб келади.

Бу пайтда унинг умр йўлдоши Ҳабибаҳон оламдан ўтган ва иккى қизи онасиз қолган эди. 1946 йилда Дадаҳон эшон Муҳаррамхон(1917-1998) исмли аёлга уйланиб, кейинги турмушидан Зоҳидхон (1951), Воҳидхон (1955), Зокирхон (1959) ва Назираҳон (1962) каби фарзандлар кўрди. Уста Дадаҳон эшон имон-эътиқодли кишилардан саналиб, бинокор уста сифатида элда улуг ҳурматга сазовор бўлган. Фарзандларининг иккитаи олий маълумотли ўқитувчи, бири ҳамшира ва яна бири ҳайдовчилик касбида ишлайди. Камина ҳам шу азиз инсоннинг фарзандиман. Бутун умрим бўйи маориф соҳасида сидқидилдан хизмат килиб, камтарона меҳнатларим эвазига «Ўзбекистон ҳалқ маорифи аълочиси» ва «Ўзбекистон Республикаси ҳалқ ўқитувчиси» унвонлари берилди.

Исҳоқхон Ибратнинг номи ва жўшқин фаолияти эъзозланадиган замонамизда унинг жонфидо маслакдоши бўлган Мадалихон Эшондек улуг зотлар ҳам ҳурмат ила ёдга олинишга ҳаклидирлар.

«Тұрақтұрғонда у кишига атаб, замонавий бөг яратиб, ёдгорлик мажмусини ташкил қылсақ, буюк бобомиз олдидағи қарзимизни узган бүламиз... Бу ерда ёшларимиз учун тил үргатиш бүйича «Ибрат мактаби»ни ташкил қылсақ айни муддао бүлур эди».

Ш.М.МИРЗИЁЕВ



## ХОТИРАЛАР

# ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙ АВЛОДИДАН

Нўймонхон МЕҲМОНОВ,

*Исҳоқхон Ибратнинг чевараси, меҳнат фахрийси*

Исҳоқхон қози дадаларнинг аждодлари, яъни бизнинг калон буваларимиз аслида Туркистондан бўлишади, Сайрам деган жойлар бор Чимкент тарафларда – ўша ерда яшашган. Буларнинг насли Хожа Аҳмад Яссавийга бориб тақалади. Хожа Аҳмад, маълумки, пири муршид бўлғанлар, тасаввуфнинг «Яссавия» тариқатига асос солган шу зотдирлар.

Яссавий бобомизнинг оталари Шайх Иброҳим эди.

Хожа Аҳмад боболари Арслонбоб отадан, ундан ташқари бошқа икки-учта устоздан, жумладан, Шаҳобиддин Исфижобийдан таълим олганлар. Бухорода ўқиганлар. Жуда ёш эканликларидаёқ аллома ва шоир бўлиб кўзга кўриниб қолган эканлар.

Бу азиз китобларида 11 мингдан ортиқ ҳикмат ёздим, 125 ёшга кирдим, шундан 60 йилини ер юзида, 65 йилини ер остида яшадим, деб айтганлар. Яссавий пири муршид сифатида Ислом динини ҳамда бу дин асосига курилган тариқатларини Шарқнинг Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Покистон қаби бир қатор мамлакатларига тарқалиш йўлида саъй қилиб ўтганлар.

Катта буваларимиз то Неъматулла хожагача Сайрамда яшаганлар. – Неъматулла хожа даҳа ва Суннатилла хожа додалар Туркистонда бирлари олти марта, иккинчилари етти марта чилла ўтиришган. Тариқатнинг бошқа амалларини, мақомларини ҳам адо этганиларидан кейин, буларга иршод хати берилган, сиз фалон минтақадаги қавмга раҳбарсиз, деб водий томонга жўнатилган.

- Булар Пунгондан ўтгандан кейин «Хонбува» ёки «Хобува» деган қабристонлар бор, шу ерга келиб тўхтапади. Шунда уларга: «Ҳали яна юришингиз керак», деган амр келади ғойибдан, яъни шу фикр кўнгилда аён бўлади. Яна йўлга чиқиб, Гулқишилоқ яқинига, дарёнинг бўйига етишади. «Йўқ, яна юрасиз», деган буйруқ келади ва Неъматулла хожа Эшон Мулла Кудингта келиб тушадилар. Енларида яна икки укалари ҳам бор экан. Бир муддатдан кейин битта укалари Қўқондан Бешариққа кетадиган йўл бо – Данғара ғомонларда, шу ердаги қабристонга бориб ўрнашиб қолади. Иккинчи укалари Косонсой томонга – Куюқмозорга бориб ўрнайди. Бу қавм шу зайлда томир отиб, палак ёйиб, Хўжақишилоқ, шаҳри Наманган, Тўракўргон, ундан нари Андижон, Қўкон, Фарғона

тарафларга тарқалиб, борган жойига иймон ва илму ирфон еткуриб умр кечиради.

Қози даданинг укалари Отауллоҳон эшон ҳам тасаввуф, тариқат билан машғул бўлиб, пири муршид макомига етган зот бўлган. Бу кишига эргашган соликлар то Андижон, Ўш, Фарғона тарафларда ҳам кўпчиликни ташкил этган.

Қози дада билан Отауллоҳон тўранинг ораларида икки-уч ёш фарқ бўлган. Мулла Кудингда «Яссавия» тариқатини Отауллоҳ эшоннинг кизлари Ҳуринисоҳон отин ҳам тарғиб этганлар. Қози эшон дада ҳам бу ерга тез-тез келиб турганлар.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Отауллоҳон ўз қизлари Ҳуринисони Ибрат домланинг ўғиллари Аббосхон тўрага узатиб, ака-ука куда бўлишган. Бу никоҳдан Рашидхон – Рашодхон, Ҳурилиқоҳон, Каримахон исмли фарзандлар дунёга келади.

Бугун Мулла Кудингдаги «Хилват» мозори ёнида яшаб, улуг боболарининг чироғини ёқиб ўтирган Раҳимхон, Насимхон, Олимхон, Набибулло, Хайруллоҳонлар ана шу Рашодхоннинг фарзандларирид.

Мен ва опам Канорахон эса Аббосхон эшоннинг Ҳурилиқоҳон қизларига фарзанд бўламиз.

Аббосхон опокдадамиз билан катта энам Тўракўғонда яшашган, ҳозир у ерда энг кичик аммамиз Афифаҳоннинг қизлари Санъатхон яшайди.

Опокдадамиз ҳамма жон сақлаш учун ҳар томонга тиркираб кетган алғов-далғов маҳалларда Шаҳриҳонга кетишга мажбур бўлишади. Аббосхон тўранинг юқорида айтганимиз Рашодхон ўғиллари Шаҳриҳонда туғилган.

Аббосхон тўрани ўша ерда – Шаҳриҳонда қамоққа олишган, бу воқеа Исҳоқхон Тўра қамалишларидан бир ҳафта олдин содир бўлган.

Аббосхон каттам ушланган куни Шаҳриҳондаги бизнинг маҳалламиздан бирданига 27 одамни олиб кетишган. Бу каттамизни қайси республикага, қайси вилоятга этап қилди, ёки бошқа бир ҳукм чиқарилди – ҳеч қандай хужжат топилган эмас. Ақбар бува деган киши шу опокдадамиз билан бирга қамалиб, 21 йилда келди. Қўшни эди, ўша йиллари кишлоқ шўросига раис бўлиб ишлаб турган Йўлдош кал деган одам сотган экан, эшонларни уйига олиб кириб, меҳмон қилди, деб ёзиб берган экан. Ўша одам қариганда тавбапушаймон қилиб юрди, мен аҳмоқ, эшишак эканман, билмаган эканман, деб.

Акбар бува ҳам бирор нарса айтиб беролмадилар.

Исҳоқхон каттами илгари ҳам уч марта, тўрт марта «суриштирип, суриштирип» қилишган экан, лекин бу кишининг Файзулла Хўжаев, Акмал Икромовлар билан муносабатлари яхши бўлган, улар айрим масалаларда оппоқдадамиз билан маслаҳатлашиб туришган деган маълумотлар бор. Шунга тега олмаганлар. Бу ҳаммага маълум гап эмас. Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромовларни «олгандан» кейин оппоқдадамни ҳам ҳамашга журъат килишган.

Биз ҳам у кишининг авлодлари, муҳлислари, ҳамюртлари суст қараб турмаслигимиз керак.

Аббосхон каттам қамалганларидан кейин бир ҳафта ўтгач, НҚВД Исҳоқхон оппоқдадамни олдига келган.

- Эшондада, сизни бир ўғилингиз билан кўриштириш даркор бўлиб қолди деб алдаб, йўл ишлатиб олиб кетишган, Андижонга бир бориб келасиз.

Махалламизнинг 80-90 ёшнинг тепасидаги бари оқсоқол кишилари билан гаплашганман ва улардан опоқдадаларимиз ҳақида ҳеч бир ёмон гап эшитганмасман. Доим яхши томонларини гапириб:

- Ибрат эшон бува келсалар, бизга панду насиҳатлар қилиб, мушкул масалаларни ечиб бериб кетардилар, – дейишади.

Ҳадеб бормас эканлар, бир йилда бир-икки марта Шаҳрихон, Олтиқўл томонларга чорлашганда айланиб келар эканлар, танишибилишлари чақирав экан, эшоним, тўй қиласяпман ёки бошқа тадбир қиласяпман, келинг деб.

Исҳоқхон эшон келиби дейишсаёқ бари йирик уламолар тўпланар экан – Ҳақулобод, Чинбод тарафлардан. Ширин масалаи масоиллардан килиб бериб кетар эканлар.

Феълу атворларига келганда ниҳоятда хушфеъл, ҳалим, сахий өдам бўлганлар деб эшитамиз. Йilmни ҳам қизғонмас эканлар. Ўзларида бир тўргам нон бўлса, шуни ярмини бошқаларга илингланлар.

Бу гапларни Наманган шаҳрида яшаб ўтган Каромат эшон, ўғиллари Насимхон акадан эшитганмиз. Кўп гаплашганмиз улар билан.

Бир вактлар жуда кийинчилик бўлган экан, уларнинг уйларида сайдиган ҳеч вако қолмабди. Каромат эшон шунда қози домлага ўтайлик, деб Насимхон ўғлини етаклаб Тўракўргонга бориби.

- Ҳозир ҳам йиглаб дуо киламан, ўшанда эшон бува бир қоп ёрма бүгдой берган эдилар, шу бизни ўлимдан саклаб қолган, – дегандилар Каромат эшон.

Бу томонини ҳам айтиб қўявераман, илгари ҳам яширмаганмиз. Бу Эшон дадамлар тузалмайдиган касалларни ҳам оятлардан ўқиб, тузатиб юборганинни кўп эшигтанмиз. «Эшон бувам дам солганиннидан кейин яхши бўлиб қолганман, тасбех билан уч тўрт марта уриб: «Хе, аҳмок! Чик!» - деб ҳам қўярдилар» дейишган.

Масалан, Аббосхон каттам китоб кўрар эканлар. Вараклаб очмас эканлар, шундоқ бир ерни очиб, ўқиб кўрар эканлар-да: - Фалончи, сиз шу ёшга боргунча икки марта уйланасиз, шундан иккита ё учта болалик бўласиз, - деб айтиб берар эканлар.

Яқин йилларга довур ҳам одамлар уларнинг шу хислатларига тан бериб гапириб юришди. Абдуллажон ака деган кишига айтган эканлар:

– Абдулла! Энди шу сен Марям билан 22 йил турмуш қиласан. Аммо болалик бўлмайсан. Кейин яна бошқа аёлга уйланасан. Ундан етти бола кўрасан.

Абдулла аканинг кейинги ҳаёти худди шу башоратда айтилгандай ўтди.

Низом солдат деганимиз бор. У сўрар экан:

– Эшон бува, мени ҳам бир кўриб қўйинг!

- Ҳа, Низом! – дебдилар. – Сен мана шунака нос ва наша чекиб юраверасан, эллигингта довур одам бўлмайсан! Элликка кирганингдан кейин уйланасан. Саккизта болали бўласан! Китобни кўрсам, шунақа тушаяпти сенинг тақдиринг.

«Юлдузнома» деб айтилган шу китоб «Хилват» қабристони якинида яшайдиган Иброҳим бобонинг қўлларида бўлса керак, деган тахминлар бор. Улар буни тан олмаяпти.

Ҳамкишлогимиз мулла Искандар бува Аббосхон оппоқдадамнинг шогирдларидан эдилар. Яна Ҳақкулободда Мамадали шохдор деган одам бор эди – мураттаб қори... Булар оппоқдадамдан тарбия олиб кейин Мулла Қирғиз мадрасасида таҳсил олишган. Шу Искандар бува ўзи айтган эди:

- Бирорга индамангу, илмни мен опоқдадангиздан ўрганганман. У киши устозим бўладилар. Бирорга индаманг, дейишларига сабаб, бундок эътирофлар у замон учун хавфли эди.

Исҳоқхон Ибратнинг улуғ хизматларини рўёбга чиқариш, номини абадийлаптиришдек савобли ҳаракат Ислом Абдуғаниевич

Каримов даврларида бошланган эди. Мана энди, Шавкат Мирзиёевнинг ўзлари катта эътибор беряптилар.

Биз ҳам – у кишининг авлодлари, мухлислари, ҳамюртлари қам суст караб турмаслигимиз керак.

### **Нўъмонжон Мехмоновнинг хотира дафтиридан**

Онамизнинг исемлари Хурилиқохон эди. Аямнинг дадалари Аббосхон тўра, у кишининг бузруквори эса Исҳоқхон тўра Ибрат ёшон бўладилар. Исҳоқхон тўранинг қиблагоҳи Жунайдулло хожа, бу кишининг оталари Суннатилло хожа бўлган. Шундан кейин шажара бўйлаб бораверсанг – Хужатилло хожа, Неъматилло хожа, Назируллохон ёшон ва ундан нари султон ул-орифин Хожа Аҳмад Яссавийга ва Ҳазрат Али карам Аллоҳу важҳаҳу ва пировард Расулу Акрам пайғамбаримиз кизлари биби Фотимага етиб боради. Орада айтилмаган барча боболаримнинг исемлари шажарада ҳамда тўрт асрдан ортиқ тарихий манбалар ёзилган тошда баён этилган . Мазкур тош Намангандекан вилояти Намангандекан тумани Муллакудинг кишилогидаги Хилват мозори гумбаз айвонида авлодлар томонидан саклаб келинади.

Неъматилло хожа ёшон ўз даврида пири муршид, олим, аллома, ислом дини билан боғлиқ барча илмларни мукаммал ўқиган, маъносини ўрганиб таржима қилган ва тариқат пири муршиди бўлиб етишган, валиюллоҳ шайх сифатида кўп каромат мўъжизалар кўрсатган буюк қалб эгаси бўлганлар. У зот ўзидан кўп шогирдлар колдирган, ўша даврда Сайрам мадрасасида юзлаб, беш юзлаб болаларга сабоқ берганлар. Сўнгра васиқа ва йўлланма билан Намангандекан, Тўракўргон ва Қозоқкўргон тарафга яссавия тариқатини гарқатгани юборилганлар. Муллакудингдаги «Хилват» мозорига келиб, бу ерни ободонлаштирган, гумбазли бино, мачит ва галабалар ўқийдиган жой, ётоқхона ва чиллахоналар барпо ўтилишига асос солғанлар..

Неъматилло хожа ёшон фарзандлари: Қорабош хожа, Кичкина хожа, Суннатилло хожа ҳам ниҳоятда илмли, забардаст инсон бўлишган, дадаларидан сўнг пири муршидликни давом эттиришган, тъни шайх бўлишган.

Суннатиллохожа ўғиллари Жунайдиллохожа ҳам таърифига тил ўжизлик қиласидиган кенг қамровли дунёвий-ухровий илмларга эга бўлган улуғ зот, ислом дини, ислом илмини мукаммал билган, кароматлар кўрсатган инсон бўлганлар. Умрлари давомида Сайрам ва Туркистонда – Хожа Аҳмад Яссавий хонақоҳида етти маротаба

чила ўтириб, пири муршид мақомига эришган ва сўнгра дадалари, боболари сингари тариқат силсиласини давом эттирган пири комил бўлғанлар.

«Хилват» мозорида мавжуд бўлған масжид ва хонақоҳлар, бир қанча чиллахона, талабаларнинг сабок ва ётоқхоналари ўтган давр оралиғидаги алғов-далғовлар, ҳар хил табиий оғатлар натижасида вайрон бўлған. Ана шу иморатларни Жунайдилло хожа бобомиз кайтадан ўз ўрнига тиклаганлар.

Жунайдилло хожа вафотларидан сўнг ўғиллари Отауллоҳ хожа силсилани давом эттирганлар, бу зот илм-фан, маърифат сохиби, диний илмларни мукаммал билган уламо-мулло бўлғанлар. Жунайдилло хожа бобомиздан жуда кўп китоблар ёдгорлик колган, диний мавзудаги асарлардан ташқари, риёзиёт, ҳандаса, физика ва кимё, тарих, фалакиёт, табиатга оид бир қанча китоблар ҳамда адабий-бадиий асарлар бўлған, ҳозирги кунда баъзи бирлари бор, баъзи бирлари алғов-далғов даврида йўқолган.

Оқ пошшо келди, ундан кейин кизил империя даврида ағдар-тўнтар авжига чикиб, одамларнинг уйида тезагигача қўйишган йўқ, талон-тарож қилишди. Иккита оти борми ёки иккита ҳўқизи борми, бойлиги борми, ҳаммасини келгинди солдатлар тортиб олгани, ўзбек ҳалқини талаб, қатағон қилгани, ҳар томонга сургун-бадарға қилгани ҳақда ёшлар билиши керак. Марказий ҳукумат 1917 йилдан 1990 йилга қадар Ўзбекистоннинг бошига тушган митадай, ер ости ва ер усти бойликларини, олтин захираларини, нефтини, пахтасини, пилласини ва хоказо борки хом-ашё маҳсулотларининг ҳаммасини олиб, еб ётди, хоҳласа юз фоиздан бирини берди, хоҳламаса йўқ.

Отауллоҳхон хожа дадаларидан сўнг Сайрамга тез-тез бориб, пири муршидлар билан сұхбатлашиб турганлар, тариқат илмидан сабок ва улушлар олганлар ва бу ишни «Хилват» мозорида 1887 йилдан 1915 йилга қадар давом этказғанлар. Туғилган йиллари 1865 мелодий йили, тариқат силсиласида 39 ўриндалар.

Отауллоҳхон эшон Тўракўргон ва Намангандегани туманига қарашли Хўжақишлоқда, Муллакудингдаги «Хилват» мозорида Яссавий тариқатини давом эттирган охирги пири муршид ҳисобланади. Дадаларидан кейин Хуринисохон қизлари бир кун Отауллоҳхон эшонни тушда кўрадилар, у зот айтадиларки: - Қизим, сен Хилватга бориб тур, барча боболаринг ана шу ерда мадфунлар. Шу тариқа бувимиз у ерга келиб, умрларининг охиригача ҳалққа одоб-ахлок, ҳалоллик, тўғрилик ҳақида панд-насиҳат қилғанлар, ислом амаллари, тариқа қоидаларидан сабок берганлар. Ўша даврда

Хил-ват» мозоридан ҳеч одам узилмаган, 100 одам келса, 100 одам ётиб турган. Муридлар муршид ҳузурига доимо келиб-кетиб йуришган, яна ундан ташқари 50-60 илми толиб бу ерда муким йулиб, сабоқ ўрганишган. Эҳсон- хайрия қиласидиган одамларнинг ёти узилмаган. 6-7 қозонда доимо овқат қайнаб турган.

Исҳоқхон тўра ўғиллари Аббосхон тўра ҳозирги Тўракўргон Сайрам қишлоғидаги Намангандеги кўчасида, «Гулбоғ»да 1885 йилда та-валлуд топгалар. Вафотлари 1937 йил, қаерга дағн килингандарни то-маълум. Аббосхон тўра то балогат ёшигача уй ишлари билан бўлиб, ота-оналаридан таълим-тарбия олганлар, Куръон ва бошқа илмларни инсон тақдирни ҳакида башорат килиш ҳамда рассомчилик каби катор хунарларнинг соҳиби эканлар.

Аббосхон тўра 1910 йилдан то 1930 йилларда органларда хизмат қилгандар. У киши билан бирга ишлаган ички ишлар ходими Қодирхон амакимнинг айтишича, Аббосхон ўз иши бўйича пухта би-лимга эга ходим бўлган, жамоат ишларида кўп жонбозлик кўрсатган яхши инсон эди.

Отауллоҳхоннинг қизлари Ҳуринисоҳон (Аббосхон каттамизнинг волидаси) таълим-тарбияни ўз дадалари ва бувйларидан олганлар, айтишларича намоз, рўзани жуда эрта бошлагандар, 5-6 ёшларида «Ҳафтияқ»ни ўқиб чиқарган, 8-10 ёшларида Куръони каримни жуда кўп маротаба устозлардан ўтказганлар. Бошқа илмий, ислом тарихига оид китобларни жуда яхши билганлар. Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарини, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Шоҳ Машраб, Фузулий, Фаробий ва бошқа мутафаккир, ёзувчи, шоирларнинг асарларини мутолаа қилиб, чуқур ўрганган, тенгкурлари, катта-кичик танигандар билган инсонларнинг айтишича, етук аллома, отинбиби бўлганлар. Тўракўргонлик Отиқаҳон отин ҳамда Қора отинлардан бу ачамиз ҳакида кўп яхши гацларни эшитганмиз.

Исҳоқхон тўра ўз ўғиллари Аббосхон тўрани инилари Отауллоҳхоннинг қизлари Ҳуринисоҳон ойимга уйлантиргандар. Бу-лар менинг опокдадам ва опокбувим бўлишади. Икковлари 1910 йилларда турмуш қуришган, тўйлари Тўракўргонда бўлиб ўтган. Тўракўргондаги ўша даврда булар яшаган ховлида ҳозир кунда жия-нимиз Саодатхон Исроил хожа қизи оила аъзолари билан яшаб келмоқда.

Исҳоқхон тўра ўғиллари Аббосхон тўра ва Отауллоҳхон тўра қизлари Ҳуринисоҳон ойимнинг З та фарзандлари бўлган. Биринчи қизлари Ҳурилиқоҳон (1920), иккинчи қизлари Каримахон (1926),

булар Тўракўргонда таваллуд топишган. Учинчи фарзандлари Рашодхон Аббосов Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани Гумор қишлоғида 1933 йилда туғилган. Аббосхон тўра ва Хуринисоҳон ойимнинг Шаҳрихон туманига бориши сабаби шуки, дадаларидан, боболаридан қолган таноб-таноб ерлари бўлган, бироқ булар боргунга қадар бу ерлар шўролар хукумати томонидан халққа тарқатиб юборилган. Булар Шаҳрихонда 1930 йилдан 1940 йилгача яшашган. Колхоз томонидан уларга Қозонқўл деган жойдан ҳовли қилиб берган.

Аббосхон тўрам Туморда боғбончилик билан шуғулланиб, тирикчилик қилганлар ва маҳаллада яхши обрў-эътиборга эга бўлганлар. У киши қасидаҳон, рассом ва бащортаттўй эдилар. Кўп одамлар ҳар хил дард тортсалар, бошларига тушган турли мушкул иш билан мурожаат қилиб туришган, бобомиз имкон борича уларнинг дардига малҳам бўлганлар. Аббосхон тўра ҳакида ҳамкишлогимиз Толипов Мирҳомид aka шундай воқеани сўзлаб берган эди:

«Махсум поччамга ўзимнинг нотинч ҳаётим тўгрисида гапириб, келажақда нима бўлади, деб сўрадим. Аббосхон тўрам:

- Мирҳомид, сен илм толибининг ўғлисан, яхши инсон фарзандисан. Сенинг бошингда оғир, мушкул ишлар турибди, тўрттаси хатарли, лекин бунга чидашинг керак, бу – Аллоҳнинг буйруғи.» Тўртта мушкул хатар ҳакиқатда ҳам бошимдан ўтди. Бешинчиси ҳакида шундай дегандилар:

- Мирҳомид, 48 ёшингда хотининг билан ажрашиб, бўлак хотин оласан ва ундан 9 фарзанд кўрасан, еттитаси ҳаёт қолади.

Ҳамма айтган гаплари тўғри, ҳак бўлиб чиқди.»

Низомиддин Дўсматов деган инсон ҳам доим кунда-кунорада Аббосхон тўрам ва отам ҳакида меҳмонхона, самоварлардаги гурунгларда гапириб турар эди. Бир куни уйининг олдидан ўтиб кетаётган эдим, айвонда ўтирган экан, мени кўриб, «Э, эшон бува» деб кўчага чиқиб, мен билан саломлашди.

- Энди келиб қолибсиз, ўзим жуда орзуманд эдим, – деб уйига таклиф қилди. – Опокдадангизнинг мен ҳакимдаги бащоратлари ҳам ҳаммаси тўғри, аниқ чиққан, ҳаётимда бўлиб ўтган.

- Нима деган эдилар?

- Аббосхон тўрам опоким менга: - Э, Низомиддин қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар кўп юрасан, охири қишлоғингта келиб, 50 ёшга борганингда уйланасан ва етти нафар фарзанд кўрасан, - деган эдилар, бари рост бўлиб чиқди, – деди у ва йиғлаб юборган.

Яна бир ажойиб воқеа содир бўлганки, ҳозирги кунга қадар ҳалкнинг оғзидан тушмайди. 1934-35-йилларда Гурохон, Соқобод деган маҳаллада Жакбархон тўра деган одам бўлган экан – девонасифат, безиён, бирор билан иши йўқ. Ўша даврда қишлоқ советининг раиси бўлган Ниёзов Акбарамин ва яна икки-учта одам Жакбархон тўрани мазах қилиб кулишган, қайдандир ҳайдаб, йўқол деб хақорат қилишган. Жакбархон тўра ўша куни дадасининг қабри тепасига бориб, хафа бўлганидан уларни қарғайди ва бир кун ичида ўша одамларнинг соч-соқоли тўқилиб кетади. Улар кечирим сўраб, тавба қилишиб эшонга борадилар, лекин эшон тавбани қабул қиласиди, отилган ўқ қайтмайди, деб жавоб беради.

Улар бормаган жой кломайди, ҳамма дори-дармонлар фойда бермагандан кейин ўшандай кал бўлиб, кўса бўлиб юришади, ҳозир кал ҳам кўп, соқолсиз юрган ҳам. У маҳалда бу жуда хунук ҳолат эди.

Булар ҳамма чорани қилдик, даво топмадик, энди Намангандаги Исҳоқхон тўра билан Отауллоҳон эшонларни меҳмонга таклиф этиб, дуоларини олайлик, зора даво топсак, деган фикрга келишади. Эшондадалари Шаҳрихонга Туморга тўрт-беш киши ҳамроҳлигига меҳмонга келишади, меҳмондорчилик охирида қишлоқлилар маҳалла номидан арз қилиб, бўлган воқеани тушунтиришади. Эшон дадалар дуо килишади. Шундан кейин соч-соқолдан жудо бўлганлар уларнинг дуолари мустажоб бўлиб, шифо топадилар.

Эшондадаларнинг муриди кўп бўлган, баъзи бирини айтиб ўтаман.

Тўравой бува, Мирза бува, Бўтавой бува, Йўлдошвой бува, Ҳайдар ака, Абдураҳмон бува, Сайдулло ака, Акбарамин Ниёзов, Эшонкул бува, Йўлдош карвон, Маматкул сўфи, Абдураҳмон сўфи, Ўринбой қори, Парғивой, Қоравой, Тоштемир бува ва бошқалар.

Бу воқеанинг яна давоми бор. Мазкур меҳмондорчиликдан ҳабар топган қўшни қишлоқ шўроси раиси Йўдош кал деган одам ички ишларга ҳабар беради. У ёзган хатда Акбарамин Ниёзматов партия аъзоси бўла туриб, уйига эшон-муллоларни чакирди, қўй сўйиб, ош-нон берди, дейилган экан. Кўп ўтмай аши бувани қамоққа олиб кетишади.

1937 йилги катагон бўрони Аббосхон каттамни тинч қўймади. Бир куни эрталаб маҳсус идора ходимлари келиб, уйда тинтув ўтказадилар, ҳеч қандай далил-ашё тополмай, деворга чизилган расмга кўзи тушади ва каттамдан сўрайди:

– Бу нима?

Аббосхон каттам жавоб беради:

– Буроқ.

Маълумки, меърож тунида Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни аришга олиб чиқкан от Буроқ эди.

Ходим шерикларига қараб:

– Бўлди, тўхтатинглар, шу далил етиб оргади,—дейди.

Бу гапни дадамнинг бувиси Бойтуманова Ханифа энам жуда кўп маротаба айтиб берар:

– Битта чизилган расм учун бедарак кетди, тўрам, – дерди.

Ўша куни кечаси соат 11-12 ларда яна келишиб:

- Махсум почча, районга чақиришяпти, борар экансиз, яна олиб келиб кўямиз,— деб кўчада турган катта машинага чиқаришган, энам каттам билан бирга чиқкан. Энамнинг айтишича, ўша машинада 21 та одам бўлиб, уларнинг хаммаси дом-дараксиз кетган. Щулардан фақат биргина Ниёзматов Акбарамин бувани 1961 йилда қидирув ва суриштирув орқали жиянлари Исмоали, Йигиталилар Қозогистоннинг Қизилурда вилоятидан топиб олиб келишди. Қамоқдан келиб, колхозда мироб бўлиб, қовун-тарвуз экиб юрди, маҳалла аҳли уни элликбоши ва Аминбува дейишарди.

Мен бувамнинг кўп марта сұхбатини олганман. Акбар бувамга партия аъзоси ва қишлоқ шўросининг раиси бўла туриб, уйида эшонларни меҳмон килган, деган айбнома қўйилган. Акбар бувам Исҳоқхон бувамиз қилган яна бир башоратни айтиб берган эди:

– Эшон, мен Андижон турмасидан этап бўлишимдан олдин бошлиққа мурожаат этиб, Исҳоқхон тўра бирла учраштиришни сўрадим. Бошлиқ, яхшики, талабимни кондириб Исҳоқхон тўра ва Аббосхон тўра билан сұхбатлашиб, хайрлашиш учун бир соат вақт берди. Мен назоратчи билан Исҳоқхон тўранинг камерасига кирдим, кўришиб, салом-алиқдан қилганимиздан сўнг эшонбувам: - Акбарами, – дедилар. – Кўнглингта ҳеч нарса келтирма, камалдим деб хафаям бўлма, сикилма. Худо хоҳласа узоқ йиллардан кейин, албатта, соғ-саломат маҳаллага, уйингга қайтиб келасан, узоқ йил яшайсан,» – деб башорат қилдилар ва дуо қилдилар, охирги кўрганим ана шу бўлди. Аббосхон тўрам билан ҳам хайрлашиб чиқдим, тўрам бироз бетобга ўхшадилару менга билдири маслик учун индамадилар, бу кўришиш ҳам охиргиси бўлди.

Акбарами бувам дарҳакиқат узоқ яшадилар: 1880 йилда туғилиб 1981 йилда вафот этдилар.

1936 йили Аббосхон тўра Хурилиқоҳон қизларини Тумор қишлоғида яшовчи Мехмонхожа Исмонхожа (1910 йилда туғилганлар) ўғлига узатганлар. Дадамиз Мехмонхожа Исмонхожа ўғли ўша даврда саккизта колхозга бош бухгалтер ва туманда йўрикчи ҳам бўлиб ишлар эканлар. Ундан олдин Намангандаги шаҳридаги қиска муддатли ўқитувчилар тайёrlаш курсида ўқиганлар, чала саводликни тугатиш жараёнида Балиқчи, Чинобод туманларидағи қатор қишлоқларда фаолият кўrsatгандар.

Мактаб очиб, катта-кичик демай ҳаммага дарс бериб, саводини чиқаргандар. Ёдимдан ҳеч чиқмайди, дадамга бир кун савол берган эдим: - Дада, сиз ўқитган ўқувчиларнинг ҳаммаси 40-50 ва ундан ҳам катта ёшдаги одамлар бўлган экан-а?

- Ўғлим, – дедилар дадам. – Ўша давр шуни талаб қилган.

Яна бирда ҳикоя қилган эдилар:

– Намангандаги Мамасодиқ буванг билан бирга ўқирдик, дарсдан кейин Лайлакуя деган жойда чой ичиб, китоб ўқиб ўтиргандик, ногаҳон бир одам самоварга кириб келди. Бизга бир разм солиб қаради-да: «Қаердан келдинглар,» – деб сўради. Биз ўқитувчилар курсида талабалигимизни айтдик. У инсон: -Қани, мен билан юринглар-чи, – деб икковимизни бозорга олиб борди ва бир катор усти-бош олиб кийинтириб: - Ана, энди астойдил ўқийверинглар, – деб жавоб берди. Ўша одам менинг оёғим ялангоёқ, ўртоғимнинг дўпписи йўқ эканligини, устимиздаги буз кўйлак, буз иштонни кўриб раҳми келган бўлса керак. Бу кийимларни кийиб у саховатпеша одамини дуо килиб юрдик. Дастваб Чинободда ишладим, 2-3 йил ўтгандан Шаҳрихон (ўша даврда Сталин райони дейиларди) марказидаги мактабга келиб, ўқитувчилигимни давом эттиридим. Кейин мени дадамни билган маҳалладошлар бу ўзимизнинг кадр деб ариза беришди ва Туморга олиб келишди. Бу ерда хисобчи бўлиб ишни давом эттиридим.

Ота-онамиз 5 фарзанд кўришган. Юкорида айтиб ўтилди. Иккінчи қизлари Каналхон (Канорахон) 1938 йил Тумор қишлоғида таваллуд топган. 1958 йилда Абдуллаев Турсунхон билан турмуш куришиб, 8 киз фарзанд кўришган, 1968 йилда туғилган ўғли вафот этган, қолган барча фарзандлари ҳаёт, уйли-жойли, фарзандли, баъзи бирлари набирави ҳам бўлишди.

Исхокхон тўра ва Отауллоҳ хожага Канорахон ва Нўъмонжонлар чевара Аббосхон эшонга неварадирлар. Канорахондан гапирсак, унинг фарзандлари Ибрат эшонга эвара, кизи Манзурахоннинг фарзандлари дувара, Манзурахоннинг ўғли

Козимжоннинг болалари бегона. Канорахоннинг қолган фарзандлари: 2. Дилоромхон. 3.Муродилла. 4.Мухиддин. 5.Дилбарой. 6.Шухратбек. 7.Нигорахон.

Хуриинисохон ойим 1941 йилда икки фарзандлари – Каримахон холам ва Рашодхон төғамлар билан Муллакудинг кишилгидаги «Хилват» мозорига келадилар, тушда дадалари айтган сўзларга амал қилиб, илму маърифат тарқатиб яшайдилар. Уч фарзандни тарбиялаб, вояга етказадилар, кизларини турмушга чиқариб, ўғилларини уйлаб, набиралар кўрганлар. Биз катта қизлари Хурилиқохоннинг фарзандларимиз. Канорахон синглим Бўз тумани Гузар маҳалласида яшайди.

Иккинчи қизлари Каримахон холамдан икки фарзанд қолган, бир ўғил бир қиз: Боситхон ва Нодирахон. Булар уйли-жойли, фарзандлари бор. Боситхон Хўжақишлоқда яшайди, Нодира Қирғизқўргон ва Оқбулоқда.

Мен Нўймонжон Мехмонов Хурилиқохоннинг ўғли, Аббосхон тўранинг невараси, Исҳоқхон ва Отоуллоҳхон тўраларнинг чеварасиман. 1942 йилда Шаҳрихон к/с «Қизил Октябрь» колхозида туғилганман. Армия ва ўқищдан кейинги иш фаолиятим Андижон, Наманганд, Фарғона, Жizzах вилоятларида кечди. 2002 йилдан эътиборан нафақадаман. Мен баён этган бу барча сўзлар айни ҳакиқатдир: ўзим билган, кўзим билан кўрган дадам ва энам, катта эналаримдан, амма, хола, тоғаларимдан, қариндош-уруглардан ва бизнинг авлодни яхши билган маҳалла оқсоқолларидан, мўътабар кекса отахон, мулло, донишманд, тўғрисуз инсонлардан эшлиб, ёзган сўзимдир, тарихдан бир қатра томчиидир.

## ҲАҚ ЖОЙИГА ҚАРОР ТОПГАН КУНЛАР КЕЛДИ ...

**Жамилахон НИЗОМОВА,  
Исҳоқхон Ибратнинг набираси, муаллима.**

Оппоқдадамиз Исҳоқхон Ибрат жудаям күнгилчан, юмшоқ феъл одам эканлар.

Оила аъзоларига меҳрибон эканлар, ҳаётларининг охирiga довур бировнинг дилини оғритиб, ёмонлик қилган эмас бу одам.

Қозилик пайтларида кимдир арзга келса, албатта, яхши гаплар билан кўнглини олар эканлар. Покизаликни яхши кўрганлар. Кам овқат бўлганлар. Эрталаб бир пиёла ширчой ичарканлар холос. - Болаларим, кам овқат есанглар, ичинглар нурга тўлади, - дер эканлар. Шу одат Ибрат эшоннинг ҳамма авлодларига хос. Овқатга камэҳтиёжмиз.

Исҳоқхон опоқдадамиз, Аббосхон тоғамлар бир ҳибсхонада ўтиришган, бироқ бошқа-бошқа хонада. Улар ўша ерда кўришишганми, бир-бирлари билан юзма-юз бўлишганми, йўқми – билмаймиз.

Отангиз вафот этди, деган хабар менинг онам Зарифахон аяга ҳам келади. Булар кўзғолиб, қидириб боришган. Дадам, аям, Парпихон холамлар қабристонга боришганда:

- Сизларни киргизолмаймиз, – дейишган. – Ҳозир мумкин эмас. Ҳалироқ, кечаси келинглар, қабрининг олдига олиб борамиз, куръон ўкиб кетасизлар... Ҳозир анави ерда кўриқчи бор, милтифи билан турибди.

Аямлар ва дадамлар ёш бўлишган. Кечасида қабристонга боришдан қўркишган ва йиғлаб-йиғлаб қайтиб келишаверган. Лекин яхши бир одам шундоқ деган экан:

- Отангиз жуда иродали одам эканлар, неча кун ўтирган бўлсалар, факат сув ичдилар, холос. Бошқа овқат емадилар. Вафот қилганларида биз узимиз расм-русумларимизни қилиб кўмдик. Хотиржам бўлинглар.

Опоқдадамнинг оқланишларига Ротибхон акам сабаб бўлганлар. У киши Марказқўм, Министрлар Совети, Олий Совет деган ташкилотларга, Тошкентга ва Москвага ёзверганлар: «Менинг отам нима учун қамалди? Нима сабабдан? Кимга, нима ёмонлик қилган бўлишлари мумкин? 75 ёшга кирган кекса одам,

олим эдилар, фақат тарих, маданият, маърифат ҳақида китоб ёзганлар, ҳар хил сиёсий харакатларга аралашмаганлар».

Ротибхон акам ҳеч бўлмаса бир ҳовуч тупрок олиб келиб, Тўракўргонга қўяман, дедилар. Армонда кетдилар. Ҳозир Тўракўргонда хиёбон ташкил этилгани, бир миқдор хоклари олиб келинса, яхши бўларди.

- Ўтганимдан сўнг одамлар менга сигиниб юборади, қайга кўйилганимни кўпчилик билмасин, - дер эканлар. Ниятни қаранг, мана ҳеч ким тополмайдиган жойда қолдилар.

Аббосхон тогамиз ҳам жуда билимли, қароматли инсон бўлганлар, сувни тескарига оқиза оладиган одам деб шунақаларни айтишади.

Турли касалликларга чалинган одамлар келишганда, аямни кўзини рўмол билан боғлар эканларда:

- Ўтири, Зарифахон, мен дуо ўқийман, сен касалга қараб ўтиргин, - дер эканлар.

Исҳоқхон опподадам улардан ҳам кучли бўлганлар. Бирор кишининг қорни оғриб олса, кафтларини теккизиб силаб қўйсалар тузалиб кетаверган.

Онамлар ҳам жуда меҳнаткаш, қобилиятли, зукко аёл бўлганлар. Беш синфни битирганлари билан колхоздаги бари техниканинг фаолиятини ҳисботини қилиб, ишлаганларнинг иш ҳақини чиқариб берар эканлар.

Опоқдадамиз камалиб, сўнгра вафот этганларида Ротибхон акам кичкина, етти ёш бола қолганлар. Мактабга кетаётсалар, болалар тош отиб: - Қулок»нинг боласи! Уринглар, уринглар қулоқбаччани! - деб тошбўрон қилишаркан.

Аямлар мактабга борсалар, сизнинг дадангиз «қулок» бўлган, душман бўлган, деб мактабдан чиқариб юборишган экан. Олтмишинчи йилларгача ҳам шундай ўксинишларда, четта сурилишларда яшашган.

Ротибхон акам сув хўжалиги соҳасида яхши меҳнат қилганлар, салоҳиятли, тажрибали ходим бўлганлари учун шу соҳа бўйича туман бўлимига бошлиқ бўлишлари керак эди. Сизнинг отангиз «душман» бўлган деб, партияга ҳам ўтказишмаган, ўша вазифа ва лавозимларга ҳам лойик кўришмаган. Якин-яқинтча Исҳоқхон тўранинг авлодларига ана шундай паст назар билан қараш давом этган.

Ҳаммага ҳовли жой, томорқа учун жой ажратилганды мен ҳам неча бор ариза ташладым. Опокдадамдан қолган ерни олдинглар, менинг ҳам ҳақким бор дедим. Беришгани йүк.

Хозирги жаҳон тиллари университетида француз ва немис тиллари бўйича таҳсил олганман. Шунинг учун мутахассис сифатида айтаманки, олти тилини лугатни опокдадамдан бошқа ҳеч ким тузган эмас...

Умр бўйи улуғ бобомизга муносиб бўлайнин, деб астойдил, тиришиб ишладим, болаларни олимпиадаларга тайёрлаб, яхши ўринларни олганимиз хисобига методист-ўқитувчи, олий тоифали ўқитувчи унвонини беришди. Лекин бу ишлар ҳам осонликча амалга ошмаган. Доим каттик қаршиликларни ҳис килиб турар эдим.

Оналарим йиғлаб-йиғлаб армон билан дунёдан ўтиб кетишди. Чиқиб ота кабини қучоқлаб, кўнгил бушшатай дейишса, қабрлари йўқ. Қидириб-қидириб топишолмаган. Ротибхон акам топаман деб юриб, касалга йўлиқиб, ўтиб қолдилар. Агар эркак киши бўлганимда, албатта, қидириб кетардим, опокдадамниг изларини қаердан бўлса ҳам топар эдим.

1937 йил 3 марта боғ ҳовлимиизда чой ичиб ўтирсалар машина келиб тўхтабди.Шунда:

— Мени олиб кетгани келди, — дебдилар.

Ҳакиқатдан ҳам НКВД нинг одамлари кириб, ҳамма ёқни тинтуб килибди, китоблардан ташқари бир варак арабий имлода ёзилған хат бўлса қўймай йиғишириб, қопларга солишибди, машинага юклашибди. Шу машинага кўрпача солиб, опокдадамни ҳам чиқарибди. Ўтириб, кўрпачанинг этаги билан оёкларини ўрабдилар...

«Гулбог»да чет элдан олиб қелинган дарахтлар ҳам бўлган. Гулларнинг ҳар туридан бўлган экан. Ҳовлига арча экканлар, ҳозирда ана шу арчадан бир тупи сақланиб қолган.

«Гулбог» эски Намангандаги жойлашган эди. Намангандаги борадиган катта йўл илгари шу ердан ўтган. Кўчанинг чети бир қатор гул бўлган ҳар турли гуллар.

Каттагина боғ бўлган. Ҳозирда 10 дан ортиқ хонадон яшайди боғнинг ўрнида.

Анвойи-анвойи дарахтлар: ҳар ўриклар, субхон, кантак, турган жойида кок бўлиб қоладиган, яна неча хил... Файнолининг ўзидан олти хил-етти хил бор эди. «Дилафрўз» деган нок – бир томони қизил, бир томони оқ... Узум, анжир, бир қатор олвали, бир қатор

нок, бир қатор гилос... Яна меваси қон босимига даво бўладиган наъматак дарахти ҳам бўлар эди.

Майдо-майда мева қиладиган бир хил дарахт бор, мевасининг ичидан сут чиқиб, қотиб қолади. Сал ўзини билмай тантираб қоладиган одамларни ўшангага боғлаб қўйсалар тузалиб кетар экан. Ҳозир шу дарахт омон, сартарошхонанинг орқасида турибди, ҳалиям мева қилади.

Каттакон жар бўларди, ўша ердаги сувни бир нима ускуна ёрдамида боғни суғориш учун кўтариб олиб чиққанлар. Фавворанинг атрофи лойдан бўлган, курсилар ўрнатилиб, салкин бўлсин учун бир қатор арча экканлар.

Дарвозанинг тепасида болохона бўлган. Шу ерда ўтирас эканлар. Ичкарида уй, ғишт хумдон. Қишида хумдонга ўт ёқилганда уй ҳам исиган. Ҳовлидаги уйлар шу хумдонда пиширилган ғиштлар билан кўтарилиган.

Боғ 1960 йилларда бузилган бўлса керак. Тоғдан келган одамларга – қирғиз миллатига мансуб кишиларга уй-жой учун жой бўлиб берилиди дастлаб... Кейин яна икки хўжаликка ер ажратишиди. Кимнинг уй-жойи бўлмаса, «участка» қилиб беришаверди. Дарахтларнинг ҳаммасини майдалаб ўтин килдилар, мола босадиган хода килдилар, молхона курилганда устунликка ишлатдилар.

Биринчи марта музей ташкил қилинганда ҳаммамизнинг уйларимиздан опокдадамдан колган эсадалик буюмларини йигишириб олиб кетишиди. Кулоҳ дўппилари бўлар эди, кимнингдир бирор жойи оғриб келса, шу дўппини бошдан олиб, оғриган жойига суртиб қўяр эканлар:- Эй, қўя, қўя! деб... Ўша дўппи ҳам ҳозир йўқ. Йўқолган.

Яна бир ажойиб, матоҳми, клеенками бўларди, маҳсус тоши ҳам бор. Шу тошни ўша матоҳга ташлар, қайга тушганига қараб, одамларнинг тақдирини айтиб берар эканлар. Уни ҳам олиб кетишиган.

Кўп нарсалар йўқ, ҳозир. Ўша музейга директор бўлган кишига – Бурхонжон Низомовга уч марта учрадим, бераман, бераман дейдилар- қўядилар.

Бир улуғ сиймо билан боғлиқ кўп ноёб ёдгорликлар эди бари, қани энди? Ҳозир музей килинса, бизда ҳеч нарса қолмаган. Бор бўлса ҳам бергинг келмайдики, яна ўша окибат бўлади, деб. Ғишт хумдондан колган ғиштларни ҳам ўша ерга ҳовли қилган одам уй

жойини сотганда, машинага солиб юклаб олиб кетган. - Битта ғишт беринг, музейга қўямиз, - десам унамаганди.

Мустақилликдан кейин Тошкентда «Шахидлар хотираси» мажмуаси ташкил этилди-ю, очилиш маросимига қатағон курбонларининг авлодлари қаторида мени ҳам тақлиф қилишди. Ислом Каримов бу маросимда нутқ сўзлар экан, Абдулла Қодирий, Абдулхамид Чўлпондан кейин учинчى бўлиб опоқдадамларнинг исмларини тилга олдилар. Олдинги қаторда тургандим. Ибрат деганларида ҳеч ўзимни тутолмадим, роса йиғладим.

Армон билан баҳт, алам билан қувонч бирга келган эди ўша кун.

**Лолаҳон ВАЛИХОНОВА,**  
*Ибрат домланинг эвараси, муаллима*

Исҳоқхон Ибратнинг авлодлари у кишининг изидан борди. Кўпчилиги олий маълумотли, муаллим, тилчи, адабиётчи.

Мен ҳам тил ва адабиёт ўқитувчисиман, ўттиз йил ўкувчиларга шу фандан дарс бердим. Опоқдадамиз ҳақларида ёшлигимиздан эшитиб, енгил маълумотга эга эдик. Дарслик, дастурларига киритилмаса ҳам факультатив тарзда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир ва бу кишининг ижодларини ўтар эдик. Ажойиб тилшунос олим, шоир, тарихчи, маърифатпарвар бўлганларидан фахрланиб, болаларга буларнинг барини айтиб берардим.

Синглим Дијором касал бўлиб колганида, Исҳоқхон опоқдадамни қабрларини истадик, қабристон ўрнини уй-жой учун аҳолига бўлиб берған экан, яна бир қисмига троллейбус парки жойлашибди. Пойдевор учун ерни ковлашганда суюклар чиққанини гапиришди. «Опоқдаданглар тахминан мана шу ерга қўйилган», дейишди-ю, аниқ айтиб берадиган одам бўлмади. Бир кекса аёл билан гаплашдик. - Шу атрофда деб эшитганимиз, лекин қайси қабрлигини билмаймиз, - деди.

Эшитишимизча, чақув бўлиб қамалганларида шунга сабаб бўлган ёки қамоқда ёмон муносабат килган одамларнинг авлодидан ҳалигача ақли нокис фарзандлар тұғилар экан. Яхши адолат билан муомала қилганлар эса мартабалари күтарилиб, катта мансабларга муносиб бўлганлар.

Бу опоқдадамизнинг кароматли эшон, валий зот эканликлари хакидаги гап.

Менинг қайнонам ҳам шунаقا авлиё одамнинг қизлари бўлганлар. Мен у хонадонга кенжা келин бўлиб тушганман.

Аввалига жуда ахил яшадик. Кейин бир воқеа юз берди-ю, орага совуқчилик тушди. Қайнонам менга сира кун бермай қўйдилар, инжик бўлиб қолдилар. Шунда, бир куни у кишининг тушига Исҳоқхон тўра билан Отауллихон тўралар киришибди. Улар отда келишиб, дарвозани тақиллатган эканлар, қайнонам:

- Вой, келинг тўрам!, – деб қарши олибдилар қайнонам. – Уйга киринглар!

– Йўқ, биз Канолхондан, қизларидан хабар олгани келдик. Мана шуни қизимизга бериб кўй, этагингни оч, – деб сенсираб гапиришибди-да, икки тутум ўрик олиб, қайнонамнинг этагига ташлашибди.

Бу тушни қайнонам йиглаб-йиглаб айтиб берганлар: - Вой, мен шундок хато килибман, дарров арвоҳлар безовта бўлиб келишибди. Қози эшон билан Отахон тўра келишибди,- деб

Ўзим касал бўлиб, юролмай ўтириб қолганимда, мол сўйиб эҳсон килдик. Шунда менинг тушимда аён бўлдики, - сизлар «Хилват» мозорига сўйиладиган молни Хўжаободда сўйдинглар, отанг у ёкка қора қўчкор олиб бориб сўйисин, - дейишди.

Хўжайним билан табаррук аждодларимиз яшаган ўша манзилга келдик, айтганларидаи бир жонлик сўйиб эҳсон килдик, қариндош-уругларга тарқатдик. Илгари намозни ўтирган куи ўқир эдим, шу ўриқдан кейин шифо топиб кетдим.

### **Усмонжон кори РАҲМОНОВ, тўракўғонлик уламо**

Исҳоқхон қози Ибрат бувамиз ниҳоятда етук олим, ҳам дунёвий, ҳам ухровий томондан комил инсон бўлғанлар. Ўн икки тилни билганлар деган маълумотлар бор.

Шундай бир ривоятнамо воқеани эшитганмиз.

Оналари билан ҳаж сафарига борган вақтларида волидалари вафот этади. Шунда Саудия Арабистонининг ўша вақтдаги подшоҳининг тушида шу табаррук аёл кўриниб: - Мен фалон мамлакатдан келиган эдим. Шу воқеа юз берди. Ўғлим Исҳоқхон ёлғизланиб қолди, ҳолидан хабар олиб қўясиз, - деб илтимос қилгандар.

Подшоҳ: - Ажам мамлакатидан онаси билан келган Исҳоқхон исмли ҳожи йигитни менинг хузуримга чакиринглар, - деб буйруқ

килади, тўрамни топиб келишади, мўлжалда 27 ёшлар атрофида бўлсалар керак ўшанда.

Хукмдор у кишига марҳаматлар қилиб, дейди:

– Ўғлим, агар ҳар йили онангизни зиёрат қилиш ниятингиз бўлса, келаверинг. Сиз энди менга ўғилдай бўлиб қолдингиз. Пешонаси ёруғ йигитга ўхтайсиз.

Қайсиdir йўл-йўсин билан ёрдам ҳам килган бўлса керак... Исҳокхон тўра шу кетгандарича тўққизта мамлакатга борган эканлар, то Индонезиягача бориб келганлар, деб эшитганмиз.

Дунёни кўрганлар, дўст ортирганлар, турли илмларни тилларни ўрганганлар.

Тўракўргонда уруш фахрийси Турғунбой Умрзоқов деган одам бўлардилар. У кишининг 10-12 яшар чоғларида оталари ўтиб кетгач, оналари Исҳокхон қози бувамизга олиб бориб берадилар. Сизнинг хизматингизни қилиб юрсин, деб... Шу одамдан кўп хотираларни эшитғанмиз.

Исҳокхон тўра бир шам билан ёкиб иситса бўладиган ҳаммом куришни Афғонистондан ўрганиб келган ва Тўракўргонда курган эканлар.

Ўттиз етти ёшларида қозиликка сайданиб, қарийиб 20 йил шу вазифани ўтаб турганлар. Кўп олимлар, уламолар, давлат кишилари келиб, бу зотта ҳам шаръий, ҳам дунёвий соҳаларда саволлар бериб, лойик жавоблар олиб кетганлар.

Хозирги Тўракўргон тумани ҳокимиятининг ўрнида катта мадраса бўлган экан, афтидан шу ерда туриб, қозилик қилганлар. Қозиликдан тушган маблағларни халққа бериб юборганлар.

Бу кишининг силсилаи насабларини суриштирганда, Турқистонлик Қул Хожа Аҳмад Яссавийга борар экан. Ўтмиш аждодлари, оталари, акалари Мулла Кудингдаги «Хилват» мозорида кирк кунлаб чилла ўтиришган, чиқкандан кейин катта бир молни сўйиб, эл-юргита эҳсон қилишган, бева бечора, ғарibu ғурраболарга ош-нон тарқатишган. Ўзлари молу дунёга қизиқмаган одам бўлган эканлар.

Худойи таоло қалбларини очиб қўйган бу инсонда ҳол илми ҳам, қол илми ҳам бўлган. «Қол» илми деганда «Қола расулиллоҳ» деб ўқиб, яшаб ўтган кишиларимизнинг илми назарда тутилади. «Ҳол илми» бу – тасаввуфга бид атама, маком. Буларнинг қобилияти, имкони шу даражада бўлганки, қалби шунақа очикки, дейлик, кимса келиб, дарвозадан чакирса, шунинг овозидан нима ниятда келганини Худо билдириб туради. Исҳокхон тўра

шунаقا макомда бўлиб, пиру комилликка эришгану, қози бўлганликлари туфайли кўпчиликка буни ошкора қилворган эмаслар.

Рус хукумати даврида қозилик қилганлари ҳам тасаввухни пири эканликларини яширганликларига сабаб бўлган.

**Дилором НЎЙМОНОВА,  
Исҳоқхон Ибратнинг эвараси, муаллима**

1997 йил 27 май. Андижон клиникасида даволаниш учун ётган эдим. Ҳамшира қиз хонага кириб:

– Фарғоналик Дилором опа, тезда уйингизга борар экансиз. Ўғлингиз оғриб колибди, – деди.

Фарғонага етиб борсам, ўғлим касалхонада, аям Канолхон ая, укам Дилшодбек раҳматли, турмуш ўртоғим Адҳамжон ўша ерда эканлар. Ўғлим Акмалжон (1984 йилда туғилган) оғир дардга чалиниб колган экан. Мен кечқурун ўғлим ётган хонада унинг атрофини етти марта айландим:

– Э, Аллоҳ! Ўғлимни дардини менга бер, – дедим.

Шундан кейин, кўп ўтмай ўғлим даво топиб кетди. Мени эса июнь ойларида Фарғона шаҳридаги 2-сонли шифохонанинг асаб касалликлари бўлимига ётказишиди. Бошим шу даражада оғрир эдики, кўзимни ҳам очолмасдим. Муолажалар қаторида шифохонанинг юрак касалликлари бўлимига Тўланбой ота деган дам соладиган қасидахонни олиб келишибди. Мени ҳам олиб киришиди. У менинг кўзимга мени ёшлиқдан катта қилган Абдуллоҳўжа ҳофиз опоқдадамга жуда ўҳшаб кўринди. Менга ҳам дам солдилар.

Беш кундан сўнг менга уйга жавоб беришибди. Билмадим, қанча ётдим. Гўёки, жон танамдан чиқиб кетгандай эди. Бўлаётган ишлардан ўзим бехабар эдим.

1997 йилнинг сентябр ойи охирларида Намангандаги, Мулла Кудинг кишлоғидаги «Хилват» мозорига олиб боришибди. Мен билган сураларни ўқиб, савобини шу ерда ётганларга, хусусан, Исҳоқхон опоқдадага бағишладим. У кишининг қабрлари қайда, дея сўрадим. У маҳалда шу мозор ёнида яшайдиган Рашотхон тоға тирик эдилар.

– Исҳоқхон опоқдаданинг қабрлари бу ерда йўқ, Андижонда, – деб айтдилар.

— Мени ўша ерга олиб боринглар, — дедим.

Андижонга келдик. Сўраб-суриншириб кўрдик. Лекин қабрларини топа олмадик. Ўша ердан сира жилгим келмасди, сабаби мени бир нарса оҳанрабодек ўзига тортиб турарди. Лекин кўзга кўринмайди. Йиғладим, бўзладим. Ҳушимга келиб қарасам, ҳамма ёғим чанг-тўзон... Устимни қоқиб, «Қуръон» тиловат қилдим, савобини Исҳоқхон опокдадага бағишладим.

Фарғонага келганимизда Рашотхон тоғам айтдилар: «Исҳоқхон тўра бобомиз қамоққа олинадиган кунлари катта дошқозонда мошкичири пиширишни буюрганлар. Таом тарқатилиб, тановул қилингач, у зот ёру биродарлар, хеш-акрабо, кўни-кўшнилар билан видлашганлар:

- Менинг тақдиримга шу битилган. Энди, бир гап: ўзингизни эҳтиёт килиш учун, болаларингиз, оиласизни бу тахликали кунлардан соғ-саломат олиб чиқиб кетиш учун мени танимайман десангиз ҳам майли... Хонадоним аҳлига, авлодларимга эса Аллоҳ таолодан сабру тўзим тилайман.

Яна шундай бир гап ҳам айтилган экан:

- Қабрим Андижонда бўлади... Бироқ, қўркаманки, фарзандларим уни топа олармикинлар.

Рашот тоғам:

- У қайси зурёд эканлигини билмай юрган эдик. Афтидан опокдадам айтган зурёд сенсан, шекилли. Илоҳим, опокдадамдай илм соҳиби бўл, у киши етти-саккиз хил тил билганлар. Кушлар билан ҳам сўзлаша олганлар, — деб дуо қилиб йиғладилар.

Азиз авлиёлар, илм соҳибларининг тирик юрганлари қинда юрган пичоқ, ўтганлари эса қиндан чиққан пичоқ ҳисобланади, - дейди устозлар. Аллоҳ олдида ҳар бир қилган ишимиз, ҳар бир айтган сўзимиз учун жавоб берамиз. Ўша 1997-1998 йиллари Тўракўргонга онам Канолхон, Боситхон акам (Аббосхон опокдадамнинг яна бир набиралари) рўза хайитиди Исҳоқхон, Аббосхон опокдадалар яшаган, ўз қўллари билан қурган уйларига бордик. Саноатхон опани ўша ерда кўрдим. Ҳозир ҳам борлар. Музей дам олиш куни бўлгани учун ёпиқ экан. Лекин бизга очиб беришди. Сабаби, онам, дадамни яхши танишар экан. Отлари Фазлиддин тоға эди. Бизга расмларингизни олиб келинглар дейишди. Мана, шунга ҳам йигирма йил бўлиди.

Ҳар йили мозорга келиб, қўлдан келганча аждодларимиз руҳини ўздиши учун эҳсон қилиб турамиз. Мана шу жойлар отамерос, тоғамиз Рашотхоннинг ўғиллари Раҳимхон, Наимхон,

Хайруллохонларга тегишли. Бу дунёда энг ёмон гуноҳ бирорвонинг ҳаккига хиёнат килиш. Айниқса, ерга даҳл қилиш. Ахир, у – Аллоҳники-ку! Ҳаммамиз ҳали вақти келиб, икки метр ерга кирамиз – қабул қилса, агар. «Зал-зала» сурасида «Ким заррача яхши амал қилған бўлса, мукофот олғусидир, ким заррача ёмонлик қилса, жазосини топқусидир», деб марҳамат қилинган

Нима учун буларни ёзаяпман? Сабаби, тогамиз Рашотхоннинг ўғилларига тегишли ерларга Исҳоқхон, Аббосхон опокдадамизни кўрган, уларга мурид бўлган, аслида бизнинг наслимизга мансуб бўлмаган ёшлари улуғ бир инсон кўра-била туриб даво қиласяптилар.

Биз у инсонни хурмат қиласиз. Эштишимизча, довруғлари Наманганда жуда машҳур экан. Агар мен ноҳақ гапираётган бўлсам Худодан, ўзларидан узр сўрашга тайёрман. Лекин нима сабабдан мозорнинг ерини бу ҳолда талашаяпти бу киши! Аллоҳнинг каломида айтилган: « Эй, Мұҳаммад! Сиздан рух ҳақида сўрайдилар. Унинг қандайлигини Аллоҳдан ўзга билмайди».

Касаллигимда бормаган еrim, учрамаганим табиб, қасидахон қолмади. Буйнингизга олишингиз керак, ота-боболарингизнинг муаккиллари ушлаб турибди, ҳам дейишиди. Йигирма йилдирки, олишаман. Эгилмадим. Аллоҳгагина эгилиб, унгагина сажда қиласман. Ундангина мадад сўрайман. Ўзи қўлласин.

Аллоҳ олдида, ватаним олдида қўлимдан келганча ёш авлодга мусиқа ва «Одобнома» фанларидан дарс бериб нафақага чиқдим. Мен ташкил этган «Ғунча ниҳол» фольклор ансамбли, айниқса, Мустақиллик йилларида шаҳар, вилоят, Ўзбекистон бўйлаб қўшик фестивалларида қатнашган. 2000 йил «Халқ таълими аълочиси» унвонини олдим. Ҳозир уйда набираларим биланман. Аллоҳга шукур, бошқа ҳеч нарса керак эмас. Инсон туғилди – ўлди, шу оралиқда бир сўзгина ёзилади, холос. Яхши ёки ёмон. Илоҳим, бу синов дунёда бизни меҳмон қилиб юрадиган мезбонимиз, яъни Аллоҳим олдига ёрут юз билан боришин насиб этсин!

# **ИСҲОҚХОН ИБРАТ АВЛОДЛАРИ ДАВРАСИДА**

**Наимхон АББОСОВ,  
Исҳоқхон Ибрат ўғли Аббосхоннинг набираси**

Опоқдадамиз қароматли эшон бўлган эканлар. Юз берадиган воқеа олдиндан аён бўлиб турар экан у кишига... Қамалишларидан олдин ҳам:

- Ҳозир шунақа одамлар келади, шундай-шундай воқеалар бўлади, - деб башорат килганлар. Ва, энг аввало, китобларни асраб қолиш чора-тадбирини кўрганлар, токчага кўминглар, - деб буюрганлар. Китблари жуда кўп бўлган, кўмилгандан ташқари битта от-аравада тўла китоб олиб кетилган. Ғишт хумдоннинг ичига ҳам ташланаверган. Шоҳидларнинг айтиши бўйича, ҳозирги трактор таъмирлаш заводи ўрнида ички ишларнинг идораси бўлган, бу китблар ўша ерда йўқ килинган: кўмилган ё ёки юборилган.

Мен кўп кузатаман: сел келадими, дўл ёғадими – биз яшайдиган манзилни – Хилват қабристони атрофини четлаб ўтади. Шу яқинда бир булоқ ҳам бор. Шифо булоқ. Одамлар ҳар томондан келиб шу ердан сув олиб кетишади. Илгари қатта эди, ҳозир кичкина бўлиб қолган.

**Рахимхон АББОСОВ,  
Исҳоқхон Ибрат ўғли Аббосхоннинг набираси**

Аббосхон опоқдада қовун юкланган машинада – ҳайдовчининг ёнида кетаётган эканлар. Иттифоқо, машина йўлда бузилиб қолибди. Ҳайдовчи терга пишиб роса ковлаб, айбини тополмабди. Шунда опоқдадамиз шундок тушидилар-да, машинанинг атрофидан бир марта айланибдилар. Шундан кейин ҳайдовчи калитни бураса «гурр» этиб юриб турганмиш.

Тўхтамай Тошкентга этиб борганда бир ерга етганда яна бузилган. Бобомиз:

– Энди, ўғлим, устага кўрсатиб оласиз, – деб дуо қилиб, тушид кетган эканлар.

Бошқа куни Тўракўргонга киравериш жойда бошқа бир машина бузилиб, тўхтаб қолади. Ҳайдовчи уста суриштириб яқиндаги ховлилардан бирига кириб кетибди-да, қайтиб чиқса,

машинанинг ёнида саллали одам ўтирган эмиш. Ҳайдовчи бир сесканиб кетибди. Бу бизнинг Аббосхон опокдадамиз эканлар.

- Нима бўлди? - деб сўрабдилар.
  - Бузилди, юрмаяпти.
  - Машинанг бузилмаган-ку! Юргизиб кўр-чи! – дейдилар.
- Калит солиб кўрса, ростдан ҳам юриб кетган экан.

**Нўъмонхон МЕҲМОНОВ,  
Исҳоқхон Ибрат ўғли Аббосхоннинг набираси**

Хусниҳат бўйича етук маҳорат соҳиби бўлғанлар. Чет элларда мана шунинг учун қийналиб хор бўлиб қолган эмаслар... У ерда йирик-йирик одамлар бизда мирзолик қилинг, деганда кўнмаган эканлар, мен юртимга кўпроқ керакман, деб.

Исҳоқхон бобомиз аввал уйда таълим олганлар, сўнгра Кўқонда мадрасада ўқиганлар. Кейин оналарини ҳажга олиб борганларида, бувимиз вафотидан кейин ўша ёқларда қолиб, илм давраларида, кутубхоналарда билимни такомиллаштирган эканлар. Турли тилларни ҳам ўша ёқда ўзлаштирганлар.

Қайтиб келиб, бу ерда мактаб очганлар. Бироқ, мактаб ёпилиб колгач, яна чет эл сафарига кетадилар ва 20 йилдан ортик хориж юртларида яшаганлар.

Бу зот ўз сиймосида эшонлик ва жадидлик хислат-хусусиятларини бирлаштира олган инсон эди.

**Санъатхон МУҲИДДИНОВА,  
Ибратнинг Анисахон қизларига набира, муаллима**

Ховлимиизда опокдадамиз ўтқизган бир туп арча қолган. Шуни кўрсам, худди у кишининг сиймосини кўргандай бўламан.

Биз Исҳоқхон опокдадани ҳаж сафарига етти марта борганлар деб эшитганмиз.

Исломдаги фарзлардан бири – илм олмоқдир. Бизга опокдадамииздан шу хусусият, яъни бешикдан қабргача илм излаш мерос бўлиб қолган.

Ўзим, фарзандларимнинг ҳам ҳаммаси ўқимишли - врач, ҳамшира, хисобдон бўлиб етишиб, улуг боболарининг рухларини шод қилишди, Худога шукур..

## **Эргашхўжа ҲАМИДИЛЛАХҮЖА ўғли, алломанинг чевараси**

Камина кўпроқ онамиз Мавжудаҳоннинг тарбиясида вояга етганман. Отам тракторчилик курсини битириб, шу касб билан шуғулланиб ўтдилар. Айни чоғда мусикага ихлослари баланд эди, дам олган чоғларида бизга дутор чалиб берардилар. Кечкурунлари эса Фирдавсийнинг араб алифбоси билан 1912 йилда босилган «Шоҳнома» асарини ўқиб берардилар. Шу асар хозиргача бизда сакланади— Ибрат бобомиздан ёдгорлик.

1991 йили ҳаётимизда унутилмас воқеа содир бўлди. «Хидмат» қабристонидаги тошга ўйиб ёзилган битик мутахассислар томонидан ўқилди ва бизнинг аждодларимизнинг тарихи Ахмад Яссавийга бориб тақалиши яна бир бор ўз исботини топди.

Исҳокхон бобомизни ўйласам, шоир Турбатнинг ушбу мисралари ёдимга келади.

*Ҳожи тўра Афанди қозийи Тўракўрғон  
Шухратда номлариdir Иссоғифат Исҳоқхон,  
Гўёки бир эшондай қилиб факирни меҳмон,  
Қолдим кўриб таажжуб хоналарини ҳайрон  
Ҳодис деманг қадимдин оцино эдик ниҳонда.*

Канча-канча одамларни ўзининг икки мисра шеъри билан тиглаб келган Турбат шоир Ибрат бобога келганда жуда илик сатрлар биттанлар.

## **Дилбархон ҲЎЖАЕВА, Ибрат домланинг Парнихон қизига набира**

Биз 1958-59 йилларгача «Ғулбоғ» таркибидаги ҳовлида яшаганмиз. Рус мактабига кириб ўқиганман. Собирахон катта бувимлар билан (Исҳоқхон Ибратнинг рафиқаси) хийла бирга яшаганмиз. Исҳоқхон эшоннинг энг катта қизлари Парнихон ая менинг бувим бўладилар. У киши қўпинча ўтириб, йиғлаб дадалари тўғрисида гапириб берардилар.

«Дадамлар шунаقا мулойим, юмшоқ одам эдилар. Китоблар ёзиб, шеърлар битиб ўтирадилар. Ҳовлимиизда мактаб очган эдилар. Маҳалладаги болалар чиқар, уларга битта холамиз дарс берардилар.

Бу ажойиб инсон ҳамма саводли бўлсин, одамлар ўқишини ўргансин, - деб жон куйдириб яшаганлар, чет элларга бориб, илм олиб, турли соҳалар бўйича янгиликларни ўргангандар, ийққантарганини ўз юртларига, миллатларига олиб келганлар, ўргатганлар. Босмахона очганларига ҳам шу сабаб бўлган – китоб, газета, бошқа нашрларни кўпроқ тарқатиш....

Менинг онамлар ҳам ўша «Гулбоғ»да юриб, улғайганлар. Опоқдадамизнинг энг кичик қизлари Напизахон бўлган, онам шу Напизахон билан тенг эканлар. Ўша, қамоққа олинганлари куни, булар ўйнаб юришган экан. Шунда кўришган: китобларни 16 та қанор қопга солиб олиб чиқиб кетишган. Битта қанор қопга юз килодан ортиқ юк сигаркан. Бир қопни тўртта эркак кўтариб, обчикиб кетишган.

Қанақанги ноёб китоблар бўлган эдийкин!

Онамлар, биз ўша китобларни бир-иккитасини олиб қочиб, гишт хумдонга яширганмиз, деб айтганлар.

Шунча тилни билган, ҳаммага маърифат тарқатган одамнинг ўзини хўрлаб, фарзандларини хўрлаган қанақа замонлар экан!

У пайтдаги давлат бунақа кишилардан кўрқсан. Булар бошқаларни ўқитиб, кўзини очади, кўпчилик ҳак-хукукини биладиган, талаб қиласидиган бўлиб қолади деб ақли одамларни ўйқотган... Айниқса, опоқдадамиз қонунларни битта яхши юрист даражасида билганлар.

## ИСХОҚХОН ТЎРА ИБРАТ ҲАҚИДАГИ РИВОЯТЛАР

Аввалги маколаларда ҳамда китобимиз қаҳрамони бўлмиш инсоннинг авлодлари томонидан тақдим этилган эсдаликлар баёнида Исҳоқхон тўра тасаввубнинг Яссавия тариқатига мансуб эканликлари ҳақида фикрлар берилди.

Ибрат домлани кўпроқ Исҳоқхон эшон, Исҳоқхон тўра деб ҳам айтганлар. Бу зотнинг ота-боболари Фаргона водийсига ана шу тариқат асосларини кенг ёймоқ вазифаси билан келганлар ва ушбу вазифа авлоддан авлодга мерос тариқасида ўтиб келган.

Исҳоқхон тўранинг оталари Жунайдулла ҳожи эшон эдилар, бу кишининг бузрукворлари Неъматулла эшон, Исҳоқхон тўра Ибратнинг укаларини Отауллухон эшон дейишган. Тарихий атамалар луғатида айтилишича, эшон сўзининг маъноси «у киши»

деганидир – «Ишон». Бу улуг авлодларнинг ва суфийлик оқимидағи раҳнамоларнинг фахрий унвони хисобланган.

Исхокхон Ибрат эшон, у кишининг ғайри-оддий фазилатлари, қароматлари ҳакида халқ орасида жуда кўп ривоятлар юради ва уларга шубҳа ёки беписандлик билан қарамаслик керак. Тасаввуфнинг иирик намояндалари, раҳнамолари ана шундай қароматларга қодир бўлганлар.

Маълумки, валийлик икки хил бўлади: тұғма валийлар ва кўп йиллик илм, изланиш, тариқат мақомларини босиб ўтиш орқали ўзида хориқулодда хислатларни хосил қилган валийлар бор.

Исхокхон тўра Ибратнинг тұғма валий бўлганларлари ҳақидаги маълумотта эга эмасмиз, гарчи бутун аждодлари ўта кучли илм сохиби бўлган бу зот шундай фазилат билан ҳам туғилишлари ҳам мумкин эди. Ҳар қалай, Ибрат домла томир суриб келган етук заковат, идрок, ота-оналаридан, устозларидан олган, дунё кезиб тўплаган билимлари ҳамда тариқат мақомларини босиб ўтиш натижасида валийлик даражасини топган бўлсалар керак.

Ҳазрат Навоий «Насойимул муҳаббат» асарида авлиёларнинг қароматлари, ғайри оддий хислатлари ҳакида жумладан шундай деб ёзганлар.

«Авлиёларда зоҳир бўладиган ғайри табиий одатлар ва қароматлар баёни ва авлиёларнинг мартабалари кўп бўлганидек булар ҳам кўпdir. Чунончи, бир нечтасини санаб ўтайин: мавжудликдан йўқ бўлиш ва йўкликтан мавжуд бўлиш ва яширин амрнинг изҳори ва кўриниб турган амрнинг яшириниши ва дуонинг ижобат бўлиши ва озгина вақт ичидаги узоқ йўлни босиши ва сезгишлар (кўриш, эшитиш каби) сезмайдиган ишлардан хабар топиш ва бир вақтнинг ўзида бир неча хилма-хил жойларда ҳозир бўлмоқ ва ўликни тирилтириш ва тирикни ўлдириш ва жисмлар, ўсимликлар, ҳайвонлар тилини англаш, уларнинг Худога тасбехини билиб туриш ва таом, ичимликка ҳожат пайдо бўлгандай буларнинг сабабсиз пайдо бўлиши ва сув устида юриш ва ҳавода учишдек ва одамлар сайдиган нарсаларни еб кун ўтказиш ва ҳайвонлар билан дўстлашиш ва баданда ҳаддан зиёд қувват пайдо бўлиб, дараҳтни илдизи билан қўпориш ва деворни бармоқ ишорати билан учирмок ва гарк бўлаётган кемаларни кутқармок. Одам ахли тилаганидек ишлар, масалан, ёмғир ёғдириш, шамол қўзгатиш, сел келтириш ёки селни дафъ қилиш ва чигиртка оғатини дафъ қилиш ва турли

суратда кўриниш. Биёбонда сарсон бўлганларга раҳнамолик қилиш ва «ёрдам бериш».

## *Тошибулоқлик уламо Мұхаммад Носирхон қори айтган ривоятлар*

Исҳоқхон Ибраҳим авлиё бўлганлар. Кўп кароматлар кўрсатганлар. У кишининг бир ошазлари бор экан. Қосим ота исмлари. 1973-74 йиллари шу одамнинг зиёратига отам билан борган эдик. Қосимхон ота Ибраҳим домла билан боғлиқ кўп ғаройиб воқеаларни айтиб берганлар.

Бир куни Исҳоқхон тўра:

- Дараҳтларнинг тагида юрган қушларни чақириб берайми?
- деб қоладилар.

Шу ерда ҳозир бўлганлар:

- Ҳа, ҳа, қани, эшон бува, чақиринг-чи, – дейишибди.

Шунда эшон қуш тилида гапирган эканлар. Ўзларини бир нечта тил соҳиби бўлганларини билар эдик-у, лекин қуш тилини ҳам билишларини эшитмагандик. Шу тilda гапириб чақирганларида Исҳоқхон эшон буванинг бошларига, елкаларига қушлар келиб кўнглан экан.

Балиқ овига бораётган овчилар тўрамдан фотиха олиб кетишар экан. Дуо қилиб туриб айтадиган сўзлари шу бўлар эканки, сойнинг уч жойига тўр солинглар, дер эканлар.

Кейин тушган баликларни каттасини шундай бошини силаб:

– Мана шу жонивор сизларни кўп қийнабди-да, –деб қўярканлар. Биринчи, иккинчи марта тўр ташлаганда чиқиб кетиб қолгани, учинчи мартадагина ушлангани у зотга аён бўлиб турар экан.

Андижон турмасида Исҳоқхон тўра билан бирга ўтирган Шаҳобиддин акамизнинг оталари – Зариф овчининг ҳисбсан чиқиб кетишини ҳам башпорат қилганлар. Ўзларини эса, энди мен қоламан бу ерда, деб айтганлар.

Ибраҳим турмада ёмон муносабат қилганларнинг ишлари орқага кетиб, хизматдан озод этилганлар, Аллоҳ томонидан ҳам уларга чора бўлган экан.

Яхши муносабатда бўлганлар, таҳоратларига сув бериб, хизматларини қилган инсонларни мартабаси кўтарилиб, катта

мавкеларга эришганилар, сабабки, у кишининг дуоларини олиб қолганлар.

- Мен вафот бўлганимда, бунинг хабарини уйимдагиларга етказиб қўясиз, – деб тайинлаганлар. Чунки у маҳаллар камоқда вафот бўлган кишиларнинг уйидагиларини чақиришмас экан, ўзлари олиб бориб, номер қўйиб кўмишар экан.

Ибрат домланинг фарзандларига хабар қилишган, лекин улар барибир қабристонга кириш учун рухсатнома беришмаганлар.

Балиқ билан боғлик ривоятнинг мана бу хил тури ҳам бор.

Ошпаз Қосимбойга айтибдилар:

- Бир балиқ тутиб келмайсизми? Фақат уч марта тўр соласиз, шунда тушган балиқнинг ўзи етади.

Қосимбой уч марта тўр ташлаганда ови бароридан келгани учун кизиқиб, тўртинчи маротаба ҳам омадини синаб кўрмоқчи бўлган. Шунда Исҳоқхон тўранинг овози келган экан:

– Қосимбой, мен сизга уч марта тўр ташласангиз кифоя дегандим-ку!

Уволдан, исрофдан хизматчини тўхтатган бўлсалар керак.

Дарёнинг у ёғида – Қизилтов деган қишлоқда Полвон ота исмли улоқчи бўлиб, бу киши Исҳоқхон тўранининг муридларидан экан. Полвон ота Олабуқанинг юқори томонида тоғ орасида кетаётсалар, олдиларидан бир кийик чиқиб колибди. «Ё, таваккал! – деб кийикни кувибдилар. Шу борган вактларида икки тогнинг орасида жарлик бор экан. Катта тезликада келаётгани учун тўхташнинг имкони бўлмабди. Халиги кийик жарликдан у ёкка ўтиб кетибди.

Менинг тақдирим шу ерда экан, деб тафаккур қилиб туриб:

– Ё раббано, шу Исҳоқхон қози бизнинг пиримиз бўлсалар, шу зотнинг дуолари баробарида мениям дуойимни қабул килгин! Шу ердан сиҳат- саломат ўтиб бориб, ўша кийикни ушлаб, уйимга қайтай, – деб илтижо қилибдилар.

Шундай деб отта камчи урганларида от сапчиб чуқурликдан ўтиб кетган экан. Кийикни ҳам ушлаб, уйга қайтибдилар. Жониворни сўйиб, гўштидан қози тўрага ҳам насиба етказибдилар.

– Ҳа, тутдингизми кийикни? Сўрабдилар Ибрат домла.

– Ҳа, ушладим, – ҳайрон бўлибди овчи.

– Мана шу елкамни сал силаб кўйинг!

Полвон ота у кишини елкасини силайман десалар, у ер кўкариб кетган, отнинг туёғи изига ўхшаб турган эмиш.

– Ие, тақсир, мана бу ерингизга от тепиб юборибдими?

- Йўқ, сизнинг отингизнинг туёгини изи бу,— деган эканлар Ибрат эшон.

## *Тўракўргонлик Усмонжсон қори Раҳмоновдан олинган ривоятлар*

Исҳоқхон тўра яна Отауллоҳон тўралар йўл бўйида ўтиришса, кўконлик катта мансабдор извошда ўтиб қолибди.

Извошчи буларни кўрибди-да, дебди:

- Эшон бувалар ўтиришибди, сўрашиб ўтиб кетайлик.
- Хе, — дебди ҳалиги амалдор. — Эшон буваларингни қўлидан нима келарди. Ҳайда!

Кўконга, уйига етгандан кейин такаббур соҳибмансабнинг корни шишиб кетибди. Роса муолажа қилдирибди, бироқ шиш қайтмас эмиш. Шунда унинг ёдига қилган хатоси тушибди ва Тўракўргонга одамини юбортирибди.

Исҳоқхон тўра Ибрат домда бундоқ қараб туриб, кимнинг олдидан келганини билибдилар. Аввали боргани унамабдилар.

- Бормасангиз, бизнинг хўжайин ўлади, — дебди ҳалиги киши.— Раҳмингиз келсин.

Боришса, мансабдор киши қорни тўмпайиб ётган эмиш.

- Беодобчиллик қилиб қўйибман, узр, —дебди у.

Ибрат эшон дуони ўқибдилар-да, чопонлари этагини теккизиб қўйибдилар. Шу билан дам қайтибди.

Боғда қурилишлар бораётган давр экан. Ибрат домланинг муҳлисларидан бири: - Бу ерда шунча одам ишляяпти. Ҳар куни уларнинг сарфу ҳаражати бор, емиш-ичмиш бор, домлага ҳам осонмас. Кел, шу қўрада турган қўйларимдан биттасини – анави семизини қози тақсирга олиб бориб берай, - деган яхши ниятни кўнглига тугибди.

Шундай деб нонуштани қилиб бўлгач, фотиҳа ўқибди-да, қўрасидаги ҳалиги қўйнинг бўйнига арқон боғлаб, етаклаб қолибди.

Буни қўрган хотини – бир оёғида калиши бор, иккинчисида йўқ – югуриб етиб келибди.

- Ҳа, ҳа, хой? Қайга шигаб турибсиз?

Эри тушунтирибди, шундоқ, шундоқ, тўрамнинг боғларида фалонча одам ишляяпти, қараб туравериш инсофдан эмас. Шу қўйни эҳсон қилиб, ишлаёттганларга пишириб берсинлар.

Хотини қараса, эрининг қарори қатый, қайтадиган эмас, ноилож рози бўлибди-ю, шунда ҳам охирги чора сифатида бундай дебди:

- Хўжайн, майли яхши ўйлабсиз... аммо, Исҳоқхон тўра жуда унақа сизнинг қўйингизга қараб қолган одам эмаслар. Биз эса бу қўйларни не умидлар билан бокқанмиз, тўйимиз бор, бошқа ишлар гурибди. Майли, эҳсон қиласман дебсиз, шаштингизни қайтармайман. Лекин энг катта бўрдоки қўйни бериш шартми? Анави кичкинароғини берсангиз ҳам бўлаверар.

Эри кўнгли бироз ғаш бўлса-да, бу гапни маъкул топибди. У ориқ қўйни етаклаб йўлга тушибди ва Ибрат домланинг боғига етиб борибди.

- Раҳмат! Раҳмат! – деб кутиб оладилар уни Исҳоқхон тўра. – Бўтам, лекин бизга аталган қўйни эмас, оригини олиб келибсиз-да!

У киши кейинчалик:

- Ўшанда шарманда қилгани учун хотини бир урганман, – деб айтган экан.

Боғда қўпчиликни ишлатиб турсалар, ошпаз келиб аста дебди:

- Бугун одамларга тушлик учун пиширгани масаллигимиз йўқ.

Ибрат домла хотиржам жавоб берибдилар:

- Қозонни осаверинг-чи, бир гап бўлар.

Ошпаз қозонгага сув қуйиб ўчокқа ўт ёкибди. Ҳамма ҳайрон, қозонга ташлагани ҳеч вақо йўқ, ўт ёкилган, сув қўйилган. Исҳоқхон тўра эса хотиржам:

- Худойим етказар, – деб ишлайверадилар.

Бир неча лаҳза ўтмай, айтганларидаи ўша ризқ-насибани муридлари, муҳлислари араваларга юклаб олиб келишар экан.

### ***Тургунбой Умрзоқов ривоят қилганлар:***

- Мен ёш эдим. Баъзида битта рўмолни олиб кўзимни боғлаб қўяр эдилар-да:

- Хўш қараб тур-чи, кимлар келаркин? – дер эдилар.

Шунда қарасам, мўйсафидлар, опокилар келар эди. Уларнинг келганини айтар эдим. Тўрам:

- Ўтиришдими? – деб сўрардилар.

- Ҳа, ўтиришибди, ҳаммалари оппок кийимда, - дейман.

- Неча киши бор?

- Билмайман. Жуда қўпчилик.

- Отларини сўрагин-чи, айтишармикин!
- Мен улардан сўрайман, жавобларини пиrimизга етказаман:
- Айтмаганимиз афзал дейишяпти.

Шунда тўрам:

- Бўити, кўзингни оч! – деб буюардилар. Кўзимни очиб, ҳалиги кишиларни топа олмас эдим».

Бу мўйсафидлар тасаввуфдаги рижалул ғайб, ғайб эранлари тоифасига кирувчи «нужабо» ёки «чилтланлар» – кирк кишидан иборат валийлар гурухи бўлиб, уларнинг вазифаси одамларга ёрдам беришдир, дейишади устозларимиз.

Улар турли қитъаларнинг вакиллари, раҳнамолари Ҳизр алаийхиссалом деган гаплар ҳам бор.

### ***Исҳоқхон тўра Ибратнинг вафоти билан боғлиқ воқеалар***

Исҳоқхон тўранинг вафот этган кунлари ҳамхоналари чиқиб:

- Бу киши қазо қилдилар, –деб турма бошлиғига айтадилар.
- Бўлмаса чиқиб, фалон ердан қабр кавланглар-да, кузатиб кўйинглар, - дейди бошлиқ.

Уч киши чиқиб, қабр кавлашибди, бу иш ажойиб бир тарзда ҳаш-паш демай битибди.

Булар: - Энди ювиш масаласи қандоқ бўлади. Буни ҳам қонун-коидаси бор, биз билмасак, - деб қайтиб киришса, ювилган, кафанланган ҳолда ётган эмишлар. Жанозани қандоқ ўқиши ҳақида ҳам боши қотибди уларнинг, биз илмли одам бўлмасак, нима килдик энди, дея.

Олиб чикишса, қабристонга одам сигмай турганмиш, боя айтганимиздай, оқ соқоллик, саллалик, нуроний кишилар ҳаммалари.

- Обкеляпсизларми? Обкеляпсизларми? – дейишибди, улар Ибрат домланинг ҳамхоналарини кўришлари ҳамон.

Жаноза ўқилиб, дафи қилиб бўлингандан кейин улар яна ғойиб бўлишибди.

Ҳамхоналар турма бошлиғига кириб, ҳозир ўтган воқеаларни айтиб ҳикоя қилишса, у аввал ишонмабди, кейин пешонасидаги муздек терни артиб, ҳанг-манг бўлганича ўтириб қолибди.

- Э, аттанг! – дер эмиш у пешонасига шапатилаб. – Бу киши шунақанги улуғ киши эканлар-ку! Билмабмиз-а, хизматларини килиб, дуоларини олиб қолардик-а!

У ҳамёнидан пул чиқариб ҳалиги одамларга буюрибди:

- Мана буни олинглар-да, маҳаллага чикиб, эҳсон қилинглар.

Ундан кейин шу зотнинг ҳурматларидан учовларингта жавоб: уйларингга кетаверинглар!

## ***Исҳоқхон Ибратга нисбат бериладиган ривоят***

Вактики барманаст, даври киёмат бўлиб, Аллоҳ таоло аввалину охирин бандаларининг ҳаммасини жамулжам қилганда ва ўзи қози бўлганда, эшонлару қориларни ҳам, муллалар, ғанийлар, мансабдорларни ҳам чакирав ва айтар экан:

— Қани, мана энди жаннатнинг эшигидан ким киради?

Қорилар Аллоҳнинг каломини ўқиганмиз, биз кирсак керак, дейишса, муллалар одамларга илм ўргатганмиз, деб умид қилас экан. Ғанийлар ҳам бева-бечораларнинг ҳолидан хабар олганмиз дея умидвор бўлишар экан....

Шундай қилиб, навбат оддий деҳконга келиб тўхтаганда, у дер эканки:

— Биз энди далада юрган одам, хеч нарсани билмасак. Бир уруғни кесакнинг орасига ташлаб қўйиб, қачон чиқаркин деб пойлаб умримиз ўтган.

Шунда Аллоҳ таоло ҳалиги аллома-ю, муллаларга, мансабдору сарватмандларга қараб шундай деб айтар экан: - Хўп, сиз мулло бўлгансиз. Лекин нима еб-ичиб ўқидингиз, олим бўлдингиз?

Деҳқонларнинг эвазига шу даражага етгансиз. Деҳқонлар бўлмаганда сиз унинг ўрнида ишлаб, ризқ-рўз ундиришга мажбур бўлар эдингиз. Демак, бу ёкка ўтинг!

Қориларга ҳам шу савонни берар экан:

— Деҳқонлар бўлмаганда сизда бизнинг каломини ёд олишга, кироат билан ўқишини ўрганишга вақт бўлармиди! Сиз ҳам ўтиб туринг бир четга!

Сўнгра эшонларни чақиради:

— Сиз муридларни тўплаб зикр мажлислари қўлгансиз, вақтингиз, «Ху, Аллоҳ!» билан ўтган. Мухимотларингизни ким етказиб турган! Деҳқон ерга уруғ экиб, чиқишини пойлаган, гуллашини, мева қилишини пойлаган. Фақат пойлаб ўтиргмаган, ёзинг иссиғида, кузнинг ёмғирли кунларида, баъзан қишининг совуғи тушганда ҳам жон аямай меҳнат қилган. Ҳосили етилаёттанини кўриб кувонган, пишгандан кейин эса олдини, тозасини, сарасини ўзи емай, бола-чақасига бермай, муллаларга,

кориларга, эшонларга, юртнинг катталарига, ҳоким-тўраларга, мана бизнинг дехқончилигимиз, деб олиб келган. Сизлар бир издиҳомга борсанглар, бир паснинг ичидаги, уй эгасини, қани бўлдингми, бўлақол деб шошилтиргидинглар. Ошнинг пишган- пипимаганига қарамай еб, ўрнинглардан туриб кетдинглар, сабабки, яна бошқа жойда тадбир бор эди. Дехқон ҳосили пишгунча қанча сабр қилди. Қанча тер тўқди, яна пишгани ҳамони сизларга етказди. Хўш, жаннаттага энг аввал ким киради?

Ана шундай қилиб жаннаттага биринчи бўлиб кириш дехқонга насиб бўларкан – сахийлиги муруввати учун.

Шунда дехқонлар айтишар экан:

– Эй, яратган парвардигорим! Сенинг каломинг ҳакки хурмати! Ҳам дунёвий ҳам ухровий илмларда, одобу ахлок, муомала борасида қорилар бизга устоз бўлишган, сенинг каломингни ўқиб кўзимизни, қалбимизни равшан қилишган. Олимлар бизларни йўлга солишган, тўғри йўл кўрсатишган. Йўлбошчимиз бўлишиб, олдимизда туришган. Ёруғ дунёда шундоқ бўлган эди, энди ваъда қилган жаннаттага киришда ҳам булар олдинда юришсин, биз орқаларидан эргашиб, кириб борайлик!

Ана, дехқоннинг саховатини кўрдингизми! Жаннатни ҳам ўзи хурмат қилган зотларга тақдим этяпти. Сахийларнинг сахийиси дехқон бўлади.

## ХОТИМА ЎРНИДА

1964-65 йиллар бўлса керак, Шаҳанд қишлоғидаги колхозга Абдулла Мирзаахмедов раислиги пайтлар Хўжа Аҳмад валий зиёратгоҳида Шароф Рашидов иштирок этган катта йигилиш бўлиб ўтади. Шароф ота шу йигилишга юртнинг уламоларини – Намангандан шаҳридан Ёсинхон тўрани, Ҳаккулободдан мулла Мухаммаджон пешқадам, Тўракўргондан мулла Искандар охунд, Абдулазизхон домла, Султонхон тўра, Калвакдан мулла Лутфиддин домла, Шаҳанднинг ўзидағи уламоларни тўплаганлар, ўзлари хизматда бўлганлар.

Кўй сўйилиб, зиёфат қилингач, уламолардан бири, шу ерда йигилган улуғ инсонларнинг кўнглидагини изхор этиб шундай дуо килди.

– Э, Аллоҳ! Бизнинг ўз юртимизга шундоқ подшони юборгин! Ҳозир биз бир очиқ жойда гапиргани чўчиймиз, аммо бизга бир подшоҳни олиб келиб берсангки, унинг туфайлидан шу замин

Ўзимизники бўлса! Ер-мулклар халқимизга бўлиб берилса! Маккаи мұкарраманинг йўллари очилса, гурух-гурух бўлиб, қани кетдик-кетдик, деб маҳалла-маҳалла кетеверсак. Масжиду мадрасаларимиз очилса! Халқимизга ўз вижданни эркинлигига қараб иссик-совук маракалар, йўрикларни беҳадик ўтказишга рухсат берилса! Номлари унутилган, китоблари маңъ этилган улуғларимиз қайта рўёбга чиксалар! Ё меҳрибон Холиқ! Шундай бир даврни, шундай бир подшони бергин, бизга бермасанг болаларимизга, уларга бўлмаса набираларимизга бергин!

Ҳамма, шу жумладан, Шароф ака ҳам дуогўй, энг аввал, ҳурриятимизни назарда туттанини билиб юзларига фотиҳа тортдилар.

Ўша дуогўйлардан бугунги кунда бугунги кунда ҳеч ким колмади. Ҳаммалари ўтиб кетишиди.

Мана орзу қилинган кунлар келди. Холиқи олам ўша азизларнинг дуосини инобат қилди. Улар экиб кетган дараҳтларнинг мевасини биз кўряпмиз. Катта-катта ўкув юртлари ташкил топди, бугун ҳам янгиларига асос солинмоқда. Муқаддас китобларимиз нашр этиляпти. Азизларимизнинг номлари билан боғлик масканлар обод бўляпти. Ҳаж сафарига эмин-эркин бориб келяпмиз. Маъракаларимиз бехавотир-беҳадик ўтиб турибди. Ҳудойим мана шундай даврни ҳам берди. Подшоларни ҳам. Бу ўша азиз инсонларнинг дуолари туфайлидандир.

Мен ўйлайманки, ўша куни халқимизнинг асрлик орзуси айтилиб, дуо қилинганида ўтмиш улуғ сиймоларимиз Ҳазрати Боб, Мавлоно Лутфуллоҳ, шоҳ Машраб, Мажзуб Наманганий, Ҳожа Аҳмад Валий, Даҳяқ ота, ўн бир Ахмадда ётган азизлар, мулла Бозор Охунд, Иноятхон Лангарий, Мулло Йўлдош Хилватий ва, албатта, Исҳоқхон тўра Ибрат ҳам кўл очиб, «Омин!» деган бўлсалар керак.

Илоҳим, юртимизни ва халқимизни боши узра Ҳақ таолонинг ҳифзу ҳимоясини ва ана шу улуғларимизнинг дуоларини ҳамиша барқарор қилсин.

Үқингиз илми ҳикмат,  
сизга бу иш катта ибратдур,  
Агар илм ўрганурсиз,  
барча ишда сизга нусратдур.

Исхоқхон Ибрат



## ИСХОҚХОН ИБРАТ АСАРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

# *Газаллар*

## **Хуш келдингиз**

Сарв бўйлук хуш қадам раъно сифат, хуш келдингиз,  
Юришинг товус киби барно сифат, хуш келдингиз.

Лабларинг шаҳду шакар, ок тишларинг дурдонадир,  
Кўзларинг бодоми тар Лайло сифат, хуш келдингиз.

Ҳам келинлик давринни сурсанг керак бир неча вакт,  
Нури дийдам, тожисар, келин ойим, хуш келдингиз.

Умрингиз бўлсун дароз, ҳам баҳтингиз бўлсун күшод,  
Охуни барно била қўша қаринг, хуш келдингиз.

Ўн тўрт ўғил, етти киз берсун Худованди жаҳон,  
Унинг, ўсинг, эй бўтам, келин ойим, хуш келдингиз.

Қайнотангиз давлатин Сизга насиб этсун эгам,  
Толеинг бўлсун баланд, ёнсун чироқ, хуш келдингиз.

\*\*\*\*\*

Дуиё айлаб сафарлар, топмадим хўб орқадош,  
Ҳасрати дилни деёлмай, ҳеч этмай сирни фони.

Асримиз инсонларига бўлмади бир дардкаш,  
Кимни сўрсанг сухбат айлар санда бўлса нону ош.

Ҳеч вакти тенг келурму хуснида ҳам қуввати,  
Ҳам баҳорда ким қилур ҳар ерда қари бирла ёш.

Ёшлиар базму таашшук сухбати гул чеҳралар  
Бирла доим ижтиходу қарилар кўзида ёш.

Бўлса санда сийму зар, ҳар ким қилур улфатчилик,  
Қайда бўлсанг сухбатингни айлагайларди талош.

Фақирликда айламаслар мажлисингни орзу,  
Сўзлама даҳр аҳлига, Ибрат, солиб оғзингга тош.

\*\*\*\*\*

Сен учун бу дам кирмиш гулистонга жононлар,  
Рашки боғи жаннатдур юз туман гулистонлар.

Куругайди кўз ёшим ул парилар илкидин,  
Сели ашкимни кўргач, чекти барча домонлар.

Ишқинг ичра, эй Ширин сўзли Лайли, йўқтур мен  
Кезмағону казмоғон кўҳ ила биёбонлар.

Рахм айла, ушшокинг хар сахар жафо узра  
Чок этарлар оҳ айлаб субҳдек гирибонлар.

Даҳр гулистонини андалиби лол ўлди,  
Гул юзинг фироқидин токи чекди афғонлар.

Эткамиз нечук, ё Раб, ул ситам – жафопеша,  
Бизгаму жафо айлар, ўзга лутфу эҳсонлар.

Эй бути пари талъат, чекди қаддингга охир  
Доми зулфи зуннорин мурғи жону иймонлар.

Очилибму нарғислар сабзалар оросида,  
Икки даври мужгонинг ичра чашми фаттонлар.

Вўсмалик кошингмидур ёки қон тўкуб усру,  
Занг боғламишдурлар икки тиги бурронлар.

Икки юз, икки зулфи дилбарингмудур, Ибрат,  
Гуллар узра ё тутмуш сунбул ила райхонлар.

### Чаман ичра

Ўшал булбул қиласр афғон сахар вақти чаман ичра,  
Кўнар гул деб тикан узра сахар вақти чаман ичра.

Қиласр бағрини булбул қон, тикан узра берай деб жон,  
Бўлур гул завқидин қурбон сахар вақти чаман ичра.

· Үшал булбул бүлүр дөглар, чамани гашт этиб чорлар,  
Кизил гулни тилаб йиғлар сахар вакти чаман ичра.

Чикар булбулни афғони, чаман ичра оқиб кони,  
Тасаддук гул учун жони сахар вакти чаман ичра.

Мухаббат бирла масть эрди, ани йүлида жон берди,  
Кизил гулдин хабар сүрди сахар вакти чаман ичра.

Муяссар бүлса ул жонон, ато килса үшал субхон,  
Йүлида жон килай қурбон сахар вакти чаман ичра.

Ибратий, бехабар бүлма, яна ғафлат била үлма,  
Гуноҳи беадад қилма сахар вакти чаман ичра.

### **Адо қиласиз**

Рамуз, дилбари жонон, мани адo қиласиз,  
Бу телбаларни яна ғамга мубтало қиласиз.

Сучук тил била табассум килиб, сүраб ҳолим,  
Аввалда ваъда бериб, охири жафо қиласиз.

Либоси атлас камзул кийиб, ҳаво айлаб,  
Рақиблар олдида кўз била имо қиласиз.

Кўзум қароси куйгайки, бошқага қарасам,  
Агар гапурсам, тилимни тилим-тилим қиласиз.

Агар ғазаб била бориб, мозорима тебсанг,  
Аёгим оғриди деб, қабрима жафо қиласиз.

Лабингни ҳолини ўпмоқчи бўлиб савол этсам,  
Хирожи Мисру Бадаҳшон дебон баҳо қиласиз.

Гамингда Қози қулинг йиғлаюр ҳама дойим,  
Қошингни ёй этибон, киприкни қаро қиласиз.

\*\*\*\*\*

Эй нихоли қомати сарви санобардин ўтар,  
Лабларин қирмизлиги шаҳду шаккардин ўтар.

Юзлари кўз нурини айлар мунаvvар ҳар замон,  
Кўзларини шуъласи обдори гавхардин ўтар.

Шаҳд сўзларга такаллум айласа жон баҳшидур,  
Жонга текканда мазоки ҳуши маҳшардин ўтар.

Ул ҳилоли жабҳаси даврада ҳола мисл,  
Бадр юзи нурида кўп шоҳи анвардин ўтар.

Нав зулфи хаттидур мандай ошиқ ахлиға,  
Ҳажрида ошикка дер райхон анзордин ўтар.

Хулки хўби ҳам қулоси доимо эгри турап,  
Бошига қўйган у тожи тожи афсардин ўтар.

Ой юзи туғросида мадди камони юзи,  
Лабларини рангида ёқути ахмардин ўтар.

Нозу истғино сайдида ўлғусидир ошиқи,  
Ҳажрида дилда ранги гоҳи асфардин ўтар.

Ибрат, ўлма ишқ йўлида буларга мубтало,  
Минг балога кулфати ҳар кунда бошингдин ўтар.

\*\*\*\*\*

Жаҳондин айш излаб, аҳли ҳақдин олмадинг ибрат,  
Ҳама кори жаҳон борини этдинг, топмадинг нусрат.

Сенга танбиҳ эмасму мұтакид дунёга у шаддат,  
Бехишт тайлаб бино кўрмай ўзига солди ҳак фуркат.

Узун умри-ла олам аҳлиға шоҳ ўлди ул Корун,  
Ўлиб кетди, ҳама дунёси қолди, олдиму муҳлат.

Худодин ёки хат олдингму ўлмасликка дунёда,  
Қўлингда бўлса кўрсат ўлмасингга бир хатту хужжат.

Тилингда бандаман дерсан, күлингдан келмагай бу иш,  
Тасарруф айламай дунёни нафсингта қилиб журъат.

Агар Абдулаҳадсан, мосиволардан үмидинг уз,  
Жамолуллоҳ агар қалбингда бўлса, мақсади руъят.

Мақоми баида қандоқ бўлса ҳажога нозир,  
Шуҳуди ғайбда бўлғусидир хожа санга улфат.

Макон истармусан ёки макинму аслида қасдинг,  
Макон истар кишиға кўзламак лозим эмас жаннат.

Санга кайдин бўлур қалби сафо огуши дунёсан,  
Қабули ҳақ эмассан этмагунча халқдин узлат.

Амал қил ўз сўзингға, бўлма носих ҳалққа мунда,  
Амаллик банда бўлсанг, топкай эрдинг дунёда иззат.

Таманно айлама ухрова бу илмим Ҳудодур деб,  
Валилар ҳам ўтолмас охират кўпрукидин белат.

Сўзингда ҳакни савдоси, ўзингда зарра зухдинг йўқ,  
Тахаллус айламушсан ҳалқаро отингни деб Ибрат.

Эй кўнгул, маломатдин оч кўзинг ҳилол ичра,  
Жон лабимга еткурмуш журми инфиол ичра.

Эй чироги дил, тавфиқ қаъбасина азм этгил,  
Умр мадхи юз қўймай пардаи завол ичра.

Мурғи рух жон учмөқ фикриға паришондур,  
Бир алифдуур каддим гўйиёки бол ичра.

Фарқ косаси узра ботил ўлди кўрмакдин,  
Ҳарфи фи каби кўзлар қолди бу сокол ичра.

Журни қийлу қолимдин ўткариб буқун, ёраб,  
Солмағил кашакашға тонг-ла қийлу қол ичра.

Каъба зойири янглиғ кисматим савоб айлаб,  
Дайр роҳиби монанд қўймагил вубол ичра.

Бузди умр бунёдин .....лар фикри,  
Селдек етиб ҳардам водийи хаёл ичра.

Фиск лойига ботқон бош-оёғини кўргач,  
Хунфишондууроп кўздин руҳи жон бу ҳол ичра.

Бандалик шиоридин сўрса гар Худованди,  
Қолмағай эди, Ибрат, нутқи тонгла лол ичра.

\*\*\*\*\*

Эй, ёри суманбари ягона,  
Байзо руҳи чархи ошиёна.

Ҳажринг ўти ичра ман талабгор,  
Васлингда чу шамъи ёна-ёна.

Даргохингта бош қўярға кўнглум,  
Айлар эди намозни баҳона.

Васл қуши ром этарга ашким  
Юз узра тўкулди дона-дона.

Ҳажринг ғами дафтарини ёздим,  
Кўнглумни этуб китобхона.

Зоҳид, бериб урма тўғри йўлдин,  
Пандингни биз элга мушфикона.

Ҳар йўлки санга ризо Худоё,  
ён айлагил мани равона.

Ҳар кимсаки жон йўлингда бергай,  
Ул топқуси умри жовидона.

Ибратни ўзинг тарафга унданб,  
Расвойи қилма икки жахона.

## **Газет хусусида**

Газетдур жаҳон ахлига бир лисон,  
Муайян эрур анда яхшию ёмон.

Газет кўрмаган, бехабар халклар  
Мисли Үлгандур ва ё ухлагон.

Деди бир киши менга: - Бидъат газет,  
Дедим: - Қайда қолдики эски замон?

Ажиб сўфилар, ажиб сўфилар,  
Газет онларга бидъат, нодуrust.

Ҳалол ўрнига кечти ғийбат деган,  
Такаллуф тамоқ расми одат экон.

Булар топса эрдики илму адаб,  
Демас эрди бу хил сўзи бўлмагон.

Газет амру маъруф этар халқға,  
Ёзар кўб хабарларни этмай ниҳон.

Хабарни ёзилгани авто турар,  
Оғиздин бирордин эшиттан билон.

Ёзинг илму ахлоку фанни мақол,  
Ўқуб билсун, Ибрат олиб билмагон.

## **Табрик Намангандин**

Эшитилди «Садойи Фарғона»,  
Келмаган эрди то ушбу она.

Ҳак мувваффак этиб мардона,  
Эшитилсан бу самиъ инсона.

Бир жароиди ой биза лозим,  
Келмаган эрди ҳеч имкона.

Дастрас ўлди нумраи аввал,  
Ўкудук дафъатан фахрла она.

Энди табриклар эрур лозим,  
На учунким бу шуғли мардона.

Халқимиз ўз-ўзига овора,  
Хоҳ ўз даври ва ё бегона.

Бизга энди бисоттур бу газет,  
Муддаони демокға икрона.

Хусни иқбола ноил этсун Ҳак,  
Чиқса шояд давоми майдона.

Хидмати миллат этмади ҳеч ким,  
Чиқмади мамлакатда бир дона.

Миллатимиз тили жароидтур,  
Сұзлар энди булар далирона.

Миллатимизи тараққига тарғиб,  
Айласун сүзни қилмай афсона.

Исми ноширки Обиду Маҳмуд,  
Чиқса шояд муваққақиятана.

Йүқ бу вактда ҳеч носихлар,  
Қилса то панд ҳар мусулмона.

Анбиёни юборди хидмат учун,  
Солмоқда әлни рох ёзидона.

Фузало яхши фикрлар ёзсун,  
Хохиши бўлса халққа эхсона.

Ўкур энди газетни ҳар ерда,  
Хоҳ масжиду ёки майхона.

Илму ахлок ҳам фунуни макол,  
Лозим ўлди бу ахду паймона.

Қалбан энди таважжұх лозим  
Шүнчалик ходим мусулмона.

Пойдор айласун буни нашридин,  
Мутаммади бўлур даврона.

Зийнат учун муборак жавоб  
Айладук бу «Садойи Фарғона».

Ибрат олсун ҳалқимиз бундан,  
Кирди бир руҳ жисми бежона.

*Мұхтаралық қозы Исҳоқхон тұра Ибратдин*

### **Изхори ташаккур**

Ахли Туркистан бу кунда, шуқр, беислоҳ әмас,  
Интишори маърифаг хаттида беймілә әмас.

Миллатимизда маориф ўрниға ваҳшат әди,  
Маданият таълимин этгай әмди беиншо әмас.

Боби канзи маърифат бизлар учун масдуд әди,  
Фотихи йўқ эрди фатҳ боби нусрат во әмас.

Кўрдум «Ал-Ислоҳ» журнолин, чиқибдур Шошдин,  
Шуқрлар айтдим йўлиндан ҳалқ бепарво әмас.

Маслакин кўрдум, шариатдан тажовуз этмаган,  
Ҳалқни ислоҳа тарғиб айлаган бадҳоҳ әмас.

Хизмати миллат паямбарларни афъюли эрур,  
Этмаса умматға хизмат лойиқи дарғоҳ әмас.

Зиммаи олимға қўйди амри маъруф амрини,  
Сокит этмас Ҳақнинг амрин олимни воло әмас.

Ҳар замон аҳлина бир фанни русум ўлғай ривож,  
Ул замон аҳлина лойик сүз демас – доно эмас.

Қайдин олғаймиз замони одаму асри атиқ,  
Ибрат ол илм асидур, Кайхусраву Доро эмас.

Ибрат тахаллусидур, аҳфоди ҳазрати Султон,  
Шұхратда Ҳожи Тұра маъвоси Тұрақүрғон.

«Ал-Ислоҳ». 1916 йил

### Қалайсизлар

Тириклик захматидин ушбу кунлардан қалайсизлар?  
Бу тириклик йили бұғдою унлардан қалайсизлар?

Ҳамани қўймади ўз холига, ташвишлар солди,  
Мушавваш айлаган бу ахли дунлардан қалайсизлар?

Жаҳон ҳеч кимга гардиш этмади иқболина таври,  
Замон ҳоли мол, қофи унлардан қалайсизлар?

Босиб халқи жаҳонни, айлади торож ўғрилар,  
Саломат ётдингизму, бўйла тунлардан қалайсизлар?

Фасоду оlam этти шу каби ҳар ерда инсонни,  
Бу тарзда фитнаю торож бунлардан қалайсизлар?

Ки ҳар бир кишида минг хил аломуату қиёматлар,  
Машаққат вактини умри ўринлардан қалайсизлар?

### Бўлубдур

Эй даҳр эли, билинглар, турфа замон бўлубдур,  
Беандиша халойик феъли ямон бўлубдур.

Олим била факирда зухду амал бўлунмай,  
Ёинки амри маъруф гўё ниҳон бўлубдур.

Шайхларни(нг) хонақоси қолмай ани бакоси,  
Бир-бирин шиква қымкын үл ҳам тамом бўлубдур.

Мадрасалар ичинда кўб фитна бирла шўриш,  
Ҳар кунда ўн хил уруш, ок салла нон бўлубдур.

Бермас закот бойлар, сандикқа фулни жойлар,  
Чипгау неча тойлар, сўз амиркон бўлубдур.

Деҳқон эли, билингиз, хирмонни кечга олғай,  
Бир дона хайр қиммас, охир замон бўлубдур.

Бопанда ё дурадгор ёки барча устолар,  
Ишин битирмас асло, ёлғонга кон бўлубдур.

Кассобу кўйфуруушлар – жангут жадал урушлар,  
Бечоралар фулига гўшт устихон бўлубдур.

Нонвойда йўқдур инсоф, андин ўтадур аллоф,  
Кўр, чакса ун хамири кирқ икки нон бўлубдур.

Кўб қозихоналарда ушбу замоналарда  
Ишдин закунчилар кўб, эмди ямон бўлубдур.

Жанжални ахтарурлар фул олмоққа халойик,  
Жанжал фули аларга чой ила нон бўлубдур.

Элликбоши деганлар, уй бошидан еганлар,  
Ўз мансабига мағрур, гўёки хон бўлубдур.

Ҳар кўчада коровул, йўқдур кўлида довул,  
Сўзлар чақиб бўлустга, мисли чаён бўлубдур.

Алҳол мухтасиб йўқ, бир-икки қилса ул дўқ,  
Ичкуга халқ роғиб, дойим фиён бўлубдур.

Ушбу замон онлар, топди ривож ямонлар,  
Йўқ эмди нуктадонлар, қандай замон бўлубдур?

Ҳар ерда ошкора фоҳиш иши-ла луъбат,  
Носих мухтасиблар баста дахон бўлубдур.

Бой ила камбағал йўқ, йўқ занларини(нг) фарки,  
Барча либоси ҳафтранг, бир ногаҳон бўлубдур.

Халқ ўлди эмди тартиб, рўмолга бурнин артиб,  
Мошина айламасдан, киймас чофон бўлубдур.

Махбуби нахшиҳонлар, кўзи қаро жувонлар  
Гастинсаларда юриб, сарфи зиён бўлубдур.

Манзума соли тарих, бу даҳри инқилоби,  
Минг икки юз тўқсон икки баён бўлубдур.

Ибрат, бу ерда турма, бунлар била ўлтурма,  
Бу халки феъли-хуйи сенга аён бўлубдур.

### **Ҳикояти уч киши**

Сокини гул боғидурмиз уч киши,  
Ҳамдулиллоҳ, соғдурмиз уч киши.

Ҳар биримиз бир иша машғулмиз,  
Еб-ичиб сарёғдурмиз уч киши.

Бири дер, майдонга сув сеп, тоза қил,  
Бири дер, носоғдурмиз уч киши.

Иш буюрсак, биримиз қилмай қабул,  
Негаким бўйдоғдурмиз уч киши.

Учимиз төъдод этай, яхши билинг,  
Үлфату ўртоғдурмиз уч киши.

Бири Вакқосхон, бири мулла Шариф,  
Банди бир белбоғдурмиз уч киши.

Бири Турсундур, бизи хизматдадур,  
Тиш ила тирноқдурмиз уч киши.

Үртамиизда устаю нажжоримиз,  
Зоири күб тоғмиздур уч киши.

Боғдаким асалари чақти бизи,  
Лаб шишириб дөгдурмиз уч киши.

Биздан одобу усул этманг умид,  
Одами қишлоқдурмиз уч киши.

Чойи нондур ҳар куни нонуштамиз,  
Толиби қаймоқдурмиз уч киши.

Бор эди бир боадаб меҳмонимиз,  
Толиби сўйлоғдурмиз уч киши.

Бири овсар, бири тентак, лўндармиз,  
Аклдин камроқдурмиз уч киши.

Ибрат олмай бизга ҳар ким кулсалар,  
Бул сабабдин дөгдурмиз уч киши.

### Ўлурсан

Бўлма амалга мухтор, озурда жон ўлурсан,  
Бадфикр фитнасидин дил тўла қон ўлурсан.

Гар тўғри сўз қилурсан, ул фахм эгри айлар,  
Анга тушунтууррга дарди даҳон ўлурсан.

Валлот ёки қози кори эрур мاشаққат,  
Ашрорлар сўзидан дарди ниҳон ўлурсан.

Гар ушласанг шариат, пос ушламоқ мешаққат,  
Бир қўл низоми давлат токи омон ўлурсан.

Хайр ишни хеч кўрмас .....  
Ижройи кор қилсанг, ўқға нишон ўлурсан.

Хасмин бир-бирини алар этса муқайяд,

Иккиси сенга рожеъ, қайдин омон ўлурсан?  
Адлинг бўлурса ақви, изҳор айламас ҳеч  
Гар зарра зулм килсанг, халқға аён ўлурсан.

Таклиф ғайри мавзеъ айлар қилинг муни деб,  
Сен масъалага юрсанг, анга ёмон ўлурсан.

Гар ҳукм жорий қилсанг, норози ҳар иккиси,  
Мен судга арза бергум, анда ёмон ўлурсан.

Келғай бириси ҳар дам ҳар кимни ўғри айлаб,  
Топгунча биттасин сен дарди гумон ўлурсан.

Бечоралиғидин ўзги иш ихтиёр қилма,  
Ҳарчанд хўб бўлсанг, дарди замон ўлурсан.

Кўб бўлди адвокатлар ё омидин вакиллар,  
Кўфиядин бўлакни билмас, фифон ўлурсан.

Келгай заиф ҳайли, санга жадали майли,  
Ўқини шикаст қилғай, сан бир камон ўлурсан.

Ҳар касб пеша килғил, бўлмас амал сенга қут,  
Бекасб ўтсанг, Ибрат, муҳтожи нон ўлурсан.

### Тарихи чопхона

Минг уч юз йигирма олтида чопмахона,  
Очмоқға бўлди рухсат ва сўз бериб замона.

Максад бу ишдан эрди оламға илм қасри,  
Ҳам қўймокға асарлар ёдовари жаҳона.

Касбу камоли ислом бўлмай таракқиятда,  
Ҳолига тушмасун деб этдук буни баҳона.

Биздин кейингилар кўб илму ҳунар топарлар,  
Ҳайфоки, анда биз йўқ, йўқ эътимодхона.

Оламдин ушбу она сонсиз кишилар ўтди,  
Мингдин бири қўюбдур оламга бир нишона.

Мен катта бой эмасдим ким айласам биное,  
Дахлим етишмас эрди рўзгори чою нона.

Сад ҳайфким, ғанилар сарфини билмадилар,  
Еб-ичдилар семуруб, сиғмай турууб чопона.

Ўз асримизда ўтди бир неча ағниёлар,  
Колдирмайин нишона ер остин этти хона.

Фикр айласа керакдур бу дахри бебакода,  
Ўтмиш Расул, шахлар кўб келмағай баёна.

Гар юзланиб бақоға кетсанг бу мамлакатдин,  
Қайтиб келиб бўлурму бу мамлакатга яна.

Бул сенга катта ибрат, хушёр бўлки, кетди,  
Эмди сенга келурму кетган у ота-она.

Бу роқими жалоли маъвоси қальваҳон,  
Чонхона котибидур, гар сўрса ҳар ким олон.

Ибрат тахаллусимдир, ахфоди Ҳазрати Султон,  
Шухратда – Ҳожи тўра, маъвоси – Тўракўргон.

### Манзума

Хурматлу «Тужжор» газети нашрига Тўракўргон қозисидан зийнати газет учун «Тужжор»ни жавоб хати сулс илан сарлавҳа қилиб юборилди. Газетга қўймоқлари учун ва табрикка манзума дарж учун ирсол қилинди.

Оламға сўз матойин сочмокқа чиқди «Тужжор»,  
Табриклар қилинсун қилмиш бу хўб гуфтор.

Даҳр ичра кўб ҳаводис, ҳалқ ичра мунтасирдур,  
Ҳар қайси фикр ўзга ақлига ўзи муҳтор.

Баъзиси қасди шуҳрат, баъзиси маҳси хизмат,  
Баъзиси афзалият халқ ичра айлар изҳор.

Оламда бу жарида бир мухбири ҳувайдо,  
Лобуд эрур ёзарға гар бўлса яхши ахбор.

Бу янги фикрлардин гар бўлса манфаатлик,  
Халқка ёшиттиурга ёзмоқ керак, бу даркор.

Аввалги асрларда ваъз ила амру маъруф  
Ҳар ерда айтиларди, эмди жаридалар бор.

Миллатга яхши хизмат айланг ёзуб, биродар,  
Ёзилса сафҳаларга ўқур бу халқ ночор.

Бу Ўрта Озиёда икки жарида бори,  
Ислом эли ўкурга «Туркистон» ва «Тужжор».

Бу халқ маданий эрмас – бу қўрқувдир газетдан,  
Маданий агар бўлурса кимдур ҳазор асфор.

Лозим на янглиғ ўлса халққа демак насиҳат,  
Шаръи низоми сўздин гар бўлса яхши афкор.

«Тужжор»га «Тараққий» этмакка бермак имдод,  
Даркор эрди биздин сарлавҳа бўлди тайёр.

Нозимни билмак истар бўлса киши ўкусун,  
Қози Тўракўргон Ибратдур анга ашъор.

Биздин эрур нишона сарлавҳа бу газетга,  
Тавон қилиб юбордим, зийнат тобар бу «Тужжор».

### **Ислохи миллат**

Ахли Туркистонни шояд эмди ислоҳ айласа,  
Интишор .....

Миллатимизда маориф ўрниға ваҳшат тўлуб,  
..... шояд эмди иншо айласа.

Боби канзи илм масдуд эрди йироқ неча вакт,  
Йүк ажаб ислоҳ мифтоҳи ила во айласа.

Маслакин кўрдум тараққий ва таолода экан,  
Хизмати умматни шояд яхши баржо айласа.

Ҳак паямбарларни қўйди хизмати уммат учун,  
Шод ўлур рохи набийни кимки барпо айласа.

Миллату давлатга хизмат қиласа бу кирдор ила,  
Маслакидин ажрамай халққа мадоро айласа.

..... сўзларла ёзиб тарғиблар, ташвиқлар,  
Бирла бўлуб ахлига яхши муросо айласа.

Аҳдимиизда нафс ахволи ..... ишларин,  
Кўзларина кўрсатуб арзини ифшо айласа.

Нумраи аввални кўрдум ўттуз уч ҳижрий экон,  
Бу ..... хўб яхши халқига мадоро айласа.

\*\*\*\*\*

Бир неча йиллар ичинда шахримиз жаннат бўлар,  
Бул тариқа бошчилиар қиласа ташаббуслар агар.

Халқни тарғиб этуб ишга бўлурса ижтиҳод,  
Саҳал кунларда бўлурлар жумлаи оламга сар.

Ҳар киши иш ишласа, доим иши хурсандлик,  
Ишламаслар ўз бошига ургуси тифи батар.

Санга осмондин ёғурми ақча ё буғдойлар,  
Қилма элдин сан умиду ўз ишинг ўзинг бажар.

Ибрат олсунлар ҳам ишчи бунинг мазмунидин,  
Ишласанг, қандингни ол, гар дангаса бўлсанг захар.

Тұракүрғон тумани ижроқұмiga Исҳокхон Ибратдан  
**АРИЗА**

Эй районга раис үртоказар,  
Давлат узра юринг бўлуб соғлар.

Куруди ўрик, олма, ёнғоклар,  
Хўжасини кўюб бағрига доғлар.

Сайрашар эрди гул узра булбуллар,  
Булбул ўрнига қузғуну зоғлар.

Отунадин бўлдилар вакил сувга,  
Халқ ғамидин бўлмас уйғоклар.

Сув бериш йўлини билмаслар улар,  
Баъзи бўлган мироб тўнғоклар.

Афв этинг хўжалик солигини,  
Ё сув беринг, курумасин боғлар.

1931

**Мураббаъ**

**Кўргони келдим соғиниб**

Гулдек юзингни, дилбарим,  
Кўргони келдим соғиниб.  
Сен шоҳи олам, мен гадо,  
Кўргони келдим соғиниб.

Кел-кел мани ҳолим сўраб,  
Эй, ошиқи, ҳолим хароб,  
Бўлди юрак-бағрим кабоб,  
Кўргони келдим соғиниб.

Ишқингда, дилбар, зор-зор,  
Йиғлаб юрибман, эй нигор,  
Кел эй буқун, кўзи хумор  
Кўргони келдим соғиниб.

Сиздин бўлак йўқтур кишим,  
Ўзга билан йўқтур ишим,  
Мастона кўзли маҳвашим,  
Кўргони келдим соғиниб.

Тан ичра жоним сен эдинг,  
Хуш меҳрибоним сен эдинг,  
Ширин забоним сен эдинг,  
Кўргони келдим соғиниб.

Дардинг билан дармондаман,  
Топкин илож, bemoramан,  
Васлинг билан афтодаман,  
Кўргони келдим соғиниб.

Эй дилбари нозик бадан,  
Ҳам тишлари дурри Адан,  
Ой юзлари боғу чаман,  
Кўргони келдим соғиниб.

Боғу баҳорим сан мани,  
Қўзи хуморим сан мани,  
Ширин забоним сан мани,  
Кўргони келдим соғиниб.

Мандин яширма юзларинг,  
Ёдимга тушди сўзларинг,  
Куйдурди, ёрим, кўзларинг,  
Кўргони келдим соғиниб.

Куйнингда дилбар зор-зор,  
Шому сабо, лайлу наҳор,  
Йўқ эмди бизда ихтиёр,  
Кўргони келдим соғиниб.

Ибрат қулинг қилди дуо,  
Сандин ижобатдур яно,  
Дойим деюр ҳамду сано,  
Кўргони келдим соғиниб.

## **Мұхаммас**

Наманган ахлиға хұб үлди, бир яхши замон келди,  
Муродоти халойик узра бир жону жақон келди,  
Дема жону жақон, авқот учун бу халққа дон келди,  
Дема дон, балқи бунларга майшат узра нон келди,  
Ажиб бир фойизи арзоки инсоний вагон келди.

Наманган ахлиға бормоқ әди Ҳұқандға құб мөхнат,  
Ұтурса сарт ароба узра мөхнат устига кулфат,  
Ароба мөхнатидин бормоққа бұлмас әди журъат,  
Бу дарёю ароба мөхнатидин айлабон узлат,  
Ажиб бир фойизи арзоки инсоний вагон келди.

Ҳама оламни кори бори осон үлди фойиздин,  
Баробар Мағрибу Машриқ чу як сон үлди фойиздин,  
Бу халқуллолара арзоки арzon үлди фойиздин,  
Мате жумла ашё келди, бир кон үлди фойиздин,  
Ажиб бир фойизи арзоки инсоний вагон келди.

Ташаббус айлади келтүрмөққа хурматли Ессин,  
Билиб эрди Наманган мавзеъин бу халқ барчасин,  
Ұкуб әркан хандаса илмини күбдин алифбосин,  
Мубораклар десин халққа, ишга оғарын десин,  
Ажиб бир фойизи арзоки инсоний вагон келди.

Наманган ила Ҳұқанд үртаси гарчан яқин йүлдур,  
Ҳама күм бирла очуғ сув ила түлгап ямон құлдур,  
Йұловчини босиб үлдурмөққа босмачига құлдур,  
Темир йүл айламокқа лозими лобад маҳмудлур,  
Ажиб бир фойизи арзоки инсоний вагон келди.

Минг уч юз йигирма саккиз эрди бу темир йүлга,  
Келиб иш бошлаган эрди қарамай ўнг ила сүлга,  
Халойик иш бошлишиб насту баланд, құл ила чүлга,  
Биҳамдуллах, бу ишда келди құбни мақсади құлга,  
Ажиб бир фойизи арзоки инсоний вагон келди.

Бұлуб бу шаҳримиз навзоди бунёд үлди ижодий,  
Сафарни захматидин халқлар олди хатти озодий,

Намангани ниҳодига насими етти ободий,  
Қилурму ҳаргиз эмди ул кирокаш заҳматин ёди,  
Ажиб бир фойизи арзоки инсоний вагон келди.

Намангандин чиқардук сарт ароба меҳнатин тортуб,  
Ўтуруб бесаранжом, юқ ила сирка қовоқ ортуб,  
Уруб отларни қумларда ва ё кўлларда кўб хортуб,  
Аробакаш ила хўб муштлашиб, кўб оҳ-воҳ тортуб,  
Ажиб бир фойизи арзоки инсоний вагон келди.

Юарға бўлди гўё тасхир боди Сулаймони,  
Етургай муддаога етмайин бир лаҳза бир они,  
Кўтаргай бир шаҳар арзокини тахсинга йўқ жони,  
Кўб эрур хонаси анвоини йўқтур хадди сони,  
Ажиб бир фойизи арзоки инсоний вагон келди.

Эди катта хатар йўлчилар бу шаҳар баҳри,  
Агар тошса , бу дарё ўтуб бўлмас – Худо қаҳри,  
Мунга айлаб темир кўприк гўё бир этиб наҳри,  
Умумий кўб мащаққат ўлди осон ҳикмати даҳри,  
Ажиб бир фойизи арзоки инсоний вагон келди.

Ўқингиз , илми ҳикмат сизга, бу иш катта Ибратдур,  
Агар илм ўрганурсиз барча ишда сизга нусратдур,  
Агар илм ўлмаса, иодон умри барча кулфатдур,  
Бу ашёи жадиди мубаддини асли ҳикматдур,  
Ажиб бир фойизи арзоки инсоний вагон келди.

## *МУСАДДАС* *Қарз*

Эй ҳозико, жаҳонда бўлурму давойи қарз?  
Оlam элин мариз қилур можаройи қарз,  
Этмай қаноат ўлмади хожат равоийи қарз,  
Дунё керакдур айламакка биродори қарз,  
Келди бу халқ бошига бирдан балоийи қарз,  
Бўлди тамом халқи жаҳон мубталоийи қарз.

Олдию қарз пахта учун, бергумуз муни,  
Деди: «Чиқар ҳаёни тарозуда бир куни».

Сарф-харожот айлади, ҳеч чикмади уни,  
Пахта бўлур бу йилда адо айлагум шуни,  
Келди бу халқ бошига бирдан балойи қарз  
Бўлди тамом халқи жаҳон мубталойи қарз.

Мундин қадим халқда бор эрди иктисад,  
Кам эрди халқ ичра чу ваҳш ила фасод,  
Килмай бу халқ илми хисоб ила ижтиҳод,  
Иқболи ёвар ўлмади ҳам топмади мурод,  
Келди бу халқ бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом халқи жаҳон мубталойи қарз.

Ҳеч ким қаноат айламади уйда борига,  
Бўлмоқ тараққий бўлди иши борди норига,  
Кийди, еди ва қидди ҳашам рўзғорига,  
Кетти тамом нақди ўзининг рўзғорига,  
Келди буларни бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом халқи жаҳон мубталойи қарз.

Фарғонада бу вақтда бекарз кимса йўқ,  
Минг сўм ақалли қарз бўлиб, бўлса қорни тўқ,  
Сарф-харожат айлаб, ўзини айлади улук,  
Бечораларни қилгуси бордур чулук-чужук,  
Келди буларни бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом шоҳу гадо мубталойи қарз.

Қўрганмукин қариялар ўтган замонада,  
Ёинки асри аввал охири миёнада,  
Йилу оий ом бўлди бу йил гуссаҳонада,  
Кўрмай кўзи айланди бўлуб дом-донада,  
Келди буларни бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом халқи жаҳон мубталойи қарз.

Лекин бу йилда Чуст, Наманган тарафлари,  
Қолди қуруб, етишмади сув, кўб алафлари,  
Бирдан ҳусул бўлмади, кўбдур талафлари,  
Айтган эди бу маънини кўпдан салафлари,  
Келди буларни бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом халқи жаҳон мубталойи қарз.

Күблар бериб ариза, кридитни очтилар,  
Пулни олиб, халойикка пахтага деб сочтилар,  
Күб камбағалдин унмади, охирида шоштилар,  
Баъзиларни маst қилиб, ақчалар талаштилар,  
Келди буларни бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом халқи жаҳон мубталойи қарз.

Баъзилари тамоми тижоратни билмаган,  
Гар билса ҳам, зарурини кўзга илмаган,  
Кариялар сўзиға қаноатни килмаган,  
Ҳам оқибат на бўлғуси деб эсга олмаган,  
Келди буларни бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом халқи жаҳон мубталойи қарз.

Борми бу вақт ҳеч киши қарз бўлмаган?  
Бордур ҳамада қарз агар бўлса унмаган,  
Ё қарзи йўқ бўлурки, ондан туғилмаган,  
Ё факир-фано ичра бу дунёни олмаган,  
Келди буларни бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом халқи жаҳон мубталойи қарз.

Ҳеч сухбатни бўлурмики, қарз сўзи эмас,  
Дунё ғами ҳамиша ва ақибо ғами эмас,  
Жонни ғами ва ҳам тириклигин ҳеч демас,  
Борму кишики бир-бирига қарз ҳасратин демас,  
Келди буларни бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом халқи жаҳон мубталойи қарз.

Бойлар ғами будурки, пулим бермади ҳаён,  
Ўтган иили дуруст эди, бўлди бу йил зиён,  
Тенг ўлмади тан ила ҳаён деб бўлуб фифон,  
Дарқаҳр ўлуб, келишмади деб торговли жаҳон,  
Келди буларни бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом халқи жаҳон мубталойи қарз.

Берсун нажот жумлаи мўмин қарзига,  
Етсун Худойим ўзи бу абдини арзига,  
Раҳм айласа Раҳим бу аҳвол тарзига,  
Берсун хазина ғайбдин ул банда қарзига,

Келди ҳамани бошига бирдан балойи қарз.  
Бўлди тамом шоху гадо мубталойи қарз

Тарих эди минг уч юз ўттуз бира адил,  
Анда эди хаво ва жаҳон барча мӯътадил,  
Халиқ олди қарз, ақча топилса бўлуб далил,  
Вакти берарда бермади, ҳақ бўлди музмахил,  
Келди ҳамани бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом ҳалқи жаҳон мубталойи қарз.

Ибрат, санам бу қарзга кўбдан бўлуб асир,  
Аср илкига этмади ҳақ марҳами бўлуб есир,  
Шукур эт бу неъматига, агар бермаса касир,  
Аҳволи ҳол анга аёндур, ўзи хабир,  
Келди ҳамани бошига бирдан балойи қарз,  
Бўлди тамом шоху гадо мубталойи қарз.

### *Маснавийлар* **Маданият ҳақида маснавий**

Кўрдим, Ибрат, жаҳон машакқатини,  
Кўрамиз эмди аниңг роҳатини,

Маданиятни кўрмай одамдин,  
Кетмасак эрди ушбу оламдин.

Маданият жаҳонда осойиш,  
Хулқ хусни анга оройиш,

Маданиятни(нг) шахрида турмини  
Киши гүёки жаннат ичра эмиш.

Маданият ҳалойикқа роҳат,  
Кўрмагай ғамни ҳеч соат

Маданиятни(нг) шахри ичра тур,  
Даштда юрма, гулистон ичра юр.  
Сенга бу олам ғаниматдур,  
Барча ашёси санга неъматдур.

Үлтүрүб еткарур хама ишни,  
Билмагай хеч ёз ила қишини.

Муддао жумласи мухайёдур,  
Шахар күчалари мусаффодур.

Бормок, келмоқ ишлари осон,  
Күрмагай хеч ким машакқати жон.

Маданиятда юргил ўлгунча,  
Бадавиятда шох бўлгунча.

Маданийлар ўзиға шох ўлғай,  
Бадавийларки, бир гадо ўлғай.

Бадавий хулки мисли дарранда,  
Маданий гўёки созанда.

Бадавийлар иши машакқатда,  
Маданийлар ҳамиша роҳатда.

Бадавийлик эрур ҳалокатлик,  
Илми ахлок йўқ, фалокатлик.

Маданий ранг-рўйидан маълум,  
Бадавий ҳолидан бўлур мавхум.

Маданийлар кунда кирқ раҳмат,  
Бадавийлар кирқ кунда бир раҳмат.

Бадавийларда кўб жаҳолатлар,  
Файри шаръий ажиб касофатлар.

Бадавиятда жамиъ заҳматлар,  
Маданият ичинда раҳматлар.

Маданий ким, деб килурсиз фикр,  
Бадавийларни айладим кўб зикр.

Бўлғай ахлоқи илм ила марғуб,  
Бадавий жаҳл феъл ила маъюб.

Маданий шаҳар ҳозир оламда,  
Ўн иккидур ҳисоб одамда.

Миср, Истанбул, Фариш, Берлин,  
Лундун ва Мадрид, Вашулғитун.

Вена, Пестергрод ҳам Тўкиё,  
Маданиятда бўлғувчилик бу.

Бирисини оти эрур Румо,  
Маданиятни(нг) ери эрур Дониё.

Маданийликда феълу афъоли ,  
Роҳат ичра ҳамиша аҳволи.

Сафар айларга кўб темир йўллар,  
Ҳам ҳаво фойизин алар қўллар.

Ҳама уйларда тилифун бўлур,  
Печка иссик, совуқ, сўлум бўлур.

Ёзда уйда совуқ печ ила шамол,  
Барча иликтр ила ўттай ҳол.

Сандалу самовар иликтрийдур,  
Лампа ёруғлари ани(нг) еридур.

Симсиз тилигром, темирсиз йўл,  
Автомобеллар юарар машғул.

Фойизи конкаларга пул олмас,  
Юрмаган, тушмаган киши қолмас.  
Бош ёруб, ич очуб турар жарроҳ,  
Неча минглар муҳандису тарроҳ.

Шаҳар бутқул иморатидур олий,  
Кўча кент, минг кишигадур ҳоли.

Хама дардга ҳакимлар тайёр,  
Гар этар бўлса дардини изхор.

Хама илма мударрислардин кўб,  
Халқ илми маош ўкур тўб-тўб.

Хама ўз иши бирла овора,  
Кўчада йўкки халқ бекора.

Анда хотунлар ҳам қилурлар иш,  
Демагайларки, бутун ёзу қиши.

Барчасини майшати тайёр,  
Егайлар таомни меъёр.

### **Шикояти замона**

Эй қалам, айла бир ҳикоят,  
Бу замона ахлидин шикоят.

Қандоғ фалак кажрав ўлди акнун,  
Кўб турфа жафони солди гардун.

Юрди раҳи маъсиятга мардум,  
Ойини мусулмонлиғ айлади гум.

Жон эрди амонат ушбу танда,  
Эрдук Худоға бовужуд банда.

Жон ваҳмини қилмайин ҳамиша,  
Қилдук мудом гуноҳи пеша.

Ҳақни риоя айламасдин,  
Поймол ўлур шаръ демасдин.

Кўб бўлса ҳар кишида сим или зар,  
Юрса қаёнда қилди «кар-кар».

Уламони йўқтур эътибори,  
Тўю азода бой юқори.

Бўлди бари кибр ила ҳаволиғ,  
Курт тушуб думоғига наволиғ.

Бўлди улуғ жинон бағрат,  
Юкорида жойидур баҳурмат.

Борганда қаёнға шодмондур,  
Доим ани насибаси чофондур.

Бергай анга ним мовут дуробин,  
Маҳшарда на дегай жавобин.

Кўб фойдалар қўюб неча дўкондор,  
Килди фукарони кўб дилозор.

Етмай кучи неча камбағаллар,  
Йиғлар эди вакти бемаҳаллар.

Келгай ғазаби нойиб Худодин,  
Килмадинг дегай нега гинодин?

Деб неча бу сўзни коғир ўлди,  
Кўрдум нечаларни зохир ўлди.

Нега мани камбағал қилибсан?  
Хилқатда бемаҳал қилибсан.

Бир маснади кўтаҳ бойлар ҳам,  
Ўтса йилу ойлари ҳам.

Инсоф қилмагайки ўйлаб,  
Ҳаргиз ўлумни тафаккур айлаб.

Кундан-кунга умримиз тугагай,  
Кўнгул кўзини ғафлат олгай.

Борғум демай қариб гўрга,  
Килмайди майшатини зўрга.

Келса ўлумни вақти ногох,  
Ким қилди симу зарни ҳамрох.

Қолғай кафандин ўзга мунда,  
Күргай жазони ҳашир кунда.

Қилмас эди охиратни ваҳмин,  
Жонға кетурмас эрди раҳмин.

Бўлди зиногару лобагар кўб,  
Бу ишлари ҳеч кима эмас хўб.

Бермас мунга ҳар киши ризолиг,  
Тонг йукки қилса дин жудолиг.

Йўқтур ажални муҳлати келурға,  
Қай кунда ўлмишини билурға.

Хоҳ муллау хоҳ эшон ҳам,  
Эл кўзиға салласи калон ҳам.

Фисқу гуноҳ иктисоб айлар,  
Йўқ кимсага эҳтисоб айлар.

Фива-арақ ичмак ўлди одат,  
Маст ўлса оғзида ҳақорат.

Фисқу фасод ривож топти,  
Туфроғи-ла дин юзини ёпти.

Тангридин айламас иболар,  
Кетти шарм ила ҳаёлар.

Мардум бари бенамоз бўлди,  
Беажзу бениёз бўлди.

Ҳеч кимса ҳақиқат айламайдур,  
Дилу жонда ғайрат айламайдур.

Бўлди заиф дини ислом,  
Эрди ҳама бўйла бесарапжом.

Сўз кўб десам ман, эй дилогох,  
Килдим охири қиссани кўтах

### **Қозийи қотил**

Чиқиб бир қун ахли шахси жохил,  
Ҳамиша корибори они ботил.

Эди феъли кишини катл қилмок,  
Бўлур эрди ҳама мақтулга фоил.

Ани бир муфсид қози қилибдур,  
Эмиш ўз наздида хўб мард одил.

Этиб кўб ҳалқни мажруху маъдум,  
Кўлида тасбеху ўқи ҳамойил.

Эди овқоти мардумларни қони,  
Этарди доимо жонларни зойил.

Етиб катли икки юз етмиш учга,  
Дили ҳак сори бўлмай ҳеч мойил.

Сотарди ул ўлукларни ҳамиша,  
Ололмай майитини ҳеч сойил.

Хукуматга ярашмай қози Косон,  
Тутиб келди ани бир марди оқил.

Хукумат қатлиға ҳукм этти дарҳол,  
Олиб кетди ани марди мақотил.

Ярим соатда они бошин узди,  
Жаҳаннамга жўнаб кетди у жохил.

Қазо бошу аёғи этти макту,  
Анга тарих ўлиб «қозийи қотил».



ИСҲОҚХОН ИБРАТ  
**МЕЗОН УЗ-ЗАМОН**

Нашрга тайёрловчилар, изоҳ муаллифлари:  
Улугбек Долимов, Нурбой Жабборов

Жавоб берадур: мана бундин ортиқ нодонлик бўлмаски, адувлари — душманлариға бор нимарсасини бериб, ани(нг) азобини, ҳисобини ўзи берсун. Худо бул феълдин сакласун. Шул бойларга ҳаётларида мактаб ёки мадраса ё хизмати динияни тарғиб қиласа, улар қаттиғ ёмон кўрадурлар эди. Мана эмди бориб кўрарлар. Буларни(нг) ўз олдида кўб кишилар шу хил вафот бўлди - кўрдилар, булар ибрат бўлмади, хирси дунё ғалаба қилди. Ағниёу фуқаро эмас, бутун исломда мингдан бир киши ризки муқаддарага қаноат қилиб, истиқомати шариатда бўлган. Ҳама мубталои дунё ва ғано. Ҳоҳ шайх, ҳоҳ олим, ҳоҳ хон, бу бир.... замонани(нг) даври бирла келгон.

Бу сўз эмди айтилган эмас. Ҳама тасаввуфда бу бор. Аммохи ман бу «Мезон»ни муқаддима килмоқда сизни «Хубб уд-дунё...» дан кўнглингиз қайтаруб, сўнгра муддао ёзаман. Бу «Мезон уз-замон» мақсади ҳалқға амри маъруфдурким, кунтум хайра умматин ухрижат лин-наси тъймуруна бил-маъруфи ва танҳавна анил-мункар муфодига қараб, ҳар фард аз афроди уммат маъмури амри маъруфдур. Бу амри гарданидин тушурмоқ фақат айтмак ила бўлур. Ва ма алар-расули иллал-балағул-мубин этмак бўлса, қалам ила бўлур. Савт ила айтилса, бир самоъ эшитуб тамом бўлур. Қалам била бўлса, қиёматгача хизмат бўлур, ҳар бир аҳли савод кўруб ўқуса, амри маъруф бўладур. Биз қилиб турган хизмат кейинги асрларга ҳам хизмат этар умидинда бўлуб қалам юргуздук... Аллоҳ таоло бу хизматимизни қабул этуб, сўзимизни исломға таъсирини этсун. Омин.

## БИРИНЧИ МЕЗОН

Мезон - баробар қиладургон тарозудур. Бу асрларни, замонларни вазн қиладур. Сўнгра ҳосили мезон — бир натижа ҳосил бўлур. Биз бу мезон ила ўз асримизни тортамиз. Аввалги замон ва кейинги замонларни(нг) бўлак тарозуси бор. Биз кўз билан кўрган нимарсани вазн қиласиз. Табодили замон — инқилоб овондин зухур этмиш. Ашёй жадида ва асбоби адидаларни кўруб, булар ҳама ҳалқи Оллоҳга ато қилингон нимарсалар экан. Булар баъзиси ҳусния ва баъзиси нисбия суратинда кўрунуб, истеъмоли алал-умум бўлуб, бундан баъзи муташарриълар ижтиноб қилсалар ҳам умумун-нос тайассиран лин-нос (одамларга осон бўлсин учун) тутуб, одат қилдилар ва расму урф билдилар. Ва баъзи мутазоҳидлар, аслидин боҳабарлар, ижтиноб ва тақво қилдилар —

бу бизим ахли ислом. Баъзилари ҳаром, макрух деб авом ҳалкни тафриқага, машаққатта қўйдилар.

Аввалдин биз — ахли ислом уламосини жузъий сўзларга кулли жанжал қилиниб, байнал-уламо ихтилоф бўлуб юргандур. Булар ҳам ани қабилиндан: фақат исломията кифояти иттиҳоф ва иттиҳод зурурлиги ҳеч кимни андишасида, ноаниқ чакана ишни катта қилгандар. Худо амринда уламолардин амри маъруф, ағниёдин эҳсон, бинои хайрӯ имдод, фукаро ва умумун-носдин ҳаракати касби илм тараққий ва таолий эди. Йўқ, булар ишни ғайри мавзузъға ишлатдилар. Уламо ва фузало ва авом ҳама нафс хизматидан бўшамай, дунё қилмоқ, иморат, ҳашам, манфаати нафсияларин мубталойи. Хизмати уммат, хизмати миллат деган нима? Ани билмай, муни қилмаса ҳаром, муни қилмаса макрух, бу мустаҳаб, бу мубоҳ деб, бу умматга фарзи айн бўлган ишлар қолуб, мустаҳаб ила макруҳни жанжал қилдилар. Чунончи, булардан аввали ҳолларда янги жорий ҳама ашё бўлса, булар кўрмаган бўлсалар, ани ҳаром ақида килиб, то расму урфу таомил бўлгунча ҳуркуб турдилар. Сўнгра било иштибоҳ истеъмол қилдилар.

Бу бизни ҳалқимизни бир вазълари борки - кўйундек, буларга бир мақол ҳаром дейилур, ҳуркиб елур. Мундин беш йил аввал ҳаром деб ҳуркиб юрган нимарсаларни ўзлари олуб ҳамадин аввал тутдилар. Мана бундан буён ҳама ашёи жадидалар зухур этса, яна шул хил ҳуркармۇ? Кейинлар бу ҳалқларимизни бу феъллари беийлмликдан, шаҳар кўрмагонликдан маҳз вахшийликдур. Буларда авваддан маданият йўқ эди. Мана эмди анча-мунчя ихтилоти фариқи ажнабийлар илан кўзлари кўруб туруб, фойдаи динимиз не — билдилар. Аммоқи ўзлари урнамайдурлар.

Бу ахлоклари тарбия илан аҳолидан йўқ қисса, тамбаллик тухми кўкаруб Туркистонни истило қиласидур. Ҳалқни зиллатга солур. Расулуллоҳ ҳазратлари марҳамат қилибдурларки: Ал-илму иззуд-дунйя ваш-шарафул-охирати деб. Иккинчي бир ҳадислари: Утлубул-илма ва лав кана бис-Сийн . Бул ҳадислар бизни талаби илм қилмоққа таклиф қиласидур. Биз қочармиз. Шориъи акбар набиййина алайхиссалом қайси сўзларидан зарар кўрдукки, меҳнат қилиб, қаттиғ урнамаймиз? Ҳеч иш қўлга келмайдур, илло қаттиғ ҳаракатлардан. Бул тўғрида Худованди акбар Каломи қадимда айтадур: Ва ан лайса лил-инсани илла ма саъа. Ҳаракат даркор. Бул ҳам ҳадисдурки, дар таваккул пойи уштурро бибанд. Аввал инсон — сўнгра таваккул. Мана «Мезон»ни(нг) сизга кўрсатадургон вазни.

Аввалги асрларни(нг) одами, чунончи боболарингиз ёки бўлак одамлар илмда, хунарда, маъишатда — жамиъи умуринда машакқатда ўтган. Эмди умури маъишат роҳатга бадал бўлди. Боболарингиз чақмокчақар эрдилар, кўрки, ҳозир қандоқ роҳат. Қаро чироқ ёқар эрдилар, электрий ламфа қандоғ роҳатдур. Инқилоби замон шундоғ қилди. Хусусий сафар қилмоқда машакқатларга қараб вазн қилинг. Тошканд илан Хўқанд ароси бир ҳафта кўб меҳнат илан, йигирма сўм сарф илан, бир ҳафтада сарт аробада борилур эди. Худованди оламни(нг) марҳамати, хукумат харакати илан темир йўллар солинуб, бир уч соатда тўрт сўм сарф ила борадургон бўлди.

Бўлак ашёлар ҳам бул тариқа осон мезон қилганда фарқ бўлур. Бул осонлик аввалда нега бўлмагон? Бунга сабаб мутараққий ва маданий ҳалқни(нг) йўқлиги, ихтилот йўқлиги. Бинобарин, қийинликда бўлган. Асли иллат ҳамасига илму хунарсизлик. Илму хунар бўлса, мактаб-мадраса бирла бўлур. Бу асбоби илмлар ҳеч бири бизда йўқ учун ҳама умуримизда уср бўлган. Эмди дунё ва охират роҳати илм экан, нимага ўқутмадукки, биздан кейинги авлодларимиз роҳатда бўлмадилар. Оллоҳ таоло бизга йуср ни хоҳлагон, усрни хоҳлагон эмас. Йуридуллоҳу бикум ул-йусро ва ла йуриду бикум ул-усро деса, биз ўзумизни ўзумиз қийинликка солган. Худо солган деб қийинлиқдан чиқмай юришимиз мани Худо шундай қилган деб иймонга келмаган қабилиндандур. Агар бидъат деб такво қиласургон бўлсангиз, бул бидъат бўлса, бидъат эмас нимарса қайси? Чакана фикр ила мусулмончилик муддаоға етиб бўлмайдур. Катта йўлдан юруб борадур подшоҳга — Худованди олам боргоҳига. Овони илму хунар ва касб бўлганда атрофу акноф ўртага чиқиб ийд қилиб юрса, биз ҳалқ гарibu ожиз бўлуб бир кунжада ўтурсак, ўз аҳлимиз майли, ажнабийлар нима дейдурлар? Бас, ўқунг, хунар касб этмак учун ҳаракат даркор экан, кўруб турубсиз.

## ИККИНЧИ МЕЗОН

Ислом дини ва шариат иборати иттиход ва иттифоқдур. Чунончи, Каломи қадимда Оллоҳ таоло айтур: Ваътасиму биҳаблиллаҳи жамиъан ва ла тафарраку. Яъни Худонинг риштай маҳкамига даст уринглар, ҳамаларингиз иттифоқ бўлуб, тафриқа ва пароканда бўлмай. Ҳама муттафиқ бўлуб, нифоқ қилманглар, дер. Ва ҳам Оллоҳ таоло буюрадурки: Ва ла такуну каллазийна тафарраку вахталафу мин баъди ма жаа ҳумул-байинат. Яъни

мутафарриқ ва ихтилофда бўлманглар ул кишилардекки, мутафарриқ бўлдилар. Сўнгра иттифоқ ва иттиҳоддаги ҳалқни(нг) тараққийларини кўрдилар. Сураи «Анфол»да буюрадурки: Ва ла танозаъу фатафшалу ва тазхаба риҳукум. Яъни бир-бирингиз мунозаат қимланглар, нифоқ этманг. Кўркингки, роҳатларингиз қўлдан кетар. Яъни сизни(нг) нифоқингиз таъсири қабойилларингизга уруб аларни(нг) таъсири оламга урадур. Бас, боиттифоқ тафкир, тадбир ва дафъи душманга оғиз бўлманглар. Сураи «Оли имрон»да айтадурки: Ва шовирҳум фил-амри фаиза азамга фатаваккал ал Аллоҳ. Яъни, эй расул, сан замонники, агар бир амрга мубошарат қўлсанг, мустабид бўлма, худройлик қимла. Балки асҳоб ила машварат қил. Дор уш-шўрова бўлган иттифоқ илан ишга ҳаракат қилиб, ани рой қилиб, ул корни(нг) оқибатини манго таваккал қил. Ва ҳам сураи «Шўро»да мўминлар таърифида айтадур: Валлазийна астажобу лиробихим ва ақомус-солата ва амруҳум шуро байнаҳум. Яъни биҳишт ул кишигаким, Худосини даъватини қабул қилиб, намозни барпо қилиб, ҳар амри бўлса, ани шўро (маслаҳат билан) этибдур.

Сўнгра сураи «Бақара»да буюрадурки: Ва из қола роб-бука лил-малаикати инний жаъилун фил-арзи халифатан. Колу атажъалу фийҳа ман йуфсиду фийҳа ва йусфикуд-димаа ва нахну нусаббиху биҳамдика ва нуқаддису лак. Қола инний аъламу ма ла таъламун. Ҳосили қалом буки, Худои таоло мушовара қиласур малоикаларгаки, (одамни) рўйи заминга халифа қиласман. Улар айтадур: «Агар ҳалқ этсанг, уларни ер юзида фасод қилурлар ва қон тўкарлар. Биз Сени(нг) тасбех ва тақдисингни қилиб турибмиз». Худо айтадур: «Мани(нг) билганимни сизлар билмассизлар».

Бас, Худованди олам ҳазрат Одамни(нг) мартабаларини кўрсатди. Малоикалар қабул қилиб, ўзининг сўзин биз билмадук, дедилар. Бас, максуд: Худованди олам Фаъалун лима йурид, Олим ул-ғайби ваш-шаҳодат дур, машваратга муҳтоҷ эмас эди. Нима учун машварат қилди? Магар уларга машварат одобидан таълим бермоқни иродга қилди. Ва дигар сураи «Моида»да Оллоҳ таоло буюрадур: Ва таъавану алал-бирри ват-тақво ва ла таъавану алалисми вал-удвон. Яъни ҳамкорлик қилинг, ионат беринг ҳар савоб ишга ва иттиҳодга ва эҳсонга саъй қилинг ва ҳар ишики, сабаби адоловат ва нифоқдур, анга ионат қимланг, дейдур. Ва ҳам сураи «Бақара»да айттурки: Ва казалика жаъалнакум умматан васатан. Яъни ман сизларни уммати адолат ихтиёр қилдим ва қарор бердим: мояи адолат — муҳторият, вифоқ ва иттиҳоддур.

Сураи «Хужурот»да айтурки: Иннамал-муъминуна ихватун фааслиху байна ахавайкүм. Яъни мўминлар бир-бирига биродардур. Агар нифоқ бўлса, иккисини(нг) ўргасини сулҳ қилинглар, дейдур. Ва ҳам сураи «Бакара»да айтур: Вал-фитнату ашадду мин ал-қатли. Яъни икки кишини(нг) миёнасига фитна қилмоқ одам ўлдирмоқдан ёмонроқдур. Сураи «Моида»да айтур: Вас-сориқу вас-сориқату фактау айдийахума. Яъни ҳар марду заники, ўғирлик қиласа, қўлларини кесинглар. Зероки, мунофиқдур: ўз биродарларига нифоқ қилибдур. Сураи «Нур»да айтадур: Аз-зонияту ваз-зоний фажлиду кулла воҳидин минхума миата. Яъни зану мард зинокунандалара юз қамчи урунглар. Зероки, нифоқ ва фасод ишини қилибдур. Ва сураи «Бақара»да айтур: Ва акимус-солата ва атуз-закот. Яъни намоз ўқинглар ва закотни адо қилинглар. То аз ҳоли бечорагонки, биродари шумоянд, хабардор бўлунглар ва ғафлат қилманглар. Зероки, ғафлат бегоналиқдур. Бегона нифоқ бўлур. Вифоқ ила нифоқдин халос бўлурсизлар.

Сураи «Оли имрон»да айтадур: Ва липлаҳи алан-наси ҳажжулбайти ман истатоъя илайҳи сабила. Яъни ҳажга боринглар қодир бўлсаларингиз. Токи ўз биродарларингиз ила улфати муҳаббати тоза пайдо қилинглар. Ҳар йўлда иттифоқ, дўстликни ўртада тутунглар. Яна сураи «Оли имрон»да айтур: Фанажъал лаънат Аллоҳи алал-козибийн. Яъни қарор бердим Худони(нг) лаънатини ёлғончиларга.

Чунки ёлғончи нифоқни ошкор қилур. Сураи «Нисо»да айтур: Йа аййуха-н-насу-т-таку роббакуму-л-лазий ҳолақокум мин нафсин воҳидатин . Яъни, эй мардум, қўрқинглар Худойингизданки, сизларни бир ота ва бир онадан пайдо киддики, отангиз Одам ва онангиз Ҳаводур. Бас, ҳамаларингиз бир кишини(нг) фарзанди: ўғул-қиз, оға-ини. Бир-бировларингизга мухолафат қилманг. Иттифоқ — бир тил, бир жон, бир тан ва бир жихат бўлунглар. Бул тўғрида Саъдий айтур:

Бани Одам аъзои яқдигаранд,  
Ки дар оғариниш з-як гуҳаранд.  
Ки узви бадард оварад рўзгор,  
Дигар узвхоро намонад қарор .

Заволи мулка сабаб шўру шар эмаса надур,  
Тараққиёта адоват зарар эмаса надур.  
Бакои миллат эдар иттиҳоддан тавлид,  
Бу шабухи мулк ахли назар эмаса надур.

Иккинчи тарик будурки, шориъи ақбар ҳадислари «Сахиҳи Бухорий» жузъи сонийсида Ихоу-н-набийий бай-на-л-муҳожирийн ва-л-ансори ан-Саъд ан-жаддиҳи қола: «Ламма қадиму-л-Мадината ахо Расулуллоҳи саллоллоҳу алайҳи васаллам то охири ҳадис». Яъни расули Худо марон ҳунайиға ки, Мадинага қадам ташриф буюрдилар. Ансорки ахли Мадина, муҳожирки ахли Макқадурлар, ўрталарига биродарлик солуб, биродари зоҳирийни биродари ботиний арқони била бойладилар, маҳкам қилдилар, чунончи, ақди расул ботин эди, пайғамбарликки расули зоҳирдур, муайяд қилдилар. Бас, моли муллок, боғ ва нақдларини миёналарида тақсим қилдилар. Ҳаттоқи бир ансорни(нг) икки завжалари бўлса, бирини талоқ қилиб, дигарларига қабули никоҳладилар.

Ва дигар буки: Ядуллоҳи маъя жамоатиҳи, яъни Худони(нг) қўли жамоат иладур. Худованд мустабидларга иши йўқ вақтида сўрайдур. Худонинг иродасидан ташқари ҳеч иш анжом топмайдур, дерлар. Шориъи ақбар буюрадурлар ҳадисдаки: Инний бикум минний мажлисан ва аҳсанукум аҳлоқан алмуватгинуна акноған аллазийна йанифуна ва йунифун. Яъни мангга яқинроқ сизлардан жаннатда ул киши бўлурки, хушхулқур ва акноғ оламини сайр қилиб, мардумни улфат ва иттифоққа солур, нифоқ ва муҳолафатдин қайтарур. Ўзи ҳалққа улфат, вифоқ йўлини тутор, дерлар.

Яна бир ҳадисларидур: Алмуъминуна ҳаййинун ва лай-йинун. Яъни мўмин ул кишидурки, мулойим ва нармхислат бўлур. Мардумға вифоқ йўлин тутар.

Бешинчи ҳадиседа айтурларки: Улуфун маълуфун ва ла хойра фийман ла биулуфин. Яъни Худованди олам бу оламни ижтимоъ учун яратгандур. Ҳайр йўқ ул кишидаки, худрой ва мустабид бўлса, улфат бўлмаса ва улфат қилмаса.

Олтинчи ҳадисларидур: Алмуъмину лилмуъмини ка-л-бунйон йашудду баъзукум бибаъзин. Яъни мўминнинг мўминга нисбати бамисоли девор иморатидурки, баъзиси баъзисини маҳкам қилур. Маълумдурки, вифоқ беиттифоқ вукуъ ва қоим бўлмас.

Еттинчи ҳадисда айтурларки: Алмуслиму ахун муслими ман кана фи ҳожати ахийхи каналлоху фи ҳожатихи. Яъни мусулмон мусулмоннинг биродаридур. Мусулмон биродарини(нг) ҳожатини раво қилса, Худованди олам ани(нг) ҳожатига машғулдур. Агар ғамини зойил қилса, Худованд ани(нг) ғамини зойил қилур қиёматда. Ғами қиёматдин зиёда ғам йўқцур.

Саккизинчи ҳадисда айтурлар: Алмуъмину фи таводдихим ва тароҳихим мислу-л-жасад иза иштако минху узван тудроий лаху соиру-л-жасад. Яъни ҳосил буки, мўмин мисли аъзойи бадандурки, бир узви оғриса, бошқаси ҳам озор топар.

Бу муқаддималарни(нг) натижаси будурки, биз одамизотни Ҳақ жалла ва аъло бир ота ва бир онадин ҳалқ этиб, бизларни бир-бирилизга биродари сулбий қилди.

Асрлардан ҳар асрда бир пайғамбардин зиёда пайғамбар юбормади. Биродарлик шоху шуъбасини Холақокум мин нафсин воҳидатин занжирига маҳкам қилди. Ва иннамал-муъминуна ихватун мухаббат ва улфатлик учун шариати уззода бир масъулият тариқида мустаҳкам қилди ва аларга суннати сания берди. Бу сунъи ҳикмати сиришт ва суннати иззат кунҳида бизларга нукталари беинтиҳо ила далолат қилдики, ул нукталар лафз қолибига кирдики, бу хитоби мустатобга ружуъ қилиб деди: «Эй, одами ғофил, эй, муштигили жоҳил, билингларки, бегона эмассизлар бу дорулғанода ҳама бир ота ва бир онадансизлар ва бир султони одил ҳимоясинда яшамоқдасизлар. Лозимки, сизлар ўн биродар бир уйда истиқомат қилмоқда иттифок бўлмоқ, ҳар ўнларингиз маоши зиндакорликда бир-бирингиза ёрдами дастбори қилмоқлик ва салоҳи корларингизни ўртада бомашварати биродари бажо қилмоқлик».

Худо айтур: «Сизларга жон бердим. Жонларингизни танларингизга турам қилдим сизларга. Би-з-зурва тириклиқда хифзи ҳимоя қилдим. Гараз, субҳоним ила сизларга зарурият беҳисобдур. Оддингизда маскан ва либос, ҳўрак ва маош ва дафъи мавзийот ва рафъи ҳавориж, хифзи сиҳат ва дафъи мараз ва гайри залики, маош лавозимотидур». Худо ва набийни танимоқ ва амрларини қилмоқ, нахийиндан тўхтамоқ ва аҳкоми ўзарияларини ёд олмоқ ва тариқи маош илмларин ўрганмак вожиб ва лозимдур. Чунончи, биринчи вожиби айний, иккинчиси вожиби кифояст, тарки аввалий ҳасорати ухровий мишавад. Шунга ўхшаш тарки сонийси зиллат ва ҳалокат ва залолати дунёвийдан самара берур. Балки они ... ухровий ҳам келтуур. Ҳасирад-дунйа ва ахирота залика ҳува-л-хусрону-л-мубин

Бас, сизлардан бириңизга манки өзүншілдемен және ... маңымурман. Сизларға үз ичларингиздан халифа күлдім. Ани илми диний ва сиёсий тұғрисида мұмтоз қүлдім. Сизларни ислохи кори маошияларингизга олимда ато қүлдім. Бас, ҳама диний ишларингиз андан ёд олуб ва илми санойиъларни бақадри кафофи деңқоний, охандарий ва хайотат ва тижендер ва табобат ва гайруху ишлар талабида бүлуб, ёд олинглар. Ва ҳам шул дастурда амал қилинглар. Бу иштиғол ул-жунд биродар асабийликни ёддан чиқармандылар. Чунончи аъзоларингиздаги күз, кулоқ, күл, оёқларингиз ҳамаси бир-бираға хизмат ва ёрдам киладур. Сизлар ҳам бадан аъзосини бүлғанда ҳар бириңизга иттифоқ ва ёрий берингизлар. Қарангки, аъзойингизда маҳағи қозурот бүлған энг паст фахм қилған бир ерингизки қорун эди, муни агар бир киши ёрса, ҳәётингиз тамом бүлладур. Шунға үхшаган инсоннинг ҳар аъзо, ҳар фарди биридан жудо бүлса, әхтимол, ҳалок мұқаррардур. Бул тұғрида Саъдий рахматуллохи алайхи айтадур:

Тах батадриж мебарад ва че ғамаст,  
Гар бубандад чунонке нақшояд.  
Гар дил аз умр мікани нашояд,  
Дар қүшояд чунонки натовон баст,  
Қу бишү аз ҳаёти дунё даст .

Бас, сизлар бадан мулкида подшоҳ - акл маңкумидасиз. Ҳама тарафдан әхтиёжмандыларки, охандар, дурадгор, тужор, деңқоний, табиби, хусусан, ашёи жадидаларга әхтиёжингиз ҳамадин зиёда мұндадур. Будур инқилоб ила құшнilarингиз темірйұлда юрса, сиз пиёда юрсанғиз, нұқсонингіз маълум бүлуб, булат айшу нашотда бүлсалар, ғаму қулфатда бүлмогингиз Худованди олам неъмати илохиясига құл урмай, имтитің құлмогингиз үлур. Ҳолақо лакум ма фи-л-арзи жамиъан инъомидан маҳрумият бүлур. Ҳусули ҳаракат ила бүлурға Худованди олам марҳаматидан Ва аң лайса ли-л-инсанни илла ма саъа мазмунидан воқиғ бўлиб, амал даркор, ҳаракат даркор. Ўранмоқ керак, танбаллик ила мақсаддага эришилмаз. Ўранунг, ўранунг, ўранунг.

## УЧУНЧИ МЕЗОН

Бизни бу Туркистан, хусусан, Фарғона ҳалқимиз бир одати маъхудалари бордурки, ҳар бир ишларига тасаввуф, тариқат йүлларидан бирор жуз құшмоқ бўлиб, анга ҳужжатдек сўзларида

савоб сўзи сўзланадур. Амал ва ниятларида манфаат ва нафсоният муддаоларицур. Биринчи мезонда айтилди, жузъий масалага куллий жанжол ва мухосамат бўлур. Чунончи, ағниёларимизда юз сўм ақча факирларға йиллик 25 сўм фойдаға берур, байъ жоиз деб хийлаи шаръ ила. Факир ожиз бўлганда биддилар: амлок, ашёси йўқ - куядургон. Ани дарҳол ўз-ўзига закот қиласур. Керак эдики, қўлига нақд ақча бериб олмоқлари. Йўқ, закот килдим, дейдурлар. Иккинчи, яна фақирни чакириб, йигирма тийин газламаларини(нг) олти газини уч сўмға олдиқму деб амруллоҳға хийла қилурлар. Учинчиси, бонқдан олган ақча қанча фирусент бўлса бебайъ. Ани ҳалқға берилган беҳужжат ақчаларга бонк фирусентларини чочуб солиб оладурлар.

Тўртинчиси, пахта тижоратига ўранган кишиларда шариати исломияга муҳолиф уч катта гуноҳ муайяндур. Муни ҳеч тужжор уламодан сўрамайдур. Чунончи, биринчиси, тарозуда кам олмоқ. Ва иза калухум ав вазануҳум йухсирун дан вахмлари йўқ. Иккинчиси хиёнатдурки, сотқувчи ризосидан ташқори партав деган олумлари бор — пуддан бир қадоқ. Бу одат ўрнига кечубурлар ва нимасиз бечора мадйун мазлум турадур. Учинчиси, пахта беролмаган кишиига суммасига 55 тийин иштироф ҳисоб қиласурлар. Уламолар бўлса, бул хил ишлар хусусида амири билмаъруфдан ҳифз қилиб, дам урмаслар. Аксарлариға амири маъруф ўрни эрди, қилмадингиз, сизларни(нг) зиммаларингизга вожиб эди, деганда фитнага оид бўладур, дейдурлар. Машойихлар бўлса, ўз майшати жоҳ ва ҳашамлариға оввора бўлуб, жамъи молу мулкка бандурлар. Қуззоти аҳли исломларимиз бўлса, эҳтиёжи ҳалқуллоҳдан ва ҳукумат саволидан бўшамай, ҳалқға амири маъруф килмоқка вакълари йўқдур. Чунончи банда ўзум ўн йил ичинда хизмати шариатда бўлган вактларимда биддимки, амири маъруфга вакт топа олмадим. Алҳамдуллаҳки, қазодин форигбол бўлуб, анча-мунча хизмат этарга вакт бўлуб, уламо ва авомун-нос мажлисида, каломун-нос ала қадри уқулиҳим , билганимизча айтиб, зиммадин соқит бўлсамукин умидиндабиз. Эмди биз - аҳли ислом китобуллоҳ ва суннати расулуллоҳдан тажовуз этмай, тириклик қилмоқда бўлсак керак. Бинобарин, лозимки, шариат буюрмаган йўлдан юрган миллатни йўлга солмок. Авомун-носдан — мунинг йўлини сўрамок. Уламо айтмаса, авом сўрамаса, авоми аҳли ислом табиати хохиши бўлган йўлга кетадур, окибати қайга етадур.

## ТҮРТИНЧИ МЕЗОН

Анвалги вактларда раиси ислом бўлуб, бул хил ишларни тафтиш қилурлар эди. Алҳол ҳама баҳоли худ. Бул вактинда уламо ва фузалолардан ҳалқни тараққий ва таолийға қўшмок йўлини кўрсатмак энг катта хизмати миљияндур. Бу овонимиз овони илму касбу ҳунар замонидурки, асримиз даврида кўруб турубсиз, илму ҳунар арбоби қандоғ, ваҳший ва бадавий ҳалқ қандоғ. Муни мезонга қўйунг. Ҳосили мезон имтихон бўладур.

Анвалги асрларда авом ҳалқ мәҳмонларига чироғ ва шамъ ўйқ экан, куроқ куға ҳашак ёкуб қўнушар эдилар. Алҳол нима қиласурлар? Подшоҳлар бир-бирларига муҳораба очсалар, найза ва камон, фалаҳмон ва гурзи ила муқолаба қилур эрдилар. Алҳол нима ишлар? Асбоби рўзгорияларида бу ажаботи қасрияни жадидалар кўрунуб, ишлануб, ҳам чиқуб турубдур.

Мундин ўтгуз беш йиллар мукаддам мабодо бир маҳаллада ўт ўйқ бўлса, ўт ахтаруб иккинчи маҳаллага боруб, бир чўпни учига латталарни ўраб, ўт олуб келганда, маҳалладин раҳматлар олинур эди. Бизни(нг) Фарғонага ислом вактинда бир анвоъ шуҳрат байнаннос жорий бўлдики, ҳар ким бир-биридин эшишиб, таажжублар қилишдилар. Ул нима экан — янги самовар чиккон экан. Муни қўрмагон шул хил муболағалар қилдиларки, бу аломати киёматга ўхшар. На учунки, ажабо, ўтни ҳам соладур, сувни ҳам соладур, бир-бирига аралашмас. Янги қўрган кишиларга ани(нг) хожаси жўмрагидан сув тушурса, дуди чиқуб турубдур. Субҳоноллоҳ, бу қандай сеҳрдур, деб ҳама яқоларини сикиб, икки-уч фарсах йўллардан тамошоға келган эдилар. Гугурд янги келгонда кўб кишилар тамошоға борган. Ламфа янги келгонда банда бир адад еттинчи усталовой ламфа олган эдум, азбарои янги ва антиқа китоб қўрмакка деб ани қўб кишилар отини гуҳар шабчироғ деган шул эмиш, деб содда кишилар қўб таажжуబ қилдилар. Уларни(нг) таажжуби буки, шамдек ҳар бир соатда мунча мартаба учини кесмас экан ва шамдек оқуб кетмас экан, бирдек доимий ёнуб турар экан, деб истихсон қилганларида соддадил муллоларимиздан бунга қарши «Буни(нг) равшанида ўлтурууб бўлмайдур, ёғи ҳаром эмиш. Ишю насронийдур, алалхусус масжидга қўйуб бўлмайдур», деб неча-неча бўлмагағ, тубсиз хурофотларни чиқоруб бўлганлар. Мундин беш йил ўтди-ўтмади, ўшал муллолар ҳама шамъ ва чироғни тарк килиб, ўзлари олиб истеъмол этдилар.

Мана бу феъл ҳамаси соддалик, маданий эмасликдур. Худованди олам ҳажни фарз қилди. Машриқдан мағрибгача аҳли

ислом қодир бўлса, умринда бир марта бормоқ мақсад. Худованд бандаларни(нг) оқча сарф қилиб, сафар меҳнати ва мусофириот машаққатини кўргузмак бўлса, керак Ҳажжул байти ман истатоъя илайхи сабила дан ғараз фариқ аҳди исломни неча қабиласини кўруб, ихват муҳаббатини алар ила бойлаб, сафарда Худованди олам халқидан кўрмаган нимарсаларни кўруб, эътиқодини комил қилмоқ бўлса керак.

Маснуъоти илохий ибтидои оламдан интиҳоғача бўладургон ва чикадургон нимарсалар ҳамаси ояти Куръонияда мубайяндур. Чунончи, Фарғонадан бир вакт уламо мажлисида паҳаҳӯдларни(нг) оятда зикри борму ёки йўғму, деб муколама бўлганда, бир киши бир юз эллик сўм оқчани ҳар киши отидин — ҳужжат толиб берсун, берурман деганда, ҳама уламо ҳадяни чикорунг, дейдур. Дарҳол оқчани ўртага чикорганда, уламо олуб, кармонга солуб, бу оятни ўқугон экан: **Фил-фулкил-машхун** ва ҳолақна лаҳум мин мислиҳи ма яркабун . Уламолар ҳама ҳужжат шулдур, деб қабул қилгон экан. Мана Худованди олам бандасига дарёларда юрмакка мундоғ осонликларни инъом қилгон. Аммоки бизни(нг) уламолар ҳоли ҳам иншооти жадидаларга қийлу қоллари кўбдур. Майқулот, малбусот, мафрушотлардан кўрмаганлари бўлса, неча вакт таваққуф этарлар. Кўшни истеъмол қилгандан сўнг дарҳол тутарлар. Мана энди мезонда вазн қилинг: нимани? Илмни, бадавият ва маданият фикрларини. Ҳосили мезонни чиқарарсиз (мана эмди тарозуда тортуб, илм нима, бадавиятлик нима, фикр юргизиш орқали ҳосили мезонни чиқарарсиз).

Ҳазрати Одам саловатуллоҳу таъайиуш (тириклик)лари ва сакано (турар жой)лари. Ҳама таъриҳ ўкувчиларга маълумдурки, бинолари хусусида сайёҳлар ва ҳожилар айтмайдурларки, ҳазрат Одам иморатлари бетондан ёки тошдан ёки ёгочдан. Уч ошёна ёки бир қабатдан, хабар бермайдилар. Андин неча овон ўтуб, од, самудлар аслида бир маданият топгони Куръонда хабар берилибдур. Чунончи, Ирама зотил-имадиллатий лам йухлақ мислухо фил-билад .

Андин сўнгра Фиръавн подшоҳи жобир бўлуб, ширкда түғенидан саҳнаи фиръавниялар бино қилди. Андин асли саодати расулуллоҳга келиб, дини исломни(нг) интишорига кўб-кўб ишлар, жиҳодлар, амрлар бўлди. Аммоки имороти музаййана ва мушаддадаларга асли саодатда амр бўлгони маълум эмас. Мана алҳолда кўрунг: балвои ом гардиши даврон батодили овон ила халқда қандай бинолар ва қандай зийнатлар бўлиб турадур. Мана

буларга назари гирих (ёмон назар) ила бокмок қуруқ сүфийлар ишидурки, тамаддуң ва тарақкыйдан колдурмак ёки маданийликни хоҳламасликдандур. Бир катта иморат ва либосларга эмас, илмия йўлига ҳам шул хил янги рисолалар ёки қоида чикоруб, умматга хизмат этганларга бизни(нг) Туркистон уламолари кўпда назари раҳматлари йўқ.

Чунончи ўзум мушоҳада килдимки, бизни(нг) тарафларда усули савтия мактаби жорий бўлди. Бунга кўб уламолар қарши бўлуб, охири Марғинонда бир усули жадид муаллимни ила уламо мунокаша килгонда, бечора муаллим ман таълим киладургон илмларимни хузури қузотда, яъни сийазд мажлисинда имтиҳон этай, шаръий-ношаръийсини манго кўрсатсунлар, деб сийаздга шогирдлари илан келиб дедики: «Эй уламои аҳли ислом, эй кузоти зул-эхтиромлар, банда неча муддатдан буён авлодларингизни(нг) таълим ва адаби тарбиятидаман. Аммоқи баъзи кишилар манго яхши назар ила бокмай, балки иттиҳом йўлида сўз айтурлар. Бул ман ўқутадургон илмларимни сизларга хузурларингизда кўрсатай, агар дуруст, шаръий бўлса, манго бул илм дурустдур, деб ҳукм килиб қўлумга ҳужжат берингизлар. Агар ношаръий ёки авлодларингиз илмида бузук илмлар бўлса, мани манъ килинглар», деб ўқутадургон «Бадъ ул-маориф», «Аввали назофа» ва «Шифохия» дарсларини келтуруб, бийрон-бийрон шогирдларини саволу жавобга солуб турганда, уламолар ва қозилар кўз ёши чикиб, раҳматлар айтуб, бу усулда ўқутмак шаръий экан, деб ҳукм килдилар. Балки имдод килмокка вайда чикордилар. Мана ҳалкимизни(нг) ваҳшийлиги. Баъзилари «Усул деб динни айтур, усули жадид демак янги дин демак», деб ғалат мутолааларға киришуб, мақсадлари бу эски йўлда овқат қилиб турган муаллимларни(нг) ризки узилар эмиш, деган хаёлларга боруб, бунга қарши турсалар ҳам муни(нг) моҳиятин билганлар уларни(нг) қаршиликларига қарамай, ўкута бошладилар. Алҳамдулиллаҳ, ҳозирда ҳама шаҳарларда усули жадид мактаби жорий бўлиб, ҳама нағъини билиб, сартия, ўзбакиялар ҳамасидан муаллимлар кўпайуб, ҳар ерларда мактаб очуб турадур.

Усули жадид демак — янги қоида, янги тартиб демакдур десак, ҳама қабулга олмаган эдилар. Гардиши овон ва ҳоҳиши замон ила ўзи-ўзича жорий бўлиб кетти. Аввалги вақтдаги маҳалла мактабида банда ўзум неча йилда уч агад муаллимда ўқуб, охири саводим чикмай, кейин ўз уйимизда жорий қизлар мактабида, волидаи марҳумамда ўқуб, савод чикордим. Икки сана қиблагоҳимда

хұсніхат машқ әтдүм. Боқинг, маҳалла мактабида усули қадимда етти йил умрни зойій этуб, ўкув-ёзувни билғон әдүм. Мана эмди банда үзүм усули савтияни(нг) авлоди исломға ёрдамини күрүб, үз масжидимизға мактаб очдым. Бир санада күб ёшлар, хаттоқи катта ёшга кирган тужкорлардан ўкуб, хат-саводини чиқоруб, маъишат ва тижоратларида осонликлар мушоҳада қылдилар. Мана замонни(нг) мезони вазн бұлды. Алиййұл-Муртазо мақолаларида айттур: Иъламу авлодакум лизамони ғайро замоникум дерлар. Хар замон (нинг) үзига қараб, илму хұнар касби даркор.

## БЕШИНЧИ МЕЗОН

Бу мезон — халқимизни(нг) аввалидаги ҳаракатлари ила алхолги ишларини вазн құлтур. Чунончи, 1290 ҳижрийдан бүнгі ахволларин вазни. Умумий халқ ҳама аввалги ҳолда бекор ва тамбаллық әди. Эмди иш-иш деб югуруша бошладилар. Ахли хурафолар ҳамалари ахволи замонға қараб, тезроқ юрмокқа бошладилар. Маданият иси келиб турадур. Чунончи кишда ерларга уриниб, сурати ахволлари ҳам бұлак асбоби рүзгориялари маҳаллада аввалги вактларда қаро чойжүш катталарда бұлур әди. Алхолда ҳама уйида беш-үн ададдан чойнак, ламфа, самовар күрүлур. Маъишат ҳафтада бир мартаба палов, гурунж оши бұлур әди. Алхолда имконсиз ҳар күн палов қилинур. Бир маҳаллада иккі-үч кишида оти йүқ чүлөк ҳукмидадур.

Мундин бир аср аввал бир киши бир юз сүм қарзи бұлса, гүристонға қарз ила кетодур, дер әдилар. Мана эмди аднои мартаба бұлған кишини(нг) минг сүм қарзи бұлса, писанд эмас. Аввалғи ҳолда саксон-тұқсон йиллар амсок (сарф қылмай сақлаб) қилиб, ағниә қаторига бир шаҳарда бир ёки икki киши кирап әрди. Мана эмди беш йил тижорат қилиб, юз мингта қодирдурлар. Бу нимадан ва на сабабдур? Мана замон даврини(нг) феъли ва ҳаракатни(нг) асари, Оллох баракати. Илмияда ҳам шундօғ ўтuz йил ўкуб хатми күтуб қылған кишилар бор, ичинде үн йилда хатм қылғанлар ҳам бор — илми аввалгидан ортуқрок. Мана булар мезон эмасму? Замон тарозуси бундан иборатдур. Ҳосили қаломул-муддао вал-маром асrimiz илму хұнар, ҳаракат асридур. Турмоқ асри эмас. Ғофил тұрса, ғафлат үйқусидан турғунча, бозори олам ўтуб кетадур. Үранмоқ даркор. Фаътабиru յа ули-л-абсор1 (Эътибор қилинглар, эй өқиіллар).

## ОЛТИНЧИ МЕЗОН

Бу мезонда ахлимизни(нг) ортуқча, Худо ва пайғамбаримиз буюрмаган машаккат ва сарфларга дучор ўлиб, расму урфи ом бўлғони кўрсатиладур. Чунончи, бизнинг халқимиизда урф бўлган нимарса — ўлганга сарфи бехудаларни киладур. Ани(нг) отини хайрот дерлар. Ваҳоланки, саййиот бўлса керақдур. Бир киши ўладур, ани(нг) беш-ўн адад сагиралари бўлур, саканоси (турар жойи) бир ҳовлидур. Ани(нг) ярмини дарҳол сотар ёки бир бойдан дайн қилиб, ақча оладур-да, ани бир кунлик амри сақотий деб маҳалла ва шаҳардан киши чақириб, жаноза деб сарф килур. Бойларга бир сўм, ўрталарга 50 тийин, охири ўн тийиндан, имомларга тўн берадур. Бу ақчаларни қарз олган эди, яна жанозага келғанларни отини икки-уч ададини сўраб, ўлганга бағищладингму деб ғулурлар-да, ани(нг) ҳаммасини бир арқонга боғлаб, қарз олган ақчани боғлаб, имомларга топшуруб, давра деган бир хийла дерлар, фидя савму салоти мутавоффои мазкур ба шумо дафъ кардам, деб бир мискинга бериб, ул олиб: «қабул кардам ба шумо дафъ кардам» деб ўн икки ёшдан ўтган умрига ақча ва отларни(нг) баҳосини таккօс қилиб, неча умрга етса, ани исқоти салот ва савмиға фидя деб, сўнгра олган мискин ва дафъ қилған имомина ўшал ақчадан бирор нима бериб олуб, ани халққа улашурлар. Сўнгра жаноза ўқурлар. Исқотий имомлар мунда хозир бўлурлар. Маййитни(нг) бечора сагиралари «Вой отам,вой онам» бирла овора, ўшал куни беш юз сарф бўлса, бир йил ичинда яна беш юз сарф бўлур. Чунончи, уч кундан сўнг маъррака ишлари, катта сарф бўлур . Маҳалла ва гайри маҳалла хотунлари келиб, азо килодур.

Ҳар ким ўлганини айтуб йиғлар. Учинчи куни етти деган иш. Хотунларга мунда ҳам йиги-сиги, таважжухирлар келур. Мунда яна сарф. Панҷшанба куни келиб, шаби панҷшанба деган ош.....эмди ўликка...

... тўй ўтиб тамом бўлур. Авом ҳалки фалоний яхши тўй қилди, улок, пойга, тамошолик тўй бўлди, демаклари бас. Шуҳрат доми буларни(нг) ниятларики, мактаб, мадраса имдодига дор ул-айтом, дор ул-ожизин, мусофирихона деган сўз ҳеч кимда йўқ ва сўзламайдурлар. Нимагаки, ўзлари мусофириотни кўруб, ани(нг) биноси ҳалкуллоҳ фойдаси эканлиги буларга маълум эмас. Жаридаларда ўқуб, эшитганларга Амрико шаҳрида бир милийнер бой неча милийн акчасини жинни, девоналар фойдасига қўйган экан. Нимага мундай қилдингиз? деганда, ман жиннилардан кўб нафъ кўрган эдум, қай тариф турубман, деган экан. Булар ўз

акчаларини ўзига кайтаруб, миллат нафъига бир бино килмоклари дайнларини(нг) адоси эди. Йўқ, варасага қолдуурлар. Ҳалол-ҳаром ерларга сарф килур, хисоби маъхазасига ўзлари жавобгар бўладурлар. Қани идрок.

Ва ҳам жамъияти никоҳ тўйида булар қиласургон исрофлари бир кини ўғлини тааллук қилдурмоқ бўлганда фотиҳа тўй деган бир катта тўй бўладур. Мунда бор ажносидин бир кийимлик, яъни 8 газдан - ҳар жинсдан бир донадан солуб, миёналар тўрт кўй, бутун қанд, бутун дока, бунга ўхшащ нимарсалардан ҳар бирин бир лаганга солуб, кўчадан кўтартуб, кудасини(нг) уйига олиб борур. Аъёндан катталар, маҳалладан ҳам имоми маҳаллаға борурлар. Буларга ъала қадри хол тўн кийдуруб чикорур. Ҳоли булки, шул фотихага беш юз сарф бўлса, никоҳ тўй куни албатта икки минг сарф бўлур. Бу сарфларни(нг) ўғлига ва қизига бирон тийин нафъи йўқ, ўртадаги кишилар ейдур, ичадур, киядур. Лозим эди, ҳар иккиси сарфларни... янги рўзгор бўлмишларга хоҳ тижорат ва хоҳ бўлак ва амсок айтуб қўйсалар. Буларга вақтида дасттир ўлиб, икки тараф авлодларига қилган марҳамат ва шафқат бўлса керак эди. Беҳуда сарф мустадрак бўлиб, ҳеч ким фойдаланмади. Булар эрлар ичинда бўлган ишини айтдум. Хотунларни(нг) киз тўйига қилган меҳнатларини, овораликларини айтсам, мия қолмайдур. Сифсириға балоси қалмоқдан қолган одат. Мана бу балолар устимизда оғир бир юқдур. Буни кўтаруб, мақсадга етиш бисёр қийиндур. Худованди олам айтсанки, Йуридуллоҳу бикуму-л-йусро ва ла йуриду бику-му-л-усро деса, расууллоҳ ҳазратлари усроҳу йусроҳу десалар, биз ўзимизча нима қийин бўлса, ани қисак, қайдан муддаоға етамиз. Балки бу оғир юқ илан кетамиз. Мана мезоннинг тоши оғир тарафи мундай бўлур. Қўзимиз тарозу ва бурнимиз.....бўлиб қолдук.

Авомунносда жорий сарфи беҳуда ва молан, яъни сўз ва ишлар 1290 ҳижрийдан бўён одати жорий бўлди. Муни аввалги ҳолда мардуди шаҳодат ва гуноҳ қаторида ҳалқ назари гириҳ ила боқар эди. Алҳол урфу расм ўрнина кечди. Чунончи, ҳалқимизда чойхона деган исмни самовар деб юрутарлар - расм бўлди. Муни вазъи мусофири ва йўлчи кишиларга эди. Булар - умумий нос ҳама бунга мубталодурларки, ахлия ва олия кишилар аксар мунда таайиуш этмоқ одатларидурки, эрта намоздан чиққонда дарҳол чойхона дўконида ўлтуруб, кўк чойга мубталодурлар. Уйларида бўлса ҳам мундин ортуқ шайдо эмиси. Мунда бўлак гуноҳи кабиралар жорий бўладурки, ул фийбатдур. Ҳама мунга мубталодур. Уйланмаганлари

бұлса, уч ой қиши бекора кече киргандан сүнг тұқма ва гап деган сұхбат ва ижтимоълари бордурки, уч ой кечаси мунда бұлурлар. Иттифоқлик жихатина десак, жавоб чиқадур: иш йүк, гунох бұлғур деб оғизда айтурлар. Аммоқи мунга равшан бир сұхбат тафтиш қилғон йүк. Аммоқи биз сұхбатларда гандан гап чиқса, ғийбат бұлмаса, китоб, масъала ўқулса, албатта савоб бўлур. Аммоқи оиласилик кишиларга ўз уйида бекалари илан емакни буюрган. Унда ўйун ёки шикоятлар бўлур. Анда ижтимои саййиаъ бўлишида шубҳа йўк.

Эмди булар кишида бекор ош ошамай, китоб ва ёки масъала ўкущуб, ижтимо қылсалар, ҳасана бўлса керак эди. Ман ўзумча гапчиларга айтаман, сизлардан турмада ётган маҳбусларни(нг) илми дунёвий ва ухровийга ҳасана бўлса керак. Нима жазоки, маҳкум анда бекор ётмоқ эмас, балки тўғфи ёки шалвор банд тўкуб, санъат ўрганадурлар. Мана сизлар ҳам бир иш ишлаб, маъишатларингизга кераклик хунар қылсаларингиз эди, тўғри йўлда юрган бўлур эдингизлар. Ҳеч пайғамбар ва ҳеч авлиё бехунар эмас. Ҳамалари бир касбни килганлар. Сизлар бехунар турсаларингиз, муҳтожи нон бўлурсизлар, деб ўз аклларига мувоғик насиҳат бериладур. Самарасини кўрдук: бир неча одоти мажусийлар жорий эди, аксари йўқолди. Булар ҳам вақти илан йўқолур, иншооллоҳ.

Бу мезонни(нг) мақсади ҳалкни тафриқа ва иштибоҳдан чиқармоқдур. Чунончи, асбоби жадидалар зухури ҳар ишга осонлик ила тайёрламоқ тўғрисида бўлган мөшинлар янги кўрулғон бўлса, бу бизни(нг) Туркистон ва Фарғона ҳалки ҳоло ҳам таассуб қилурлар ва бидъат билурлар. Бул тўғрида сұхбати уламо ва авом мажлислар бўлса, савол тариқида сўрарлар, онларга ботинса жавоблар бериб, бидъатму, агар бидъат бўлса, гутурд ёқманг, керосинни тарқ қилинг, чой ичманг, қанд еманг — булар ҳам пайғамбар асрларида йўқ эди. Вахоланки, ҳамма кийиб турган либосларингиз ажнабийлар ишидур. Бу таассубларингиз ўзунгизни машаққатга солмоқдур десак ҳам табиатларида бир ижтиnob бўлуб турадур. Бул феъли аслий мӯғулия феълидурки, ажнабий таомидан ва либосидан, ашёсидан ижтиnobға буюрган мутаассибларидан қолган феълдур. Бу таассуб аксар ахли фатво сиқотларимиздан ҳам чиқиб турадур. Чунончи, вактида бир аълами мамлакат бўлган уламоларимизға эътиборлик кишини(нг) ҳовлиларида меҳмон эдук, баногохий бир ахли талабаларимиздан бирини(нг) қаламдонида бир подшохни(нг) расми бор экан. Жаноб мезбон аъламимиз кўруб: «Кимники бу?» — дедилар. Соҳиби «Бизники» деган ҳамон дарҳол:

«Махви даркор, кириңг» — дедилар. Қаламдон эгаси маҳв қилди ҳам савол қилдики: «Таксир, суратни сўрагон сүгрон ав кабирон ҳукми баробарму ёки меъёри борму?» - деган саволига жавоб бердиларки: «Ҳамасини ҳукми бир. Ҳоҳ заррача бўлсун, ҳоҳ кўхи Қофдек» — деб фатво бердилар. Аммо сойил айтмадики: «Сурат деб лугатда қандай нарсани айтар?» - деб. Расм ила суратни фарқини қилмай, мунча харжга қўйдилар. Банда ул мажлисда эдум. Сухбатда ўртада бир самовар бор эди, чойнак пиёла турган эди.

Банда айтдум: «Бўлмаса, мана самоварда тўарт адад сурат бор экан. Мана чойнақда ҳам бор, пиёлада ҳам. Мана торилкаларда, мана гугурдларда, мана кармонингиздаги ақчада ҳам» — десам, Ҳўқанддан келган меҳмон мударрис аъламни(нг) шериклари экан. «Эшони аълам, буларга бул фатвони(нг) ўрни эмас эрди, мана эмди уйингизни сурат ила тўла манбаи сурат килурлар» - деганда, ул киши маҳзумларини буюруб, эговламоқ, ҳамасини маҳв килмоққа амр қилдилар. Мана улами замонларимизни(нг) таассублари, расм ила суратни фарқ қилмай, бандаларни харжга солғанлар. Ваҳоланки, ассурату мужассаматуз-завату-зилли ва расмун ма ла зилун лаҳу луғатидан бехабар эканлар. (Сурат — жисмлик сояси тушадиган нарса, ҳайкал, расм — чизиб қилинган соясииз нарса.) Агар суратни эҳтиёти бир хунари қаттиқ бўлса эди, макруҳ демай, ҳаром дер эдилар. Сурат пайкар ва ҳайкалдур. Расм бўлса, нақш ва тарсим бўлур. Мана бул хил чакана йўлларни ўртага чикоруб, катта шоҳроҳлар коладур. Лозим эди муни(нг) ўрнига ҳалқка фарзи айн бўлган нимарсаларни эътиқодотлардан билдуруб, кабиралардан қайтармоқ эди. Муни матбуот воситаси қалам илан айтсақ, аксар бу уламоларимиз жаридотлар (газет-журналлар)ни ҳам бидъят ва ҳаром билиб, аҳли илмни ўқумоқдан, авомунносни эшиitmакдан манъ қилур. Бизни(нг) Фарғонада юздан бир киши бу янги рисола ва жаридаларға мұхабbatлиқ чикодур ва ҳам бизда, Фарғонада бу илми жарида ҳам йўқ. Аҳли ҳимматлар бўлса, ўз манфаатлариға овора. Чунончи «Мезон»ни(нг) мұқаддимасида айтилуб ўтди. Эмди қолди қалам ила айтуб, маҳали қабул ерларга юборуб, табъ этдурмакдан бўлак чора йўқ.

## ЕТТИНЧИ МЕЗОН

Замоннинг аҳлина хизмати: замон бир фаол, бир муаллим, бир воиздурки, аҳлина анвө синоатларни чикоруб, таълим қилур. Аҳли ҳам ўз оиласидек бираъси вал-айн қабул қилиб олурлар ва ани(нг) таълимида юрурлар. Мана ҳар овон ва ҳар замон ахлини(нг) ва

ишини(нг) афъолларини синиматагроф пардаси (кино экраны)дан күрунган янги газетадек хар замонда неча минглар маснуъоти жадида күрсатуб, ахолини(нг) аквол ва афъолини табдил килур. Чунончи, маснавий:

Кас че донадки, чархи буқаламун

Аз пеш буде че урд биран.

Мазмуни: Бу товланиб турувчи фалак ерда оркасидан нималарни чиқарищими киши билмайды.

Бу замонни(нг) бу равиши ва қилмишига ҳеч ким таассуб этмай ёки зиддиға иш юргузмоққа қодир эмас. Күб муктадир подшоҳ ва ҳүккомлар ҳам иложисиз замон маслагига кирган ва юрган. Бунга форсийлар айтурлар:

Замона бо ту насозад

Ту ба замона басоз.

Ва ҳам Алиййул Мургазо дерлар: Иъламу авлодакум лизамони гайри замоникум (Авлодларингизни келажак замон илми билан тарбияланг) деган сүзлар ҳаммаси бу замон ҳохиши ва овоннинг келишидан иборат бўлиб, ҳар қайси замонни(нг) келадурган тарафидаги, яъни атиййасини, илму хунари даркорлигини кўрсатадур.

Мундан бир кичкина мисол кўрулса бўлур. Чунончи, сўзда такрор қубх кўрунур. Бунга ўхшаган ўтгани(нг) сўзи ва ишини, тарихий жиҳати бор бўлса-да, бу замон ахлига мақбул қилиб бўлмас. Чунончи, йироқ сафарга тева бирлан боринг десангиз, поезд турганда (ёки қаникли деган қалмоқ чиқарган сардия аробасига избосчик турганда тақлиф килинса), албатта қабул қиласлар. Ёки гутурд ёкманг, чакмоқ чақинг деса, албатта, маъқул бўлмас. Ҳам бу замон ҳама нимарсани табдил қилиб турадур. Инсонларни(нг) феълатворини, расм ва ойинларини ва хўрак ва пўшакларини, кор-борларини, кирдорларини. Мана, чунончи, бизни(нг) халқлар, хусусан, уламо ва машойихларимиз янги чиққон нимарсадан ижтиnob ва парҳез қилур эрдилар. Ўзлари одат қилдилар. Мана фойтун ароба, мана калош, бўлак-бўлак нимарсалар бу мезонни(нг) бириинчи фаслида айтуб ўтган эдук. Булар ҳаммаси замонни(нг) буйруки илан. Ахлига замон бир ҳоким, иуфуз ул-аҳкомдурки, имконсиз фармойицидан чиқиб бўлмайдур. Замон даврасига банд юрадур. Ахлини(нг) атворини кўруб, ўз фарзанднинг афъолини билгандек, бу ахлини то вақти келмаса, бир ишга амр қилмайдур.

Овони келган вақтда жорий килур. Ғарбдан бошлаб маданиятга солуб келди, Шарқ тарафға боруб турадур. На учунки, ахли арздан күб инсон анда эмиш. Аларни(нг) эскидан ўз санойиъ ва қасби камолотлари бўлса ҳам, маданияти ҳозира йўқ учун, аларни маданияти қадимани ҳозирга коргар ўлмишлиги замонга маълум учун Шарқ ахлини Ғарб ахлидек ҳунар ва санойиълар ва интизомға соладур. Агарчанди қадимдан санойиъни нафисалар жорий, аммоқи низоми сиёсиядан орий ўлганлар замон фарзандини(нг) ноқобил мутаассиблари бўлғандан буларга кичик ўғлидан кейин маданият берди. Кичик ўғли кўб қобил, атоларини(нг) рафтторига қараб юрди. Аносига ҳам мақбул бўлди. Ахли оламга ҳам қабул бўлди. Кўб муқларга соҳиб бўлди. Ахли Шарқ ўз истилоҳларинча, аларни янги дунё деб от қўйдилар. Алхолда укаларига бўйинларин кисадурлар. Балки бўлаклар, яъни қўшнилари уларга муҳтождурлар. Замон равишига юрмаслик шунга ўхшарки, бир ховли ичинда бир отадан ўн фарзанд бўлиб, буларни(нг) баъзиси ота амрида ва баъзилари бўлак ерда юруб, оталарини(нг) сўзини олмай, нифоқ қилиб, иттифоқни кўлдан бериб, ер-сув амлокларидан бермай, оталари буларни ноқобил деб маҳруми мерос қилиб, бўлакларга ўтказгандек, бу замон шу отадуркни, бола аклига қарап ва акл ҳам ўргатар. Сўзга кирмаса, йўлдан юрмаса, ўз ҳолига ташлар-қўяр. Бул тўғрида эшон соҳиб муддавванларида ёзадурларки, фард:

Песарки, бадгуҳар уфтод  
Падар че кор кунад.

Бас, замон айтур: Мани хоҳлаган ишимни, кўрсатган илмимни билиб, бул ҳунарни қил, бўлак болаларим ичинда хор бўлма, - дер. Булар қабул килмаслар ва оталарини(нг) амрини билмаслар. Сўнгра замон бўлак ахларига таълим қиласадур. Булар қолурлар. Билмам, оталарини(нг) насиҳатларин қачон олурлар. Булар таълим олгунча аввалгилар муддаға етадур. Мана тасвир. Фикр қилса, замон ҳукми кўрунуб турадур. Ахли замон ўзлари ҳам бунга қойил. Чунончи, бир иш жорий бўлмагон бўлса, бир кишига шундаё қилинг десалар, жавобига айтурки: «Замона кўтармайдур»,— деб. Ўзлари ҳам бу замонни(нг) кўтармагон ишини билурлар. Бул тўғрида ўз таршихи табъимиздан шеъри миллияларни ўз ерида ёзиладур. Ҳар ишни ўз тўғрисидаги далиллари илан айтиладур, ёзилур иншооллоҳ....

Мана бу «Мезон уз-замон» андозаи шаръдин, мезони шаръдин ортуқча расму одат бўлғон нимарсаларни кўрсатуб турубдур.

Қалбидар, фаҳмида мезони бор зот тортуб билурлар ва амал қилурлар.

## САККИЗИНЧИ МЕЗОН

Бизни халқнің умумий ҳаммасида бир хейли зотий феъллари дур, ўз шаҳарларини(нг) либосидин бошқа мамлакат либосини кўрсалар, ичи билан ишлари йўқ, салласи бўлса, мажусийни ҳам мусулмон деб ушлаб, эътиқод килурлар. Аммоқи, телфак ёки шилафа, ё фас ё бўлак хил тўғфи кийган бўлса, ани Боязид ёки шул киши Баҳоуддин десангиз, албатта, нафрат қилурлар. Бир киши ҳажга боруб, анда турууб қолуб, мурури замони мусоғирот арабча қўйлак кийиб келган экан, ани(нг) ўғли нафрат қилиб, «Отамиз ҳаждан бузулуб келибдур», - деганлар. Бир вақтлар Наманғондан бир мўйсағид яхудий катта салла ўраб, мўйлабни олдуруб, катта тасбих ушлаб тоғда, қирғизда Бухородан янги келган катта шайх деб шуҳрат бўлуб, кўб оқчалар жамлаб турганда бир шинос киши таниб: «Эй, фалоний яхудий-ку», деб, ул яхудий: «Эй, садаға шум, айни ошкор қилма», - деб илтижо килиб қочган экан. Бизни(нг) халқни(нг) ихлоси либосга, одамга эмас. Шоирлар, бинобарин, айтганлар:

Жомаи қўҳна гар малак пўшад,  
Дар миёни жаҳониён хор аст.  
Чил атлас агар хари пўшад,  
Ассалому-алайкум бисёраст .

Бизни(нг) ихлосимиз арабларга. Ихлос қилиб, кўб нузурот олуб кетган арабларни кўруб, эмди кўб насроний араб ва қизилбошларни гадойликка ўргатуб қўйдилар. Андин ўтуб буларни(нг) соддалигини билиб, Кошғар, Хитой фуқаролари ҳам араб бўлуб келиб, булардан назр оладурлар. Туркистон саховати, муруввати кўб фирмани гадо қиласур. Либосга ишонадурлар. Агарда либосда динга хабар бўлса эди, икрорун бил-лисон ва тасдикун билқалб демай, ал-ийману қалансувату-л-араби ва жуббатуху-т-тижория дер здилар.

Ваҳоланки, араб либосдан ҳам бир ҳунар қилурлар. Ўзларини(нг) қалмокча икки катфида кичик пагончали кўйлаклар, яъни худ пайғамбар кийган қабо ва суман деган қўйлак шул фахм қилурлар. Ман Ҳиндустонда вақтимда бир саллалик ҳинд уч кун манғо хизмат қилди. Бир кун чой келтурди. Уч кун манғо ҳаммол бўлуб, нон емакка таклиф қилсан: «Мусулмон эмасман, ҳиндуман.

Сизни(нг) таомингиздан пархез киламан», - деди. Аммо бу бизни(нг) халқчи, ичи билан иши йүк. Тошини билурларида мажусий телфак, қалفوқлари одат. Хитойча ҳам одат. Аммоки Оврупо либосларидин эътирозлари катта. Чунончи кирғизиялар либослари мұғулча, бизни(нг) сартия күйлакларимиз ҳам эски хитойча күйлак эди. Бизга одат бўлган хитой либоси бизни(нг) зохирий мулланамо омиларимиз наздида ман тушаббиҳаҳу эмиш, ўзлари юз адад тушаббиҳаҳу феълан, қавлан, ақлан ва нақлан, жулусан, қоидан, малбусан ва мафруshan туруб, кўлиға полка ушлаганни ман тушаббиҳаҳуга қўшарлар. Тилимизни(нг) нисфи қалмоқча, одатимиз аксари қалмоқча, булар ман тушаббиҳаҳу эмас, аммоки шиблит ёки қўндара кийса, ташбихий бўлур экан. Мана муллолар оламни хароб килган. Қариялар мақолида борки, «Ёрти мулло дин бузар», — деганлари тўғридур.

Либос тўғрисида бизга тамассуки суннат бўлса керак. Суннат либос бўлса, араб бадавийлар либосидур. Пайғамбар алайҳиссалом қамислари икки хил экан. Бири қабоки, садри санияда чоки бор. Бири суманки, катф тагидан чоки бор. Ҳар иккиси ҳам бадавийларда расмдур. Бас, бу мамлакатларимизда суннат либослар йўқ амомадан бўлак. Эмди ҳар фирмани(нг) ўзига маҳсус албиса бўлиб, либоси миллиялари билиб, анго эътиқодлари бор эди. Бунга замон табодили халал қилиб, бу албисларни табдил қилди. Муни фикр қилса, мезон чиқар. Асли аввалда қандай, асли хозирда қандайдур? Муни(нг) ашколини кўз ила кўрсатмак лозим эмас, идрок кифоя. Бошимиздаги тўғфи беш хил табаддул бўлди. Тўнимиз уч хилга табдил бўлди. Оёқ кийими ҳам тўрт хил табдил бўлди. Замонага қараб бул ҳам бўлак рангда бўлиб туур. Бу табодил билдурмак максад эмас. Табодили замонга назари гириҳ ила бокуб, замон ила муҳорабадан тўхтамак керак. Йағъалуллоҳу ма йашаъ ва йахқуму ма йуридға амал қилиб, амруллоҳ ва суннати расулуллоҳда умр кечурмақдан иборат ва буюрган ишоратдур.

## ТЎҚҚИЗИНЧИ МЕЗОН

Бир аср илгари ўтган халқлар таъайиушларини кўрсатур. Чунончи, ул аср одамлари содда, соғдил, тўғри, хиёнату буғзу адоват, кизблар кам бўлуб ёки бўлса ҳам ошкор эмас экан. Бунга сабаб исломни(нг) янгилиги, маҳкам ушлаганлари ёки муҳтасиби ахли ислом ҳафта баҳафта таҳқиқ қилиб тургани сабаб бўлса керак. Алхолчи, бул хил одамлар мингдан бир, балки қалил, дар ҳукми адамдур. Ҳамада нифоқ, нафсоният, кизб, буғзу адоват, хиёнатдур.

Ул вактни(нг) либослари бошда қолин пахталик түффи, бўз қўйлак, кўлда тўкулган тўйлари. Шул бўзни кўк, карога мойил пахталик бир қабат оёғ кийими — ёрғоғдан қилган кафш-маҳси йўқ эди. Хўраклари бўлса, миллий буғдой оши — гўжа, қарилар — атала, гоҳи тарик оши, сут-қатикдан иборат эди. Мажлислари катта маъракаларда, чунончи тўйлар, хоҳ суннат тўй, хоҳ никоҳ бўлсун, дастурхон ўрнига миёналарга, яъни оммага хиёт замин-ерларга фахол-хошок солуб ўтқузуб, бир кун кўчада юруб, арбоблар чоқириб, мунодий айтуб, фалонийникига нонга ёки ошга деб, бир кун ош, бир кун нон таом эди. Ифторларда киши олдиға икки нон, бир косадан сув қўйуб, суюқ ош ила ифтор бўлур эди. Никоҳ тўйлар маҳаллага бир ош, зигир ёги илан тортуб, акд холос эди. Мана бир асрни(нг) мезони! Фарқ: иккинчи мезондаги шаън-шавкат, сарфи беҳудаларни ўқудингиз. Мана балво! Мана табодил! Мана мезон! Булар ҳаммаси маданиятдан намунаидур, ободликдан нишона. Оламни кўрмак кўб асрлар аҳволини билмакдан иборат бўлса, мана кўрдингиз бир асрни(нг) аҳволини! Ҳама аҳволдин ёзмак бўлсан, ҳар аср неча жилд бўлмаги муқаррардур...

\*\*\*\*\*

Ушбу кўлёзма тўракўргонлик Исҳөрхон тўра томонидан ёзилган. Аммо кайси йилда ёзилгани номаълумдур. Мен бу китобни 1950 йилда авторнинг ўз ҳовлисидан топиб олганман. Менинг фикримча, ушбу китоб октябрь революциясининг дастлабки йиллари (1918-1919) ёзилган бўлиши мумкин... Бу кўлёзма қанчалик аҳамиятга эга эканига уччалик актим етмаса ҳам ҳар ҳолда тарихимизни ўрганишда ёрдамлашар деган мулоҳаза билан сақлаганим бу кўлёzmани таҳлил қилиш ниятидурманким, бу менинг мусассарим бўлармикан?

Мазкур зотнинг яна битта қимматли (босма бўлса ҳам) китоби бордурким, у ҳам мендадур. Номи «Жомиъ ул-хутугт».

Жўра Зокирий – аҳсилик. Асл исмим Идрис.

1958 йил, Аҳси-Кироў

Ушбу асарни текшириш ва уни таҳлил килиб, бир вақтлар «халқ душмани» деб зълон этилган асарнинг эгасига тўғри баҳо бериб, бирон нарса ёзиш учун, биринчидан, ўзимнинг шахсий турмушимдаги шароит имкон бермади. Иккинчидан, авторнинг бошқа асарларини ҳам топиш, уларни ҳам ўқиб чиқиши, ундан сўнг ижобий натижага келишга харақат этиши керак эди. Бундай мақсаддага этиши учун, турлук сабаблар топилиб, эплай олмадим.

Ушбуни текшириб, бир нарса ёзиш лозим бўлган тақдирда мени ҳам эслатувчи одам топилар, деб умид килиб қолдим.

Жўра Зокирий (Имзо)

« So'nggi tahrir: 26 Mart 2014, 00:13:57 muallifi AbdulAziz ».

# МУНДАРИЖА

<b>Сўз боши. ИСҲОҚХОН ИБРАТ. (Алихон Халилбеков)</b> .....	3
<b>ИСҲОҚХОН ИБРАТГА МУНОСИБ БЎЛАЙЛИК. Наманган вилоят хокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси X. X. Бозоровнинг вилоят аҳлига МУРОЖААТИ</b> .....	7
<b>Ғуломжон Муродхўжаев. Хизр назар килган юрт</b> .....	12
<b>Абдусалом Умаров, Алишер Исокбоеv. Исҳоқхон Ибратнинг эзгу ишлари умрбокийдир</b> .....	14
<b>Лутфулло Маҳмуд. ИСҲОҚХОН ИБРАТ ЯРАТГАН БОФ</b> .....	17

## МАҚОЛАЛАР

<b>Расулбек Умматов. Ибрат изларидан</b> .....	80
<b>Мўминжон Сулаймонов. Исҳоқхон Ибратнинг тарихий асарлари</b> .....	102
<b>Икромжон Қўзиқулов. Исҳоқхон Ибрат асарларида ўлкамиз тарихи</b> .....	107
<b>Тоҳиржон Қозоков. Ибрат ва Фарғона жадидчилиги</b> .....	113
<b>Адҳамжон Мавлонов.»Матбааи Исҳоқия»</b> .....	116
<b>Комила Вохидова. Ибратнинг «Мезон уз-замон» асари</b> .....	119
<b>Шуҳрат Ризаев. Қўшсинч орасидаги хазина</b> .....	124
<b>Алижон Турдалиев. Ибрат сураткаш, хаттот ва сангтарош</b> ....	129
<b>Воҳидхон Қодиров. Исҳоқхон Ибратнинг маслакдоши</b> .....	134

## ХОТИРАЛАР

<b>Нўъмонжон Мехмонов. Хожа Аҳмад Яссавий авлодидан</b> .....	139
<b>Жамилахон Низомова ва бошқалар. Ҳақ жойига карор топган кунлар келди</b> ... .....	151
<b>ИСҲОҚХОН ИБРАТ АВЛОДЛАРИ ДАВРАСИДА.</b> .....	161
<b>ИСҲОҚХОН ТЎРА ИБРАТ ҲАҚИДАГИ РИВОЯТЛАР</b> .....	164

## ИСҲОҚХОН ИБРАТ АСАРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

<b>ҒАЗАЛЛАР</b> .....	178
<b>МЕЗОН УЗ-ЗАМОН. (Нашрга айёрловчилар ва изоҳ муаллифлари: Улуғбек Долимов, Нурбой Жабборов).</b> .....	205

## ИЛОВА РАСМЛАР .

<b>Ноёб суратлар</b> .....	230
<b>Исҳоқхон Ибратта багишланган мажмуа тасвирлари</b> .....	253

## ИЛОВА РАСМЛАР



Сайд Қуллибек мадрасаси. Наманган шаҳри.



Мулла Қирғиз мадрасаси. Наманган шаҳри.



Ишқон Ибрат қурдирған масжид.



Тұрақұрған шаҳри. Фойназар қози мадрасаси. 2016 йил.



**Катагон аталмиш қора қыргин ёши етмиш бешгә борган кекса,  
касалванд одамни, бутун умранин ўз халқини маърифат, таракқиёт сари  
етаклаган мунаvvар инсонни ҳам «халқ душмани» деб омон қўймади.**



**Исхокхон Ибратнинг ноёб сурати.  
Ушбу суратни олимнинг ўзи олган.**



Исҳоқхон Ибрат (иккинчи қатор чапдан учинчى) яқынлари даврасида. Биринчи қаторда чапдан иккىнчи бўлиб шоирнинг ўели Аббосхон ўтирибдилар.



Бу суратлар энди ноёб ва қимматли тарих бўлиб қолди...



Исхокхон Ибрат олган сурат




Ибрат оиласи. Қадимий фотосурат. Биринчи қаторда  
ўнгдан биринчи Порсудаҳонойим



Порсудаҳон ойим. Ибратнинг кизи.



Ибратнинг турмуш ўртоги Собирахон Исокова.



**Ибратнинг ўғли Ротибхон Исоков.**




**Ибратнинг кизи Апанахон Исакова турмуш ўртоғи  
Абдукаҳҳор билан.**



Ёш Апинахон. Исхақхон Ибрат олган сурат.



Аббосхонтұра Исхақхонтұраев (1879-1937).  
(НКВД архивидан олинганды сурат)



**Исхокхон тура Ибрат  
томонидан тузилган  
«Аждодлар шажараси».**

بىرىقلىرى سەر تۈرىنى عى



Исەوكхон тۇرا Ибрат  
томонидан тузىлган  
«Аждодлар шажараси».





**Исхокхон тұраннің чонон ва яктаги  
Тұракүрғон, Ибрат музейі.**



**Хилватхонадаги ушбу тошлавҳа Ибрат томонидан ёзилган  
(Наманган тумани Муллакудинг қишлоғи).**



**Бу тош ҳам Ибратнинг хаттотлиқ санъатини ўзида сақлаб қолгани  
билин қимматлидир (Ибрат музейи).**




Музейга құйилған хаттотлик намунасы.  
(Ибрат музейи).



Ибрат домла құли гүл хаттот хам эдилар.  
(Ибрат музейи).



**Мулла Йўлдош ўғли Хилватий. Ибрат олган сурат.  
Түракъүрғон «Ибрат ва қатағон қурбонлари хотира музейи»  
экспонати.**



**Шоир Нодим Наманганий Исхокхон Тўранинг дўсти ва  
даврадоши эдиллар. Мусаввир Б.Умаров. 2018 й.**



Ибрат домла фойдаланган фотоаппаратлар.




Ибрат домладан қолған музлатгич (Ибрат музей).



Ибраттинг тарозиси (Ибрат музей).



**Исхокхон Ибрат ҳаж ибодатидан олиб келган ноёб узук. У хозирда  
Ибрат авлодларида сақланади.**



11/04/2017 12:07

**Диккат қилиб қаралса узук қўзида  
«Кальба» деган ёзув қўринади**



**Муллақудингда Ибрат авлодлари хонадонида учрашув**



**Тўракўрғонлик Усмон қори Раҳмоновдан кўп хотиралар ёзиб олиниди.**



**Муллакудинглик 95 ёши Шаҳобиддин Зарипов. Бу улуг инсон  
Ибратни кўрган, унга хизмат килган.**



**Муллакудингдаги ҳилватхона Жунайдуллахон эшон томонидан  
бунёд этилган.**




**Наманган тумани Муллакудинг қишлоғидаги қабристонга  
Исхокхон тўранинг аждодлари ва авлодлари дағи этилган.  
Хусусан Ибратнинг келини Отахонова Хуринисо (1896-1961 й.)  
қабри хам шу ерда.**



**Гулбог. Ибратнинг Тўракўрғондаги боғи харитаси.  
(Тузувчи Найимхон Рашидхон ўғли).**



Рашидхон Аббосхон ўғли шажараси.  
(Тузувчи Найимхон Рашидхон ўғли, 2003 й.).



А.Турдалиев. Исхокхон тўра Ибрат хаёл оғушида. 2018 й.



Номаълум мусаввир томонидан ишланган ноёб тасвир.  
(Ибрат музейи).



Тўра Ашурев. Ибратнинг Тўракўргонга босмахона олиб келиши.  
1981 й. Вилоят тарихи ва маданияти Давлат музейида сакланади.



Тўра Ашурев. Ибратнинг Тўракўргонга босмахона ускунialarini  
олиб келиши. 2018 й. Тўракўргон «Ибрат ва катагон курбонлари хотира  
музейи» экспонати.

## ТҮРАҚҮРҒОНДАГИ ИСХОҚХОН ИБРАТГА БАҒИШЛАНГАН МАЖМУА



Исхоқхон Ибрат ва қатиғон қурбонлари хотира музейи.



Тарих ҳақида ўй кетганида мажмууда сукунат кечади.



**Улут юртдошимиз хотирасиға бағыншылаб ўрнатылған ҳайкал.  
Муаллиф Улутбек Усмонов.**



**Исҳокхон Ибратнинг бугунги издошлари.  
Хорижий тилларга ихтисослашган «Ибрат мактаби»  
ұкувчилари.**



Хиёбон.



Хиёбон



Мажмуанинг оқшомдаги кўриниши.



Ўйнаётган фаввора.

# ИСҲОҚХОН ИБРАТ ЯРАТГАН БОҒ

*Рисола, мақолалар, хотиралар.  
Ибрат асарларидан намуналар*

Муҳаррир:	Зоҳидахон Кенжаева
Тех. муҳаррир:	Абдувоҳид Аҳмедов
Дизайнер:	Жаҳонгир Абдувалихўжаев
Мусаҳҳих:	Алижон Турдиалиев

2018 йил 10 ноябрь теришга берилди. 2018 йилнинг 10 декабрь босишга рухсат этилди. Бичими 60x84. Ҳажми 16,25 босма табоқ. Нашриёт босма табориги -16. Офсет усулида 75 нусхада чоп этилди. № 2199 - сонли буюртма.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“Наманган” нашриёти, Наманган шаҳри,  
Навоий қўчаси 36-уй.

Нашриёт лицензия рақами АН – 156.  
2009 йил 14 августда берилган.

Китобнинг оригинал макети “Заковат” НУ МЧЖ матбаа бўлимида тайёрланиб, шу бўлим босмахонасида босилди.

Корхона манзили: Косонсой шаҳри,  
Чорбоғ қўчаси, 17-уй.



Мазкур китоб «Тамаддун-21» илмий-ижодий жамоат бирлашмаси томонидан нашрга тайёрланди. 2018 й.




**Мазкур китоб «Тамаддун-21» илмий-ижодий жамоат  
бирлашмаси томонидан нашрга тайёрланди. 2018 й.**



**Мазкур китоб «Тамадун-21» илмий-ижодий жамоат  
бирлашмаси томонидан напріа тайёрланды. 2018 й.**



**Мазкур китоб «Тамаддун-21» илмий-ижодий жамоат  
бирлашмаси томонидан нашрга тайёрландн. 2018 й.**



ISBN 978-967-3240-1-1

